

**С. ЖАЛИЛОВ**

**ФАРҒОНА  
ВОДИЙСИНИНГ  
СУҒОРИЛИШ  
ТАРИХИДАН**

**Telegram adress:**

**@turkiston\_kutubxonasi**

**•ФАН•**

Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи-дан. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1977. Адабиётлар 197 номда. 7 та расм. 168 бет.

Мазкур китобда Иттифоқ ва республика давлат архивларидаги ҳужжатлар, қўлёзма асарлар ва экспедициялар даврида тулланган этнографик материаллар асосида XIX асрдан то 1917 йилгача бўлган даврда Фарғона водийси районларининг суғорилиш тарихи ёритилади. Унда ўрганилаётган даврда амалга оширилган турли лойиҳалар ва қидирув партияларининг фаолиятлари, Фарғона ерларини ўзлаштириш мақсадида тузилган план ва лойиҳаларини қиёсий текширишга эътибор берилади. Рус инженер-техник интеллигенцияси прогрессив вакилларининг ўлкани ўрганишдаги илмий ва амалий ишларини кўрсатиш ва умумлаштириш масаласини ҳам муаллиф ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Китоб тарихчилар, сув ҳўжалиги ходимлари, шунингдек олий ўқув юр்தларининг талабаларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

ЎзФА академиги | Я. Ф. ФУЛОМОВ |

## Telegram adress:

# @turkiston\_kutubxonasi

## КИРИШ

Совет халқи деҳқончиликни интенсивлаштириш ҳамда янги-янги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш каби ғоят муҳим ва шарафли вазифани ҳал этишда тарихда мисли кўрилмаган ғалабаларни қўлга киритмоқда. КПСС Программасида алоҳида уқтириб ўтилганидек, бизнинг давримизда «қўриқ районларда миллион гектарлаб янги ерларни суғориш ва уларга сув чиқариш ҳамда мавжуд суғориладиган деҳқончиликни юксалтириш учун ирригация қурилишининг кенг программасини бажариш»<sup>1</sup> каби янги буюк вазифалар ҳал қилинмоғи лозим. Жонажон партиямизнинг съездлари ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари материалларида ирригация ва мелиорация ишлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришда муҳим омил эканлиги қайта-қайта кўрсатиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумида суғориш ва ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш масаласида масштаби жиҳатидан ғоятда катта ва узоққа мўлжалланган программа ишлаб чиқилди. Бу программа партиямиз аграр сиёсатининг КПСС XXV съезди белгилаб берган бундан буёнги йўналишининг ҳам таркибий қисми бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган ҳисобот докладиди таъкидлаганидек, ўнинчи беш йилликда ҳам «мелиорация ишлари ҳажми кенгайди,... Ўрта Осиё ва Қозоғистонда янги катта суғориш системалари барпо этилади»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида ўтган йиллар мобайнида республикамизда ирригация соҳасида қилинган ишларга яқин ясалди. Ўзбекистонда сув хўжалиги қурилишининг катта программаси амалга оширилди. 500 минг гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилиб экинзорларга, боғ-роғларга айлантирилди. Сувдан рационал фойдаланиш, дарёлар оқимини тартибга солиш учун қўллаб магистрал каналлар, катта-катта насос станциялари қурилиб ишга ту-

<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, Тошкент, 1962, 152-бет.

<sup>2</sup> Л. И. Брежнев. КПСС МҚнинг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиямизнинг навбатдаги вазифалари, Тошкент, 1976, 60-бет.

ширилди. Қадимий Фарғона водийсидаги асрий чўлларни узил-кесил ўзлаштириш учун кенг кўламда ишлар қилинди.

«Аммо қўриқ ерларнинг аҳамияти иқтисодий кўрсаткичлар билангина чекланмайди. Қўриқ ерлар инсонни камолотга етказиб, унинг характерини чиниқтирмоқда»<sup>3</sup>.

Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш Коммунистик партия, совет халқининг ажойиб ғалабаларидан бири бўлиб қолди. У — улуғ Ленин васиятининг амалга оширилишидир.

ҚПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қўриқ ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 20 йиллигига бағишлаб Олмаотада ўтказилган таитанали мажлисда сўзлашап нутқида шундай деган эди: «Социалистик Ватанимизнинг тарихини меҳнат аҳллари яратганлар ва яратмоқдалар. Бу тарихни... Қорақум каналини ўтказганлар, Ўзбекистондаги Мирзачўлни яшнаб турган воҳага айлантирганлар... яратдилар. Қаҳрамонона зафарларнинг шонли сафида қўриқни забт этганларнинг меҳнатдаги шижоати муносиб ўрин олади»<sup>4</sup>.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон халқларининг суғорма деҳқончилиги ва ирригацияни ривожлантириш учун олиб борган кураш тарихини илмий ўрганш ва умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Фанлар академияси гуманитар институтларининг бу борадаги қилаётган ишлари, «пахтачилик тарихи, ирригация тарихи бўйича умумлаштирувчи асарлар яратишга... интилаётганликларининг»<sup>5</sup> маъқул деб топилиши олимларимизнинг илмий изланишларига, шубҳасиз, берилган юксак баҳодир.

Ушбу китоб Фарғона водийси ерларини суғориш ва ўзлаштириш тарихига бағишланган илмий ишнинг дастлабки қисми бўлиб, XIX асрдан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бунда XIX аср I ярмида барпо этилган суғориш каналлари тарихини ўрганишга, шунингдек, чор маъмуриятининг ирригация соҳасидаги тадбирларининг моҳиятини ёритишга, айни вақтда, Фарғона водийси мисолида чоризмнинг Туркистонда ирригация соҳасидаги тугган сиёсатини таҳлил қилиш ва мустамлака даврда Фарғона сув ҳўжалигининг умумий аҳволини текширишга эътибор берилди. Шунингдек, ишда турли суғориш лойиҳаларининг пайдо бўлиши, уларнинг водийни илмий ўрганишдаги аҳамияти каби масалалар, ушбу лойиҳаларни тузишда иштирок этган илгор рус инженерларининг роли ва ўлканинг Россияга қўшилиши прогрессив оқибатларининг ирригация ҳўжалигидаги кўри-нишлари ҳам ёритилади.

Янги ерларни ўзлаштириш, суғориш каналларининг пайдо бўлиши, уларни ремонт қилиш ва тозалаш, шунингдек, сув тақсими ва

<sup>3</sup> Ш. Р. Рашидов. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Ўзкомпартия XIX съездида ҳисобот доклади. «Совет Ўзбекистони», 1976 йил 6 февраль.

<sup>4</sup> Л. И. Брежнев. Партия билан халқнинг буюк жасорати, Тошкент, 1974, 3-бет.

<sup>5</sup> Ш. Р. Рашидов. Идеология ишни янги вазифалар даражасига кўтарайлик, «Ўзбекистон коммунисти», 1970, 12-сон, 19-бет.

ундан тартибли фойдаланиш тарихи халқ оммасининг ижодий меҳнати тарихидир. Меҳнаткаш деҳқонлар оммаси турли қийинчиликлар, ижтимоий ва иқтисодий зулмларни енгиб канал кетидан канал, ариқ кетидан ариқ чиқардилар; муттасил равишда ерларни обод қилиб, моддий бойлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ошириб бордилар. Хошлар, чоризм ҳокимиятининг таъйиқларига қарамай, ўзларининг сунъий сугоришдаги, канал-ариқ чиқариш ва сув тақсимидаги асрий маҳоратларини тинмай ошириб бордилар. Уларнинг бу фидокорона меҳнати тарихи диққат билан ўрганишга арзишлукидир.

Кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, каналларнинг пайдо бўлиш тарихини ва турли хил сугориш лойиҳаларини тузишда қилинган ишларни ўрганиш яна шунинг учун муҳимки, ўтмишда бу ишлар кўп жиҳатдан халқ манфаатлари ҳисобга олинмасдан, фақат меҳнаткаш оммане эксплуатация қилиш учунгина амалга оширилганини яққол исбот қилиб беради ва феодал эксплуатацияси ҳамда чоризм мустамакчилик сиёсатининг ҳақиқий моҳиятини очиб ташлайди. Революциягача бўлган сугориш ишларини ўрганиш ва умумлаштириш Совет ҳокимияти йилларида ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида бу серунон водийда юз берган катта иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, ижодкор халқимиз яратаётган буюк ишоотларнинг тарихий аҳамиятини чуқур ҳис этмоқ учун ёрдам беради. Л. И. Брежнев ер ўзлаштириш борасида ўтмишда рўй берган қийинчиликларни эслаб, таққослашнинг муҳимлигига тўхталиб бундай деган эди: «Агар биз қийинчилик тўғрисида галирмасак, уларни камайтириб кўрсатсак, шу тарихда чулқуварлар жасоратининг аҳамиятини беихтиёр пасайтириб қўйган бўламиз»<sup>6</sup>.

Улуг Октябрь социалистик революциясидан сўнг озод совет халқининг Коммунистик партия етакчилигида Фарғона водийсида янги ерларни сугориш учун олиб борган қаҳрамонона кураши тарихини ёритиш навбатдаги вазифадир.

Китобда муаллиф олдинга қўйган вазифани ўрганишда территория жиҳатида Фарғона водийсининг шарқи-жанубий қисми билан чегараланди. Бунинг боиси шуки, бутун водийда сугориш учун яроқли бўлган ер ҳам, табиий сув ресурси ҳам, шунингдек, канал ва сугориш ишоотлари қуриш учун энг қулай табиий шароит ҳам водийнинг шарқий томонида бўлиб, чоризм даврида янги ерларни сугориш учун бўлган ҳаракат ҳам худди шу район атрофида борди.

Фарғона водийсининг ирригацияси тарихи Октябрь революциясигача ҳам, ундан кейин ҳам махсус ўрганилмаган. Революциядан олдин босилиб чиққан ишларда бизни қизиқтирадиган масалаларга доир айрим маълумотларгина учрайди, Бу соҳада, аввало, академик А. Ф. Миддендорфнинг Фарғона ҳақида кўп материалларни ўз ичига олувчи китобни диққатга сазовордир<sup>7</sup>. Автор чор ҳукумати-

<sup>6</sup> Л. И. Брежнев. Кўрсатилган китоб, 7-бет.

<sup>7</sup> А. Ф. Миддендорф. Очерки Ферганской долины, Спб., 1882.

ширилди. Қадимий Фарғона водийсидаги асрий чўлларни узил-кесил ўзлаштириш учун кенг кўламда ишлар қилинди.

«Аммо қўриқ ерларнинг аҳамияти иқтисодий кўрсаткичлар билангина чекланмайди. Қўриқ ерлар инсонни камолотга етказиб, унинг характериini чиниқтирмоқда»<sup>3</sup>.

Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш Коммунистик партия, совет халқининг ажойиб ғалабаларидан бири бўлиб қолди. У — улур Ленин васиятининг амалга оширилишидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қўриқ ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 20 йиллигига бағишлаб Олмаотада ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Социалистик Ватанимизнинг тарихини меҳнат аҳллари яратганлар ва яратмоқдалар. Бу тарихи... Қорақум каналини ўтказганлар, Ўзбекистондаги Мирзачўлни яшнаб турган воҳага айлантирганлар... яратдилар. Қаҳрамонона зафарларнинг шонли сафида қўриқни забт этганларнинг меҳнатдаги шижоати муносиб ўрин олади»<sup>4</sup>.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон халқларининг суғорма деҳқончилик ва ирригацияни ривожлантириш учун олиб борган кураш тарихини илмий ўрганиш ва умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Фанлар академияси гуманитар институтларининг бу борадаги қилаётган ишлари, «пахтачилик тарихи, ирригация тарихи бўйича умумлаштирувчи асарлар яратишга... интилаётганликларининг»<sup>5</sup> маъқул деб топилиши олимларимизнинг илмий изланишларига, шубҳасиз, берилган юксак баҳодир.

Ушбу китоб Фарғона водийси ерларини суғориш ва ўзлаштириш тарихига бағишланган илмий ишнинг дастлабки қисми бўлиб, XIX асрдан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бунда XIX аср I ярмида барпо этилган суғориш каналлари тарихини ўрганишга, шунингдек, чор маъмуриятининг ирригация соҳасидаги тадбирларининг моҳиятини ёритишга, аynи вақтда, Фарғона водийси мисолида чоризмнинг Туркистонда ирригация соҳасидаги тутган сиёсатини таҳлил қилиш ва мустамлака даврида Фарғона сув хўжалигининг умумий аҳволини текширишга эътибор берилди. Шунингдек, ишда турли суғориш лойиҳаларининг пайдо бўлиши, уларнинг водийни илмий ўрганишдаги аҳамияти каби масалалар, ушбу лойиҳаларни тузишда иштирок этган илғор рус инженерларининг роли ва ўлканинг Россияга қўшилиши прогрессив оқибатларининг ирригация хўжалигидаги кўринишлари ҳам ёритилади.

Янги ерларни ўзлаштириш, суғориш каналларининг пайдо бўлиши, уларни ремонт қилиш ва тозалаш, шунингдек, сув тақсими ва

<sup>3</sup> Ш. Р. Рашидов. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Экомпартия XIX съездинга ҳисобот доклади. «Совет Ўзбекистони», 1976 йил 6 февраль.

<sup>4</sup> Л. И. Брежнев. Партия билан халқнинг буюк жасорати, Тошкент, 1974, 3-бет.

<sup>5</sup> Ш. Р. Рашидов. Идеология ишнини янги вазифалар даражасига кўтарайлик, «Ўзбекистон коммунисти», 1970, 12-сон, 19-бет.

ундан тартибли фойдаланиш тарихи халқ оммасининг ижодий меҳнати тарихидир. Меҳнаткаш деҳқонлар оммаси турли қийинчиликлар, ижтимоий ва иқтисодий зулмларни енгиб канал кетидан канал, ариқ кетидан ариқ чиқардилар; муттасил равишда ерларни обод қилиб, моддий бойлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ошириб бордилар. Хонлар, чоризм ҳокимиятининг тазйиқларига қарамай, ўзларининг сунъий суғоришдаги, канал-ариқ чиқариш ва сув тақсимотидаги асрий маҳоратларини тинмай ошириб бордилар. Уларнинг бу фидокорона меҳнати тарихи диққат билан ўрганишга арзигуликдир.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, каналларнинг пайдо бўлиш тарихини ва турли хил суғориш лойиҳаларини тузишда қилинган ишларни ўрганиш яна шунинг учун муҳимки, ўтмишда фақат меҳнаткаш оммани эксплуатация қилиш учунгина амалга оширилганини яққол исбот қилиб беради ва феодал эксплуатацияси ҳамда чоризм мустамлакачилик сиёсатининг ҳақиқий моҳиятини очиб ташлайди. Революциягача бўлган суғориш ишларини ўрганиш ва умумлаштириш Совет ҳокимияти йилларида ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида бу серунум водийда юз берган катта иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, ижодкор халқимиз яратаётган буюк иншоотларнинг тарихий аҳамиятини чуқур ҳис этмоқ учун ёрдам беради. Л. И. Брежнев ер ўзлаштириш борасида ўтмишда рўй берган қийинчиликларни эслаб, таққослашнинг муҳимлигига тўхталиб бундай деган эди: «Агар биз қийинчилик тўғрисида гапирмасак, уларни камайтириб кўрсатсак, шу тарнқа чулқуварлар жасоратининг аҳамиятини беихтиёр пасайтириб қўйган бўламиз»<sup>6</sup>.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг озод совет халқининг Коммунистик партия етакчилигида Фарғона водийсида янги ерларни суғориш учун олиб борган қаҳрамонона кураши тарихини ёритиш навбатдаги вазифадир.

Китобда муаллиф олдига қўйган вазифани ўрганишда территория жиҳатидан Фарғона водийсининг шарқи-жанубий қисми билан чегараланди. Бунинг боиси шуки, бутуи водийда суғориш учун яроқли бўлган ер ҳам, табиий сув ресурси ҳам, шунингдек, канал ва суғориш иншоотлари қуриш учун энг қулай табиий шароит ҳам водийнинг шарқий томонида бўлиб, чоризм даврида янги ерларни суғориш учун бўлган ҳаракат ҳам худди шу район атрофида борди.

Фарғона водийсининг ирригацияси тарихи Октябрь революциясигача ҳам, ундан кейин ҳам махсус ўрганилмаган. Революциядан олдин босилиб чиққан ишларда бизни қизиқтирадиган масалаларга доир айрим маълумотларгина учрайди. Бу соҳада, аввало, академик А. Ф. Миддендорфнинг Фарғона ҳақида кўп материалларни ўз ичига олувчи китоби диққатга сазовордир<sup>7</sup>. Автор чор ҳукумати-

<sup>6</sup> Л. И. Брежнев. Кўрсатилган китоб, 7-бет.

<sup>7</sup> А. Ф. Миддендорф. Очерки Ферганской долины, Спб., 1882.

нинг ўлка ирригацияси соҳасидаги вазифалари ҳақида гапириб ўтади. Уша вақт матбуотининг эътироф қилиб ёзганидек<sup>8</sup>, А. Ф. Миддендорф асари маҳаллий деҳқончиликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши лозим эди. Гарчанд, А. Ф. Миддендорф фикрлари чоризм мустамлакачилик сиёсатининг манфаатларига қаратилган бўлса-да, лекин улар Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги ва ирригацияни илмий равишда ўрганишга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Илгор рус фани вакили А. И. Воейков 1884 йили нашр қилинган асарида<sup>9</sup> ўлка ирригациясини ривожлантириш учун, дарёларнинг табиий сув режимларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва ирригация ишларига раҳбарлик қилиш учун рус инженер кадрлари тайёрлаш масаласини кўтарди. Бу асар кўп жиҳатдан бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

XIX асрнинг сўнги йилларида ўлка ирригацияси ҳақида маҳаллий рус мутахассисларидан ҳуқуқшунос — инженер Н. Дингельштедт<sup>10</sup> ҳамда инженер Н. Петровларнинг<sup>11</sup> китоблари нашр қилинди. Авторлар Туркистон ерларини суғориш, янги иншоотлар қуриш ва маҳаллий ирригация системаларини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий халқнинг ирригация соҳасидаги тажрибасини ўрганиш масалаларини кўтаради.

XX аср бошларидан Фарғона ерларини ўзлаштириш масаласи кун тартибига қўйилиб, кенг кўламда текшириш-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларига эътибор кучаяди. Шу муносабат билан Туркистонда пахтачилик ва янги ерларни суғориш масаласига доир асарлар вужудга келади<sup>12</sup>. Булар орасида маҳаллий инженер, область ирригация мудири ва таниқли мутахассис К. Н. Сиявскийнинг асари диққатга сазовордир<sup>13</sup>. Бу асар, гарчи ҳажми кичик бўлса ҳам, Фарғонадаги ўзлаштириш мумкин бўлган бўз ерлар ва уларни суғориш йўллари ҳақида муҳим характеристика беради. Автор рус ирригаторлари ичида биринчи марта Норин сувини магистрал канал билан Қорадарё орқали олиб ўтиб Марказий Фарғона ерларини суғориш идеясини ўртага ташлайди.

1913 йилда Фарғона водийсини текшириш ва суғориш лойиҳалари тузиш ишига инженер-гидротехник проф. И. Г. Александров ҳам таклиф қилинган эди. И. Г. Александров революциядан илгириси рус инженерлари орасида биринчи марта Фарғона водийси-

<sup>8</sup> «Туркестанские ведомости», 1893, № 13.

<sup>9</sup> А. И. Воейков. Искусственное орошение и его применение на Кавказе и в Средней Азии, М., 1884.

<sup>10</sup> Н. Дингельштедт. Опыт изучения ирригации Туркестанского края, Сырдарьинская область, ч. I—II, Спб., 1893.

<sup>11</sup> Н. Петров. Об ирригации Туркестанского края, Ташкент, 1894.

<sup>12</sup> К. Н. Кашкин. Очерки Туркестанской ирригации и ее возможная будущность, Ташкент, 1906; А. И. Шахназаров. Сельское хозяйство в Туркестанском крае, Спб., 1908; М. И. Масальский. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предпринимчивость, Спб., 1910.

<sup>13</sup> К. Н. Сиявский. К вопросу об искусственном орошении свободных земель в Ферганской области, Новый Маргелан, 1910.



нинг ирригация системаларини ягона планга асосан комплекс тарзда қайта қуриш лойиҳасини ишлаб чиқади<sup>14</sup>. Бу йирик рус мутахассисининг асарлари Фарғонанинг революциядан илгариги қишлоқ хўжалиғи, деҳқончилик экинлари, суғориладиган ерлар, ирригация тармоқлари ва сув ресурслари ҳақида қимматли материалларга анча бойдир. И. Г. Александров ва К. Н. Сиявскийларнинг ишлари ва архив меросларидан Фарғона ирригацияси тарихини ўрганишда биринчи марта фойдаланилмоқда.

Академик В. В. Бартольднинг суғориш тарихига доир 1914 йили нашр қилинган монографияси<sup>15</sup> Шарқ қўлёзма манбалари асосида ёзилган биринчи асар бўлиб, унда, кириш қисмида айтилганидек, мавжуд суғориш системалари тарихининг очеркни яратиш мақсад қилиб қўйилган. Бу ерда В. В. Бартольднинг зўр олимлик мавқеи ва ҳурматини инкор қилмаганимиз ҳолда шуни назарга олиш лозимки, у ирригация тарихи билан махсус шугулланмаган. Асарда ушбу масалага доир араб ва форс-тожик манбаларидаги маълумотларга умумий обзор ва қимматли тарихий-географик очерк берилади.

Шу равишда, революциядан олдинги яратилган адабиётлар сони кўп бўлмаса-да, лекин уларда ирригация тарихига доир айрим муҳим маълумотлар мавжуд.

Умуман ирригация ва суғорма деҳқончилик тарихини ўрганиш Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўзининг ҳақиқий ифодасини топди. Бу соҳада, аввало, проф. Я. Ф. Фуломовнинг Амударё қуйи оқимида узоқ вақт давомида олиб борган текшириш ишлари муҳим ўрин тутади<sup>16</sup>. Асарда суғорма деҳқончилик маданиятининг энг қадимги ўчоқларидан бўлган Хоразм воҳасида ирригациянинг пайдо бўлиши, унинг тараққиёт даврлари, халқларнинг иқтисодий ҳаётида ўйнаган муҳим роли ва социал-иқтисодий шароитларнинг ўзгариши билан сунъий суғоришнинг ривожланиши ва тушқунликка учраши сабаблари асосли равишда илмий тадқиқ қилинади. Бу капитал асар, тақризчилар эътироф қилганидек<sup>17</sup>, «Ўрта Осиё халқлари моддий маданият тарихининг кўп масалаларини ҳал қилмоқ учун жуда катта аҳамиятга эгадир»<sup>18</sup>. Хоразм ирригациясини ўрганиш вақтида қўлга киритилган илмий метод ва тажриба Ўзбекистоннинг бошқа воҳаларида ҳам суғорма деҳқончилик тари-

<sup>14</sup> И. Г. Александровнинг текшириш материаллари революциядан сўнг нашр қилинди; И. Г. Александров. Регулирование стока р. Сырдарьи и перспективы орошения в ее бассейне, М., 1923; И. Г. Александров (в соавторстве с Загорской-Александровой). Перспективы развития орошения в Фергане, М., 1922; И. Г. Александров. Проект орошения Юговосточной Ферганы, М., 1924.

<sup>15</sup> В. В. Бартольд. К истории орошения Туркестана. Сочинения, т. III, М., «Наука», 1965, стр. 95—231.

<sup>16</sup> Я. Ф. Фуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи (Энг қадимги даврдан ҳозирги замонагача), ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1959.

<sup>17</sup> В. Андрианов, Я. Г. Гулямов. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней, «Советская этнография», 1959, № 5 стр. 181—183.

<sup>18</sup> Ўша ерда, 183-бет.

хиви ўрганишга катта ёрдам берди. Бунинг натижаси ўлароқ, кейинги йилларда яратилган кўплаб асарлар орасида А. Муҳаммаджоновнинг «Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи»<sup>19</sup> диққатга сазовордир. А. Муҳаммаджонов асари айрим деҳқончилик воқеа, водийлари ирригацияси тарихини яратиш учун турли манбалардан фойдаланишда, фактларни марксистик илмий методология нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилишда, ҳужжатлар орқали тарихий даврлар руҳини очиб бера билишда тадқиқотчига қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Историографик обзорни давом эттирадиган бўлсак, совет тарихчиларидан В. Я. Непомниннинг асарини<sup>20</sup>, Батраковнинг XIX аср I ярмида Фарғона водийсининг қишлоқ ҳужалигига бағишланган катта илмий мақоласини ҳам кўрсатиш мумкин<sup>21</sup>.

Улуғнор каналининг тарихига бағишланган И. П. Пулатов ва А. М. Мустафаевларнинг мақоласи<sup>22</sup>, профессор О. М. Аминовнинг ўлка Россияга қўшилганидан кейинги даврдаги иқтисодий тараққиётга бағишланган монографияси<sup>23</sup>, ниҳоят, А. М. Мамедовнинг 1965 ва 1967 йилларда нашр этилган асарларини ҳам кўрсатиш мумкин<sup>24</sup>. Аммо Фарғона водийсининг мустамлака давридаги ирригация ишлари тафсилотига иккала асарда ҳам жуда оз ўрин берилган.

Ушбу монография мавзуини ҳал этишда, мавжуд адабиётларни тўла ўрганган ҳолда, Москва, Ленинград, Тошкентдаги давлат архивлари ҳамда Фарғона водийсига уюштирилган экспедиция даврида тўпланган материаллар асос бўлди. Марксизм-ленинизм классикларининг, умуман Шарқ мамлакатлари ва халқлари ҳаёти, иқтисодий тараққиёти ҳақида ёзган қатор асарлари ва мақолалари ишни ёзишда илмий методологик ва назарий қурол бўлиб хизмат қилди.

В. И. Ленин «Россияда капитализмнинг тараққиёти» асарида тобора ривожланаётган рус капиталистик саноати учун чекка ўлкаларнинг, жумладан, Туркистоннинг ички бозор ва хом ашё базаси сифатида тутган ролини алоҳида таъкидлайди<sup>25</sup>. Туркистоннинг худди мана шу жиҳатдан тутган ўрни чоризмнинг XX аср бошларидан суғориш ишларини бошлаш, янги ерлар ўзлаштириш учун урinishларига сабаб бўлди. Худди ана шу мақсадда Фарғона

<sup>19</sup> А. Муҳаммаджонов. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1972.

<sup>20</sup> В. Я. Непомнин. К истории ирригации в Узбекистане, Ташкент, 1940.

<sup>21</sup> В. С. Батраков. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства, Труды САГУ им. В. И. Ленина, Новая серия, 62, кн. 8, История, Ташкент, 1955, стр. 113—140.

<sup>22</sup> И. П. Пулатов, А. М. Мустафаев. Из истории борьбы узбекского народа за воду, Ученые записки Андиджанского Госпединститута, вып. II, Андиджан, 1955, стр. 45—63.

<sup>23</sup> А. М. Аминов. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период), Ташкент, Госиздат УзССР, 1959, стр. 225—273.

<sup>24</sup> А. М. Мамедов. Русские ученые и развитие ирригации в Средней Азии, Ташкент, Изд-во «Ўзбекистан», 1965; Он же. Развитие ирригации в Узбекистане, Изд-во «Фан» УзССР, 1967.

<sup>25</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 3-том, 344-бет.

водийсида ҳам кенг масштабда қидирув-текшириш, лойиҳалаш ишлари бошланди. Натижада чоризм мустамлака сиёсатида кутилмаган, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўлкага илғор рус фани, прогрессив инженерлик тажрибаси кириб келди, бу ҳолат ўлканинг Россияга қўшилишининг прогрессив оқибатларидан бири бўлди. В. И. Лениннинг қатор асарларида чор Россияси даврида янги ер массивларини ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларнинг натижасиз тугаллангани сабаблари тушунтириб берилади. Жумладан, «1905—1907 йиллардаги биринчи рус революциясида социал-демократиянинг аграр программаси» асарида чўлларни обод қилиш, янги магистрал каналлар чиқаришнинг асосий шарти, энг аввало, уни ишловчи деҳқонни эксплуатациядан озод қилиш ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожига учун истиқбол йўлларини очиб беришдан иборат эканини ўқдириб ўтади<sup>26</sup>. Бу шартни фақат Улуғ Октябрь социялистик революцияси амалга оширди.

Монография кўпроқ архив манбаларига асосланган бўлиб, уларнинг талай қисмидан илмий ишда биринчи марта фойдаланилмоқда.

Экспедиция даврида Фарғона областининг собиқ ирригация мудири, таниқли инженер-ирригатор К. Н. Сиявский ҳовлисида унинг шахсий архиви топилди. К. Н. Сиявский революциядан илгари Фарғонага келган биринчи рус мутахассисларидан бўлиб, маҳаллий ирригация соҳасида ярим аср (1897—1948) умрини сарфлаган прогрессив рус инженери эди. К. Сиявский архивида унинг революцияга қадар ўтган фаолиятига доир кўпгина материаллар, чертёж-схемалар, турли лойиҳа тафсилотлари сақланган. Бу материаллар ҳозир Фарғона область давлат архивида сақланмоқда.

1913 йили тузилган Фарғона область қидирув-лоийҳалаш партиясининг биринчи бошлиғи инженер Н. Н. Епанчиннинг шахсий архиви ҳам яқиндагина топилди, Ленинград Марказий Давлат Архивида сақланмоқда<sup>27</sup>.

Босма манбалар орасида чор ҳукумати айрим чиновникларининг ўлка ҳақидаги доклад ва ҳисоботлари, турли ҳукумат комиссияларининг ҳисобот журналлари<sup>28</sup>, булардан ташқари, системали равишда тузилган обзорлар<sup>29</sup>, йиллик ҳисоботлар<sup>30</sup> ва даврий текшириш ҳисобот-материаллари<sup>31</sup>, Туркистон қишлоқ хўжалиғи ва

<sup>26</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 13-том, 275-бет.

<sup>27</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 937 (Личный архив Н. Н. Епанчина).

<sup>28</sup> «Журнал междуведомственной комиссии по выработке водного закона, Спб., 1914; Труды образованного по распоряжению Главноуправляющего землеустройством и земледелием междуведомственного совещания по организации оросительных работ в Туркестане за счет частных средств, Спб., 1912.

<sup>29</sup> Обзоры Ферганской области (1884—1913 гг.), Новый Маргелан (Ҳар йили алоҳида нашр қилинган).

<sup>30</sup> «Ежегодник Отдела земельных улучшений», Спб., 1910—1915 (Ҳар йилгиси алоҳида).

<sup>31</sup> Материалы по киргизскому землепользованию, Ферганская область, Анджанский уезд, Ташкент, 1913.

сув ҳўжалиги мутахассисларининг съезд, кенгашлари тўғрисидаги материаллар ҳам мавжуд<sup>32</sup>.

Улар Туркистоннинг турли областларида ишлаётган агрономлар, инженер-ирригаторларнинг ўлкада қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, янги ерлар ўзлаштириш ва бунинг учун янги магистрал каналлар чиқариш ҳамда мавжуд ирригация системаларининг суғориш ҳолатларини яхшилаш, умуман, сув ҳўжалигини янги талаб даражасида қайта қуриш ҳақидаги жуда кўп қимматли таклифларини ўз ичига олади. Мутахассислардан кўпчилигининг фикр ва таклифлари чоризм мустахлака снѳсатига нисбатан қарама-қарши кайфиятдадир. Шу жиҳатдан ҳам бу материаллар алоҳида аҳамият касб этади.

ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондидаги баъзи қўлёзма манбалардан ҳам китобда фойдаланилди. Аммо, бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Шарқ қўлёзма асарларининг авторлари халқларнинг иқтисодий ҳаѳти, қишлоқ ҳўжалиги, суғориш масалаларига деярли эътибор бермайдилар. К. Маркс умуман феодализм даври тарихчилари ҳақида улар «...тарихдан кишиларнинг табиатга бўлган муносабатларини чиқариб ташлайдилар, натижада табиат билан тарих ўртасида қарама-қаршилиқ пайдо бўлади, барча ҳақиқий воқеалар унутилиб юборилади»<sup>33</sup>, деб ѳзган эди. Бироқ, баъзи қўлёзмаларда қимматли хабарлар ҳам учрайди. Бу манбалар орасида «Туркистон вилояти» газетасининг муҳаррири Мулла Олимнинг «Тарихи Туркистон» китоби муҳим<sup>34</sup>. Мулла Олим Қўқон хонлигининг, айниқса XIX аср 40—50 йилларида феодал эксплуататорлар ўртасидаги сув-ер учун бўлган кураши ҳақида дурустгина маълумотлар беради.

Монографияда Фарғона водийсининг Октябрь революциясигача бўлган даврдаги ирригация тарихи биринчи марта ўрганилаѳтир. Муаллиф тема муҳиятига тааллуқли бўлган масалаларнинг барчаси бир хилда тегишли тартиб билан қамраб олинмаган ва айримларини илмий ѳритиш ниҳоясига етмаган бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, сув мутахассислари ва тарихчиларининг бу ҳақдаги таиқидий мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қилади.

Ўшбу асарни нашрга тайѳрлашда қимматли фикр ва мулоҳазалари билан кўмак берган ЎзССР ФА Археология институтининг суғориш тарихи сектори ходимлари, шунингдек, Андижон Давлат педагогика институти коллективи, тарих кафедраси аъзоларининг асарни юзага келтиришда кўрсатган дўстона ѳрдамларини муаллиф мамнуният билан қайд этади.

<sup>32</sup> Материалы II Среднеазиатского съезда и III съезда работников водного хозяйства, Ташкент, 1909. Труды съезда хлопководов в г. Ташкенте (с 25. XI по 1. XII. 1912 гг.). Доклады, ч. I, II, Ташкент, 1913. Труды съезда гидротехников Туркестанского края в 1907 г., Ташкент, 1910; Труды I и II съездов деятелей по сельскому хозяйству Туркестанского края (1909—1911), Ташкент, 1912.

<sup>33</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Сочинения, т. 3, стр. 38.

<sup>34</sup> ЎзФА Шарқшунослик инс-ти, нив. № 5751, Тошкент, 1915, Литография.

## Қисқартирилган сўзлар рўйхати

ВДИ — Вестник древней истории.

ГАИМК — Государственная Академия истории материальной культуры.

ИВГО — Известия Всесоюзного географического общества.

ИРГО — Императорское русское географическое общество.

КСИИМК — Краткие сообщения института истории материальной культуры.

КСИЭ — Краткое сообщение института этнографии.

РАО — Русское Археологическое общество.

РГО — Русское географическое общество.

ОЗУ — Отдел Земельных улучшений.

ТВОРАО — Труды Восточного отделения русского археологического общества.

СА — Советская Археология.

СЭ — Советская Этнография.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ XIX АСР УРТАЛАРИГАЧА  
УТГАН ДАВРДАГИ ИРРИГАЦИЯ ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА  
ОЧЕРК

1. Фарғона водийсининг географик шароити  
ва гидрографиясига характеристика

Дарҳақиқат, Фарғона водийси Урта Осиё территориясининг бошқа қисмларига қараганда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам анчагина табиий афзалликларга эга бўлган ўлкадир. Бу ерда иқлимнинг мўътадил, оқин сувнинг сероб, таркиби жиҳатидан энг яхши, серҳосил тупроқнинг мавжудлиги жуда қадимдан бошлаб суғорма деҳқончилик хўжалигининг муттасил ривожланишини таъминлаган. Заҳриддин Муҳаммад Бобир ўз она ватапининг табиатини завқ билан тасвирлайди: «Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг қанорасида воқеъ бўлубтур... мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон»<sup>1</sup>.

«Фарғонанинг қадимий шуҳрати шунга асосланадикки, унинг барча табиий шароити серунум қишлоқ хўжалигига қулайлик туғдирган. Бу шуҳрат Самарқанднинг фахрли донғи билан қўшилиб кетган»<sup>2</sup> деган эди Фарғона водийсини текширган олим, академик А. Миддендорф. Шунингдек, бошқа рус олимлари ҳам уни, табиати жиҳатидан, кўпинча, «бахтли Фарғона» деб ёзганлар<sup>3</sup>.

Фарғона водийси худди Мирзачўлнинг тоғ орасига кириб кетган қўлтиғига ўхшайди. У шимол томондан Қурама ва Чотқол тизмаси билан, шарқдан Фарғона тоғлари тизмаси, жанубдан эса Олой тоғи ва унинг ғарбдаги давоми бўлган Туркистон тизмаси билан ўралиб туради. Бу тоғлар водий маркази сатҳидан 3000—4000 м баланддир.

Фақат ғарбда «Хўжаид дарвозаси» деб аталган 8—10 км кенликда йўлак тоғ ўрамини ёриб, водийни Мирзачўл билан туташтиради. Водийнинг тоғ орасига жойлашганлиги иқлимнинг очиқдаги районларга қараганда анча юмшоқ-мўътадиллигини таъминлайди ва деҳқончилик учун қулайлаштиради. Унинг майдони 22,2 минг км<sup>2</sup>. Ўзбекистон составига кирган қисми эса 17 минг км<sup>3</sup> ни ташкил қилади<sup>4</sup>. Бу — Қримдан катта, Албания билан Белгия территориясига

<sup>1</sup> Бобирнома. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1960, 59—60-бетлар.

<sup>2</sup> А. Миддендорф. Очерки Ферганской долины, Спб., 1882, стр. 12.

<sup>3</sup> И. В. Мушкетов. Туркестан, Спб., 1886, стр. 471.

<sup>4</sup> Узбекская ССР. Экономико-географическая характеристика. М., 1956, стр. 286.

таҳминан 120 км. Ҳудуднинг водоемининг шаклга эга бўлган Фарғона водийси ғарбдан шарққа (узунига) 480 км гача, шимолдан жанубга (энига) 80 дан 120 км гача чўзилган. Уни ўраб турган тоғ тизмаларининг водий ҳаётига таъсири катта. Улардан бошланувчи каттакич дарё ва сойларнинг сувга сероблиги ва ўзи билан олиб келган оқизинди жинслар тупроқ унумдорлигини оширади.

Фарғона водийси текислик қисмининг сатҳини Сирдарё иккига бўлиб туради. Унинг ўнг томони кичикроқ бўлиб, шимолда Чотқол-Қурама тоғ тизмаси остоналарига бориб туташади. Чап қисми эса каттароқ, жанубда Олой — Туркистон тизмаларининг адирлари гача етиб боради. Шарқи-жанубий томонида шарқдан ғарбга қараб чўзилган узун адирлар ястаниб ётади. Жанубдан оқиб тушаётган дарёлар уни қирқиб ўтади. Бутун водийнинг текислик қисми шарқдан ғарбга томон аста-секин пасайиб боради. Водийнинг шимолий ва жанубий томонлари ҳам марказий қисмига нисбатан анча баланд. Шу сабабли атроф тоғлардан тушадиган барча майда дарёлар марказга томон оқади.

Тупроқшуносларнинг текшириши шуни кўрсатадики, Фарғонанинг тупроқ состави ҳам турличадир. Тоғ ён бағирлари зонасининг тупроғи баланд тоғлардаги жинсларнинг емирилишидан вужудга келган ётқизиклардан иборат. Бундан ташқари, ювилган ва асосий қисми шағал ва тупроқли қум тошлар ҳам учрайди. Тоғ этакларини кесиб ўтувчи майда дарё водийлари бўз тупроқдан ташкил топган, Фарғона водийсининг текислик қисмини ўраб турувчи адирлар зонаси қумтош ва саз тупроқлардан тузилган. Фақат шарқ томондаги адирлар тупроғи саз тупроқнинг устки бетида жойлашган аллювиал қатламдан иборатдир. Аҳоли бу ерлардан қадимдан бошлаб баҳорикор деҳқончилик учун файдаланиб келган.

Норин дарёсининг ўнг томони ва водийнинг, умуман, шимоли-шарқ томонларида саз тупроқ учрайди. Адирлар орасида айрим текисликлар жойлашган бўлиб, улар ҳосилдор тупроқлар билан қопланган ва шунинг учун деҳқончилик ривожланган муҳим воҳалари ташкил қилади.

Фарғона водийсининг қоқ ўртаси илгари тарихий ва географик адабиётларда, шунингдек, эски хариталарда «Қора қалпоқ чўли» деб аталиб келинган. Ушбу район ҳозирги Марказий Фарғонани ташкил қилиб, шимолда Сирдарё, жанубда Катта Фарғона канали, ғарбдан Қўқон ва шарқдан Андижон воҳалари билан чегараланади. Территорияси ғарбдан шарққа томон 90 км, шимолдан жанубга 50 км гача чўзилган<sup>5</sup>. Бу район водийнинг энг паст қисмидир. Геологларнинг текширишича, учламчи даврда бу ерда денгиз қурий бошлаб, тўртламчи даврда атрофда тоғлар кўтарилган, пастлик қисми эса чўка бошлаган. Водийнинг жануб томон тоғларидан оқиб тушган Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам дарёлари ва кўплаб сойлар кучли сув оқими ташкил қилиб, марказга оққан ва Сирдарёга

<sup>5</sup> М. Қориев. Ўзбекистон ССР географияси, Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1965, 136-бет.

қўшилган. Сув оқимлари тоғлардан нураган жинсларни оқизиб текисликка ётқизган ва Марказий Фарғона рельефини текислаб юборган. Шунинг учун унинг ландшафти (ер усти) шағал, қумлоқ, лой, шўртупроқ қатламларидан иборатдир. Ер ости суви ҳам жуда юза жойлашган. Ўрта қисмида аҳён-аҳёнда кичик кучма барханлар ҳам учрайди. Усимлиги ҳам қум шўрхок ва тўқай усимликларидан иборатдир. Марказий Фарғона атрофидаги бўз тупроқли ерларда азалдан деҳқончилик қилиб келинади.

Марказий Фарғонанинг бошқа чўллардан фарқи шуки, аксари чўлларда сув бўлмайти, бу ерда эса нормал оқимга эга бўлмай, чулни зах, шўр-ботқоқлаштириб юборган ортиқча сув бор. Шунинг учун 400 минг гектарча майдонни ташкил қилган бу район ер ости шўр сувни қочириш йўли билан ўзлаштирилмоқда. Илгари чўл атрофидаги айрим кичик ер участкалар плансиз, якка тартибда ўзлаштириб суғориб келинган бўлса, Совет ҳокимияти йиллари, аynиқса, кейинги 30 йил ичида илмий ва планли равишда йирик коллектор-зовурлар қовлаш йўли билан зах сувлар қочирилиб, 250 минг гектаргача ер қишлоқ хўжалик оборотига қўшилди<sup>6</sup>.

Фарғона водийси сув манбалари ва сув баланси жиҳатидан ҳам хилма-хилдир. Умуман ҳар бир дарёнинг тўйиниш манбаи дарё оқимининг пайдо бўлиш процессига катта таъсир кўрсатади. Совет гидролог олимлари, жумладан В. Л. Шульцнинг текширишича, Ўрта Осиё дарёлари асосан тоғлардаги мангу ва мавсумий қорларнинг эриши ҳисобига тўйинадиган дарёлар жумласига киради, бунда музликлар ҳиссаси оз миқдордадир. Майда тоғ сойларининг тўйинишида эса ёмғир ва сел сувлари муҳим ўрин эгаллайди.

Таниқли гидролог олим В. Л. Шульц таклиф қилган шартли классификация бўйича ўлкамиз дарёларини тўйиниш характерига қараб тўрт типга бўлиш мумкин<sup>7</sup>.

1. Музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
2. Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар;
3. Қор сувларидан тўйинадиган дарёлар;
4. Қор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар.

Биринчи типдаги дарёларнинг тўйинишида баланд тоғлардаги музлик ва мангу қорларнинг эришидан ҳосил бўлган сув оқими асосий ўрин тутади. Бу типга Фарғона водийсида Нориннинг юқори қисми, Олой ва Туркистон тизмасидан оқиб тушадиган Оқбўра, Аравон, Исфайрам, Шоҳимардон, Сух ва Исфара дарёлари кириб, уларнинг сув йиғилиш майдонлари энг баланддадир (4700—6000 м). Ушбу дарёлар тоғ тизмасининг қуёш нури йўналишига нисбатан тескари жойлашган шимолий ёнбағридан оқиб тушгани сабабли уларда асосий сув ёз ойларида, яъни музлик ва мангу қорларнинг авжи эриган пайтида кўпаяди, баҳорда эса сув оз оқади, натижада ушбу дарёларга боғлиқ суғориш системаларида сув етишмайди.

<sup>6</sup> Советский Узбекистан, М., «Мысль», 1967, стр. 161.

<sup>7</sup> В. Л. Шульц ва Р. М. Машрапов. Ўрта Осиё гидрографияси, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1969, 27-бет.



Иккинчи типдаги дарёларга Қорадарё ва унинг ирмоқларидан Қуршоб, Қорағулжа, Тар, шунингдек Нориннинг пастки қисми киради. Улар (Нориндан ташқари) Фарғона тоғ тизмасининг гарби-жанубий ёнбағирларидан сув тўплайди. Асосий сув ҳавзалари унча баланд эмас (2500—4000 м). Ушбу дарёларнинг тўйин сув даври асосан май-июнь ойларига тўғри келади\*. Учинчи типдаги дарёларнинг сув йиғилиш майдонлари анча пастда бўлиб, унга Қорадарё ирмоқларидан Ясси, Кугарт, Қораунгур, Мойлисой, Чотқол тоғларидан оқиб тушадиган Подшо ота, Косонсой, Говасой каби дарёлар киради, улар қисман мангу қорлик, асосан, мавсумий қорлардан тўйинади. Ииллик сув оқимининг энг кўп қисми март-май ойларига тўғри келади. Баҳор ёмғирларининг ҳам қисман таъсири бўлиб, сув оқими у йилдан бу йилга ўзгариб туради. Тўртинчи типдаги дарёларни асосан Қурама-Чотқол тоғларидан ва Жанубий Фарғонадаги тоғ олди адирларидан оқиб тушадиган муваққат сойлар ташкил қилиб, уларнинг тўйинишида мавсумий қор ва сел-ёмғир сувлари асосий роль ўйнайди. Бундай сойларнинг сув тўплаш майдонлари кичик (200 км<sup>2</sup> гача) ва паст (1500 м гача) бўлиб, сувининг 80—100 проценти ёзнинг биринчи ярмидаёқ оқиб ўтади\*\*. Ёмғир ва сел сувлари баъзан зарарли оқибатларга ҳам олиб келади.

Фарғона водийси дарёларининг юқорида баён қилинган тўйиниш манбаларига кўра бир-биридан фарқи шуки, агарда биринчи ва иккинчи типдаги дарёларда энг кўп сув музлик ва мангу қорликлар эриган ёз ойларига тўғри келиб, баҳорда оз сув оқса, учинчи ва тўртинчи типга мансуб дарёларда эса энг кўп сув дастлаб қор эриган ва сел — ёмғирлар ёққан баҳор мавсумига тўғри келиб ёзда сув камаяди. Бу табиий ҳолат водийнинг ирригация хўжалигига азалдан жиддий таъсир кўрсатиб келади.

Норин ва Қорадарё қўшилиб Фарғона водийсида Сирдарё ташкил топади. Норин Марказий Тяньшань тоғларидан тушадиган бирнеча ирмоқлардан бошланади. Майда ирмоқлардан Катта Норин ва Кичик Норин ташкил толиб, икковига пастроқда Жирғатол, Куйжарти, Отбош, Олабуқа, Сусамир каби дарёчалар қўшилади. Ниҳоят, Норин Кетмонтепа водийси орқали Учқўрғонда тоғ оралиғидан чиқади. Нориннинг сув ҳавзаси 59110 км<sup>2</sup> га тенгдир<sup>8</sup>. Норин дарёси Тяньшаннинг узоқ ва баланд нуқталаридан оқиб тушгани сабабли унинг оқим тезлиги ҳам анча кучлидир. Шунинг учун водийга жуда кўп тоғ жинслари — майда тош, шағал, қум, ҳатто баҳайбат харсанг тошларни ҳам оқизиб келтиради.

Учқўрғондан пастда Норин қум ва тошли қирғоқлар бўйлаб анча кенг ўзанда бир неча майда шохобчаларга бўлиниб оқади.

\* Қаранг: В. Л. Шульц. Реки Средней Азии, Л., Гидрометеоназдат, 1965, стр. 494, 528—531. Шунингдек: Ферганская долина, т. 1, Ташкент, АН УЗССР, 1954, стр. 146—148.

\*\* В. Л. Шульц. Кўрсатилган асар, 31-бет.

<sup>8</sup> В. Л. Шульц, Р. Машрапов. Ўрта Осиё гидрографияси, Тошкент, 1969, 162-бет.

Улар дарёда сув кўп бўлган пайтларда ўз оқимларини ўзгартиради. Натижада қирғоқларни, айниқса, ўнг қирғоқдаги ерларни тез-тез ювиб туради.

Норин дарёси водий бўйлаб 40 км ча ғарбга томон оқиб Мингбулоқ қишлоғи ёнида шарқи-жануб томондан келган Қорадарё билан қўшилгандан сўнг Сирдарё номини олади. Сирдарё ғарбга йўналган сари унинг ўзани чуқурлашиб боради. Турақурғон ва Чустнинг жануб томонларида Сирдарё водийси бўйлаб жойлашган Қоракўл, Қирғизқурғон, Ахси, Шаҳанд каби қишлоқлар атрофида дарёнинг ўнг қирғоғи 15—30 м гача баланд бўлган соз тупроқ қатламли, унинг остки, сув юзасига баробар қисми эса енгил ювиладиган қум ва шағалли қатламдан иборатдир. Бу табиий ҳолат дарё ўнг қирғоғининг ювилиб туришига сабаб бўлади. Сирдарё Фарғона водийси бўйлаб 300 км масофада оқиб, Хужанд (Ленинобод) орқали Мирзачўлга чиқади, унинг ўзани водийда ғарбга томон 10—12 м гача чуқурлашади<sup>9</sup>. Геологларнинг текширишларига қараганда, бу чуқурлашиш жараёни ҳозир ҳам давом этаётир. Шунинг учун ғарбга томон унинг сувидан деҳқончиликда фойдаланиш қийинлашиб бормоқда.

Фарғона водийсидаги иккинчи йирик дарё — Сирдарёнинг чап тармоғи бўлган Қорадарёдир. Водий шарқий қисмининг деҳқончилиги тарихида Қорадарёчалик аҳамиятли бўлган сув манбаи мавжуд эмас. Зотан, Қорадарёсиз водийнинг энг йирик ирригация иншоотлари — Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улуғнор, Мусулмонқул каналлари қурилмаган бўлур эди.

Қорадарё — Ясси, Тар, Қорағулжа ва Қуршоб каби асосий ирмоқлардан ташкил топади. Қорағулжа Учсанд номли кичкина музликдан бошланиб, суви унчалик кўп эмас. Тар дарёси Фарғона тизмаси билан Олойнинг бир-бирига туташган жойидан бошланиб, кўпроқ қорликлардан озиқланади. Ясси эса Қорадарёнинг йирик тармоқларидан ҳисобланиб, Фарғона тизмасининг ғарбий ён бағридан бош олади. Унга йўлда Сиртош, Читти, Қумбел каби шохобчалар қўшилади. Қуршоб дарёси Олойнинг шимоли-шарқий ён бағридаги абадий қорлик ва қисман музликлардан сув олади.

Қорадарё ҳавзасининг сув тўловчи майдони 28630 км<sup>2</sup> га яқиндир<sup>10</sup>. Қорадарё ирмоқларининг барчаси Кампирравот дарасига етмасдан бир-бирларига қўшилади ва тоғ оралигидан кенг водийга чиқади. Машҳур Шаҳрихонсой ва Андижонсой каби йирик суғориш тармоқларининг бош иншоотлари шу ерга қурилган. Водий бўйлаб дарё ғарбга томон, то Мингбулоқда Норинга қўшилгунча бутун масофада эгри-бугри бўлиб оқади, кўп жойларда 200 м дан 7 км гача кенг адоқлар ҳосил қилади. Қорадарёнинг бутун узунлиги 139 км дир. Сунъий суғоришда жуда муҳим роль ўйнайдиган ушбу дарёнинг энг характерли табиий хусусиятлари шуки, биринчидан,

<sup>9</sup> И. П. Васильковский. Опускается ли Ферганская котловина. Материалы к тектонике Узбекистана, Ташкент, Госиздат, 1939, стр. 8.

<sup>10</sup> В. Шульц, Р. Машрапов. Уша асар, 172-бет.

Қорадарё ва унинг тармоқлари сувга бой. Унинг Кампирравот районидagi ўртача сув миқдори  $114 \text{ м}^3/\text{сек}$  ни ташкил қилади. Бу Фарғона водийсининг жанубий қисмидаги Сўх, Исфара, Шоҳимардон ва Исфайрам дарёларининг бирга қўшиб олингандаги миқдоридан ҳам кўпдир (Уларнинг ҳаммаси  $90 \text{ м}^3/\text{сек}$ ). Иккинчидан, Қорадарё сувининг табиий кўпайиши даври ҳам, асосан, қишлоқ хўжалик экинларини кўпроқ сув билан таъминлашга мос келади. Камсувли дарёларга қарама-қарши ўлароқ, Қорадарёнинг оқими анча муттасилдир. Бу ҳолат Қорадарё ирмоқларининг характериға боғлиқ. Масалан, Ясси ирмоғида кўп сув апрель охирида бўлади. Қуршобда эса, май ойининг I-ярмида, Тарда — июнь бошида, Қорағулжада июннинг охирида сув бўлади<sup>11</sup>. Бундай табиий ҳолат дарёда сувнинг нисбатан муттасил бўлишини таъминлайди. Кейинги ойларда сув бироз камаяди. Лекин суғоришда муҳтожлик туғдирмайди. Чулки баланд тоғлардан абадий қор ва оз бўлса ҳам музликлар ёзнинг иссиқ ойларида актив эрий бошлаб, дарё сувининг баланси кўп ўзгармайди. Учинчидан, Қорадарёнинг ўзани Амударё ва Сирдарёлариникидан фарқли ўлароқ, водийнинг текислик қисмига қараганда баланддир. Қорадарё сувини суғоришга олиш бошланган жой — Кампирравотдан бошлаб бу дарёдан чиққан энг охириги ариқ — Сиза ариғи бошигача дарё деярли ернинг юзасида оқади. Бу ҳолат суғориш учун ариқ ва каналлар чиқаришга қулай. Шунинг учун ҳам Фарғона водийсидаги Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улуғнор, Насриддинбек, Мусулмонқул ариғи каби меҳнаткаш халқ томонидан қурилган қадимги йприк суғориш ишоотлари; Советлар даврида эса Фарғона ирригацияси тарихида жуда муҳим бўлган Катта Фарғона каналининг Қорадарёга қурилиши унинг юқоридаги табиий ҳолатлари жиҳатидан ҳар томонлама мақсадга мувофиқ эканлигининг гувоҳидир. Тўртинчидан, Қорадарё сувининг кимёвий состави ҳам анчагина мўътадил. Сирдарё, айниқса, Қорадарё суви калий ва кальций тузларига бой<sup>12</sup>.

Маҳаллий тарихчилардан Исҳоқхон Жунайдуллаев Фарғона тарихига доир асарида Қорадарё суви ерни ўғитлайдиган хусусиятга эга эканлиги ҳақида ёзади<sup>13</sup>. Демак, К. Маркс айтганидек: «суғориш тупроққа ўсимликлар учун зарур бўлган сувингина келтирмай, шу билан бир вақтда, лойқа билан тоғлардан кимёвий ўғитлар ҳам келтиради»<sup>14</sup>.

Қорадарё йилига ўртача 6320 тонна турли оғирликдаги жинсларни оқизиб, сувнинг ўртача лойқалиғи  $1,64 \text{ кг}/\text{м}^3$  ни ташкил қилади. Қорадарё сувида тузлардан ташқари, экинлар учун фойдали минераллар ҳам мавжуд. Масалан, Шаҳрихонсой тўғони бошида

<sup>11</sup> Ферганская долина, стр. 148.

<sup>12</sup> И. Г. Александров. Проект орошения Юго-Восточной Ферганы, М., 1924, стр. 7.

<sup>13</sup> Исҳоқхон Жунайдулло ўғли. «Тарихи Фарғона», ЎзССР ФА Шарқшунослик институти фонди, инв. № 11080, 42-бет.

<sup>14</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Сочинения, т. XVII, стр. 562.

сувдаги минерал бир литрда 200—300 миллиграммга тўғри келади<sup>15</sup>. Сув таркибида азот ва фосфор ҳам учрайди<sup>16</sup>. Фарғона дарёлари, жумладан Қорадарё ва унинг irmoқлари ҳали илмий жиҳатдан чуқур текширилган эмас.

Фарғона водийсининг шарқи-жанубий қисми деҳқончилигида Олой тоғ тизмасининг шимоли-шарқий ёнбағридан бошланадиган Оқбўра дарёси муҳим роль ўйнайди. Унинг сув тўпловчи майдоши 4500 км<sup>2</sup> га яқиндир<sup>17</sup>. Дарёнинг этак қисми эса ташлама сифатида Шаҳрихонсойга тушади. Унинг ўртача сув ҳажми секундига 20 м<sup>3</sup> дир. Оқбўра дарёси қадим-қадимда, ҳатто ўрта асрнинг сўнги даврларида ҳам Андижонга етиб борган. XVII—XVIII асрларда кўчманчи қабилаларнинг ўтроқлашиш процесси активлашганидан сўнг, Ўш атрофида ва Андижоннинг юқори томонларида суғорма деҳқончилик кенг раванқ топиб, Оқбўранинг суви Андижонга етмай қолган. Андижонсойнинг қазилишига ҳам худди мана шу асосий сабаб бўлган.

Олой тизмасидан бошланадиган тоғ дарёларидан яна бири Аравонсой бўлиб, унинг сув ҳавзаси 3300 км<sup>2</sup> га тенг<sup>18</sup>. Андижон область территориясига кирганда, унинг суви ҳам, деярли, суғоришга сарфланади. Аравонсойнинг оқим суви миқдори унча кўл эмас, Оқбўранинг ярмига баробардир (9,4 м<sup>3</sup>/сек). Аммо Олой тоғларининг пастки қисмларидаги вақтинча қорлар ва ёмғир сувлари иккала дарёнинг ҳам сувини маълум вақтларда кўпайтиради. Баъзан кўп ерларни сув ювиб кетиш хавфи туғилади.

Фарғона водийсининг жанубидаги Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх дарёлари кам сувли дарёлар қаторига киради. Исфайрам сувининг 40 проценти, Сўх ва Исфаранинг 60 проценти июль—сентябрь ойларида оқади<sup>19</sup>. Шу сабабли бу ердаги суғориладиган районларда баҳор ойларида, яъни ерни экиш олдида суғориш ва экинларга биринчи ишлов бериш вақтларида қаттиқ сув танқислиги юз беради<sup>20</sup>.

Исфайрамсой Олой билан Туркистон тизмаларининг туташган районидан бошланадиган Кичикбега, Оқжилга, Каинди, Сурматош, Кичик Олой каби ўнлаб irmoқлардан ташкил топади<sup>21—22</sup>. Учкўрғон қишлоғида тоғ оралигидан чиқиб, сўнг текислик бўйлаб оқади. Полмон қишлоғида дарё иккига: Бешолиш ва Қувасойларга билиниб, биринчиси шимолга — Марғилон томонга, иккинчиси эса шимоли-шарққа, Қува томонга йўналади. Дарёнинг сув ҳавзаси 4800 км<sup>2</sup> га тенг бўлиб, батамом суғоришга сарфланади.

<sup>15</sup> Ферганская долина, I, стр. 151.

<sup>16</sup> Т. И. Безрукова. Солевой режим поливных вод в Ферганской долине, АКД, Ташкент, 1957, стр. 8.

<sup>17</sup> И. Г. Александров. Материалы по гидрометрии, стр. 3.

<sup>18</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>19</sup> Ферганская долина, I, стр. 148.

<sup>20</sup> Фақат Катта Фарғона канали қурилиши билангина эрта оқадиган Норин ва Қорадарё сувларидан фойдаланиш имконияти туғилиб, бу районлардаги сув танқислигига анча барҳам берилди.

<sup>21—22</sup> Н. Л. Корженевский. Исфайрамсай, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1936.

Илгари вақтларда Бешолишсойнинг этак қисми Ёзёвонгача етиб борарди. Аммо юқори районларда суғориладиган экин ерларининг кенгайиши XIX аср ўрталаридаёқ Марғилондан нарига сув етмаслигига сабаб бўлди. Шоҳимардонсой ҳам Олойдан бошланиб, унчалик катта эмас ва суви ҳам кам. У Водил қишлоғининг пастроғида тоғ оралиғидаги текисликка чиқиб икки тармоққа — Олтиариқсой ва Марғилонсойларга бўлинади. Олтиариқсой яна иккита — ғарб тармоғи Чимёнсой ва шарқий тармоғи — Файзободсойларга ажралади.

Исфара ҳам унча катта бўлмаган (119 км) тоғ дарёси бўлиб, сув тўпловчи майдони 4500 км<sup>2</sup> ни ташкил қилади<sup>23</sup>.

Шунингдек, Кўқон воҳасини сув билан таъминлашда Сўх дарёси муҳим аҳамият касб этади. Туркистон тизмасидан бошланган дарё (узунлиги 94 км) водийга чиққанда жуда кенг конус пайдо қилади (ўртача сув расходи 44 м<sup>3</sup>/сек)<sup>24</sup>.

Бу тоғ дарёларининг барчаси ҳам тоғнинг баланд қисмидаги абдий қор ва музликлардан озиқланиб, кам суви системалар ҳисобланади. Уларда йиллик оқадиган сувнинг минимуми март—апрель ойларига, максимуми июль—август ойларига тўғри келади<sup>25</sup>. Шу сабабли уларда баҳор ойларида сув камчилиги ҳукм суради<sup>26</sup>.

Фарғона водийсининг шарқий қисмида Фарғона тоғ тизмасининг жануби-ғарбий юзидан оқиб тушадиган Кугарт (сув ҳавзаси 1800 км<sup>2</sup>), Қораунгур (сув ҳавзаси 2000 км<sup>2</sup>), Мойлисой (ҳавзаси 1200 км<sup>2</sup>) каби тез оқар сойлар мавжуд. Улар даврий қорлар ва баҳор ёмғирларидан озиқланганлиги сабабли, энг кўп сув — йиллик сув оқимининг деярли 80 проценти баҳорда бўлади, кўп ҳолларда зарарли сув тошқинлари ҳам содир бўлиб туради.

Кугарт сойи сувининг асосий қисми Қирғизистоннинг Жалолобод территориясида тугайди. Фақат Чангат шоҳобчаси Ўзбекистон ерларигача етиб, Қорасув қишлоғининг ўнг бетини суғоришда фойдаланилади.

Қораунгур анчагина йирик бўлиб, унинг асосий қисми Арслонбоб сойидир. Бозорқўрғонгача чуқур тоғ ораликларида оқиб, шу ердан суғоришга олинади. Бозорқўрғондан 10 км ча пастроқда бир мунча кенгайиб икки ирмоққа бўлинади. Унг ирмоғи Чортоқсой номи билан шимоли-ғарбга томон оқади. Чап ирмоғи Қораунгур, Тентаксой, Тошпичан каби характерли номлар билан аталиб, Қўқонқишлоқ, Урганжи, Чувама, Пойтуғ сингари йирик деҳқончилик қишлоқларини сув билан таъминлайди, сўнгра Қорадарёга тушали.

Мойлисой Бовбошотин номи тоғ оралиғидан бошланиб, Избоскан қишлоғидан шимолроқда кенг конус шаклидаги водийга чиқади ва бирқанча майда бўлақларга бўлиниб, Куйганёрга яқин жойда Қорадарёга қўшилади. Мойлисой билан Қораунгур қадимги

<sup>23</sup> Уша асар, ўша бет.

<sup>24</sup> В. Л. Шульц. Гидрография Средней Азии, Ташкент, Гидрометеонадат, 1958, стр. 67.

<sup>25</sup> Ферганская долина, т. I, стр. 149.

<sup>26</sup> Катта Фарғона ва жанубий Фарғона каналлари қазиллиши билан бу ерда ҳам сув таъқислигига барҳам берилди.

вақтларда Қорадарёнинг ўнг бетидаги ерларни суғоришда асосий сув манбаи ҳисобланган. Бироқ баҳор ойларидан сўнг уларда сув камайиб, кўп экинларнинг қуриб қоллишига сабаб бўлар эди.

Демак, Фарғона водийсидаги дарё ва сойлар турли хусусиятга эга бўлган сабабли водийнинг ирригация тараққиёти икки хил йўлдан борганини кўриш мумкин. Ерлари серсув Қорадарёдан суғориладиган районларда энг кўп маблағ ва ишчи кучи дарёдан фақат керакли миқдорда сувни ажратиб олишга сарфланса, кам сувли системаларга тобе бўлган районларда эса мавжуд сувлардан тежаб-тергаб, иқтисод билан фойдаланишга сарфланиб келинган.

## 2. Фарғонанинг қадимги суғорма деҳқончилиги ҳақида тарихий маълумотлар

Араблар истилосигача ўтган даврдаги Фарғона тарихини баён қилиб берадиган ёзма манба — адабиёт деярли йўқдир. В. В. Бартольд Фарғона деҳқончилик маданиятивинг пайдо бўлган даври ҳақида «ҳеч қандай хабар йўқ»<sup>27</sup> деб қатъий хулосага келганда, ёзма манбаларни назарда тутган эди. Шунинг учун ҳам Фарғонанинг қадимги замонлардаги ирригация-деҳқончилик тарихини ўрганишда археология фанига асосий эътибор берилади. Бу соҳада фақат Б. А. Латинининг 1933—1934 йиллари олиб борган археологик текширишлари ва унинг асосида Шарқий Фарғонанинг қадимги ирригацияси ҳақидаги ишларини кўрсатиш мумкин<sup>28</sup>.

1939 йили Катта Фарғона канали қурилишидаги археологик кузатишлар, А. Н. Бернштамнинг Помир-Тяньшань ва Помир-Фарғона экспедицияси, В. И. Спришевскийнинг Чустда, Ю. А. Заднепровскийнинг Далварзинда ва акад. Я. Ф. Фуломов бошлиқ археологик отряднинг Кувада олиб борган текширув ишлари натижасида Фарғона водийси, хусусан унинг шарқий қисмининг бронза ва темир даврлари ҳамда илк феодализмгача бўлган даврига оид кўпгина материаллар тўпланди. Бу билан қадимги Фарғонанинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тарихи анча бойитилди. Чунончи, Фарғонада сўнгги бронза даврига оид кўпгина деҳқончилик қишлоқлари борлиги аниқланиб, водийнинг шимоли-шарқ томонидаги бу қишлоқлар илмий тадқиқотдан ўтказилди<sup>29-30</sup>. Айниқса, Чуст ва Далварзин қишлоқлари яхши ўрганилди. Далварзинтепа Қорадарё биринчи трассасининг чап қирғоғида бўлиб, дарё ўзанидан 3 км ча нарига жойлашган.

<sup>27</sup> В. В. Бартольд. К истории орошения Туркестана, т. III, стр. 103.

<sup>28</sup> Қаранг: Б. А. Латынин. Работы в районе проектируемой электростанции на р. Нарын в Ферганае, Изв. ГАИМК, вып. 110, т. II, М., 1936, стр. 57—67; Он же. Вопросы истории ирригации древней Ферганы, КСИИМК, 1956, вып. 64. Он же. Некоторые итоги работ Ферганской экспедиции 1934 г., Археология, сб., Л., 1961, стр. 109—170; Он же. Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы, АДД, Л., 1962.

<sup>29-30</sup> Қаранг: Ю. Заднепровский. Древнеземледельческая культура Ферганы, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1962; В. Спришевский. Чустское поселение, АКД, Ташкент, 1963.

Суғориш тарихини ўрганиш мақсадида узоқ йиллар олиб борилган илмий текширишлар биринчи ибтидоий деҳқончилик лиман (кўллама) усулида бўлганлигини аниқлади<sup>31</sup>. Бу усулда деҳқончилик қилишда одамлар лиман ерлардан, яъни дарё ва сойларнинг сувлари текислик — пастликка оқиб тушиб, табиний-кўллаб ётган ерлардан фойдаланганлар. Бундай усуллардаги ибтидоий деҳқончилик маконлари Қосонсойнинг этак қисмида ва Қугарт сойининг Қорадарёга қуйиладиган жойида ҳам учрайди<sup>32</sup>.

Фарғонада бронза даврига оид деҳқончилик қишлоқларининг топилиши баъзи кишиларнинг бу ерда ирригация нисбатан кейинроқ пайдо бўлган, деган хулосаларининг нотўғри эканини исботлади<sup>33</sup>.

В. И. Спришевский ва Ю. А. Заднепровскийларнинг фикрича, Чустда ва Давварзинда бронза даврининг охиридаёқ сунъий суғоришнинг дастлабки формалари мавжуд бўлган<sup>34</sup>. Бу қишлоқларда ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи халқлар маданиятига доир кўп материаллар топилди.

Фарғона водийсидаги бронза даври ёдгарликларининг текширилиши бу ерда қадимий суғорма деҳқончилик тарихини ва ибтидоий ирригациянинг эволюцион тараққиёти тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1930—1934 йиллари Б. Латинин Норин дарёсининг чап қирғоғида, Учқўрғон атрофи ва унинг пастки, жануб томонидаги текисликларда ётган Ҳаққулобод ва Қўғай ўртасидаги ерларни археологик жиҳатдан текширган эди. Бу ерлар Фарғона водийсининг шарқий ҳамда шимоли-шарқий қисми бўлиб, Норин, Қорадарё ва Мойлисой билан ўралган ва у қадим манбаларда «Миён рудон»<sup>35</sup> (дарёлар ўртаси) деб аталган. Латинин қидирув ишлари олиб борган бу ерлар Мойлисой ўнг тармоқларининг этак сувлари етиб борадиган райондир. Бу ерлар ва, умуман, Мойлисой ҳавзасининг ўрта қисмидан то Қорадарёнинг иккинчи трассасигача бўлган район дастлабки ландшафти жиҳатидан Фарғона водийсининг анча паст районлари қаторида туради. Б. Латинин текширишларида одамларнинг бу ерларда ҳам Мойлисойнинг тошқин сувларидан фойдаланиб, деҳқончилик билан шуғуллангани яққол тасдиқланди. Б. Латинин Фарғонанинг шарқий районидаги Мойлисойнинг адоқ қисмида қадимги деҳқончилик маданиятининг ўчоқларидан Элатон археологик объектини очди. Мойлисойнинг қадимги адоқ қисми ҳозирги табиний ҳолатига ўхшаш битта водийни ташкил қилмаган.

<sup>31</sup> Я. Гуломов. Хоразмнинг суғориш тарихи, Тошкент, 1959, 57—67-бетлар.

<sup>32</sup> Ю. Заднепровский. Кўрсатилган асар, 42—43 ва 45-бетлар.

<sup>33</sup> В. Наливкин, Краткая история Кокандского ханства, Казань, 1884, стр. 26.

<sup>34</sup> В. Спришевский. Кўрсатилган асар, 13-бет; Ю. Заднепровский. Кўрсатилган асар, 73-бет.

<sup>35</sup> В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения, т. 1, М., 1963, стр. 212 (Кейинча бу район адабиётларда «Икки сув ораси» деб юритилди).

Бу жойни сугоришда, асосан, сой сувидан фойдаланилган. Мойли-сой қўйи қисмининг шарқида Гуркиров, Чувама билан гарбдаги Тўртқўл, Ҳаққулобод, Элатон, ҳатто энг гарбда Чўжа қишлоғигача бўлган ерларда сой бир неча майда ўзанларга бўлиниб оққан. Натижада бу районларда бир неча майда деҳқончилик воҳачалари вужудга келган. Археологик кузатишларда шу нарса аниқландики, Мойлисойнинг юқорисидан адоқ қисмига тушган сари унинг эски воҳасида қадимий давр ёдгорликлари тобора кўпроқ учрайди<sup>36</sup>.

Б. Латиниян ирригация тарихида сунъий сугоришнинг кейинги давридаги усули, айниқса, атроф ерларга нисбатан баланд жойларни сугоришдаги усуллари ҳақида муҳим кузатишлар ўтказди. Бу ерда диққатга сазовор нарса, Қизилёр даштини кўндалангига қирқиб ўтган қадимги канал ўзинининг қолдиги эди<sup>37</sup>.

Қорадарё ҳавзасида, Ясси, Қорағўлжа, Кугарт водийларида ҳам ирригация ҳужалигининг янги шаклига асосланган деҳқончилик районлари пайдо бўлади<sup>38</sup>. Бу районларда сугориб деҳқончилик қилиш эрамиздан илгариги I минг йилликнинг иккинчи ярмига тўғри келади, энг оддий усулда ариқ чиқариш ўша вақтлардан оқ расм бўлади.

Хуллас, Б. Латиниян ўзининг шарқий Фарғонада ўтказган археологик текшириш материалларини умумлаштириб ҳамда кейинги йиллардаги текшириш натижалари билан таққослаб қадимги Фарғона ирригацияси тарихини уч босқичга бўлади<sup>39</sup>.

Биринчи босқичда майда дарёларнинг ботқоқлашган адоқларида ва баҳорда сув оқиб, сўнг қуриб қоладиган муваққат тоғ сойларининг этак қисмларида биринчи марта энг оддий лиман усулида сугориб деҳқончилик қиладиган майда воҳалар пайдо бўлади. Бу босқич эрдан илгариги II минг йилликнинг охиридан ва I минг йилликнинг биринчи ярмини ўз ичига олади.

Иккинчи босқичда унча катта бўлмаган сунъий сугориш системалари пайдо бўлади. Бироқ сугориш системасида лиман усули ҳали бутунлай сиқиб чиқарилган эмас эди.

Сунъий сугоришнинг қўлланилиши экин майдонларининг тобора кенгайиб боришига олиб келади. Энди ботқоқлашган заҳкаш ерлардан ташқари баланд тоғ этаклари, адир олди ерлар, чўлларнинг бир қисмини ҳам сув билан таъминлаш ва деҳқончилик қи-

<sup>36</sup> Т. Г. Оболдуева. Отчет о работе первого отряда археологической экспедиции на строительстве БФК, т. 4. Труды института истории и археологии АН УзССР, Ташкент, 1951, стр. 40.

<sup>37</sup> Қизилёрнинг қадимда сугорилиши ҳақида қаранг: Б. Латиниян. Некоторые итоги работ Ферганской экспедиции, 1934. «Археологический сборник», Л., 1961, стр. 121—133.

<sup>38</sup> Қорадарё ҳавзасидаги археологик текширишлар ҳақида қаранг: Ю. Зандиевский. Археологические памятники южных районов Ошской области Киргизской ССР, Фрунзе, 1960.

<sup>39</sup> Б. Латиниян. Вопросы ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы, стр. 9. Чуст ва Далварзиндаги текширишлар бу даврнинг хронологик рамкасини анча илгарига суради; Б. Латиниян схемасининг камчиликлари ҳақида қаранг: В. В. Шишкин. Археология и этнография Средней Азии на Московском совещании в 1955 г. «Известия АН УзССР», Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1955, № 8.



лиш имконияти туғилади. Тошқин пайтларида дарёлардан шохчаланиб чиққан табиий оқим ўзанлари секин-аста тозаланиши ва ундан суғориш учун фойдаланилиш натижасида биринчи, унча катта бўлмаган ариқлар пайдо бўлади. Бу босқич эрадан аввалги I минг йилликнинг II ярмидан эрамининг IV—V асрларигача ўтган даврни ўз ичига олади. Бу — Фарғонада биринчи қулдорлик тузуми ривожланаётган давр эди.

Учинчи босқичда расмана ариқ кавлаб сув чиқариш йўли билан ялпи ерларни ўзлаштириш бошланади ва Фарғона водийсига хос «панжаотган» (веер: яъни елпиғичсимон) ирригация системаси ривожланади, Сунъий суғориш ишларини уюштирувчи, бундан илгариги барча тажрибаларни бир ерга мужассамлаштириб, бир мақсадга йўналтиришни таъминлайдиган шароит лозим эди. Илгариги, иккинчи босқичда ўзлаштирилиб вақтинча суғорилган баландлик районлардан воз кечилади. Оддий тўғонлар қуриш, мавжуд ариқларни тозалаш ишларини уюштириш, сувни тақсимлаш каби ишлар энди марказий ҳокимиятнинг бевосита вазифаси бўлиб қолади<sup>40</sup>. Водий деҳқончилиги ва сунъий суғориш системаларни кейинги ўрта асрларда янада ривожланиб ва такомиллашиб борди. Бу ерда катта-кичик шаҳарларнинг пайдо бўлиши суғориш ишларининг яхши йўлга қўйилганлигини, ўтроқ деҳқончилик қишлоқларининг дарё ва сойларнинг водийларида кўплаб қурилганлигини кўрсатади.

Араб географларидан Мақдисий, Истаҳрий, ибн Хавқал маълумотларига қараганда, илк ўрта асрда (V—XI) Фарғона водийсида тоғ сойлари воҳаларида вужудга келган деҳқончилик қишлоқларининг марказлари сифатида бир қанча шаҳарлар пайдо бўлган<sup>41</sup>. Фарғона водийсининг шарқи-жануб томонида йирик шаҳар Қува эди; у бутун Фарғонада иккинчи марказ ҳисобланган, Ибн Хавқалнинг ёзишича. Қува шу номдаги дарёча қирғоғида жойлашган. Қувасой Исфайрам дарёсининг тармоғи сифатида (у Полмон қишлоғидан ажралади), афтидан, ўша вақтда сувга анча сероб бўлган. В. В. Бартольднинг таъкидлашича, улар Сирдарёгача етиб борган<sup>42</sup>. Қува шаҳри девори атрофида кўпгина канал, ариқлар оққан<sup>43</sup>. Бу ҳол ўша вақтда Қува воҳасини суғоришда Қувасойнинг нақадар муҳим роль ўйнаганини кўрсатади.

Шу ўринда, Қува воҳасининг ирригацияси масаласида қуйидаги англашилмовчиликни ҳам айтиб ўтмоқ лозим: В. Бартольд ўзининг «Туркистон...» номли асосий тадқиқот асарига Қува шаҳри Қувасой дарёчаси қирғоғига жойлашган деб таъкидлайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, шаҳар бутун атрофи билан Қувасойдан

<sup>40</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Таъланган асарлар, II том, 564-бет.

<sup>41</sup> В. Бартольд. Туркистон в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. I, стр. 212—220.

<sup>42</sup> В. Бартольд. Сочинения, т. I, стр. 215.

<sup>43</sup> Е. К. Бетгер. Из книги «Пути и страны» Абул Касима ибн Хавкаля, Труды СаГУ им. В. И. Ленина, вып. XI, Археология Средней Азии, IV, Ташкент, 1957, стр. 26.

суғорилган бўлиши керак ва бизнингча ҳам шундай. Бироқ, 1914 йили нашр қилинган «Қ истории орошения Туркестана» аса-рида: «Қува қатта шаҳар бўлган вақтда қаердан сув олган бўлиши мумкин»<sup>44</sup>— деган саволни ўртага ташлайди.

Қува билан бир қаторда, Марғилон ҳам ўз атрофига деҳқончи-лик қишлоқларини бирлаштирувчи обод шаҳарлардан ҳисоблан-ган. В. Бартольд ёзишича, шаҳар дарвозаси олдидан дарё оққан<sup>45</sup>. Бу дарё, шубҳасиз, Исфайрамсойнинг ҳозир Бешолишсой деб ата-ладиган асосий тармоғидир. У вақтларда Шоҳимардонсойдан Мар-ғилонга сув келмаган. Шоҳимардон суви ўша вақтлардаёқ Сир-дарёга етмай суғоришга сарфланган<sup>46</sup>.

Фарғонанинг иқтисодий ва қишлоқ хужалиги ҳақида «Бобир-нома» дан қимматли маълумотларни олиш мумкин. Унда Қува-нигарини вақтлардагидек шаҳар сифатида эмас, балки қишлоқ маъносиде тилга олинади. Бу ерда «кўпригининг ўзга ердин кечиб бўлмас»<sup>47</sup> ботқоқ қора сув борлиги айтилади. Қувасой ҳақида, араб манбалари асосида В. Бартольд ёзган суғориш ариқлари ва Қува-нинг сувга сероблиги ҳақида бу ерда сўз юритилмайди.

Демак, муғул истилоларидан сўнг Исфайрам дарёсидан Қува-сойга сув бормай қўйган ва Қува Қувасой водийси бўйлаб жойлаш-ган булоқлардан оқиб чиққан қорасув билангина таъминланган<sup>48</sup>.

XV аср Қувасой Бобирнинг таърифидан ташқарида қолганининг сабабини фақат Қувасой суғориш системаси муғуллар истилоси-дан сўнг ишламай қўйганлигидан қидириш мумкин. Марғилон эса Бобир даврида ҳам ўз мавқеини йўқотмаган. Бу — Исфайрам суви асосий Бешолиш тармоғи орқали Марғилонгача етиб борган-лиги натижасидир.

Қувасойнинг Исфайрамдан қайта сув ола бошлаши ва иррига-ция фаолиятининг тикланиши Шайбоний бошлиқ кўчманчи ўзбек-ларнинг келиши билан боғлиқ бўлса керак.

Шарқий Фарғонанинг суғорилиш динамикаси ҳақидаги яна бир масала XV асрларда Оқбўра дарёсининг Андижонгача етиб борган-лиги масаласидир. Бу ҳақда Бобир шундай деб ёзади: «Андижон руди (яъни Оқбўра дарёси — С. Ж.) ўшининг маҳаллотининг ичи

<sup>44</sup> В. Бартольд. Сочинения, т. III, стр. 212.

<sup>45</sup> В. Бартольд. Сочинения, т. I, стр. 214.

<sup>46</sup> В. Бартольд. Сочинения, т. III, стр. 214.

<sup>47</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома, ЎзССР ФА нашриёти, Тош-кент, 1958, 73-бет.

<sup>48</sup> Булоқ сувлари Қувасой ўзанидан оқиб келиб Толмозор қишлоғи орқали Кузага кирарди, шунинг учун уни «Толмозор қора суви» деб ҳам юритиларди. Унинг миқдори секундига 8 кубометр бўлиб, 30-йиллари унга кичик электр-станция қурилган эди. Жанубий Фарғона канали қазилганда қора сув унинг остидан ўтказилган. Ҳозир эса бу булоқ сувлари Қарқиндон сув омборига туша-ди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Бобир тилга олган Қува қора сувининг Қувасой ўзани орқали жануб томондан оқиб келишига шубҳа бор эди. Бироқ қўшимча экспедиция вақтида тўпланган материаллар «Толмозор қора суви» фақат жан-убдан, Қувасой ўзани орқалигина Кузага киришини тўла тасдиқлайди (Экс-педицияга акад. Я. Ғуломов раҳбарлик қилиб, унда муаллифдан ташқари тарих фанлари кандидати М. Қосимов ҳам иштирок қилди).

бирла ўтиб Андижонга борур»<sup>49</sup>. Биз тўплаган материаллар ҳам буни тасдиқлайди. Оқбўра дарёси илгари Андижоннинг шарқидан айланиб ўтган ва шимолда Оқёр жарлиги<sup>50</sup> орқали Қорадарё трассасига тушган. Утроқлашаётган кўчманчилар Фарғонанинг суви сероб ва сугоришга қулай бўлган Оқбўра, Аравон дарёларининг этакларига, Андижон атрофларига келиб ўрнашганлар. Натижада бу атрофларда қатор қишлоқлар пайдо бўлган<sup>51</sup>. Бобирномада ёзилишича, Оқбўранинг «ҳар иккала жониби боғот тушибдур, тамом боғлари рудка-мушрифтур»<sup>52</sup>.

Бу ҳолат XIV—XV асрларда Андижон атрофлари, кўпроқ шарқий томони ўзлаштирилиб, Андижоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиб борганлигидан дарак беради.

Андижон шаҳри Оқбўрадан чиқарилган 9 та ариқ орқали сув билан таъминланган<sup>53</sup>. Экспедициялар вақтида бу ариқларнинг номлари билан қизиқдик. Бу 9 та ариқ қуйидагилардир: Хокан, Бурхон Шайх, Хўтан, Жуйибозор, Буғра, Далварзин, Оқрабат, Тўқмақ, Қўшариқ. Улардан энг каттаси Хокан бўлиб, Бобир фақат уни тилга олади ва шундай таъриф беради: «Хокан ариғи Улуғ шоҳ-жўйдур ва чуқур оқар, ҳар еридан кечиб бўлмас»<sup>54</sup>.

Хокан Андижон шаҳрининг жануб томонидаги қалъа девори остидан ўтган. Унинг бош тўғони «Андижон руди» — Оқбўранинг ҳозирги Андижонсой ўзанига қўшилиш олдида эди. Кейинги даврларда Оқбўра суви Андижонга етмай, Андижонсой ишга тушгандан сўнг Хокан ариғининг боши пастроққа — сойга кўчирилган.

Бобирнинг ёзилишича, Андижон шаҳри атрофида экинзор ерлар ва мевали боғлар нўхоятда сероб бўлган<sup>55</sup>. Бу даврда, яъни XV аср охири — XVI асрларда мавжуд ариқлардан хон амалдорлари, ҳарбий бошлиқлар ва уларнинг қариндош-уруғлари ер-мулкларини сугориш учун фойдаланган. Бобирнома муаллифи Андижоннинг йирик беклари ва ер эгаларидан Али Дўст, Халифа Иброҳим Сару, Вайс Лоғарий, Қосимбек кабиларни тилга олиб ўтади<sup>56</sup>. Шаҳарнинг шимолида, Қўш тегирмон деган жойда Бобирнинг катта онаси Эсон Давлат Бегимнинг йирик феодал мулки — чорбоғи<sup>57</sup> ва жанубда Хафизбек номли амалдорнинг чорбоғи тилга олинади<sup>58</sup>.

Андижон вилоятининг жануб ва шарқ томонлари деҳқончилик ва ирригация тармоқлари жиҳатидан ривожланган бўлса, унинг

<sup>49</sup> Бобирнома, 61-бет. Оқбўранинг изн ҳозир ҳам кўзга ташланиб туради. аҳоли бу ерни «Қолган дарё» деб атайдн.

<sup>50</sup> Бу ерда ҳозир ҳам Оқёр қишлоғи бор.

<sup>51</sup> В. С. Батраков. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства. Труды САГУ им. В. И. Ленина. Новая серия, вып. 62, кн. 8, стр. 115.

<sup>52</sup> Бобирнома, 61-бет.

<sup>53</sup> Уша асар, 60-бет.

<sup>54</sup> Уша асар, 164-бет.

<sup>55</sup> Уша асар, 60-бет.

<sup>56</sup> Уша асар, 181-бет.

<sup>57</sup> Бизнингча, бу жой ҳозирги Қўшариқ қишлоғида бўлган (С. Джалилов, Бабур и его время, «Андижанская правда», 6 апреля 1958 года).

<sup>58</sup> Бобирнома, 124-бет.

ғарб ва шимол томонлари эса, ҳали ўзлаштирилмаган яхлит тўқайзор, гоҳо ботқоқликлар, дарё водийлари қампшзорлардан иборат эди. «Икки сув ораси» районида бутунлай чорвадор-кўчманчи халқлар жойлашганди<sup>59</sup>.

Фарғона водийсидаги бўш ётган ер-сув резервларини ўзлаштиришда кўчманчи ўзбеклар катта роль ўйнади. Кўчманчиларнинг ўтроқлашиб деҳқончилик хўжалигига ўтиши бир неча аср давом этиб, асосан XVII—XIX аср ўртасида тугалланади<sup>60</sup>.

Кўчманчилар ўртасида қулай жойларни эгаллаш учун бўлган рақобат ҳам ўтроқлашиш процессини тезлаштиради. Топонимик тадқиқошлар шунини кўрсатадики, биринчи ўтроқлашган кўчманчи ўзбеклар илгари мавжуд бўлган деҳқончилик воҳаларига ўрнашди. Бу районларнинг деҳқончиликка қулай ер-суви ўзлаштириб бўлганидан сўнг, кейин келган кўчманчилар ана шундай қадимги воҳаларнинг чеккаларида ўзлаштирилмай қолган ерларга жойлашди ва ариқлар чиқариб уларни ўз қабила номлари билан атади. Масалан, Қува билан Шаҳрихон ўртасидаги, Андижоннинг шимол қисмидаги ва Ўшнинг шимоли-ғарб томонидаги Найман ариқлари ва қишлоқлари, Қорадарёнинг чап соҳилидаги қадимги трассасида—Ойим қишлоқ атрофидаги ариқ, Андижон билан Олтинкўл қишлоғи ўртасидаги Уйшун ариғи ва қишлоғи каби бошқа кўпгина қабила номи билан аталган ариқлар, қишлоқлар бунга далилдир.

Фарғона ерларини, айниқса, унинг шарқи-жанубий ва шарқий районларини ўзлаштириб обод қилишда кўчманчи қирғизлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Қирғизлар XVI—XVIII асрлардаёқ шарқий ва жанубий ҳамда шимоли-шарқий Фарғонанинг тоғ олди районларига келган ва яйловларни эгаллаган эдилар.

П. П. Иванов XVIII аср охирида қирғиз қабилаларидан Қушчи (Қутчи) ҳамда Ичкилик қирғизлари Фарғона водийсидаги сиёсий ҳаётга актив иштирок қилганини кўрсатиб ўтади. Қушчи авлоди Андижон райони атрофларида, шарқда ҳозирги Жалақудуқ (Сўфи қишлоқ) қача бўлган территорияда кўчиб юрган. Ичкилик қирғизлари эса Ойим ҳамда Қўрғонтепа ва Савай чўли атрофларини эгаллаган. Айрим кўчманчилар, асосан, шимол томонда — Норин дарёсининг ўнг қирғоғида ва «Икки сув ораси» районида жойлашган эди. Совет олимларининг кўпгина илмий тадқиқотларида буржуа тарихчиларнинг сохта илмий хулосаларига қарши ўлароқ, Ўрта Осиёда ўтроқ деҳқончилик билан чорвачилик хўжалигининг, К. Маркс кўрсатиб ўтганидек<sup>61</sup>, ёнма-ён тотув яшаганлиги, улар ўртасида муттасил равишда ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, ижтимоий меҳнат тақсимотида бир-бири билан боғлиқлик ва ҳамжиҳатлик бўлганлиги исбот қилинди.

XVII асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, Ўш атрофидаги айрим

<sup>59</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, I том, Тошкент, 622-бет.

<sup>60</sup> П. П. Иванов. Кўрсатилган асар, 109-бет.

<sup>61</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Избранные письма, М., 1947, стр. 173.

ер-сув мулкларининг суюрғолга берилиши<sup>62-63</sup>. Уш атрофида ҳам ўтроқлашиш жараёни тезлашиб, деҳқончилик ерлари кенгайганлигини кўрсатади. Шу даврда Андижон атрофидаги бир қанча янги ер-мулклар ҳам суюрғол қилиб берилиб, янги қишлоқлар пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу ҳолат Андижон вилояти янги ўзлаштирилган ерлар ва ўтроқлашаётган халқлар ҳисобига тобора кенгайиб, унинг Фарғонадаги роли ортиб бораётганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Кўчманчилар ёппасига ўтроқлашаётган давр, яъни XVII—XVIII аср ирригациясининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу вақтда йирик дарёлар — Норин ва Қорадарёдан эмас, атрофдаги майда тоғ дарёчалари, сой сувларидан фойдаланилган. Ўтроқлашаётган халқларнинг ҳар бир уруғи ўз имконига қараб суғорув тармоғи чиқаришга уринади. Ҳар бир ариқ маълум жамоа кучи билан, ўзига мустақил равишда қазилиб, фақат ўша жамоанинг эҳтиёжини қоплар эди<sup>64</sup>.

Кўринадики, Фарғона водийсининг ирригацияси тарихига доир маълумотларнинг озлиги туфайли ушбу масалани чуқур ва батафсил ёритиш учун махсус тадқиқотлар ўтказиш лозим. Бироқ юқорида баён этилган маълумотларнинг ўзи ҳам Фарғона водийсида суғориб деҳқончилик қилиш жуда қадим замонларда пайдо бўлган ва ирригациянинг барча тараққиёт босқичлари асосида ривожланиб, такомиллашиб келганлигини кўрсатади.

### 3. XIX асрдан мустамлака давригача Фарғона водийси шарқий районларида ирригация хўжалигининг ривожланиши

XVIII асрнинг сўнги чорагидан Фарғона водийсида феодал тарқоқликларига қарши марказий ҳокимият учун кураш авж олди ва бу кураш Қўқон хонлигининг ташкил топиши билан тугалланади.

XIX аср бошида, айниқса Қўқон хонларидан Олимхон (1800—1809) ва Умархон (1809—1822) давридаги босқинчилик урушлари натижасида хонлик территорияси анча кенгайди: бутун Фарғона водийси, Хўжанд ва Уратепадан ташқари Тошкент воҳаси ҳамда ҳозирги Қозоғистоннинг кўпгина районлари бўйсундирилади. Қўқон хонлиги Урта Осиёда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан нисбатан кучли феодал давлатига айланади. Фарғона водийсида сезиларли даражада иқтисодий-хўжалик ривожланиши бошланди, ижтимоий муносабатлар анча ўсди. Фарғонадаги муҳим иқтисодий ўзгаришлар, қисман, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, айниқса, унинг асоси бўлган ирригация ишларининг кўпроқ ривожланишига олиб келди<sup>65</sup>.

Бу даврда феодаллашиш процесси тезлашиб, бутун ер-мулклар

<sup>62-63</sup> Р. Набиев. Из истории феодального землевладения в Фергане в XVI—XVII вв. «Известия АН УзССР», Серия общ. наук, 1960, 3, стр. 26.

<sup>64</sup> А. Миллсдорф. Очерки Ферганской долины, стр. 195.

<sup>65</sup> Узбекистон ССР тарихи, I том, Тошкент, 1970, 623-бет.

ва чорва яйловлари йирик феодаллар — хон ва унинг амалдорлари, ўзбек ва бошқа уруф бошлиқлари ихтиёрига ўтади. Қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик кенгайди. Фарғона шаҳарларидан Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган савдо ва ҳунармандчилик марказларига айланиб, Қўқон хонлигининг иқтисодий тараққиёти ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрнни тутди. Хонлик экономикасининг юксалиши, сиёсий жиҳатдан мустақамланишида ва Фарғона шаҳарларининг ўсишида Россия билан активлашиб бораётган савдо алоқалари, айниқса, катта аҳамиятга эга эди.

Қозоғистоннинг Россияга қўшилиши, қозоқ феодаллари ўртасида ўзаро феодал урушларининг тўхтатилиши, умуман Ўрта Осиёнинг, айниқса, Қўқон хонлигининг Сибирь ва Волга бўйлари билан алоқалари кенгайишига кенг йўл очди. Қўқон хонлиги ташкил топиб мустақамланганидан сўнг Фарғона шаҳарларидан ипак ва ип газламалари ишлаб чиқариш ривожланиб, бу маҳсулотлар Россия бозорларига кўплаб олиб бориб сотилади. Статистик маълумотлар XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб Россия билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасида савдо алоқаларининг тобора активлашганини кўрсатади<sup>66</sup>.

XIX аср бошида Ўрта Осиёда муҳим савдо марказларидан бўлган Тошкентнинг Қўқон хонлиги томонидан босиб олинishi ва жанубий Қозоғистон районларининг ҳам хонлик қўли остига бирлаштирилиши Россия билан савдо алоқаларининг кенгайишига катта йўл очиб берди. Қўқон хонлиги Россия учун пахта ва пахтадан қилинган матолар сотиб олишда асосий район бўлиб қолган эди. Умархон даврида (1809—1822) Қўқонда бўлган таржимон Филипп Назаров ёзади: «Қўқон ва Қўқон хонлигида пахта... жуда кўп экилади. Ҳамма жойда пахта экиланлигини кўрасиз»<sup>67</sup>. Россия билан бўлаётган савдо муносабатларининг активлашиши, ўз навбатида, суғорма деҳқончилик ерларининг кенгайиши, янги ерларни ўзлаштириши тақозо қилиши табиий эди. Шунинг учун XIX аср бошларидан Фарғона водийсида ирригация ишларининг ривожланишига активлашаётган савдо муносабатларининг бирмунча таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз эди.

Фарғона водийсида XVIII асрнинг иккинчи ярмидан муҳожир халқлар ҳам ўрнаша бошлайди. Шарқий Туркистондан келган уйғурлар Фарғона водийсининг шарқий районларига ўрнашган. Буларнинг кўпчилиги Оқбўра дарёси водийсининг юқори қисми, Қуршоб водийси, Ўзган атрофлари, Кугартсей водийсининг Жалолобод ва Сузоқ районлари, шунингдек Шаҳрихон, Езёвон, Андижон атрофларида ўрнашиб, ўз қишлоқларини ташкил қилади<sup>68</sup>. Муҳо-

<sup>66</sup> Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо муносабатлари ҳақида Ҳ. Зияевнинг «Ўрта Осиё ва Сибирь» номли монографиясида батафсил маълумотлар келтирилган (Тошкент, 1962, 161—189-бет).

<sup>67</sup> Записки о некоторых народах и землях средней части Азии Филиппа Назарова, отдельного Сибирского корпуса переводчика, посланного в Коканд в 1813 и 1814 гг., Спб., 1821, стр. 55.

<sup>68</sup> А. А. Семенов. Отношение Кокандского ханства к Кашгару, Рукописный фонд Института истории и археологии АН УзССР, инв. № 78, стр. 18.

жир халқларнинг келиши, жумладан уйғурлар иммиграцияси ҳам Фарғона ерларини ўзлаштиришда маълум роль ўйнаганини кўрамай<sup>69</sup>.

Халқларнинг тобора ўтроқлашиб бориши ва атрофдан турли халқларнинг кўплаб келиши натижасида Фарғона водийсининг туб аҳолиси билан ўтроқлашган бошқа халқлар ўртасида ер учун кураш бошланади. Исфайрам, Аравон, Оқбўра сувлари деярли бутунлай суғоришга олинади. Бу атрофдаги ҳамда водийнинг шарқ томонида Андижон билан Қорасув ўртасидаги қирғиз яйловлари деҳқончилик ерлари ва қишлоқларининг қуршовида қолади. Қирғизларнинг ҳам бир қисми ўтроқлашиб, деҳқончиликка ўтадилар. Масалан, XVIII аср охири XIX аср бошларида Мингтепа (ҳозирги Марҳамат), Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Ойим районларида қирғизларнинг ҳам деҳқончилик ерлари ва ариқлари пайдо бўлади. Лекин уларнинг асосий кўпчилиги суғорма деҳқончилик районлари ўртасида қолган кичкинз яйловларини арзон бўлса ҳам маҳаллий аҳолига сотиб, кенгроқ яйловларга эга бўлиш учун тоққа кетадилар. Қирғизлар билан ўзбеклар ўртасида ер олди-соттиси авж олади. Жумладан, Андижоннинг жанубий томонидаги машҳур Зоврақ қишлоғи атрофидаги ерлар Бойбичезаур номли қирғиз бойи томонидан маҳаллий аҳоли ва қашқарликларга сотилган<sup>70</sup>. Шунингдек, Андижон адирининг шимол бетидаги Дарҳон, Сариқўй қишлоқлари ҳам қирғизлардан сотиб олинган. В. Наливкин кичик-кичик ер участкаларини қирғизлар томонидан жуда арзонга — битта отга, ҳатто бўзага ҳам сотилгани ҳақида ёзади<sup>71</sup>.

Лекин майда дарё ва сойлардан чиқарилган ариқлар билан қанча суғорилмасин, барибир ерга, сувга бўлган талаб ортади. Сойлардан суғориш учун максимал фойдаланилади. Қувасойнинг юқори қисмида ҳам қирғизлар ўтроқлашиб Суфан, Арсил, Мўян каби янги ариқлар чиқаришади. Натижада Қувасойнинг суви XIX аср бошларидаёқ Қуванинг шимолий қисмидаги ерларга баъзан етмай ҳам қолади.

Шунингдек, Аравонсой суви ҳам кўпинча Асакагача етарди, холос. Ваҳоланки, Асаканинг пастидаги Сегаза, Қоратепа — Човқан ва Шаҳрихоннинг илгариги ўрнида пайдо бўлаётган қишлоқлар шу сой сувидан таъминланарди<sup>72</sup>. Энди бу қишлоқларда ҳам сув танқислиги вужудга келади.

Бобир даврида Андижонни суғорган Оқбўра дарёсининг суви Оқбўра водийсида ҳам ўтроқлашиш процесси активлашганлиги сабабли XVIII асрнинг охиридаёқ андижонликларга ортмай қолди.

<sup>69</sup> В. Е. Батраков. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства, Труды САГУ им. В. И. Ленина, Новая серия, вып. 62, кн. 8, 1955, стр. 119.

<sup>70</sup> Хозяйство сартов Ферганской области, Ташкент, 1911, стр. 14.

<sup>71</sup> В. Наливкин. Краткая история кокандского ханства, Казань, 1886, стр. 34.

<sup>72</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 2, л. 91.

Норбутабий Ушни буйсундирганидан сўнг, уни қўлдан кетказмаслик учун Уш феодалларининг талабини қондириб, сув кам бўлган йиллари Оқбўрадан бутунлай фойдаланиш ҳақида ёрлиқ беради<sup>73</sup>. Бу ҳолат, ўз навбатида, Андижонда сувсизликка олиб келарди. Шундай қилиб, XVIII аср охирларидан Фарғонада, хусусан унинг шарқий ва жануби-шарқий қисмида ер-сув масаласи энг муҳим масалага айланади<sup>74</sup>. Ҳаёт кун тартибига бевосита асосий манба — Қорадарёдан магистрал каналлар чиқариш вазифасини қўяётган эди.

Ана шундай шаронда Фарғона водийсидаги энг йирик магистрал каналлардан Андижонсой ва Шаҳрихонсой суғорув системаларини барпо қилишга киришилади. Водийнинг ягона сиёсий ҳокимиятга бирлашиши ҳамда марказлашган давлат тартибининг мустаҳкамланиши билан янги-янги ерларни суғориш учун бир неча муҳим хўжалик тадбир-чораларини амалга ошириш, катта дарёлардан йирик каналлар чиқаришга қулай шароит ва имконият ҳам яратилган эди.

Юқорида айтилганидек, мавжуд манбаларда ҳозирги социалистик қишлоқ хўжалиги учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бу йирик каналлар тарихи ҳақида аниқ фикрлар айтилмаган<sup>75</sup>. Ваҳоланки, уларни яратиш Фарғона водийсининг деҳқончилиги тарихида катта бир давр эди.

Шу ўринда Андижонсой ва Шаҳрихонсойлардан қайси бири олдин яратилганини аниқлаш лозим.

XVIII аср охири XIX аср бошидаги воқеалар — иқтисодий тараққиёт, кўчманчиларнинг ўтроқлашиш процесси, ниҳоят, Фарғона водийси шарқий қисмининг умумий суғорилиш динамикаси — буларнинг ҳаммаси бир-бирига таққосланганда Андижонсой илгарироқ ишга тушган деган хулосага олиб келади.

Фарғона водийсини геологик текшириш Андижонсойнинг ҳам, Шаҳрихонсойнинг ҳам ўрни Қорадарё оқимининг жуда қадимий ўзани эканини кўрсатади. Қорадарё қадимда Андижон адирининг жанубидан ёриб ўтиб, ғарбда Полвонтош адирини қирқиб оққан, яъни ҳозирги Шаҳрихонсой водийси билан Асака территорияси орқали ғарбга, Сарисув мавзуйига томон йўналган. Тупроқшунос А. Н. Розанов Сарисув Қорадарёнинг қадимги рудхонаси бўлиши мумкин деб кўрсатади<sup>76</sup>. Кейинги даврларда дарё шимол томонга силжиган ва жанубий Оламушук ва Андижон адирларининг ўртасидан ёриб ўтиб, ҳозирги Андижонсой ўрнида оққан. Сўнгра Қорадарё ўз оқимини яна шимолга силжитиб, ҳозирги водийсини

<sup>73</sup> А. Миддендорф. Кўрсатилган асар, 173-бет.

<sup>74</sup> П. Иванов. Кўрсатилган асар, 181-бет.

<sup>75</sup> В. Неливкин биз юқорида келтирган асарини ёзишда ҳам бу тўғрида ёзма манбалардан ҳеч нима тополмай, фақат Янгнариқ тўғрисида халқ оғзида сақланиб қолган ва афсоналашиб кетган хабарни келтиради, холос. Баъзи асарларда ушбу каналлар ҳақида купинча чалкаш, бутунлай нотўғри маълумотлар берилади, кўп ҳолларда уларнинг XIX аср I ярмида қурилганлиги қайд этилган, холос.

<sup>76</sup> А. Н. Розанов. Пески Ферганской долины, стр. 122.



ташқил қилган. Дарёнинг бу ҳаракати машҳур Бэр қонунига ҳам тўғри келади<sup>77</sup>.

Натижада дарё шимолга силжиб, унинг қадимий ўзанлари — ҳозирги Шаҳрихонсой, Андижонсой ўрни қуриб қолган. Илгари ай-тиб утилганидек, кишилар қадим замонларда ҳам бу ўзанлардан маълум даражада суғорма деҳқончиликда фойдаланганлар. Аммо Қорадарё оқими шимолга томон эволюцион тарзда силжиб бори-ши, ўнг томонга ўз ўзанини чуқурлаштириши натижасида Шаҳри-хон ва Андижонсойларнинг бош қисми баландда, сувсиз қолиб кетган.

Иккинчи томондан, илгари Андижонгача келган Оқбўра дарёси-нинг суви кейинги асрда жуда камайган. Қарияларнинг хогирасига қараганда, «Қолган дарё»га (яъни Оқбўранинг қуриб қолган ўза-ни) «бундан ақалли бир юз эллик йилча илгари» сув келмай қўй-ган. Андижонсой ва Шаҳрихонсой системаларининг мудирини Қараф Қарбут 1902 йили аҳолидан тўплаган материалларга асосланиб, қандайдир инглиз сайёҳи XVIII аср охирида Ушдан Андижонгача қайиқда келган деган хабарни билдиради<sup>78</sup>. Лекин йилнинг қайси фаслида экани аниқ эмас. Афтидан, у эрта баҳорда, дарёга сув куп кирган ойларда ўтган бўлиши мумкин.

Булар шаҳарга Андижонсойдан сув келтириш масаласи XVIII аср иккинчи ярмида кутарилган деган хулосага олиб келади. Табиийки, Оқбўранинг Андижонга келадиган қисмида сув бутун-лай қуриб қолганидан сўнггина Қорадарёдан сув келтирилган деб тушуниш нотўғри бўлур эди. Оқбўра сувининг Андижонга келадиган миқдори аста-секин камайиб борган сари, Андижон ерларига Кампирравот орқали Қорадарёдан сув келтиришга эҳтиёж тобора ортиб борган. Андижонсойдан келадиган сув дастлаб жуда оз бўлиб, йил сайин эҳтиёжга қараб кўпайтирилган. XVIII асрнинг охирига келиб, нормал ҳолдаги магистрал каналга айланган. Фар-ғона область ирригация мудирини К. Н. Синяевский билан бирга иш-лаган андижонли энг кекса миробощи марҳум Абдусамат отанинг ҳикоя қилишича, Андижонсойдан бош олиб, Андижоннинг ўртаси-дан оқадиган ариқ аслида кичкина бўлган, кейинроқ хўтанлилар уни кенгайтирган. Шунинг учун ҳам ариқ Хўтан номини олган. Ил-гари зикр қилинганидек, агар Шарқий Туркистон муҳожирлари-нинг Фарғонага XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб келганини на-зарга олсак, у вақтда Хўтан ариғи XVIII аср охирида, яъни Анди-жонсой тўла ишга тушгандан сўнг пайдо бўлиб, Бобир айтган «туқ-қиз тарнов»нинг бири бўлган кичкина ариқ кенгайтирилган ва

<sup>77</sup> Шимоллий яримшардаги дарёлар ўз оқимини шимол томонга силжитиб, ўнг қирғоғи муттасил равишда ювлиб туриши ҳақида рус олими, академик К. Бэр томонидан айтилган қонуни (БСЭ, т. 6, 448-бет). Утган асрнинг охирига-ча Сирдарё ўнг қирғоғидаги Қоракул, Улмас, Шаҳанд қишлоқларининг деярли ярмини, Ахосининг бир қисминин ювиб кетган. Қорадарё кейинги 40 йил ичида ҳам ўнг бетида Пахтаобод районининг 10-15 км масофа орасидаги Ҳайрабод қишлоғининг ярмини, Шувաқзор, Тўқай, Анжирзор, Бойкечик қишлоқларини бутунлай ювиб кетган.

<sup>78</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 291, л. 1.

унинг бош қисми янги Андижонсойга кўчирилган, деган хулосага келиш мумкин.

Хуллас, Андижонсой XVIII асрнинг сўнгги чорақларида, Шаҳрихонсойдан илгари ишга тушган. XVIII аср охирида Қўқон хони томонидан Уш аҳолисига Оқбўрадан сув кам йиллари бутунлай фойдаланиш ҳақида ёрлиқ берилиши фақат Андижонсой тўла ишга тушганидан сўнггина бўлиши мумкин эди.

Андижонсой ўзани Қорасув водийсидан ўтганидан сўнг жанубий Оламушук билан Андижон — адир районига кириб 80—10 метр кенгликда оқади. Сўнг текисликдан табиий намлик ва ер ости сувига бой зоналар орқали ўтиб, Андижон воҳасига киради. Адир зонасидаги чуқур жарликда ҳам, нам ерли текис зонада ҳам бўлғуси каналнинг ўзани кўп меҳнат талаб қилмас, асосий иш Қорасув водийсида эди. Кампирравотдан Қорасувнинг пастигача Андижонсой деярли ер бетида ёйилиб оқади, ҳатто баъзи ерларда унинг қирғоқлари сунъий равишда кўтарилгандир. Султаноходли собиқ қишлоқ оқсоқоли Усмон отанинг ҳикоя қилишича, андижонликлар бу ерга келишиб кечаю кундуз канал чопганлар.

Меҳнат ниҳоятда оғир бўлган. канал қазिश вақтида ҳалок бўлганлар Андижонсойнинг ўнг қирғоғидаги тепаликка кўмилган.

Фарғона водийсидаги энг ёриқ ирригация иншооти — Шаҳрихонсой ҳақида қўлёзма манбаларда айрим тарих — шеърлар бор. Аввало шуни айтиш керакки, Шаҳрихонсой каналининг пайдо бўлиши Шаҳрихон номли янги қурилган шаҳар тарихи билан боғлиқ. Исҳоқхон Жунайдуллаев ўзининг «Тарихи Фарғона» асарида Андижон, Марғилон ва Шаҳрихон ҳақида қуйидаги қизиқ тарих — шеър келтиради:

«Бул тўғрида муаррихлар қилган назмлари жорийдур:  
«Арал» — Андижон — у, «Марал» — Марғилон  
Баторихи ҳижрий «Фарал» — Шаҳрихон<sup>79-80</sup>.

Бу шеърга кўра, эски абжад ҳисобида «Фарал» (غـرل) сўзидан шаҳар тарихи чиқади (яъни 1230/1814—15 йил). Бунинг тўғрилигини шаҳрихонлик мулло Фаҳриддин, Салим ота, Қимсанбой ака каби қариялар, шунингдек, кекса шоир Ҳайратий ҳам тасдиқладилар<sup>81</sup>. Архив материаллари кўрсатадики, Шаҳрихон XVIII асрдан қишлоқ тарзида маълум бўлган ва илгари Асака, Ходим, Сегаза қишлоқлари билан бирга Аравонсой ва Оқбўранинг Аравонга қўшилладиган ғарбий тармоғидан сугорилган<sup>82</sup>. Кейинроқ Шаҳрихон кенгайган сари янги сугориш манбаига эҳтиёж ҳам ортиб борган.

<sup>79-80</sup> УзССР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 11080, 27-бет.

<sup>81</sup> Ҳайратий кейинчалик Янгийўл районига яшади.

<sup>82</sup> Андижонсой ва Шаҳрихонсой системалари мудир В. К. Қараф-Қарбутнинг 1902 йили тўллаган материаллари, ЦИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 281, л. 1—5. Шунингдек, ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 653, л. 10.

XIX аср бошида хон Оқбўрада сув кўп бўлган йиллари унинг Ушдан ортган қолдиқ сувини Андижонга утказмай ғарбга — Аравонсойга ташлаш ҳақида буйруқ берган<sup>83</sup>. Шаҳрихонга Қўқон, Марғилон ва бошқа жойлардан аҳоли кўчириб келтирилган. Кексалар хотирасига кўра, Қўқондан асосан ҳунармандлар келтирилган. Рус авторларидан бирининг XIX аср ўртасида ёзган хабарига қараганда, Шарқий Туркистондан келган муҳожирлардан 20000 киши бу янги шаҳар атрофига жойлаштирилган<sup>84</sup>. Ҳатто Қўқондан бир группа маҳбуслар ҳам келтирилиб, улардан алоҳида қишлоқ ташкил қилдирилган ва уни «Дорил Омон» деб атаганлар<sup>85</sup>. Натижада Шаҳрихон оз вақт бўлса ҳам йирик савдо шаҳрига айланган<sup>86</sup>. Шаҳрихонли қариялар, айниқса, шоир Ҳайратийнинг айтишларича, шаҳарга чет мамлакатлардан ҳам савдогарлар келиб турган. Қўқонда чоршанба, Андижонда пайшанба, Шаҳрихонда эса жума кунлари бозор бўлар эди. Шаҳрихонда савдони кучайтириш ва уни обод қилиш мақсадида савдогарлардан бир неча йилгача бож ҳам олинмаган.

Шаҳарнинг қурилиш тартиби ҳақида бир қизиқ ҳикоя сақланиб қолган: Маҳмуд Аюб Муҳандис деган машҳур ҳунарманд уста Маккага кетаётганда, Умархон унга қайтишда Россия орқали юриб у ердаги шаҳарларнинг плани билан танишиб келишни буюрган. Маҳмуд Аюб Муҳандис Россиянинг жанубий шаҳарларидан баъзиларида бўлиб, улар билан танишган ва Шаҳрихон кўчаларининг планини ўзи кўрган рус шаҳарлариникига ўхшатиб тузган<sup>87</sup>. Шаҳрихоннинг ҳозиргача сақланиб қолган қадимий кўчалари чиндан ҳам тўғри ва «шахмат нусха» кўринишдадир.

Канал тарихига атаб ёзилган, сўнгги Қўқон хони Худоёр саройида хизмат қилган тарихчи шоир Мирза Олим Мушрифнинг «Ансобус-Салотин ва Товариҳул Ҳавоқин» (Султонлар насаби ва ҳоқонлар тарихи) номли китобида<sup>88</sup> учрайдиган тарих шеърни ҳам кўрсатиш мумкин. Бу асарда Шаҳрихонсой ҳақида қуйидаги сатрларни ўқиймиз<sup>89</sup>.

در بنای نهر سیخون صورت جیحون شعار  
سال تاریخش خرد «نهر عمرخانی» نوشت

(Сайхун ва Жайхунга ўхшаш бу дарёнинг бино қилинишига билимдон «Наҳри Умархоний» деб тарих келтирди).

<sup>83</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 201, л. 5.

<sup>84</sup> Образование кокандского ханства, стр. 196; А. А. Семенов. Курсатилган асар, 18-бет.

<sup>85</sup> Қишлоқ номи ҳозир ҳам сақланган.

<sup>86</sup> А. Л. Қ у н. Некоторые сведения о Ферганской долине. «Вестник Европы», 1876, № 4, стр. 430.

<sup>87</sup> Бу ҳақда «Андижанская правда» область газетасида хотиралар асосида ёзилган мақола ҳам босилиб чиққан. 1960 йил 20 февраль.

<sup>88</sup> ЎзССР ФА ШИ, 1314 қўлёзма.

<sup>89</sup> Уша қўлёзма, 21-бет.

«Наҳри Умархоний» сўзидаги араб алфавитларининг арифметик сон маънолари бир-бирига қўшилса, 1226/1811 йил чиқади.

Шуни ҳам айтиш керакки, шеърларда Шаҳрихонсой тарихи турлича сўзларда яширинганини курамиз. Ҳарфларнинг сон маъносида эса бир-биридан кўп фарқ қилмайдиган йиллар ётади. Бунинг сабаби баъзи шеърлар канал қурилиши бошланган, баъзилари у битган ёки қурилаётганда ёзилган бўлишида бўлса керак. XIX аср бошида Қўқонда тузилган «Мажмуаи шоирон» номли антологияда шоир Мушрифнинг Шаҳрихонсой тарихи ҳақидаги маснавий тарзида форс-тожик тилида ёзилган шеърни келтирилган. Шаҳрихонсойнинг тарихи ушбу шеърда «Манзури мо» сўзига яширинган. Бу шеърдан канал чиқариш ҳақидаги қисмини келтираемиз:

تاریخ جوی نو شهر بخان

.....  
زدریای سیر جویبار عظیم  
برآورد و شود آب دریا دونیم  
نمایان زعمقش چو گاو زمین  
بود عرض او بر قیاس همین  
روان شد بهر خشکی و مرز بوم  
که گیرند خلقی در آنجا هجوم  
بهر جای شهری شد آرسنه  
در و باغ گلزار پیرآسنه  
.....

بتاریخ او گفت «منصور ما»<sup>90</sup>

Таржимаси: Дарёдан шундай катта канал чиқарилдики, унинг суви тенг иккига бўлинди.

Канал шунча чуқур эдики, остидан ерни кўтариб турган ҳўкиз кўринар, эни ҳам шунга қиёсан кенг эди. Кишилар чиқиб тириклик қилсин учун унинг суви чўлларга оқизилди.

Ҳар ерда янги шаҳарлар пайдо бўлиб, уларда гулзор-у боғлар яратилди.

Бу ариққа «манзури мо» (бизга манзур) деб тарих айтилди. «منصور ما» (манзури мо) сўзидан 1237/1821-22 йил чиқиб, бу Шаҳрихонсойнинг қуриб битказилган йилига тўғри келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки. Шаҳрихонсой ҳозирги туришида бошдан-оёқ янгидан қавланган эмас. Юқоридагилардан маълумки, Шаҳрихонсойнинг Қулла қишлоғи билан Асака ўртасидаги ўрни эски Аравонсойнинг узанидир. Қулладан бошлаб юқорида —

<sup>90</sup> УзССР ФА Шарқшунослик институтининг ҳўлёма фонди, инв. № 5735, 410—411-варақлар.

Бўйдоқ қишлоқгача бўлган қисми Оқбўранинг Андижонга тўғри кетмай ғарбга бурилгандан кейинги қолган эски узани. Фақат унинг Бўйдоқ қишлоқдан бошлаб то Кампирравотгача бўлган 35 км ли қисми янгидан қавланган. Андижонлик собиқ мироббоши Абдусамат отанинг ҳикоя қилишича, Рўзиқул амин (додхо) бир қоп пахтани орқалаб Бўйдоқ қишлоқдан Кампирравотгача бўлган суви каналнинг ўрнини кўрсатиш учун йўл-йўлакай хашакларга пахта илиб кетган, сўнг шу кўрсатилган издан канал қазилган. Бўйдоқ қишлоқдан Асакагача бўлган участка эса, тартибга келтирилган — ёйилиб оққан собиқ дарё ўрни янги канал учун мослаштирилган. Асака билан Шаҳрихон ўртасида ҳам, асосан, канал учун анчагина ер ишлари қилинган бўлиши керак, чунки бу жойда Шаҳрихонсой ер бетида оқди.

Фарғона водийси Россияга қўшилгандан кейинги йилларда рус мутахассислари ва 1930 йили инженер И. Д. Лебедев бошлиқ совет мутахассисларининг текшириш натижаларига қараганда Шаҳрихонсой дастлабки йиллари унчалик катта бўлмаган<sup>91</sup>, у фақат шаҳарни сув билан таъминлашга мўлжалланган. Бу ҳолни архив ҳужжати ҳам тасдиқлайди. Асака аҳолиси хон қаралинининг Кампирравотдан олиган сувидан фойдаланишга ҳаққи йўқ бўлиб, Шаҳрихонсой сувидан абадий фойдаланиш ҳақида хон Шаҳрихон аҳолисига махсус ёрлиқ берган эди<sup>92</sup>. Асакаликлар учун Шаҳрихонсойга Аравондан ва Оқбўрадан қўшилган партов сувидангина фойдаланиш ҳақида хондан алоҳида кўрсатма бўлган<sup>93</sup>.

Каналга сув ҳайдаш учун хон буйруғи билан бутун ёз бўйи Кампирравотга махсус ўттизта мироб беркитилар эди. Баъзи йиллари Қорасув қишлоқ жамоасининг аҳолиси айрим солиқлардан озод қилиниши ҳисобиغا, барча материални ўзлари ёнидан сарфлаб ёз бўйи Кампирравот тўғонида ишлар эди<sup>94</sup>. Фақат XIX асрнинг 60-йиллари ҳозирги Султаноbod қишлоғи барпо қилингандан сўнг Кампирравот тўғонини муҳофаза қилиш ва иккала сойни муттасил равишда нормал сув билан таъминлаш вазифаси янги қишлоқ — султаноbodликлар зиммасига юкланган<sup>95</sup>.

<sup>91</sup> ЦГА ҲзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2487, л. 27—39. Ер ишлари ва давлат мулк-лари бошқармаси бўйича ирригация чиновнигининг Шаҳрихонсой системаси ҳақидаги доклады. Шунингдек: «Средазгипроводхлопок» институти архиви, 4-булим, ипв. № 10664, 103—105 варақ.

<sup>92</sup> ЦГА ҲзССР, ф. И-25, оп. 1, д. 1, л. 29. Биз экспедицияда Шаҳрихонда бўлганимизда, хоннинг ишбу ёрлиғини суриштирдик. Октябрь ре-волюциясидан олдинги йиллари ёрлиқ шаҳрихонлик Матёкуб амин деган оқ-соқолда сақланган. 1917 йили сув танқислик бўлиб, асакаликлар билан шаҳри-хонликлар ўртасида жанжал чиққан. Шаҳрихонликлар бутун сувни ўзларига ҳайдаш учун ёрлиқни олиб бориб, Асака мироббошиси Насриддин миробга кўрсатганлар. Шундан сўнг ёрлиқ ўша шахс қўлида қолиб кетган. Биз Асакада Насриддин миробнинг авлодларидан ҳеч кимни тополмадик. Ҳайратийнинг айти-шича, ёрлиқ 2 газ узунликда бўлиб, Умархоннинг ва яна 15—20 қозининг муҳри босилган.

<sup>93</sup> ЦГА ҲзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 12, л. 1—2.

<sup>94</sup> ЦГА ҲзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2487, л. 30.

<sup>95</sup> Ҳша ерда.

Кейинги йилларда Шаҳрихонсой водийсида, унинг юқори ва сўнги қисмларида кўп ерлар ўзлаштирилиб суғорма деҳқончилик маҳсулдорлиги жиҳатидан тез орада хонлиkning бошқа районларидан фарқ қиладиган бўлиб қолади<sup>96</sup>. Мирза Олим Мушрифнинг ёзишича, «Шаҳрихон обод бўлиб, ғалласи Хўқанд аскарига кифоят қилиб, яна зиёдаси омбор қилинур эрди»<sup>97</sup>.

Шундай қилиб, Шаҳрихон атрофларида деҳқончилик учун катта имкониятлар очилади. Лекин сувга бўлган талаб ҳам ортиб боради. Ер нишоб бўлгани сабабли, каналда сув секин-аста ортади. Унинг оқими ўз ўзани ва қирғоқларини муттасил равишда ювиши натижасида канал кенгаяди ва бир неча йил ичида табиий сой тўсиши олади.

Шаҳрихонсой ва Андижонсой каналлари чиқарилиб суғорма деҳқончилик учун ўзлаштирида бошлангандан сўнг, Фарғона водийсининг шарқий районларидаги кўчманчи қирғизларнинг яйловлари камайиб, деҳқончилик ерларига айланади. XIX аср 20—30-йиллари Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Ойим каби иккала канал атрофида жойлашган районлардаги ерлар ҳам секин-аста ўзлаштирилади. Бу ерлар, қисман, эски деҳқончилик воҳаларидан чиққан деҳқон хўжаликлари томонидан сотиб олинади, бир қисми қирғизларнинг айрим гуруплари ўтроқлашиб қолиши натижасида ўзлаштирилади. Сўфяқишлоқ, Холмирза, Қапа каби бир неча қишлоқлар ташкил қилиниб, ўша йиллари Шаҳрихонсойдан 6 та янги ариқ чиқарилади<sup>98</sup>. Ҳозирги Ойим қишлоқ қирғизлардан сотиб олиниб, янги деҳқончилик феодал мулкчи ташкил қилинади<sup>99</sup>. 20—30-йиллари Шаҳрихонсой водийсининг Қўрғонтепа, Жалолқудуқ атрофларида 1450 хўжаликдан иборат янги қишлоқлар пайдо бўлган эди<sup>100</sup>. Тахминий ҳисобларга кўра, Шаҳрихонсой ишга тушгандан сўнг, XIX асрнинг 30—40-йиллари 250 минг танобга яқин (ёки 41—42 *минг га*) ер суғорилиб ўзлаштирилади.

XIX асрнинг 30-йилларидан Қўқон хонлигида янгидан кўтарилган феодал жанжаллари ва тож-тахт учун курашлар натижасида, водий ерларини суғоришга ва ўзлаштиришга қаратилган тadbирлар муваффақиятли чиқмади. Аммо мавжуд Андижонсой ва Шаҳрихонсой водийсида янги қишлоқлар пайдо бўлиш процесси давом этаверди. 30-йиллар охирида Қўқон хони Маъдалихоннинг Марғилоннинг шимол томонидаги бую ерларга Сирдарёдан сув чиқариш учун қилган ҳаракати бекор кетди. Унинг бўйруғи билан Мингбулоқнинг пастида Сирдарёдан Сарисув табиий жарлигига (рудхонага) сув ўтказилиб, ундан жануб томонга олиб кетиш учун катта ариқ қазиш, бу ариқ Езёвон атрофларига ҳам сув бериши лозим

<sup>96</sup> А. Л. Кун. Кўрсатилган асар, 430-бет.

<sup>97</sup> Мирза Олим Мушриф. Кўлөзма, инв. № 1314, 21-бет.

<sup>98</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 653, л. 10—15.

<sup>99</sup> Ойим қишлоқда Умархон хотини Моҳлар Ойим (Нодира) номга йирик феодал мулкчи барпо қилинган.

<sup>100</sup> ЦГА УзССР, ф. И-25, оп. 1, д. 1, л. 92.

эди. Аммо хонликда бошланган сиёсий парокандалик натижасида бу иш чала қолиб, капалнинг қазилган қисми ташлаб юборилади<sup>101</sup>.

Уша йиллари Фарғона водийси шарқий қисмининг бошқа райони — «Икки сув орасида»<sup>102</sup> янги суғорув тармоқлари яратиш ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари жонланган эди. «Икки сув орасида»да қипчоқлар ўрнашиб, улар бутунлай чорвачилик билан эмас, балки қадимдан, қисман, деҳқончилик билан ҳам шуғулланар эдилар. «Икки сув орасида» асосан қулон, ўлмас, яшиқ, етти қашқа каби уруғлар тарқалганди<sup>103</sup>. Улар ҳам секин-аста янги суғориш тармоқлари барло қилдилар.

Биринчи марта қипчоқлар XVIII аср ўрталаридаёқ Учқўрғон ариғини чиқаради<sup>104</sup>. Ундан секин-аста яшиқ, ўлмас уруғлари ғарби-жанубий томонга ариқ тортиб янги қишлоқлар бино бўлади.

Умуман, XIX асрнинг 30-йилларида қипчоқ амалдорлари ўртасида янги-янги ерларни суғориб, ундан фойда олиш учун ўзаро рақобат бошланади. Бу, айниқса, уларнинг сиёсий бошлиғи Мусулмонқул фаолиятида аяқол кўринади. Ҳар бир уруғ бошлиғи ҳашар йўли билан қазилган ариқдан суғорилган ерларга ўз авлодларини кўчиртириб, улардан турли хил солиқлар ундириб ола бошлайдилар. Мусулмонқул 1838 йили Тентаксайнинг сўнги қисми Тошпичансойдан қулон уруғининг иштироки билан янги ариқ чиқариб, «Икки сув орасида»нинг жануб томони — Урганжи, Майгир, Жаҳонбод атрофларидаги тўқайзорларни ўзлаштиради<sup>105</sup>. Икки йилдан сўнг 2700 таноб ер ўзлаштирилиб, ундан йилига ўртача 3670 сўмдан солиқ тўплайди<sup>106</sup>.

Қипчоқларнинг янги ерлар ўзлаштириб оммавий равишда ўтроқ деҳқончилик ҳаётига ўтиши уларнинг хонликдаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлади. Бир томондан, ўтроқлашиб деҳқончиликка ўтаётган қипчоқлар, иккинчи томондан, азалдан деҳқончилик қилаётган маҳаллий феодаллар ўртасида деҳқонлар оммасининг кучи билан текинга ариқлар чиқариб янги ўзлаштирилаётган ерларда катта-катта фойда олиш учун ўзаро рақобат авж олади.

Кейинча, Мусулмонқул йирик амалдорлик даражасига кўтарилганда бу рақобат янги суғориладиган ер майдонлари учун оқиқдан-оқиқ курашга айланади. Шу хилдаги ер-мулк учун кураш XVIII аср иккинчи ярмида Хоразмда ёш Муҳаммадаминхон бошлиқ кўнғиротлилар билан туркман феодаллари ва Орол манғитлари ўртасида ҳам рўй берган эди<sup>107</sup>. Бундай ўзаро курашлар оқибатида мамлакатда феодал зулмининг кучайиши, аҳолининг моддий аҳволи ёмонлашиб бориши табиий эди.

<sup>101</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 757, л. 31.

<sup>102</sup> Фарғона водийсининг Норин ва Қорадарё ўртасидаги райони.

<sup>103</sup> В. Наливкин, Кўрсатилган асар, 155-бет.

<sup>104</sup> Н. Петров, Об ирригации в Туркестанском крае, Ташкент, 1894, стр. 62.

<sup>105</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 481, л. 13.

<sup>106</sup> Уша ерда.

<sup>107</sup> Қарағ: Я. Ғ. Фуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 215-бет.

Мамлакат ичда янги ерлардан фойда олиш учун бўлаётган ўзига хос бу кураш, хонликда марказий ҳокимиятга қарши феодал ўзбошимчаликларининг кучайишига олиб келади. Бу тартибсизликлар Қўқон хонлигининг асосий рақиби — Бухоро амири томонидан вақтинча босиб олинишига ҳам сабаб бўлган эди.

Шу даврдан бошлаб Қўқон ҳокимиятида қипчоқ уругининг қўли баланд кета бошлайди. Уларнинг қабила бошлиқлари хонликда энг юқори ўринларни олишга ҳаракат қиладилар<sup>108</sup>. Қўқон хони Шералихон қипчоқ бошлиқларини ўзига яқинлаштириш учун 1844 йили Мусулмонқулни Шаҳрихонга ва яна бир қипчоқ оқсоқоли Каримқулни Андижонга ҳоким қилиб тайинлайди<sup>109</sup>. Мусулмонқул эса хонликка Бош мунгбоши қилиб тайинланади.

1845 йили Шералихон ҳукмронлиги тугагандан сўнг Мусулмонқул ўз авлодлари ёрдамига суяниб, Шералихоннинг 13 яшар ўғли, Наманган ҳокими Худоёрни хон кўтаради. Бундан мақсад унинг ёшлигидан фойдаланиш ва ер-мулклар орттириш эди. Хонликда феодалларнинг зулми яна кучаяди. Улар сурбетларча халқни талайдилар, аҳолининг бог-қовлиларини тортиб олиб, турли хил солиқ ва ўлполлар жорий қиладилар. Фарғонадаги ўша давр ҳаётини маҳаллий тарихчи мулла Олим қуйидагича таърифлайди: «Халқни талон-тарож айлаб, «олиб кетди — талаб кетди» аҳволотидан халқ кўз очолмай, тинчлик ила зироат қилолмай, олис жойга тижоратга боролмай, юрт нообед, халқ камбағал бўлишига ул нодон, жоҳил ҳукмдорлар сабаб бўлган эди»<sup>110</sup>.

Мусулмонқулнинг назарда тутган асосий хўжалик ишларидан бири халқ кучи билан бўш ерларни суғориш ва бунинг эвазига ўз шахсий мулкни ошириш ҳамда қипчоқларнинг иқтисодий ва сиёсий мавқени мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Мусулмонқул каналнинг чиқарилиши ҳам худди ана шу мақсадга қаратилганди.

Ушбу канал ҳақида манбаларда маълумот йўқ. Фақат Андижон уези бошлиғи ёрдамчиси Венградскийнинг канални дарё ўпириб кетиши мўъсабати билан 1885 йили ўтказган текширишлари ҳақидаги ҳисоботида канал тарихига доир хотиралар асосида маълумот тўпланган<sup>111</sup>.

Мусулмонқул Шаҳрихонга ҳоким бўлиб тайинланиши биланоқ янги ер участкаларини ўзлаштириб, уни қипчоқларнинг хусусий мулкига айлантириш ҳақида кенг план тузган эди. У, биринчи навбатда, янги пайдо бўлаётган Чинобод қишлоғини сув билан таъминлаш<sup>112</sup>, сўнгра ёнма-ён бўлган эски Ҳақдулобод, Хужабод қишлоқларига қўшимча сув юбориш йўли билан улар атрофидаги

<sup>108</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, I том, 679-бет.

<sup>109</sup> В. Навлякни. Қўрсатилган асар, 158-бет.

<sup>110</sup> Мулла Олим, «Тарихи Туркистон», Тошкент, 1915 (Литография), 86-бет (Шарқшунослик инсти-тути фонди, инв. № 5751).

<sup>111</sup> ЦГА УэССР, ф. И-1, оп. 17, д. 578, л. 179. 1965 йили УэФА Шарқшунослик инсти-тутининг қўлёзмалар фондидан ушбу канал ҳақидаги хон ёрлиқ-хужжати топилди. Инв. № 56.

<sup>112</sup> ЦГА УэССР, ф. И-1, оп. 17, д. 171, л. 178.



бўш ерларни ҳам ўзлаштиришни мақсад қилиб қўяди. Кейинроқ Шаҳрихоннинг гарби-шимоли, Балиқчининг жанубидаги Бўз деб аталадиган кенг текислик районгача сув олиб бориб, бу ерларга ҳам қипчоқларни кўчириб келтириш назарда тутилган эди. Бунинг учун Қорадарёнинг чап қироғи бўйлаб ариқ чиқариш лозим эди. Мусулмонқул 1848 йили бўш ерларни суғориш учун Худоёрхондан «ёрлик олади ва ҳамма ерга жарчи қўйдиради: «Қимки ўзи фойдаланиш учун суғориладиган ерга эга бўлишни хоҳласа, унинг олдига кела берсин»<sup>113</sup>. Қисқа вақт ичида ерсиз камбағал аҳолидан жуда кўп одам тўпланadi. 1849 йилда Сиза қишлоғи ёнидаги Иламиш мазор номли жарликдан ғарбга томон ариқ кавлашга киришилади.

Янги ариқ трассаси ва суғориш назарда тутилган ерлар рельеф жиҳатидан текислик ҳамда ўнг томонга — дарё томонга бироз нишоброқ эди. Шунинг учун Мусулмонқул ариғидан биринчи 21 км қазилиши билан ундан ўнг томонга: Чинобод, Хўжаобод ва Ҳаққулобод қишлоқларигача ариқ қазиб сув олиб бориш жуда осонлик билан амалга оширилади. 1850 йили узунлиги 32 км бўлган асосий магистрал канал қазиб тугалланади<sup>114</sup>.

Бу районнинг тулроқ таркиби тез ювиладиган қум аралаш ғаввак бўлиб, канал трассаси нивелировка қилинганда шошилинич билан жойнинг бу сифати назарга олинмай унга кўпроқ нишоб берилган<sup>115</sup>. Бундан ташқари, каналнинг ўзи ҳам катта бўлган (Унинг эни 8—10 қулоч, чуқурлиги 2 қулоч атрофида)<sup>116</sup>. Натижада дастлабки йиллардаёқ Мусулмонқул ариғига қутилгандан кўпроқ сув келади. Бу эса суғоришга мўлжалланган район чегарасини кенгайтириш имконини беради. Мингбоши бу ерларни хизмат кўрсатганларга улашади. Биринчи навбатда, канал қазишда ва бу ишга халқни сафарбар қилишда актив қатнашган шахслардан 47 киши хон ва Мусулмонқул рухсати билан ер мулклари олади<sup>117</sup>. Тез орада канал трассаси бўйлаб кўпгина деҳқон хонадонлари пайдо бўлади.

Кейинги йиллари Мусулмонқул канали секин-секин ювилиб чуқурлашади ва унинг сув миқдори йилдан-йилга ошиб боради. 1870 йиллари Мусулмонқул каналнинг суви мўлжалдан икки баробар кўпайиб 175—180 м<sup>3</sup>/сек га етади<sup>118</sup>.

Мингбоши Мусулмонқул мавжуд шароитдан жуда усталик билан фойдаланади: ер-сувга бўлган қипчоқлар эҳтиёжининг ортиб бориши традицион қашар ёрдами билан канал чиқариш ишини нисбатан осонлаштиради ва ерни феодал хусусий мулкка айланти-

<sup>113</sup> История народов Узбекистана, т. II, 1947, стр. 146.

<sup>114</sup> Хужжатда 4 фарсах дейилган (қаранг: Шарқшунослик инст-ти, иив. № 56).

<sup>115</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 17, д. 578, л. 179. С. Джаалов. Из истории народной ирригационной практики в Узбекистане, Ташкент, Изд-во АИ УзССР, 1960, стр. 58.

<sup>116</sup> Уша хужжат, иив. № 56.

<sup>117</sup> Уша жойда.

<sup>118</sup> С. А. Мелик-Саркисяп. Урочище «Бус» Ферганской области, СПб., 1899, стр. 10.

риш имконияти кенгайти. Мава шундай шаронда Мусулмонқул бошлиқ феодал амалдорлар канал чиқариш билан ўзлаштирилган қўриқна ерларни ўз хусусий мулкларига айлантирадидлар. Уларнинг модалий бойлиги ортиб борган сари хонликдаги сиёсий мавқеълари ҳам мустаҳкамланади. Ариқлар ҳам уларнинг хусусий мулкига айланиб, ериш суғормоқчи бўлганлар, шу ариқнинг эгасига солиқ тўласагина сув олар эди<sup>119</sup>. Ф. Энгельснинг... «Тарихда бўлиб ўтган давлатларнинг кўпчилигида граждандарга бериладиган ҳуқуқлар уларнинг мулкий аҳволига мос келади...». «Ўрта аср феодал давлатларида ҳам аҳвол шундай эди, бундай кишиларнинг сиёсий назияти уларнинг қўлидаги ерларнинг миқдорига қараб белгиланар эди»<sup>120</sup>, деган сўзлари XIX аср ўртасида Қўқон хонлигида рўй бераётган воқеаларга ҳам тўғри келарди. Маҳаллий халқ арз-доҳ қилиб ҳеч қаерга боролмасди.

1852 йил октябрь ойидаги ғалаёнларда Мусулмонқул ўлдирilib, унинг бутун ер-сув мулкларини Худоёрхон томонидан тортиб олинади. Хон ўз молиявий аҳволини тиклаб олиш учун тортиб олинган ерларнинг барчасини маҳаллий деҳқонларга мажбурий равишда сотдиради.

Худоёрхонда Мусулмонқул каби меҳнаткаш халқ кучи билан янги суғориш каналлари чиқариш ишини ўз қўлига олиш фикри пайдо бўлади. Бу билан у, биринчидан, янги ўзлаштирилган ерлардан ўзбек феодалларига янги мулклар ҳадя қилиб, сўнг уларнинг ёрдами билан ўзининг кучсизланиб қолган сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаб олмақчи эди. Иккинчидан, бўш ётган ерларни суғориш билан йирик хусусий ер-мулклар орттириш, қўшимча эксплуатация имкониятларини қўлга киритиб, ўз молиявий аҳволини ҳам яхшилаб олиши мумкин эди.

1853 йили Марғилон ҳокими Утаббойга Файзиободсойдан ариқ қазиб Қўқоннинг шимолидаги Девонаработ қишлоғигача бўлган бўз ерларга сув чиқариш ҳақида буйруқ беради<sup>121</sup>. Шаҳрихон ҳокимига Шаҳрихонсойнинг этак қисмларини тартибга солиш билан янги чек — қишлоқлар ташкил қилиш топширилади. Шаҳрихонсой Шаҳрихоннинг шимоли-ғарб томонидаги катта ботқоқликка қуюлар эди. Аммо бу атрофлар жуда ҳам захлиги устига ернинг нишобини йўқлиги сабабли шаҳарни тез-тез сув босиб турар эди. Худоёрхон буйруғи билан XIX аср 50-йилларидан сойнинг шимоли-ғарб йўналиши ўзлаштирилиб, бутунлай шимол томонга — Қорадарёга тушадиган янги ўзан кавланади ва Шаҳрихонсой этаги дарёга ташланади<sup>122</sup>. Натижада Шаҳрихонсойнинг шимоли-ғарбга йўналган ва халқ оғзида «ёмон сой» деб аталган эски ўзани бутун атрофи билан қуриб янги экин ерлари очилади. Сўнг ғарб томондаги ботқоқликлар ҳам қурий бошлади. Тахминан 10 йил ичида ушбу ер-

<sup>119</sup> В. Паливкин. Қўрсатилган асар, 163-бет.

<sup>120</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Таълиқланган асарлар, II том, Тошкент, 1959, 351-бет.

<sup>121</sup> А. Милдендорф. Очерки Ферганской долины, стр. 21.

<sup>122</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 291, л. 1.

ларда Қумқайроқ, Шайхул-Ислом, Зулфулар каби янги қишлоқлар пайдо бўлади.

Бу вақт ичида Мусулмонқул канали ва унинг водийсидаги янги қишлоқларда ҳам анча ўзгариш юз беради. Мусулмонқул каналининг суви йилдан-йилга кўпайиб бораётган эди. Ундан бош олган Чинобод, Хўжаобод, эски Хаққуллобод ариқлари кенгайиб, улар ҳам аллақачон «сой» аталадиган бўлиб қолган эди. Шаҳрихон билан Балиқчи ўртасидаги буз ерларнинг талай қисми суғорилиб, Халфа, Қўшқўприк, Тумор, Сарой, Олимбек каби янги қишлоқлар пайдо бўлади<sup>123</sup>.

Мусулмонқул каналининг йилдан-йилга эҳтиёждан ортиб бораётган сувини ташлаб юбориш учун 1860 йиллари у Мазгилсой номи билан янада ғарб томонга давом эттирилади. Шаҳрихондан 10 чақиримча шимолда Мазгилсой Шаҳрихонсойнинг Қорадарёга йўналган ташламаси билан кесишади. Сув йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида Мазгилсой ўзани кейинча чуқурлашиб, Шаҳрихонсойнинг ташламаси ҳам Қорадарёга ўтмай унга қўшилади. Худоевхон Мазгилсой водийсидаги янги суғорилган ерларни энг яқин кишилари — ўгли Урмонбек, укаси Султонмуродбек, Сулаймонбеклар номига чек қилиб беради<sup>124</sup>.

Бу вақтда Андижонда ҳам янги ерлар очиш учун ҳаракат бошланган эди. Оқбўра дарёсининг суви Андижонга келмай қолганидан сўнг шаҳарнинг шимол томонидаги унинг эски ташлама райони ҳамда Қорадарё трассасидаги шарқдан-ғарбга чўзилган ботқоқликлар секин-аста қурийдди. XIX аср бошларидан бу ерларда шоликорлик ривожланиши билан Андижон шолиси атрофга машҳурлашган эди<sup>125</sup>. Андижоннинг шимоли-шарқ томонларида Андижон феодалларининг Дўдир, Бекобод, Чўлоқ қишлоқ, Орол каби қишлоқлари пайдо бўлади. Ботқоқ ерлар қуриган сари Қорадарёнинг пастки трассаси бўйлаб шарқдан ғарбга томон ўтган булоқ сувли Қорағунон ариғининг суви ҳам тобора камайиб, унинг қора суви бу райондаги шоликорлик ерларини таъминлай олмай қолади.

Тахминан 1856 йили машҳур Девона бой бошлиқ Андижон феодаллари Қорадарёдан ариқ чиқариш ҳақида Худоевхондан рухсат сўраб арз қиладилар. Худоевхон андижонли мулкдорлар илтимосини қондиради. Хон буйруғига биноан, 1853 йилдан Марғилон ҳокими Утаббой ҳам Файзободсойдан ариқ қавлашга киришган эди. Лекин бу ишда Файзободсойнинг сув ресурси ҳисобга олинмаганди. Сув Файзободнинг ўзини зўрға таъминлаб, дарёдан кўшимча сув олиш эса, бошқа районларнинг манфаатига путур етказарди. Утаббой Файзободсойдан ариқ чиқаришга муваффақ бўлди ва унинг водийсига Марғилон атрофидан 300 хўжалик кўчириб ҳам келтирилди<sup>126</sup>. Аммо файзободдилар ўзларига сув етмаётгани сабабли

<sup>123</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 578, л. 179.

<sup>124</sup> Уша ерда.

<sup>125</sup> Исҳоқхон. Инв. № 11080, 44-бет.

<sup>126</sup> А. Миддендорф. Очерки Ферганской долины, стр. 21.

хонга арз қилиб, янги ариқни кўмиб юборадилар. Барча кўчириб келтирилган хонадонлар ўз хўжаликларини ташлаб қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Ўтаббойнинг уриниши муваффақиятсизликка учрагандан сўнг Худоёрхон Шаҳрихонсойни тартибга солиш иши билан бир қаторда, Андижон шимолида Қорадарёдан канал чиқариш масаласига катта эътибор беради.. Хон рухсатига кўра андижонликлар Қорадарёдан янги ариқ чиқаришга киришган эди. Ариқнинг боши Андижондан 20 км шарқдаги Тешиктош қишлоғидан бошланганди. Аммо бу вақтда янгидан кўтарилган ва 1859 йили Худоёрхон вақтинча тахтдан туширилиб, ўрнига Маллахонининг келиши билан тугалланган сиёсий тўполонлар канал қазिश ишини бироз фурсат тўхтатиб қўяди.

Фақат 1862 йили Худоёрхон ўз тахтини қайта эгаллаб хонликда осойишталик ўрнатилганидан сўнггина Тешиктошдан бошланган канал 27 км узунликда қазилиб тугалланди. Унинг этаги Куйганёр қишлоғи ёнида яна Қорадарёга ташланди. Канални Худоёр шаънига «Хонариқ» деб атайдилар. Бу билан Андижоннинг шимоли-шарқдаги жуда кенг шаликорлик ва қўриқ ерларни етарли суғориш имконияти туғилди.

Маълумки, бу вақтда Қўқон хонлигининг ички ҳаётида қисқа бўлса ҳам нисбатан тинч тараққиёт даври бошланиб, Худоёр тамоман ички ишлар билан шугулланаётган эди. «Улардан энг муҳими — ўз хусусий хазинасини кўпайтириш — деб билар эди»<sup>127</sup>. Янги ерларни ўзлаштириш эса бу «муҳим» ишда катта ўрни тутарди. «Фарғонанинг энг йирик каналларидан бири»<sup>128</sup> булган Улуғнор канални чиқариш ғояси ҳам ана шундай тарихий шароитда пайдо бўлади.

Бу канални чиқариш тарихи баёнига ўтмасдан каналнинг номи «Улуғнор» ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Каналнинг асли номи Улуғнаҳр бўлиб, тарихий адабиётларга «Улуғнор» ёки «Улуғнар» шаклида кириб қолган. «Улуғнаҳр» улуғ дарё, буюк дарё маъносини билдириб, каналнинг ҳаётий аҳамияти ва ҳажминини билдириб шундай аталган; иккинчидан, «Улуғнаҳр» сўзида каналнинг аниқ қурилган йили яширингандир.

Худоёрхон даврида Қўқонда яшаган шоир ва ҳаттот мулла Ниёз Муҳаммад канал ҳақида қуйидаги тарих-шеърни ёзган эди<sup>129</sup>.

لطافت بولە شە تارىخ اداسين  
قېلىپ ساچدى اتىزدىن درو گوهر  
ضمير انوارىدىن بويەلە مكشوب  
بولىپ تارىخنى ديدى « الغ نهر »

<sup>127</sup> В. Наливкин. Кўрсатилган асар, 205-бет.

<sup>128</sup> П. Иванов. Очерки по истории Средней Азии, М., 1958, стр. 128.

<sup>129</sup> Мирза Олим Мушриф. Инв. № 1314, 129-бет.

«الغ نهر» сўзидаги араб ҳарфларининг арифметик сон йиғиндисидан 1286 (1869/70-йиллар) — канал қазилган аниқ тарих чиқади. Кейинги вақтларда «Улуғнаҳр» сўзи бузилиб «الغ تار» шаклида ёзиладиган бўлди, натижада унинг сон маъноси йўқолди<sup>130</sup>.

Бундан ташқари, XIX асрнинг 90-йилларигача бўлган даврга оид архив ҳужжатларида ҳам «Улуғнаҳр» шаклида тўғри ёзилган. А. Миддендорф ўзининг машҳур асарида канални «Улуғнаҳр» деб аталишини қаттиқ туриб талаб қилишади<sup>131</sup>, деб изоҳ бериб ўтади.

Шу нарсага айтиб ўтиш лозимки, Улуғноҳр канали хонликнинг сўнгги йилларида чиқарилган бўлишига қарамай, ўша вақтда ва ундан кейин пайдо бўлган маҳаллий тарихий асарларда ҳам у ҳақда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Қўллёзма манбаларда канал ҳақида келтирилган тарих шеърдан бошқа ҳеч қандай хабар топилмади.

Худоёрхон Марғилон ҳокими Файзободсойдан сув чиқаролмагач, қишлоқ — Девонаработгача бўлган ерларни сугориш учун 1868 йили Андижонда ишга тушган «Хонариқни» гарбга давом этдириш ҳақида буйруқ беради. Бу борадаги ўзининг ҳақиқий мақсадини яшириб, канал қурилишига меҳнатқаш деҳқон оmmasини сафарбар қилиш учун янги сугориладиган районда ўша йили ўлган онасининг васиятига биноан, Қўқонда қурилган «Ҳаким Ойим» мадрасаси ихтиёрига вақф ерлари ташкил қилмоқчи<sup>132</sup> эканини аълон қилади.

Планга кўра, Тешиктош қишлоғида Қораларёдан бош олиб Андижоннинг шимолдан оқиб ўтган янги «Хонариқ»ни гарбга томон давом эттириш ва Қуйганёрдан 6 км пастанда — Миробод қишлоғи ёнидаги «Тўнғиз тўсар» номли табиий жарликда канал учун иккинчи сув олғич тўғон қуриш, сўнг уни жануби-гарбга томон — Шаҳрихоннинг гарбидаги Қоратепа қишлоғи орқали Девонаработгача олиб бориш лозим эди. Унинг узунлиги 150 км га етарди. Аслини олганда, бу — Марказий Фарғонадаги бўз ерларнинг жануби-шарқий районларини сугориш учун бошланган ҳаракатдир. А. Миддендорф фикрича, бу анча «жасуруна» иш эди<sup>133</sup>.

Ишга хонликнинг барча районларидан одам тўплайдилар. Канал трассасидан ҳар бир бекликка маълум иш участкаси ажратиб беркитилади. Иш бошланган 1868 йили ўртача 30 км қазилади ва канал Шаҳрихонга яқинлашади. Кейинги йили ўшандай суръат

<sup>130</sup> Ана шу тарада биринчи марта Н. П. Остроумов «Песня о Худаярхане» номли мақоласида ёлган эди (Қарағ: Записки Вост. отд. Ими Арх. общ. 1887, т. II, 191-бет). Редакция томонидан берилган изоҳда: «Остроумов қўллёзмаси транскрипция нўқтан назаридан кўл жиҳатдан аниқлик киритишга муҳтождир дейилган эди (Ўша ерда, 180-бет, сноскада).

<sup>131</sup> А. Миддендорф. Кўрсатилган асар, қўшимча IV а, XX бет (сноскада).

<sup>132</sup> Мирза Олим Мушриф. Кўрсатилган асар, 1296-бет.

<sup>133</sup> А. Миддендорф. Кўрсатилган асар, IV қўшимча, XX бет.

билан яна 25 км кавланади. Лекин канал Сарижўга зовурини кесиб ўтгандан сўнг, унинг йўналишини плаандагига нисбатан жануби-ғарб томонга ўзгартадилар.

Фарғона область ирригация мудирин Н. Жилининг 1878 йили ўтказган нивелировкасига қараганда, бу линия анча баланд эди. 1870 йил баҳорда каналга сув қўйилганда сув Сарижўга майдонидан нарига ўтмади. Шунинг учун ишнинг учинчи йили, яъни 1870 йилда канал йўналиши қайтадан бироз шимоли-ғарбга ўзгартирилади. Қоратела қишлоғидан ўтиб этаги Ёзёвонсойга туташади. Шу йилнинг ўзида каналнинг Андижондаги Хонариқ қисми бошдан-оёқ — Тешиктошдан Қуйганёргача анча кенгайтирилади. Лекин учинчи йили сув қўйиб қўрилганда Сарижўдан 4 км ча ўтиб, Қорателага етмай яна тўхтади. Ўртада канал сувининг сатҳи секин-аста кўтарилиб, унинг ўнг қирғоғини юнб кетади, сув Марғилон — Наманган йўлигача оқиб бориб, ўртадаги жуда кенг майдонлар ботқоқлашади, сув тўпланган ерларда майда-майда кўллар ҳосил бўлади. Оғзаки ҳикояларга қараганда, бу нохуш хабардан хон жуда аччиғланган ва иш жойига шахсан ўзи келиб, тайинланган бошлиқни тарсаки билан урган<sup>134</sup>. 1871 йили бу хавфли ерни тузатишга уринилди. Шу мақсадда жануб томондан айланма ўзан кавланди. Бу ишга Марғилон бегининг ўзи раҳбарлик қилди<sup>135</sup>. Аммо бутун ҳаракат зое кетди. Барибир канал суви Шаҳрихон билан Сарижўга ва Қоратела ўртасида димланиб, Ёзёвонсойгача ҳам бормади. Бунинг устига ишлаётган деҳқонларда норозилик кайфияти, қурилишдан қочиб кетишлар бошланди. Ишга вақтинча тўхтатишга мажбур бўдилар. Ваҳоланки, бошда мўлжалланган ишнинг ярми ҳам бажарилмаган эди.

Дабдабали равишда «Улуғнаҳр» деб аталган канал қурилиши шу ерда тугалланади. Улуғнор каналини чиқаришда меҳнаткаш халқ жуда қаттиқ жабр тортган эди. 1961 йили эски канал трассаси бўйлаб, ёзиб олинган баъзи хотираларга кўра, каналда ҳар йили кузда 4000 киши 2 ойдан ишлаган. Асосий ишчи кучи Андижон, Марғилон ва Шаҳрихон қишлоқларидан олинган.

Кейинги йили уларнинг бошқа гуруҳи юборилган. Бевосита ишчи кучи беришда қатнашмаган қўшни вилоятларга эса махсус «ариқ жаримаси» солинган. Жарима ундиришда ҳам хон вакиллари кўп фирибгарлик ишлатганлар. Улар белгиланганидан ортиқ солиқ ундиришиб, арзон ишчи кучи ёллашганлар. XIX аср 50-йилларининг охирларида Шарқий Туркистондан ўтиб қолган уйғурлар жуда арзон иш ҳақи билан канал қазинида кўп қатнашган. Канални қуриш учун ҳаммаси бўлиб 720000 ишчи куни сарфланди<sup>136</sup>.

Қурилишда меҳнат шароити жуда оғир бўлган. Каналнинг бир йилда битказишга мўлжалланган қисми маълум қисмларга бўли-

<sup>134</sup> И. Пўлатов, А. Мустафаев. Қўрсатилган асар, 53-бет.

<sup>135</sup> А. П. Федченко. Путешествие в Туркестан, М., 1950, стр. 338.

<sup>136</sup> Н. Петров. Қўрсатилган асар, 78-бет.

ниб, ҳар бири ўз навбатида алоҳида жамоа, қишлоқ учун тақсимлаб қўйилган. Бир ишчи бир кунга белгиланган иш қисмини бажармагунча уни трассадан чиқармаганлар. Иш нормасини бажаролмаган деҳқонга раҳм-шафқат қилинмаган. Уларнинг юзига балчиқ суртиб сазойи қилганлар. Ишдан тинкаси қуриган қариялар ва касал-мандларини тўплаб, ишбошининг буйруғи билан қалтаклаганлар<sup>137</sup>. Шаҳрихоннинг Саҳоват қишлоғи яқинида — Улуғнор канали ўтган жойда яқинларгача ҳам «Мусофир мазор» номли қабристон бўлган. Узоқ қишлоқлардан хон каналида ишлатгани келтирилиб, вафот этган деҳқонлар, шунингдек, ёлланган мусофир уйгурлар шу ерга дафн қилинган. Биринчи йиллари канал ишига халқни сафарбар қилиш нисбатан осон бўлган. Аммо кейинги йиллари иш муваффақиятсиз чиққан сари хоннинг лўттибозлиги ошқоқра бўлиб, кўп жойларда деҳқонлар тўп-тўп бўлиб ишдан қочиб кета бошлаганлар.

Улуғнор канали, дарҳақиқат, катта бўлиб, унинг ўртача эни 6—7 саржинга баробар эди<sup>138</sup>. Чуқурлиги эса, Жилин ҳисобига қараганда, 10—11 фут эди<sup>139</sup>. Каналнинг кенглигидан булса керак, 1875 йили Андижонга бораётган рус қўшинлари бу «баҳайбат ариқ» — Улуғнаҳрдан кечиб ўтолмаганлар<sup>140</sup>.

Бу орада Худоёрхон ўз қариндошлари ва яқин кишиларига канал битган районда янги суғориладиган ерлар ҳисобидан катта-катта ер участкалари бера бошлайди. Олтинкўл билан Қоратепа ўртасида хон амалдорларининг йирик-йирик мулклари пайдо бўлади. Хоннинг ўғилларидан Насриддинбек 200 хўжалик учун, Урмонбек — 50 хўжалик учун чек олади. Сарой амалдорларидан Кийикбой 200 хонадонга, Султон Муродбек 80 хонадонга, Хоназар Пармоначи 30 хонадонга, Исо авлиё 15 хонадонга чек олади. Мингбоши Маҳмудхон тўранинг Шаҳрихонсойдан суғориладиган йирик мулки бўлишига қарамай, Улуғнордан ҳам ер олади. Бош қози қалон Солимаҳдумга 200 хонадон учун ер берилади.

Булардан ташқари, 1870 йили Улуғнорнинг ўнг бетида Ёзёвонга яқин жойда «Янгичек» номли 600 хонадонли жуда катта қишлоқ ташкил қилинади. Шаҳрихонли қариялардан Салим отанинг фикрича, Худоёр Марғилон билан Шаҳрихон ўртасида янги шаҳар ташкил қилмоқчи бўлган. Аммо Янгичек қишлоғи сувсизликдан узоқ яшай олмади.

Улуғнор каналига дастлабки йиллар 150 тегирмон\* сув келарди<sup>141</sup>. Канал сувининг айрим қишлоқлар, феодал мулклари ўртасида тақсим қилиш тартиб қондалари ҳали белгиланмаганлиги на-

<sup>137</sup> Қарағ: Я. Ғ. Ғуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, 1957.

<sup>138</sup> Н. Петров. Об ирригации в Туркестанском крае. Ташкент, 1894, стр. 79 (1 сажень=2,13 м).

<sup>139</sup> А. Миндендорф. Кўрсатилган асар, IV қўшимча, XXI бет (фут — 30,44 см).

<sup>140</sup> М. А. Терентьев. История завоевания Средней Азии, т. II, Спб., 1906, стр. 371.

<sup>141</sup> А. Миндендорф. Кўрсатилган асар, IV қўшимча, XXIII бет.

\* Бир тегирмон сув — 200 литр/секундга тенг.

тижасида кўп тартибсизликларга йўл қўйилади. Каналнинг асосий суви хон амалдорларининг ва қариндошларининг Янгичекдан юқорида жойлашган ер-мулкларига сарфланади. Қорақалпоқ, Ҳасан-Ҳусан, Сарой, Оқтепа каби Андижон қишлоқлари 1873—1875-йиллари Фарғонада рўй берган снёсий тўполонлар вақтидаги хўжасизликдан фойдаланиб, ҳеч қандай рухсатсиз Улуғнордан янги ариқлар чиқарадилар ва шолкорликни кенгайтирадилар. Бунинг устига канал нивелировкаси муваффақиятсиз чиққанлигидан, унинг этак районларига йилдан-йилга кам сув келадиган бўлиб қолади. Натижада Янгичекликлар ўз сувига эга бўлолмай, ер ва уй-жойларини ташлаб, ҳар томонга кета бошлайдилар. А. Миддендорф 1878 йили Маргилондан Шаҳрихонга келаётганида йўл устида бу катта қишлоқнинг фақат вайроналарини кўрган эди<sup>142</sup>.

Шундай қилиб, Худоёрхон даврида чиқарилган биринчи энг йирик суғорув канали муваффақиятсиз ишланиб, қутилган натижани бермади. Улуғнор канали чала қолгани ва унинг сув тақсимида тартиб ўрнатилмагани сабабли кейинчалик хонлик битирилгандан сўнг рус ҳокимияти учун ҳам анча иш орттиради (кейинги бобга қаранг).

Умуман, XIX аср 60-йиллари Қўқон хонлигида янги ерларни ўзлаштиришда фақат бир мақсад — феодал ер-сув мулклари орттириш, шахсий даромад манбаини кўпайтириш кетидан қувиб қилинган беҳуда уриниш — ҳаракатларни кузатиш мумкин. Худоёрхон ҳар қандай йўл билан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, даромад манбаларини қўлга олиш, узаро урушлар натижасида бўшаб қолган хазинасининг камоматини тўлғаиш мақсадида турли хил усуллар билан иш кўраётган эди. Бундай ҳолат суғориш ишларини ташкил қилиш, янги ерлар ўзлаштиришда кўп салбий оқибатларга олиб келди. Канал, ариқларнинг шошилиш равиши, субъектив мақсадларда чиқарилиши натижасида бу ишларга доир асрий халқ тажрибаларига ҳам эътибор берилмади. Оқибатда техника эҳтиётсизликлари рўй беради, традицион халқ ҳашарларини суъийстеъмол қилишлар бошланади. Бу ўринда Асаканинг жанубий бурчагига сув келтириш учун бўлган беҳуда уринишлар ҳам айниқса характерлидир.

Худоёрхон XIX аср 60-йиллари Асакани «Эраммисол юрт қилмоқ»<sup>143</sup> ниятида унинг атрофидаги деҳқончилик ерларини анча кенгайтирган эди. Унганча Асака Шаҳрихонсойга Оқбўра ва Аравон ташламасидан қўшилган сувга эгалик қилар эди, холос. Кейинча Шаҳрихонсой сувининг ҳам анчагина миқдори Асакада сарфланадиган бўлади<sup>144</sup>. Шаҳрихон ҳокими Исо авлиё Асаканинг фарби билан Қуванинг шимоли ва Шаҳрихоннинг ўртасидаги бўз ерларни ўзлаштириш учун Асаканинг ўзида Шаҳрихонсойдан бошланади-

<sup>142</sup> А. Миддендорф. Кўрсатилган асар, 179—180-бетлар.

<sup>143</sup> Нийё Мухаммад, «Торихи шаҳрухий», УЭФА Шарқшунослик инсти, инв. № 1787, 489-бет.

<sup>144</sup> А. Л. Куп. Некоторые сведения о Ферганской долине, стр. 430.



гаи катта ариқ чиқарди. Шаҳарнинг жанубида, Шаҳрихонсой чап қирғоғи бўйлаб, этаги адирга туташиб кетган баланд ва гузал табиатли ерда хоннинг ёзги қароргоҳи ва боғ барпо қилиш учун Исо авлиёга сув чиқариш вазифаси топширилади. Аммо Шаҳрихонсой бу ердан деярли 40 метрдан ортиқ пастда оқар эди. Амаппараст ва сотқин Исо авлиё адир ортида, Қулла қишлоғига яқин жойда Шаҳрихонсойдан бош олиб, сойнинг чап қирғоғидаги баланд адир ён бағри бўйлаб оқадиган 8 км узунликда ариқ қавлашга маслаҳат беради. Ариқнинг деярли 4 км қисми тик адир ёнбағрини қирқиб ўтиши лозим эди. Бевосита Исо авлиё раҳбарлигида «Худоёрхон» номли ариқ қавлаш учун минглаб одамлар сафарбар қилинади. Иш ниҳоятда тиргиз бўлгани сабабли, нивелировка ҳам қилинмай, халқ усталаридан Зокирбой деган киши кетмон билан ариқ трассасини чизиб беради. Қизгин иш кетаётганда ариқ трассасининг Марҳамат йўлига яқин қисмидаги баланд адир чўққиси остидан ўтган ҳалок тепадан жуда кўп тош аралаш тупроқ ўпирилиб, 180 киши ҳалок бўлади. Лекин хон буйруғи билан иш тўхтамай давом эттирилади. Тезда иккинчи жойда ҳам адир ўпирилиб, яна 8 киши ўлади. Аччиғланган хон халқ норозилиғи бошлангандан кейингина ишни тўхтатишга буйруқ беради. Эҳтиётсизлик билан қилинган иш натижасида ариқ чиқариш учун сарфланган халқ меҳнати зое кетади. Бу хон аригининг адир ёнбағридаги изи узоқдан ҳамон кўзга яққол ташланиб туради. Асака район сув хужалигининг собиқ бошлиғи Лященко Улуғ Ватан уруши йиллари ариқнинг ташландиқ қисмини нивелировка қилиб кўрганда, унинг адир сиртидаги ўзани бошланган нуқтасидан 125 см баланд экани аниқланди. Ваҳоланки, бу атрофларда ариққа бериладиган ўртача нишоб 1/1000 тарзида бўлиши керак экан.

Худоёрхон янги ташкил қилинаётган боғини сув билан таъминлаш мақсадида пастда оқаётган Ёв аригига диаметри 3 саржинга баробар келадиган баҳайбат чархпалак (чигир) қурдиради<sup>145</sup>.

Шундай қилиб, XIX асрдан бошлаб Фарғона водийсининг шарқий районларида деҳқончилик хўжалиғи, ирригация ишлари анчагина активлашди. Энг йирик суғорув иншоотлари ҳам шу ерда пайдо бўлди, водийнинг шарқий районлари ирригация масаласида жануби-ғарбий районларга нисбатан тез ривожланади. Фарғона водийсининг ирригацияси тарихида диққатга сазовор нарса шуки, XIX асрдан суғориш ишида амалга оширилган бошланган тадбирлар ҳар қандай шароитда ҳам Қўқон хонлигининг деярли сўнгги йилларигача тўхтамайди. «Суғориш ишларининг тўхтамай давом эттирилиши фавақулудда ибратлидир» — деб ёзган эди. П. П. Иванов<sup>146</sup>.

Бу ишларнинг барчаси Фарғона водийсида XIX асрда феодал ижтимолий муносабатларининг ривожланаётганлигидан дарак беради. Тараққиётнинг худди мана шу аломати хонлик даврида, би-

<sup>145</sup> А. Л. Кун. Кўрсатилган асар, 430-бет.

<sup>146</sup> П. П. Иванов. Кўрсатилган асар, 182-бет.

ринчи навбатда, ирригация ишларининг анчагина кенгайиши, қўчманчиларнинг интенсив равишда ўтроқлашуви, феодал ер эгалигининг янада такомилланиши, товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва бошқа иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларда ўз аксини топган эди. Суғориш ишларининг сезиларли даражада ўсиши Фарғона водийси хўжалигининг анчагина юксалишига олиб келади. Россия билан савдо алоқаларининг ва иқтисодий муносабатларнинг активлашиши ҳам хўжалик юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Хонликда аҳоли сони кўпаяди. У, айниқса, шарқий томондаги янги суғорилган районлар ҳисобига ортиб боради. Бу ерларда турли қишлоқ хўжалик экинлари, сабзавот, мева ва полиз ўсимликлари муваффақият билан ўстирилади. Аҳоли қишлоқ хўжалигида, каналлар қазвиш, суғориш иншоотларни эксплуатация қилишда катта тажрибаларга эришади. Уларнинг бу муваффақиятлари ва меҳнатни жуда кўп рус сайёҳлари ростгўйлик билан ҳаққоний ёзадилар.

Хонлик даврида қазилган каналлар, барча ирригация иншоотлари меҳнаткаш деҳқон оммасининг жуда қаттиқ ва аёвсиз эксплуатация қилиниши ҳисобига яратилган эди. Ирригация системаларини кенгайтириш ва уни тартибда сақлаш учун ҳам халқ оғир меҳнат қилар ва захмат чекар эди. Барча ишлар ҳашар йўли билан, ҳеч қандай ҳақ тўланмай бажарилар эди. Лекин улардан халқнинг ўзи баҳраманд бўлолмасди.

«Ариқ чиқариш хон учун бир чақалик иш эмас эди, қайтага (бу ариқ) илгари қақраб ётган ҳисобсиз ерларни ишга солар эди», — деб ёзади В. Наливкин<sup>147</sup>. Хон суғорилган ерларни сотиш йўли билан жуда кўп фойда олар эди<sup>148</sup>.

Ҳар қандай янги канал, ариқ чиқарилиб маълум янги ер участкаси суғорилгандан сўнг бу ерлар ҳамда суғориш ҳуқуқи хон томонидан сотилар эди<sup>149</sup>. Бундай ер-сув сотиб бойлик тўплаш иши, айниқса, Худоёрхон вақтида авж олган эди. Меҳнаткаш халқнинг сувга, ерга бўлган мухтожлигидан ҳукмрон феодал синф жуда усталик билан фойдаланарди. Айниқса, Мусулмонқул бошчилигида қазилган ариқлар ва Улуғнор канали меҳнаткаш халқнинг жуда оғир қисмати ҳисобига чиқарилган эди. Қуйидаги мисол бу ўринда характерлидир:

Мусулмонқул ўғли Абдурахмон Офтобачи Екатеринбург (Свердловск)да сургундалик вақтида 1879 йили Туркистон генерал-губернатори номига хат ёзиб, отаси чиқарган ариқларга меросхўрлик ҳуқуқини талаб қилади<sup>150</sup>. Андижон уезд бошлиғига ушбу ариқни чиқаришда Мусулмонқулнинг қанча маблағи сарфлангани ҳақида справка тўплаш топширилганда, ариқ водийсидаги қишлоқ оқсоқоллари кенгаш қилиб, Мусулмонқул ёнидан деярли

<sup>147</sup> В. Наливкин. Кўрсатилган асар, 29-бет.

<sup>148</sup> П. П. Иванов. Кўрсатилган асар, 192-бет.

<sup>149</sup> «Туркестанские ведомости», 1880, № 24.

<sup>150</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 455, л. 1.

ҳеч нима сарф қилмагани, ариқ деҳқонларнинг пешона тери билан ҳашар усулида қазилгани, бинобарин, Офтобачининг ҳам ҳеч қандай ҳуқуқи йўқлиги ҳақида бир оғиздан қарор чиқариб берадилар<sup>151</sup>.

#### 4. Канал-эриқлар қазिश, сув тақсимоти ва миробчилик ишлари

Фарғона водийсида канал қазиб дарё ва сойлардан сув чиқариш, тўғон қуриш ва майда ариқлар орқали сувни тақсимлашдан бошлаб мавжуд сувдан унумли фойдаланиш ва суғориш усуллари каби турли хил оқилона тартиб-қонда, ҳисоб-жадваллар мавжуд бўлган. А. Миддендорф водий ирригацияси билан танишганидан сўнг шундай ёзган эди: «Аввало, биз минг йиллар ичида синалган, тажриба ютуқларига бой бўлган ерлиларга шогирд тушмоғимиз лозим»<sup>152</sup>.

Фарғонадан узоқ яшаган рус мутахассиси В. И. Кушелевский водий ирригацияси ҳақидаги ўз таассуротини қуйидагича ифода қилганди: «Техника билими жиҳатидан саводли бўлмаган кишилар тик адирлик жойлардан қандай қилиб ўз далаларига сув олиб бора олганларига таажжубланмай бўлмайди, бу ишларнинг барчаси нивелировка билимсиз, асбобсиз бажарилгани кишини фоят ҳайратда қолдиради»<sup>153</sup>.

Канал чиқаришда нишобни тўғри олиш, айниқса, Фарғона водийсида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки атрофи баланд тоғ ва ўртаси пасттекисликдан иборат котлован шаклида бўлган Фарғона водийси рельефи узунасига шарқдан-ғарбга томон нишоблашиб боради.

Бундай табиий шароит канал қазिशдаги халқ тажрибасида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Қорадарё ва Нориндан каналлар чиқаришда уларнинг боши суғориладиган ердан мумкин қадар баландроқ бўлиши керак, деган қоидага асосланган<sup>154</sup>. Чунки бу дарёлар водийнинг пастки қисмига оқиб тушган сари тобора чуқурлашиб, улардан сув чиқариш қийинлашади. Жануб ва шимолдан водий марказига томон оқиб тушадиган тоғ дарёлари ва сойларидан улар текисликка оқиб тушгандан сўнггина ариқ чиқариш мумкин эди.

Шунинг учун халқ тажрибаларида нивелировка қилишнинг турли хил усуллари мавжуд. Масалан, А. Миддендорф Улуғнор канали қурилиши ҳақида одамлардан қуйидаги ахборотни ёзиб олган. Бир киши мўлжалланган канал трассаси бўйлаб бошини сув оқадиган томонга қилиб чалқанчасига ётади. Кўзи илғаган жойгача ерни белгилаб олиб, ўша нуқтагача аввал кичик ҳажмда

<sup>151</sup> Уша ерда, л. 4—5.

<sup>152</sup> А. Миддендорф. Очерки..., стр. 186.

<sup>153</sup> В. И. Кушелевский. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области, Новый Маргилан, 1890, стр. 67.

<sup>154</sup> А. Миддендорф. Очерки..., стр. 195.

ариқ чиқарилади, шу равишда секин-аста бўлғуси канал трасса қилинади. А. Миддендорф фикрича, бу, гарчи жуда оддий бўлиб туюлса ҳам, кўз соққасини ҳаракатга келтирадиган мускуллар фаолиятининг одам чалқанча ётгандаги ҳолати физиологик жиҳатдан текширилганда, нивелировканинг бу усули «маънодан ҳоли эмас»<sup>155</sup>.

Экспедиция вақтида Кампирравотлик эски мироб Абдуқаюм ота бизнинг илтимосимизга кўра бир нивелировка усулини тажрибада кўрсатиб берди: бўлажак ариқнинг ўрнида тахминан 10 м ернинг икки томонига қозиқ қоқилади, ўртага сув тўлдирилган коса ёки лаган (тоғорача) қўйилиб, сўнг қозиқдан қозиққа идиш қирғоғига тегиб турадиган қилиб ип тортилади. Бунда икки вазиятга эътибор берилади, биринчидан, агар ер текис, нишобсиз бўлса, идишнинг қирғоғига ҳам ип баробар тегиб туриши керак, қайси томонига ип тегмай кўтарилиб турса, ўша томон нишоб деб ҳисобланади ва белгига олинади, иккинчидан, идишдаги сув лиммо-лим бўлиб тўкилмай туриши лозим, агарда сув тўкилса ёки идиш қирғоғига қийшайиб турса идишнинг ўша қирғоғига ип тегмай туради, ўша томон нишоб. 1878 йили маҳаллий ирригация тажрибаси билан шуғулланган инженер Н. Улянов маҳаллий сув мутахассисларидан хонлик даврида Тошкент атрофи ва Фарғона учун хос бўлган нивелировка усулини ҳам ёзиб олган<sup>156</sup>. Абдуқаюм ота намойиш қилиб кўрсатган усул ҳам худди ўшанга мос келади.

Маҳаллий ирригаторларнинг нивелировка тажрибаси билан танишиб ниҳоятда ҳайратланган инженер Н. Улянов сув мутахассислари билан суҳбатда бундай усулнинг авторини билолмагандан сўнг шундай деб ёзади: «Бу маҳаллий Леонардо да Винчиларнинг бундай ижодларини битта калланинг иши эмас, балки бир неча авлоднинг ақл-тажрибалари йиғиндиси деб билмоқ керак»<sup>157</sup>.

Фарғона ирригацион терминологиясида каналлар ва сўғориш тармоқларининг катта-кичиклигига қараб бир-биридан фарқ қилувчи атамалар мавжуд.

Хоразмда сунъий каналлар, шунингдек, ўртача ва кичик каналлар ҳам «ёп» деб аталади<sup>158</sup>. Фарғонада эса буларнинг барчаси умуман «ариқ» деб юритилиб, сўнг катта-кичиклигига қараб фарқ қилинади. Йирик магистрал каналлар шу вақтгача ҳам «сой» деб аталади. Андижонсой, Қаҳрихонсой каналларини «сой» деб юритилишига сабаб — уларнинг ўрни, ҳажми ҳамда оқим тезлиги жиҳатидан табиий тоғ сойларниқига ўхшашлигидир. Магистрал каналдан биринчи ажралиб чиққан катта тармоқ «Эна ариқ» (она ариқ) деб аталган. «Эна ариқ» бутун бир район ёки бир неча қишлоқни сув билан тамъинлайдиган ариқ ҳисобланган. Қишлоқда

<sup>155</sup> А. Миддендорф. Ўша асар, 181-бет.

<sup>156</sup> Бу ҳақда қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 227, л. 12—13. Шунингдек: С. Джалилов. Из истории ирригационной практики в Узбекистане. Отд. Общ. наук, научные работы и сообщ., Ташкент, 1960, кн. 1, стр. 55—59.

<sup>157</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 227, л. 14.

<sup>158</sup> Бу ҳақда қаранг: Я. Фуломов. Кўрсатилган асар, 255—256-бетлар.

тегирмон ва обжувозлар шу ариққа қурилган. Эна ариқдан «Шоҳ ариқ» номли кичикроқ ариқлар бошланади. «Шоҳ ариқ» айрим қишлоқни ёки бирон йирик ер эгасининг мулкини сув билан таъминлайди.

«Шоҳ ариқ»дан сув «қулоқ» ва «даҳана»ларга бўлинган. «Қулоқ» ва «даҳана» терминлари кўпинча сув ўлчов белгиси сифатида ишлатилса-да (бу ҳақда қуйроқда тўхталамиз), ammo «шоҳ ариқ»дан ажралиб чиққан маълум миқдордаги сув оқадиган ариқ ҳам «қулоқ» деб юритилган. Қулоқдан ери бирин-кетин жойлашган бир тўп хўжалик фойдаланиши мумкин<sup>159</sup>. Ниҳоят, қулоқдан сув энг майда «даҳана ариқ»ча билан бир хўжаликнинг ерига ўтади ва «уқ ариқ»лар орқали жўякларга киради. «Даҳана» — кўпинча вақтинча ариқ бўлган.

Суғорув каналлари чиқариш феодал эксплуатацияси даврида меҳнаткашлар оммаси учун оғир натурал мажбуриятлардан бири эди. Сувнинг деҳқончиликда муҳим ўрин эгаллашини эътиборга олган эксплуататор синфлар ва руҳонийлар ариқ ва канал қозишига диний тус берар эдилар.

Хонлик даврида ариқ чиқариш, бир томондан, янги ерларни ўзлаштириш билан суғориладиган ер фондининг кўпайиши, иккинчи томондан, феодал-бойлар қўлида деярли ҳеч нима сарфламасдан туриб ер ўзлаштириш ва катта фойда олиш манбаи бўлиб хизмат қилган.

Бирон катта ариқ — канал қозишга қарор қилинганда, хон буйруғига биноан, ариқ қайси вилоят территориясидан ўтса, ўша вилоятнинг ҳар бир хонадонни маълум вақтга битта кетмончи — ишчи беришга мажбур бўларди. Кетмончининг овқати ва иш қуроли ўз ҳисобига бўларди<sup>160</sup>. Ишнинг бундай тартибини Фарғона водийсининг шарқий районида «поишкам» термини билан атайдилар<sup>161</sup>. Бу тартибга биноан, маълум хўжалик номидан борган деҳқон янги ариқ чиқариш ишида бир марта қатнашади. Қатнашмаган бошқа хўжаликлар ўшандай тартиб билан иккинчи навбатда одам беради ва х. к.

XIX асрнинг биринчи чорагида қазилган йирик каналлар учун Умархон буйруғи билан ҳар хонадондан ўз овқати ва иш қуроли билан 15 кунга бир одам олинган<sup>162</sup>. Агарда чиқарилаётган ариқ, канал катта ва анча муҳим бўлса, у ҳолда қўшни вилоятлардан ҳам одам чақириларди.

Канал қозиш ишида бошқа, иккинчи бир тартиб ҳам мавжуд эди. Канал трассаси белгилангандан сўнг, у ишга жалб қилинган барча вилоятларга тақсимлаб берилган. Вилоятлар, ўз навбатида, ишни қишлоқ жамоалари ва қишлоқлар ўртасида бўлган. Ҳар бир қишлоқ ўз ҳиссасига тушган иш нормасини бажариш учун ишчи кучи юборади ёки ўртада йиғиш қилиб, одам ёллайди. Ишнинг

<sup>159</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 312, л. 46.

<sup>160</sup> В. И. Кушелевский, Уша асар, 65-бет.

<sup>161</sup> Биз тўплаган дала материалларидан.

<sup>162</sup> «Туркестанские ведомости», 1880, № 24.

бундай формаси «тақсим» деб юритилган<sup>163</sup>. Бунда ҳам ишнинг асосий огирлиги қишлоқ камбағалларига тушарди.

Барча мавжуд суғориш системаларини тозалаб, ремонт қилиб туриш ҳам меҳнаткаш халқ зиммасида эди. Ариқ-канал тозалаш натурал мажбурият ҳисобига бўлиб, уни уюштириш икки хил усулда бўлар эди. Сув тақсимловчи тармоқлар, асосий магистрал каналларни тозалаш учун бутун вилоят ва бекликлардан ишчи кучи келтириларди, суғорув тармоқларини тозалаш эса фақат ўша тармоқдан сув оладиган кишилар зиммасига тушарди.

Жануби-шарқий Фарғонада энг муҳим суғориш иншооти Кампирравот тўғонидир. Илгари ҳам айтиб ўтилганидек, Кампирравотдаги ишнинг асосий моҳияти иккала йирик ирригация системасини дарёнинг ортиқча сувидан сақлаш, фақат керакли сув билангина таъминлаб туришдан иборат эди. Ҳар йили бу ерда жуда кўп, баъзан бир неча минг сепоя қурилар, неча юзлаб ишчилар март ойидан то июлнинг охиригача Кампирравотдан кетмас эди. Хонлик даврида ҳар йили ёзда 30 та алоҳида мироб беркитилган бўлиб, Султонобод яқинида XX аср бошларида ҳам уларнинг «30 мироб» номли турар жойи сақланган<sup>164</sup>.

Андижонсой, Шахрихонсой магистрал системаларни тартибга солиш, тўғон учун материал, харажатлар ва ишчи кучи унинг сувидан фойдаланувчи барча қишлоқ ва жамоалар зиммасига тушарди. Ишнинг салмоғи дарёга сувнинг кўп ёки оз келишига боғлиқ эди. Баъзи йилларда 10 таноб суғориладиган ердан 1 кунга 1 ишчи, 30 танобгача ердан 2 кунга бир ишчи, ундан ортиқ ердан эса бутун иш сезонига 1 ишчи талаб қилинарди. Баъзан эса (дарёда сув оз, демак, иш ҳам оз) 40 таноб ердан 1 киши сўраларди<sup>165</sup>. Сепоя ва дамбаларга кетадиган материаллар қишлоқлардан умумий равишда ундирилар эди. Бир қишлоқдан ўртача иккита сепоя харажати, яъни камида 6 та узун хода, 4 арава шох, 1 арава похол, 5 сўм пул олинарди<sup>166</sup>. Бу материалларни кўпинча бирон бой бериб юбориб, кейинчалик уни қишлоқ оқсоқолининг ёрдамида пул ҳисобида бутун қишлоқ аҳолисидан ундирадди. Қарияларнинг айтишича, ҳар қишлоқда ёки катта йўл бўйларида алоҳида кишилар сепоя материаллари ғамлашган ва баҳорда, қишлоққа солиқ тушганда, бир неча қишлоқнинг улушини тўлаб юборганлар, сўнг уни пул ҳисобида аҳолидан тўлаб, фойда олишга ўрганганлар. Улар устидан ҳеч қандай назорат ўрнатилмаган.

Кейинроқ ҳар қишлоқдан тобора кўпроқ материал тўплаш талаб қилингани, уни Кампирравотга вақтида етказиб бериш анча қийинлашганлиги сабабли, қишлоқлардан фақатгина ишчи кучи олинадиган бўлади, барча материаллар эса пул ҳисобида ундирилади. Масалан, баҳорда ариқ оқсоқоллари орқали зарур материаллар миқдори ва нархини белгилаш учун қишлоқ жамоаларининг

<sup>163</sup> Андижоннинг собиқ мироббоши Абдусамат ота хотирасидан.

<sup>164</sup> Обзор Ферганской обл. за 1904 г., Новый Маргилан, стр. 11.

<sup>165</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 307, л. 17.

<sup>166</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 242, л. 23.

кенгаши қақирилган. Кенгашда ҳар қишлоқдан ёки икки қишлоқдан битта ишончли киши сайланиб, унга кузда тўплаб олиш шарти билан бирон бойдан қарзга пул олиб берганлар. Улар Султонободга келиб, материалларни шу ердан сотиб олиб иш юритганлар<sup>167</sup>. Ишончли кишилар ҳам сотиб олинган материалларнинг нархи ва миқдорини ортиқча кўрсатиш билан ўзларига анчагина фойда ортириб олишга уринар, қишлоқ номидан қарзга пул берган бой эса кузда у пулларни маълум процент билан йиғиб олар эди.

Султонободнинг ўзида ҳам кейинча тўғон материаллари билан савдо қиладиган шахслар пайдо бўлади. Бу ерда баъзи кишилар куздан бошлаб атроф қишлоқлардан ёғоч, шох, похол сотиб олишар, моҳир сепоячи усталарга<sup>168</sup> баҳорда ишлаб бериш учун куздаёқ бай боши пул бериб қўярдилар. Баҳорда Шаҳрихон, Асака, Андижондан иш юритувчи ишончли кишилар келганда кўпинча сотиб олиш учун материал ҳам, сепоячи ҳам топилмасди; ҳаммаси бир-икки киши ихтиёрига ўтиб қолган бўларди. Кампирравот ишининг муваффақияти эса фақат тезкорликка боғлиқ бўлиб, шунинг учун ишончли кишилар ҳам ўз навбатида биргаллашиб бутун Кампирравот ишини материал тўплаб қўйган султонободли бойларга бай қилиб топширишга мажбур бўлганлар<sup>169</sup>.

Шу тарзда иш қўлдан-қўлга ўтиб, Кампирравотдаги ҳар йилги ирригация харажатлари асакали ва шаҳрихонли деҳқонларга асли нархидан икки-уч баробар қимматга тушар эди.

Натурал мажбурият бўйича ариқ тозалашга кетадиган меҳнатни тақсимлашда район қишлоқларининг табақаларга бўлинганини кўрамиз. Ариқ бошида жойлашган қишлоқ жамоалари этакдагиларга нисбатан ортиқроқ меҳнат сарфлашар эди. Иш ҳажмини асосий ариқнинг мироббошилари белгиларди. Масалан, Шаҳрихон атрофидаги, сув бошига яқин қишлоқлардан Хоназар Пармоначи 5—6 таноб суғориладиган ердан 1 кунга 1 ишчи, Солимаҳдум қишлоғидан эса 10 танобга 1 ишчи, Холдевонбегидан 20 танобдан 1 ишчи олинган<sup>170</sup>.

Иккинчи даражали ариқларга кетадиган тўғон материалларини қишлоқлар навбат билан тўлаган.

Фарғона водийси системаларида бош тўғон ва дамбалар асосан сепоя ва фашинадан («ўлик») иборат бўлар эди.

Ўзбекистоннинг деярли барча йирик суғорма деҳқончилик районларида, айниқса, Фарғона водийсида, кўп қўллавирилган сепоя<sup>171</sup> тўғонлари маҳаллий гидротехника иншоотлари ичида мақсадга ва шароитга айна мувофиқлиги, қурилишининг оддийлиги билан ажралиб туради.

<sup>167</sup> Обзор Ферганской области за 1904, стр. 13.

<sup>168</sup> Утмишда Султонобод қишлоғи сепоячи усталар билан машҳур бўлган.

<sup>169</sup> Обзор Ферганской области за 1904 год.

<sup>170</sup> ЦГИАЛ ССР, ф. 432, оп. 1, л. 319. л. 304.

<sup>171</sup> Сепоя — уч оёқ маъносини билдиради. «Баҳори ажам» луғатида (Навал Кишвар, 1899, II қисм, 135-бет) уч поғона маъносинда ҳам ишлатилган. Фарғона, Андижон атрофларида учамак деб ҳам юргизиларди.

Меҳнаткаш халқ қадимдан сув стихиясига қарши курашда сувни тўсиб олувчи ва оқимни йўналтирувчи восита сифатида сепоядан фойдаланган. Тайёрланган сепояларни дарёга тушириш ва керакли жойга ўрнатиш — тўғон қуришда энг муҳим вазиятлардан саналиб, алоҳида тажриба ва маҳорат талаб қиларди. Сепоялар битта-битта юқоридан оқизиб келтирилар, мўлжалланган жойда тўхталиб 20—30 киши устига чиқиб ўз оғирликлари билан босиб турадилар. Иккинчи сепоя ҳам оқизиб келтирилгач, иккита тортилган хода билан бир-бирига боғланади. Сўнг белдамчилари устига ёғоч ташланиб, шода қилинади. Шода устига шох, унинг устига похол босилиб 1,5—2 аршин қалинликда «тўшама» ясалади ва унинг устига йирик тошлардан ташлаб «юк» қилинади.

Сепоя солишда иккинчи муҳим момент уни юкка бостиришдир. Барча қатор сепояларга тош бир вақтда ташланиши лозим, акс ҳолда, аввалроқ юк тушириб бостирилган сепоя сувни қайтариб юксиз сепоянинг ости чуқурлашиши ёки уни сув оқизиб кетиши мумкин. Шунинг учун тош, шох, похол олдиндан тайёрланиб қўйилади. Сепоя тўшамасининг қалинлиги юк тўшаганда ярмигача босилиб эзилади. Инженер А. И. Будревич ҳисобига қараганда 1 кв саржин сепоя майдонига ўртача 277 пуд юк тушади<sup>172</sup>. Сепоя оғирлашган сари оёқлари ер остида мустаҳкамланиб боради. Агарда сепоя сувга кўпроқ ботиб юки устидан сув ўтабошласа, у ҳолда яна белдамчи қилиб, иккинчи қават шох ва тош терилади. Икки сепоя ўртасини ҳам «юк» билан тўлгазиш учун хода тортилиб мослаштирилади. Сепоялар тўла чуқиб-ўлтириб олгунарлича алоҳида кишилар назорат қилиб туришади. Сувнинг саёз ёки чуқурлигига қараб сепоя оёқлари ҳам узун ёки қисқа бўлади. Фарғонада уч оёқли сепоялар асосан уч хил катталиқда бўлган: 16, 12 ва 9 аршинли. Бу сепояларнинг ўртача оғирлиги ҳам турлича. Масалан, 16 аршинли сепоя ўртача 1928 пуд келади, 12 аршинлиги 1335 пуд, 9 аршинли 853 пуд бўлади. Сепоя ёғочлари асосан теракдан бўлиб, 5—6 йилдан сўнг сув ости қисми чирийди. XX аср бошларидан Кампирравот тўғони учун Россиядан махсус қарағай ходаларидан сепоя материаллари келтирила бошланади<sup>173</sup>.

Кампирравотда Шаҳрихонсой ва Андижонсойни Қорадарёдан ажратиб турувчи бутун дамба — тўғон сепоядан иборат эди. Деярли 70 йил сепоячилик қилган Мамасодиқ отанинг айтишича, баъзан бу ерда 3000 гача сепоя солинган<sup>174</sup>.

Сугориш системасини эксплуатация қилишда сувни тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш учун маълум нормаларга бўлиш масаласи канал ва ариқ чиқарилгандан сўнг биринчи даражали аҳамиятга эга бўларди. Сув тақсимлашнинг тартиблари ва усуллари шунинг учун ҳам қизиқарли ва илмий жиҳатдан муҳимки, маълум ер участкасини сугориш учун лозим бўлган сув миқдорини белгилаб берувчи ҳозирги маънодаги биронта техникавий асбоб-ускуна ёки ҳисоб ишлатилмаган.

<sup>172</sup> А. И. Будревич. Сипайные плотны, Ташкент, 1922, стр. 14.

<sup>173</sup> А. И. Будревич. Кўрсатилган асар, 7-бет.

<sup>174</sup> Мамасодиқ сепоячи 1961 йили 107 ёшда вафот этди.



Бош каналлар, сойларда ҳамда «эна ариқ»ларда сувнинг энг катта ўлчов бирлиги «тегирмон» ёки «тош» деб аталган<sup>175</sup>. Бир тегирмон бир тошли тегирмон паррагини юргиза оладиган сув миқдорига тенг бўлган. Рус ирригаторларининг ҳисобига қараганда «бир тегирмон» (тош) сув миқдори секундига 200 литрга баробар келади<sup>176</sup>. Сув тақсимлашда тегирмоннинг бўлаклари диққатга сазовордир.

Бир тегирмон сув 5 «қулоқ»қа, баъзи районларда (масалан Наманган, Чуст атрофида) 4 «қулоқ»қа бўлинган.

Фарғона водийсида сув тақсимоти ва суғоришда ернинг сифати ҳам назарга олинган. Масалан, бир тегирмон ёки бир қулоқ сувнинг қанча ерни суғориши аниқланаётганда, маълум экин экилган ернинг тупроқ таркибига эътибор берилган. Водийнинг, айниқса, сув камчил районларидан Аравонсой, Исфайрам, Шохимардон системаларига тобе ерлар, шунингдек Улуғнор, Шаҳрихонсой этаклари ва Қорадарё унг соҳилларида сув тақсимлашда ернинг тупроқ хусусиятини назарга олиш учун тупроқни 6 хилга бўлганлар: оқтупроқ, қоратупроқ, қақир, қумлоқ, захкаш ва шўр<sup>177</sup>. Суғоришда сарфланадиган сувнинг миқдорига қараб ушбу ерлар халқ тажрибасида икки категорияга ажратилган: оқтупроқ, қақир ва шўр тупроқ — биринчи категория; қоратупроқ, қумлоқ ва захкаш — иккинчи категорияга кирган. Агарда, бир тегирмон сув биринчи категориядаги ердан 100 танобни суғорса, иккинчи категориядаги ердан 200 таноб, ҳатто захкаш ердан 400—500 танобгача суғориши мумкин<sup>178</sup>. Сув тақсимотида ернинг тупроқ составига эътибор бериш сув ҳужалигидаги эмпирик тажрибада жуда нозик моментлардан бири ҳисобланади. Бу ерда сувга бўлган талаб натижасида турли хилдаги тупроқнинг кимёвий таркиби ҳам эътиборга олинади.

Фарғона водийсининг баъзи районларида сув ўлчашда бундан бошқа усул, яъни вақт билан ўлчаш усули ҳам қўлланилган. Наманганнинг баъзи қишлоқларида сувнинг миқдори маълум ариқдан неча кун оққанлигига қараб белгиланган. Масалан, магистрал ариқдан шох ариқларга сув тақсимоти бир ариққа икки кун, иккинчи ариққа уч кун, учинчисига бир кун ва ҳ. к. билан чегараланган<sup>179</sup>. Ҳар бир ариққа неча кун сув оқиши хон томонидан берилган маълум ҳужжатда белгиланган. Шунинг учун Фарғона Россияга қўшиб олинганидан сўнг янги ерларни суғориш масаласи билан сув тақсимлашнинг ушбу эски қойдаси ўртасида қарама-қаршилиқлар пайдо бўлади.

<sup>175</sup> Марғилон, Қўқон атроф қишлоқларида ҳамда Қува атрофларида «тош» ишлатилади. Асака, Шаҳрихон, Анджижонда, умуман шарқий районларда «тегирмон» деб аталади.

<sup>176</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 653, л. 13.

<sup>177</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 31914, л. 92; ЦГИАЛ СССР, ф. 1396, оп. 1, д. 430, л. 283.

<sup>178</sup> Уша ерда.

<sup>179</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 3194, л. 193.

Андижонсой ва Шаҳрихонсойларда белгиланган миқдордаги сув тақсимлангандан сўнг тўғон бошида манфаатдор томонларнинг ми-роблари томонидан оқаётган сувни назорат қилиш учун махсус киши тайинланган ва тўғондан 20—30 метр пастроқда сувнинг қир-гоғига, ботар-ботмас қилиб катта тош ташлаб қўйилган. Агарда сув ўша тошни кўмиб оқса, оқаётган сув мўлжалдан кўп деб ҳи-собланган ва озайтирилган, бордию, тош сувга кўмилмай, унинг сирти қуриб турса, демак, сув мўлжалдан оз, у ҳолда дарҳол сувни кўпайтирганлар. Маълум вақтда тошнинг ўрни силжитиб ту-рилган.

Ариқдан бир қулоқ ёки бир даҳана сувни бўлиш учун турли жойларда турли хил оддий техникавий усул қўлланилган. Бундай усулларнинг турлича бўлиши суғорув системалари сув билан қан-чалик таъминланганлигига боғлиқ эди. Сувга сероб системаларда сув бўлғичлар оддий, сувга камчил системаларда эса анча мурак-каб бўлган. Масалан, Чуст ва Поп атроф қишлоқларида ўртаси бир қулоқ ёки бир даҳана сувга мослаштириб ўйилган махсус ёғоч қолип ишлатилган. Қайси ариққа сув тақсимланса, қолипни ўша ариқнинг бошига олиб бориб ўрнатганлар<sup>160</sup>. Баъзи районларда бир неча еридан тўрт бурчак қилиб ўйилган қалин тахта ариқ оғзига кўндаланг қилиб маҳкамланган.

Андижон атрофида ва Асакада сув камчил йиллари «лабгар-дон» усули қўлланилган. Бу термин адабиётда шу вақтгача учра-маган<sup>161</sup>. Лабгардон усули билан сув юбориш учун ариқ боши қалин тахта ёки қаватлаб қўйилган ёғоч ходалар билан тўсилади, ушбу тўғон олдида сув тўпланиб, сатҳи анча кўтарилади. Ариқ оғ-зига қўйилган тахта-ёғоч маълум миқдордаги сув ўтадиган қилиб кертिलाди, сув ана шу жойдан оқиб тушади. Мазкур усул икки-уч ариқнинг «олиш боши»си бир жойда бўлганда тақсимланаётган сув маълум босим билан оқиб ўтиши учун ва сув ўлчашни осонлаш-тириш мақсадида қўлланилган.

Лабгардон билан сув тақсимлаш Исфайрамсойнинг Қувасой тармоғида ҳам кенг қўлланилган. Қадимдан у ерда 7 та ариқ бо-шида лабгардон қилинган: бир неча йўғон ходалар бир-бирига го-ризонтал қилиб қадалган, ариқларнинг бош қисмига мослаштириб етти жойидан кертилган. Кертилган жойнинг катталиги ариқ оли-ши лозим бўлган сувнинг миқдорига қараб белгиланган.

Бундай оддий ёғоч иншоот ариқ бошига кўндаланг қилиб мус-таҳкам ўрнатилганда, унинг олдида сув тўпланиб ҳовуз ҳосил бўлиши табиий. Сув сатҳи кўтарилиб, кўндаланг ётқизилган ходаларнинг кертилган қисмидан босим билан ҳар ариққа оқиб тушади.

Бу хилдаги сув тақсимловчи иншоот Зарафшон дарёсининг қуйи

<sup>160</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 843, л. 15.

<sup>161</sup> Лабгардон — сўзига «Баҳори ажам» номи луғатда қуйидагича таъриф берилган: Ҳовуз ва қирғоғи қайрилган коса ва яна: Ҳовузнинг лабгардон қилмоқ: яъни, қирғоғидан тошиб чиққунча сувга тўлдирмоқ — Ҳуша луғат, II қисм, 371-бет.

оқимларида жойлашган деҳқончилик районларида ҳам учрайди Тарих фанлари доктори А. Муҳаммаджоновнинг текширишича, бу ерларда бундай сув тақсимловчи восита «кунда» деб аталган<sup>182</sup>.

Сув хўжалигида қўлланиладиган шунга ўхшаш сув тақсимловчи турли хил оддий воситалар суғорма деҳқончилик қадимдан ривожланган районларда вужудга келган халқ кашфиётидир. Иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши тақозоси билан экин майдонлари кенгайиб борган сари, сувга бўлган талаб ҳам ортади ва натижада сув тақсимлашнинг усуллари ҳам кўпаяди.

Фарғона водийсида сувдан фойдаланиш ва суғориш асосан навбат қондаси билан уюштирилди. Водийнинг жануби-шарқий районларида маҳаллий суғориш тажрибасида сой, катта ариқлардан майда ариқларга сувни навбатлаб бериш тартибини «Аврон» деб атайдилар. У тожикча форсча «оброн» (сув ҳайдамоқ сув ҳайдаб келтирмоқ) сўзининг бузилиб талаффуз қилиниши бўлса эҳтимол. «Аврон» қондасига кўра, магистрал каналдан сув оладиган ҳар бир эна ариқ, шох ариқ, қулоқ ва даҳана белгиланган миқдордаги ўз улушини фақат маълум кунларда оларди. Бу қоида ирригация хўжалигида азалдан мавжуд бўлиб, барча ариқ ва суғориладиган ерларни сув билан кетма-кет ва пропорционал равишда таъминлаш имконини беради.

«Аврон»га биноан, навбат билан сув олиш ҳам турлича бўлган. Масалан 1— даврий навбат, 2— ариқлар ўртасида навбат, 3— қишлоқлар ўртасида, 4— бир-бирига қўшни группа (тўп) лар ўртасида ва 5— хўжаликлар ўртасидаги навбат.

Даврий навбат кам сувли системаларда қўлланилган. Аммо бу системаларда ҳам сувдан фойдаланиш икки мавсумга тўғри келади. Фарғона водийсининг жануб томонидаги тоғлардан оқиб тушадиган системаларда навбат баҳордан ўрнатилиб, бутун савр ойи (6. IV—6. V) ва жавзонинг ўн кунини (7. V—16. VI) ўз ичига олади ва ҳаммаси бўлиб қирқ кун давом этади. Бу вақт қишлоқ хўжалик мавсумининг ерни экиш олдидан суғориш, экиш ва унга дастлабки ишлов бериш даврига тўғри келади. Водийнинг шимол бетидagi системаларда аксинча, навбат жавзо (7. V—7. VI) ва саратон (8. VI—7. VII) ойларида ўрнатилади. Бу хилдаги кам сувли системаларда даврий навбат бўлиб, сув камчил вақтлардагина аврон қондасига мувофиқ фойдаланилади. Қолган вақтларда мавжуд сув ҳамма ариққа баробар тақсимланаверилган.

Шаҳрихонсой, Андижон, Улуғнор системаларида фақат Қорадарёга сув оз кирган йилларигина ариқлар ўртасида навбат ўрнатиларди. Уччала системага тобе районларда ҳар баҳорда мироблар ва қишлоқ оқсоқолларининг кенгаши чақирилиб, навбат ўрнатилиши ҳақида келишиб олинар, навбат эса бутун баҳор ва ёз бўйи давом этар эди<sup>183</sup>.

<sup>182</sup> А. Муҳаммаджонов. Кўрсатилган асар, 292-бет.

<sup>183</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 290, л. 13.

Бутун Шаҳрихонсой системаси икки навбатга бўлинарди. Навбат пастдан бошланиб, биринчи сувни Шаҳрихон билан Асака ариқлари группаси саккиз кун, иккинчи навбатда Асакадан юқоридаги ариқлар етти кун оларди. Улуғнорда илгари 4 кундан уч навбат бўларди. Балиқчи канали ишга тушганидан сўнг икки навбатли бўлиб, Тўнқўйма қишлоғидан пастки томонлар Шаҳрихон навбатига тобе бўлиб қолади. Шаҳрихонсойда Асака билан Шаҳрихон ўртасида саккиз кунлик навбат ҳам пастдан бошланиб, тўрт кун сув Шаҳрихонга қарашли 28 ариққа, ундан сўнг тўрт кун Асака атрофидаги 22 та ариққа бериларди.

Шу тарзда маълум ариқлар группаси сув олгандан сўнг энди қишлоқлар ўртасида навбат билан сувдан фойдаланиш бошланади. Бирон эна ариққа Шаҳрихонда ёки Асакада 4 кундан берилган сув ўша ариқдан бош оладиган ва бир ёки бир неча қишлоқни сув билан таъминлайдиган шоҳ ариқларга навбат билан берилади: аввал бир группа шоҳ ариқ, сўнг, яна бир группаси ва ҳ. к. Тўрт кунда сув барча шоҳ ариқларни айланиб чиқади. Қишлоқларда эса айрим хўжаликлар аврои вақтида махсус тўпларга ёки гуруҳларга уюшадилар<sup>184</sup>.

Хўжаликларнинг суғориш учун тўпларга бўлиниши авлоддан-авлодга ўтиб, фақат навбатли суғориш давридагина кучга кирадиган традицион одатга айланиб кетган эди. Маҳаллий сув мутахассислари хотирасида тўпнинг пайдо бўлиши ҳақида унчалик аниқ тасаввур сақланмаган.

Суғориладиган ерлар «кетмон» билан ҳам ўлчаниб, ҳар бир тўп ёки бир қанча гуруҳ бир неча ўн кетмон ерлардан иборат бўлган. Ерни бундай ўлчаш ариқ чиқариш пайтига боғлиқ бўлган. Масалан, катта ариқ чиқарилганда, юқорида айтилганидек, ундан суғориладиган маълум ўлчовдаги ердан кетмони билан бир ишчи олинган. Кейинча бир кетмон ер ўлчов бирлиги бўлиб қолган<sup>185</sup>. Бир кетмон ер миқдори турли ариқларга тобе жойларда ҳар хил ҳисобланган. Аммо Шаҳрихонсой системасининг асосий районларида бир кетмон 20 таноб деб қабул қилинган<sup>186</sup>.

Ери суғориладиган ҳар тўпнинг алоҳида оқсоқоли бўлиб, у — тўпбоши, ҳар кетмон ернинг бошлиғи эса кетмонбоши деб аталади.

Тўплардаги суғориш тартиби ҳам диққатга сазовордир. Кўпинча маълум эна ариққа қарашли ерлар тўрт кунли навбатга мослашиб тўрт тўпга бўлинарди ва ҳар тўп бир кеча-кундуз сув оларди. Бир тўп ичида кетмонга бирлашган ерлар ўзаро ўрнатилган тартиб билан сутканинг маълум соатларида сув оларди.

Масалан Асакадаги Исо авлиё ариғидаги ерлар тўрт даҳага бўлиниб, уларнинг ҳар бирида 12,5 кетмондан ер бўлган. Тўрт кунлик навбат вақтида ҳар даҳага бир сутка сув берилган. Агар сув

<sup>184</sup> Баъзи ариқларда даҳаларга бўлинади. ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 323, л. 29.

<sup>185</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 323, л. 6.

<sup>186</sup> Ўша жойда, д. 319, л. 275; д. 307, л. 29; д. 323, л. 7.

оз бўлса, сугориладиган ерлар чегаралаб қўйилган<sup>187</sup>. Шоликорлик ерларда эса навбат вақтида экиннинг белгиланган маълум сатҳигагина тўлғазилган.

Шу тариқа экинлар навбат билан бир мартаба суғорилса, «бир давра» дейиларди. Қорадарёдан сув оладиган системаларда аврон вақти кўпинча 4 даврадан иборат эди. Кам сувли системалар — Исфайрам, Шоҳимардонсойларда навбат икки давра эди, холос. Иккинчи давранинг охирида ёзнинг иссиқ кунлари бошланиб музликлар эриши билан дарёга сув кўп келар, аврон қойдаси билан суғориш тугалланарди, энди бу системаларда сув тақсимлашда «қадри-ҳисса» қойдаси қўлланиларди. Унга биноан, маълум системадан суғориладиган ер миқдорига қараб ариқларга сув пропорционал равишда тақсимлаб қўйилади. Масалан, Исфайрам суви юқоридаги иккита ариқлар группасига тақсимланганидан қолганининг 3/5 қисми Бешолиш сойга (Марғилон ва Ёзёвон ерлари учун), 2,5 қисми Қувасойга берилади<sup>188</sup>.

Ушбу сув яна ўз навбатида барча суғорув тармоқларига қадриҳисса қилинарди. Бу ҳол кузгача давом этиб, баҳордан яна олдинги аврон қойдаси бўйича навбат тартибига ўтиларди.

Шундай қилиб, сув тақсимоти ва сувдан фойдаланиш масалалари айниқса кам сувли системаларда ва Қорадарёда сув оз бўлган йиллари қишлоқ хўжалигида энг мураккаб ва муҳим масалага айланар эди. Оқаётган ҳар томчи сув ҳисобда эди. Навбат ўрталарида қоидага биноан, истеъмол учун «огиз суви»<sup>189</sup> ўтказиб турилар эди. Бу сувдан фақат ичиш ва ҳайвонларни суғоришда фойдаланиб, экин суғорганлар жазоланар эди<sup>190</sup>. Аммо сув танқис йиллари огиз суви устидан ҳам қаттиқ контроллик ўрнатиларди. Бундай ҳолларда тўғон ортидан томиб, силқиб тушаётган «чакоба» ва ариқлар тубидан силқиб чиқаётган «сизоба» сувдангина фойдаланиларди<sup>191</sup>. Илгари Қувасой тўғонида миробощилик қилган Саривой миробнини айтишича, сув танқис бўлган 1917 йили сув боғлашда Бешолишга чакоба ҳам ўтказмаслик учун ариқ оқсоқолининг буйруғи билан тўғонга кигиз босганлар.

Сувга энг танқис бўлган Чуст, Поп атрофларида чакоба ва сизобалардан фойдаланиш учун ҳам хондан тегишли ҳужжат олиш зарур эди. Чуст уезди начальниги 1883 йили ҳарбий губернаторга юборган бир хатида бу ерда «сувнинг қиммати олтинга баробардир», — деб ёзганди<sup>192</sup>.

Таомил қоидаларига кўра, ернинг қиммати доимо уни суғорадиган сув билан белгиланади. Шаҳрихонсой системасига қарашли ерлар сотиладиган бўлса, савдо тўпбошининг маслаҳатисиз амалга ошмаган. Шунда ҳам, қоидага биноан, сотилган ер қанча бўли-

<sup>187</sup> Уша ерда, д. 323, л. 29.

<sup>188</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432 оп. 1, д. 290, л. 2.

<sup>189</sup> Қува, Марғилон, Олтиариқ атрофларида *хўрөб сув, хўраба* деб юр-тилади.

<sup>190</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 31914, лл. 65, 75.

<sup>191</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 31914, л. 74.

<sup>192</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 319, л. 277.

шидан қатъий назар, фақат ярим кетмонли ернинг сув ҳуқуқи бирга қўшиб сотиларди, қолган ернинг сув улуши ер сотганининг ихтиёрида қолиб, алоҳида келишув билан яна устама нарх қўйиларди<sup>193</sup>. Шу тартибда сув йирик ер эгалари қўлида кам ерли деҳқонларни эксплуатация қилиш қуролига айланган эди.

Барча ирригация системаларида қурилиш-ремонт ишларини ташкил қилиш, сув тақсимоти ва суғориш тартиблари устидан назорат ўрнатиш вазифаси ариқ оқсоқоллари, мироббошилар ва мироблар томонидан амалга оширилар эди. Хонлик даврида йирик магистрал каналлар учун тайинланадиган ариқ оқсоқоли лавозими бўлган, Улар Шаҳрихонсой, Мусулмонқул каби системаларда доимий равишда керакли миқдорда сув бўлишини таъминлар ва ундан бош оладиган катта эна ариқларга сув тўғри тақсимлашнинг назорат қилардилар.

Бевосита сув тақсимоти ва ирригация ишларини уюштириш билан асосан мироббоши ва кўкбошилар шуғулланишган. Мироббошилар асосий магистрал канал-сойлардан катта эна ариқларга сув тақсимлаб олиш ва ундан бошланадиган шох ариқларга бўлинган сув тақсимоти устидан назорат ўрнатарди. Шунингдек, шу асосий тармоқни ремонт қилиш ва тўғри қуриш ишларини ҳам улар уюштирар эди. Кўкбоши эса, майда ариқлар орқали суғориладиган алоҳида тўплар ва кетмон ерлар ўртасида сув тақсимлаш, навбат тартиби устидан назорат қилиш, майда ариқларни ҳар йили бир тозалаш-чопиш ишларини ташкил қилардилар<sup>194</sup>.

Фарғонада асосан кўкбошининг роли катта бўлган. Чунки алоҳида хўжаликлар ўртасида бевосита сувдан фойдаланиш ва майда тармоқларда сув тақсимоти унинг иштирокисиз ўтмас эди. Энг кўп сув жанжаллари ва келишмовчиликлар ҳам майда тармоқларда эди. Кўкбоши ўз шох ариғининг тармоқларини ва ундан суғориладиган жамоаларнинг ерларини жуда яхши билган. Магистрал ва катта ариқларни чопиш учун олинадиган ишчи кучи ва сарф-ҳаражатлар ариқ-оқсоқоли ва мироббошилар томонидан тақсимланиб, кўкбошлари орқали тўпланарди. Кўкбоши ўз навбатида кетмонбошилар ёрдамида иш кўрар эди. Мироббоши ҳам, кўкбоши ҳам халқ томонидан сайланиб, маошсиз ишларди. Сувдан фойдаланувчилар улар учун махсус «капсан» тўлардилар. Капсан миқдори ҳар хил бўлган. Кўп жойларда мироб ҳақи учун донни ғалвир билан, пахтани қучоққа сиққанича бериш одат эди. Суғорув системаларининг юқори томонларида миробга эҳтиёж кам, шунинг учун мироб ҳақи ҳам оз бўларди. Умуман миробни хафа қилмаслик, унинг ҳақини тўла-тўкис тўлаш халқ орасида одатга айланган. «Мироб ҳақи лўқман ҳалол» деган тушунча кенг тарқалган эди. Баъзан ҳосил мўл йиллари миробни хирмонга чақириб, ўз қўли билан дон олишини таклиф қилишарди. Кўпинча мироб ҳақи қишлоқда ўзаро тўпланиб, унинг уйига элтиб ҳам бериларди<sup>195</sup>.

<sup>193</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 319, л. 277.

<sup>194</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 520, л. 82.

<sup>195</sup> Бу одат Хоразмда ҳам бўлган (Я. Ғуломов, Уша асар, 278-бет).

Кейинги вақтларда қишлоқ хўжалиги экинларининг хили кўпайиб, экин ерларининг кенгайиб бориши муносабати билан турли маҳсулотлардан миробга бериладиган ҳақ учун маълум ўлчов пайдо бўлади. Масалан, Шаҳрихон атрофида 1 таноб пахта экилган ердан ҳар мироб учун 1 қадоқ пахта, оқ жўхори экилган бир кетмон ердан икки қадоқ жўхори туланарди. Шунча миқдорда мироб ҳақи ажратилганда, икки ариқдан сув ичадиган Ховос қишлоғидан бир йилда иккита мироб учун 98 пуд пахта, 30 пуд оқ жўхори тўпланган<sup>196</sup>.

Асаканинг Ев ариғидан суғориладиган 1724 таноб ердан миробга  $18\frac{3}{4}$  пуд пахта, 12,5 пуд оқ жўхори, 9 пуду 3 қадоқ буғдой, 3 пуду бир қадоқ маккажўхори тўғри келган<sup>197</sup>. Жойларда мироб ҳақлари бир-бирига солиштирилганда, қаерда сув сероб, демак, мироб учун иш енгил бўлса, иш ҳақи ҳам оз; сув ҳайдаш оғир, бинобарин, мироб иши ҳам қийин бўлган ерларда иш ҳақи ортиқлигини кўра-миз. Асакада ва ундан юқоридаги мироблар ўртача 11—15 пудгача пахта, 11—16 пудгача жўхори, 3—5 пуд буғдой олса, Шаҳрихон мироблари 35 пудгача пахта, 20 пудгача жўхори, 10 пудгача буғдой, 30—40 тадан қовун-тарвуз олган<sup>198</sup>.

Кўқон хонлигининг сўнгги йиллари сувдан фойдаланиш ва сув тақсимоотида мироблар томонидан хужасизлик ва бебошликлар ниҳоятда кучайиб кетган эди. Архив хужжатларида ҳам, тўпланган дала материалларида ҳам мироблар томонидан сувни сотиб юбориш ҳоллари ҳақида жуда кўп фактлар учрайди. Мироблар айниқса сув аврон бўлган йиллари маълум қишлоқнинг ўлчовдаги сувни камайтириш ёки навбат муддатини қисқартириш йўли билан уни бошқа қишлоққа, йирик ер эгаларига сотиб юборганлар. Кўпинча бундан хоннинг ҳам хабари бўлган. Лекин мироблар йиғилган маблағдан хонга ҳам тортиқ қилиб турганликлари учун бўлса керак, уларнинг бундай бебошлигига хон парво қилмас эди. Шу ҳақдаги айрим хабарлар ва шикоятлар рус мамурияти идораларига дастлабки йиллари кўплаб тушган эди<sup>199</sup>.

Сув билан савдо қилиш ва турли йирик ер эгаларига маълум ариқдаги сувни васиқа қилиб бериш айниқса Худоёрхон даврида авж олди. Унинг ҳуқмронлик қилган сўнгги йиллари хонлик сиёсий ва иқтисодий томондан заифлашган, хазина даромадлари камайиб кетган эди, Худоёрхон алоҳида ер, маълум миқдордаги сув учун имтиёзли хужжатлар сотиш йўли билан ҳам ўз даромадини кўпайтиришга уринган эди. Кейинчалик Фарғонада сувга эгалик қилиш ҳақида берилган хон васиқаларини текшириш учун рус мамурияти томонидан тузилган махсус комиссия 200 хужжат қалбаки эканлигини аниқлади<sup>200</sup>. Қалбаки хужжат сотилишидан хабардор бўлган

<sup>196</sup> Уша ерда, д. 308, 17-варақ.

<sup>197</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 308, л. 17.

<sup>198</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 308, л. 17.

<sup>199</sup> Қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 260 (мироблар устидан шикоятлар).

<sup>200</sup> А. Миддендорф. Очерки..., 179-бет.

миробларнинг ўзбошимчалиги янада ортарди. Улардан фақат камбагал деҳқонлар оммаси зарар кўрарди. Кўп жойларда рус ҳокимиятига арз қилишиб, ўзбошимчалик билан иш тутган миробларни ҳайдаб юборганлар. Жумладан Балиқчида бир қаллоб мироб қишлоқ жамоасининг арзи-доди билан қишлоқдан қувилган. Кам сувли Езёвоннинг азалдан Исфайрамсойдан қисқа муддатга оладиган «чўққи суви» бўлиб, 3 та ариқча қўшимча равишда 8 кун берилар эди, Езёвон мироби бу сувнинг бир қисмини сотиб юборган. Езёвонда халқ ғалаёни кўтарилиб, мироб ўлдирилган<sup>201</sup>.

Тобора кўпроқ ер ўзлаштирилиб, пахтачилик кенгайган сари сув ўғирлиги авж олган, меҳнаткаш аҳолининг қаллоб миробларга нафрати ортиб борган.

---

<sup>201</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 324, л. 61.



## Иккинчи боб

### ФАРҒОНА ҚУШИБ ОЛИНГАНДАН СЎНГ ЧОРИЗМНИНГ ЎЛКА ИРРИГАЦИЯСИ СОҲАСИДАГИ ДАСТЛАБКИ УРИНИШЛАРИ

XIX аср ўрталарида, хусусан крепостнойлик ҳуқуқи бе-кор қилингандан сўнг Россияда капитализм ривожланиб, у «тез-лик билан плуг, молотилка, буғ тегирмон ва буғ тўқима дастгоҳ ишлатадиган Россияга айланади»<sup>1</sup>. Унинг тобора ривожланиб бо-раётган капиталистик саноати учун бундан буён кўпроқ хом ашё, саноат моллари учун эса, доимий бозор зарур эди. В. И. Ленин ўзи-нинг «Россияда капитализм тараққиёти» номли асарда чекка ўлкаларнинг капитализм учун аҳамияти ҳақида тўхталиб шундай деган эди: «...Капитализм ҳукмронлик доирасини кенгайтирмасдан, янги мамлакатларни колонизация қилмасдан ва капиталистик мам-лакат бўлмаган эски мамлакатларни жаҳон хўжалиги гирдобига тортмасдан яшай олмайди, ривожланмайди. Капитализмнинг бу-хусусияти эса реформадан кейинги Россияда жуда яққол бўлиб кўринади ва ҳали ҳам кўринмоқда»<sup>2</sup>. Бу жиҳатдан Туркистон, жум-ладан қишлоқ хўжалиги учун табиий имкониятларга бой бўлган Фарғона водийси Россиянинг ташқи сиёсат планида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан сўнг чоризм сиёсатининг биринчи галдаги вазифаси ўлкани бошқариш масаласини ҳал қи-лиш — метрополиянинг ҳарбий стратегик, сиёсий ва иқтисодий манфаатларига мос тушадиган янги маъмурий қурилиш ишлари билан шуғулланишдан иборат бўлди. Халқ оммаси устидан мустам-лакатчилик эксплуатацияси ўрнатиш мақсадида сиёсий линия ўлка маъмурий тузилишига асос қилиб олинди. Бу масала ҳарбий бюрократик маъмурий аппарат тузиш билан ҳал қилинди. Янги таш-кил қилинган (1876 йил 19 февраль) Фарғона области Андижон, Марғилон, Қўқон, Наманган ва Ўш уездларига бўлинди ва ҳарбий кишилардан уезд бошлиқлари тайинланди. Уездлар, ўз навбатида, волостларга бўлинади. Чоризмнинг ўлка маъмурий тузилишидаги амалга оширган сиёсати маҳаллий халқларнинг ҳаётини манфаат-ларига, «уларнинг иқтисодий ва миллий манфаатларига батамом

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 3-том, 648-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 645-бет.

зид эди»<sup>3</sup>. — Буни биз, айниқса, ўлка ирригацияси мисолида яққол кўрамиз.

Кўқон хонлигининг сунгги даври, 1873—1875-йиллари бўлиб утган феодал курашлари ва ғалаёнлари водийнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида салбий из қолдирган эди. Шунинг учун янги областнинг биринчи ҳарбий губернатори генерал-майор Скобелев осойишталик ўрнатиш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга оширади. Бундан кутилган асосий мақсад — сиёсий ғалаёнлар ва халқ норозиликларига барҳам бериш, рус ҳокимиятининг ҳарбий-сиёсий қудратини маҳаллий халқ оммаси олдида намойиш қилишдан иборат эди<sup>4</sup>.

Бу борада у, ўша давр ҳарбий тарихчисининг ёзишича, «ажойиб натижаларга эришди»<sup>5</sup>. Скобелев Фарғона сиёсий ғаллаёнларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик учун Олой, Ўзган, Бозорқўрғон, Жалолобод, водил каби бир қанча жойларда ҳарбий гарнизонлар ва уларнинг доимий штабларини тузди. Туркистон генерал-губернатори П. Кауфманга берган рапортида муваффақиятли равишда кўрилган бу тадбирлар натижасида «ҳаммаёқ тинчиди», — деб ёзган эди<sup>6</sup>.

### 1. Чоризмнинг аграр сиёсати ва рус маъмуриятининг ирригация-суғориш масаласига бўлган муносабати

Туркистонда чоризм иқтисодий сиёсатининг энг асосий проблемаси ер-сув масаласи эди. Дастлабки йиллари чор маъмурияти ер-сувдан фойдаланишнинг маҳаллий қондалари ҳамда сув хўжалиги ишларига аралашмасликни афзал кўрди. Иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим соҳасига бўлган бу хилдаги «бетарафлик» сиёсати, албатта, маълум мақсадга қаратилганди. Ўлканинг қишлоқ хўжалик хусусиятлари, айниқса, у вақтларда рус ҳокимиятининг чиновниклари учун маълум маънода «жуда антиқа» туюлган сунъий суғориш техникаси ҳали тўла англашилари бўлмай, масалани тўла ҳал қилмоқ учун уни, аввало, яхшилаб ўрганиш лозим эди. Россияга унча маълум бўлмаган, аммо асрлар давомида ҳукмрон бўлиб келаётган ўзига хос иқтисодий укладни бузиш ва янгисини жорий қилиш таваккалчилик бўлур эди. Бундан ташқари, ер-сувдан фойдаланиш ва сув хўжалиги масалалари Россия учун дастлабки йиллари унчалик муҳим аҳамият касб этмас эди ҳам. 70-йиллар сиёсий жиҳатдан бўйсиндириш даври бўлиб, забт қилинган ерларни иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш кейинроқ бошлавади<sup>7</sup>. Шунинг учун Россия капитали Туркистон экономикасига ҳали кириб етмаган эди. Ва, ниҳоят, ўша давр халқаро вазияти ҳам анча оғир бўлиб, ҳаёт Россиянинг Туркистон сиёсатида оҳисталик-

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, I том, 2-китоб, 108-бет.

<sup>4</sup> А. Серебрявильков. Кўрсатилган асар, 224-бет.

<sup>5</sup> Ўша асар, 225-бет.

<sup>6</sup> Ўша асар, 223-бет.

<sup>7</sup> В. И. Левиц, Асарлар, 3-том, 643-бет.

ни асосий рақиб — Англия билан алоқани танглаштирмасликни, ўлкада кўрилайётган ташкилий ишларда халқ норозилигини қўзғатмасликни тақозо қилар эди<sup>8</sup>.

Бироқ масаланинг моҳиятини ўрганш, бу борада материаллар тўплаш, ўлкани идора қилиш ҳақидаги Низом лойиҳаларини турли министрликлар ва комиссияларда муҳокама қилиш жуда узоққа чўзилиб кетди. Ишдаги тўмтоқлик, ҳаддан ташқари имиллашлар, ҳукумат идораларидаги сансалорчиликлар натижасида 80-йилларгача ҳам ер-сувга муносабат масаласи ҳал этилмади. Азалдан мавжуд бўлган ер муносабатларига алашиш «кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз беришига сабаб бўлиши мумкин, — деб ҳукуматнинг ҳавфланиши натижасида»<sup>9</sup> бу тўғрида маҳаллий рус маъмурияти таклиф қилган бир неча проектлар қабул қилинмади. 1875 йил февраль ойда Кауфман Петербургдаги турли идораларга махсус хатлар билан мурожаат қилиб, унда ер, сув ва солиқ масалаларини тезроқ ҳал қилиш зарурлигини таъкидлайди. «Ер эгаллиги ҳақида бирон қонданинг бўлмаслиги ва ирригациядаги тартибсизликлар, — деб ёзади генерал-губернатор, — рус ҳокимиятига жуда кенг янги майдонларни суғоришни бошлашга имкон бермаётир»<sup>10</sup>. Келаси йили, янги ташкил топган Фарғона областида Кауфман ўз ихтиёрича баъзи янги тадбир-чоралар ўтказди. Жумладан, солиқ мулк ерлар ҳам, қисман, давлат хазинаси ҳисобига мусодара қилинади. Мулкдорларнинг барча имтиёзлари тугатилиб, улар солиқ тўлайдиган бўлиб қолади. Шунингдек, вақф ерларга ҳам қисман солиқ солинадиган бўлади. «Сомон пули», «миробона» каби баъзи бир маҳаллий солиқлар бекор қилинади<sup>11</sup>. Аммо Кауфманнинг Фарғонада синаш учун кўрилган бу чораларни ҳам кутгандек натижа бермайди. Хусусан мироблик солиғининг бекор қилиниши кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Бунда барча суғорув тармоқлари ва сув тақсимоти ишлари янги рус маҳкамасидаги тайинланган маош олувчи шахслар ихтиёрида бўлиши назарда тутилган эди.

Ҳарбий губернатор тайинлаган янги «сув амалдорлари» маҳаллий шароитдан, сув ҳўжалигининг ўзига хос хусусиятидан мутлақо хабарсиз бўлгани сабабли сувдан фойдаланишда қутилмаган тартибсизликлар келиб чиқади. Сув тақсимоти бутунлай назоратсиз қолади.

Ниҳоят, 1886 йили Туркистон ўлкасини идора қилиш ҳақидаги Низом жорий қилиниши билан аграр масалага доир баъзи бир ишлар ҳам бўлади. Бу янги Низом қондаларига кўра, чоризм аслида бутун Туркистон ерларини ўз ихтиёрига мусодара қилади. Мулк формасидаги барча хусусий ерлар, қисман, вақфлар тугатилади. Маҳаллий феодал ер-мулк ҳуқуқлари бекор қилинади, улар ихтиёридан йирик ерлар чегириб олинishi билан феодал бойлар-

<sup>8</sup> Г. Логонов. Россия в Средней Азии. «Вопросы колонизации», 1903, № 4.

<sup>9</sup> Ўзбекистон ССР тарихи, I том, 2-китоб, 116-бет.

<sup>10</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 27, д. 11286, л. 88.

<sup>11</sup> А. Миндендорф. Кўрсатилган асар, 170-бет.

нинг мавқен ҳам анча чегараланади. Барча табиий сув ресурслари, каналлар, яйловлар давлатники деб эълон қилинади. Қўрилган тадбирлар Туркистонда феодализм муносабатларига катта зарба бўлиб, ўлкада капитализм тараққиётига йўл очиб берар эди. Бу нарса, шубҳасиз, катта прогрессив аҳамият касб этар эди. Янги қабул қилинган Низомнинг 255-моддаси аҳолини ерга ўрнаштириш принцили ҳақида бўлиб, у қуйидагича баён қилинади:

«Азалдан мерос сифатида қишлоқдаги ўтроқ аҳоли ихтиёрида бўлиб, фойдаланиб келинган амлок ерлар маҳаллий одат қондалари асосида шу аҳоли ихтиёрида қолдирилади»<sup>12</sup>. Бироқ, амлок ерлар аҳолининг ихтиёрида бўлиши қайд қилинган бўлса ҳам, унинг ҳуқуқ чегараси мавҳум эди, чунки ерга ҳуқуқ гражданлик қонуни билан эмас, балки ҳали қонунга маълум бўлмаган маҳаллий одат билан белгиланган эди. Низомдаги бундай мавҳум таъриф билан чоризм амлок ерларга хонлик даврида ҳукмрон бўлган давлат мулки ҳуқуқини ўзлаштириб олади. Кейинча, 1900 йили давлат мулки ҳисобланган баҳорикор ва ўзлаштирилмаган ерлар ҳам фойдаланишга берилади. Бундан қутилган асосий мақсад — бекор ётган ерлар ҳисобига ҳам меҳнаткаш аҳолидан солиқ ундириш эди. Баҳорикор ердан озми-кўлми фойдаланиш мумкин, аммо ҳали суғорилмаган ва ўзлаштирилмаган ерлар деҳқонга ҳеч қандай фойда келтирмас эди. Бу ҳолат, шубҳасиз, кўп ерларда норозилик келтириб чиқаради. Мазкур қонун, кейинча бўш ерларни давлат томонидан суғориш масаласи кўтарилганда ҳам тўсқинлик қилди. Шунингдек, солиқ масаласида ҳам қатъийлик ўрнатилади. Янги Низомнинг 285-моддасига кўра, суғориладиган ерларда деҳқончилик қилувчи ўтроқ аҳолидан ялпи маҳсулотнинг 10% миқдоридан ер солиғи олинади<sup>13</sup>. Солиқ ҳар етти йилда қайта кўриб турилади. Бундан ташқари, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли доимий маҳаллий солиқ тўлашга ҳам мажбур. Шунингдек, турли хил давлат натура мажбуриятларини ҳам бажариши лозим (Бунда назарда тутилган энг асосий мажбурият суғориш иншоотларини тозалаш ва уларни ремонт қилиш учун зарур бўлган материал ҳаражати ва ишчи кучи эди). Асосий ер солиғи давлат хазинасига кетиб, жойларда идора ва ободончилик ҳаражатлари учун ундириладиган маҳаллий солиқ (земский солиғи) қуйи маъмурий бошқарма аппаратлари учун сарфланар эди<sup>14</sup>. Ирригация ҳаражатлари ҳам ўша маҳаллий солиқ ҳисобидан эди.

Янги рус маъмуриятининг аграр сиёсати билан сув хўжалиги масаласи узвий равишда боғлиқ эди. Қўқон хонлиги битирилгандан сўнг, 1877 йил июнь ойидан бошлаб, Қурама уезди ва Тошкент атрофи учун қабул қилинган «Ирригация ҳақидаги вақтинча қондалар» Фарғона областига ҳам жорий қилинади. Бунга кўра, «Анҳор канал ва дарёлардаги сув давлат хазинасиники» деб ҳисобла-

<sup>12</sup> «Положения об управлении Туркестанским краем», 12 июня 1886 г., стр. 33.

<sup>13</sup> Уша ерда, 37-бет.

<sup>14</sup> Уша ерда, 41-бет.

нади, 1886 йили бу қоида қонунлаштирилиб ўлкани бошқариш Низомининг 256-моддасида қуйидагича ифода қилинади: «Бош ариқлардаги, анҳор, дарё ва кўллардаги сувлар маҳаллий тартибга кўра аҳоли ихтиёрига берилди»<sup>15</sup>. Чор маъмурияти сув устидан назорат ўрната оларди. Маҳаллий аҳоли эса дарёлардан ариқ чиқаришга ҳаққи йўқ эди. Бундан ташқари, область сув хўжалигини ҳарбий губернатор тайинлаган ирригация мудири бошқаради, азосат қилади. Фақат майда ариқларгина халқ сайлайдиган мироблар назоратида бўлади, Улар маош оладиган бўладилар.

Ариқ оқсоқоллигига сув ишларидан бекабар рус амалдорларидан тайинланиши, шунингдек, маош олиш тартибининг ўрнатилиши ва мироблик солигининг бекор қилиниши парокандалик ҳукмрон бўлган ирригация ишига ёрдам бермади. Бу, А. Миддендорф таъбири билан айтганда, «ортиқча марказлаштиришга интилишининг» оқибати эди<sup>16</sup>. Бу хато фақат кейинчалик тузатилади. Рус маъмурияти ирригация ишларига деярли маблағ ажратмайди, шунинг учун хонлик давридаги эски тартиб — натурал мажбурият тартибини қонунлаштиради ва ундан кенг фойдаланади.

Қоидага кўра, суғориш иншоотлари, барча ариқ ва каналларни ремонт қилиш, тозалаш ишлари деҳқончилик қилаётган маҳаллий аҳоли томонидан натурал мажбурият тарзида бажарилиши лозим. Фақат йирик каналларнинг бош тўғонларини тиклашдаги сарфлар махсус маҳаллий солиқ (земский сбор) ҳисобидан бўлади. Лекин дастлабки йиллар ирригацияга берилган маблағ жуда ҳам оз эди. Маблағ масаласида бундай тартибнинг ўрнатилиши ҳам рус маъмуриятининг масала моҳиятини тушунмаслиги натижасидир. Маҳаллий солиқ ер солигининг 25% тини ташкил қилиб, ирригация, йўл қурилиши ва почта эҳтиёжлари учун Фарғона областида шундан фақат 15% ти ажратилар эди, холос<sup>17</sup>. Қолган 85% ти маъмурий идора аппарати эҳтиёжига кетарди. Натижада барча иш натурал мажбурият ҳисобига бўлиб, маҳаллий меҳнаткаш оғир меҳнат остида эзиларди. Кейинчароқ маҳаллий солиқларнинг кўп қисми ўғирланадиган, турли тантана-зиёфатларга сарфланиб<sup>18</sup> ирригацияга ажратилаётган маблағ яна камайиб кетди. Маҳаллий халқни эзини кучайди, генерал-губернатор билан область уезд маъмурияти ўртасида ортиқча ёзишмаларга сабаб бўлди.

Ирригация ҳақидаги қоида қониқарсиз тузилганлиги сабабли Фарғонага Скобелевдан сўнг ҳарбий губернатор қилиб тайинланган, Кауфманнинг энг ишончли кишиси генерал Абрамов унга махсус хат ёзиб, бу қоидадан қайта қараб чиқишни сўрайди<sup>19</sup>.

<sup>15</sup> Уша ерда, 33-бет.

<sup>16</sup> А. Миддендорф. Курсатилган асар, 170-бет.

<sup>17</sup> Обзор Ферганской области за 1884 г., Новый Маргелан, 1885, стр. 19.

<sup>18</sup> А. П. Погребенский. Налоговая политика царизма в Средней Азии, Исторические записки АН СССР, т. 66. М., 1960, стр. 305.

<sup>19</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14. д. 216, л. 133—143.

Шундай қилиб, чоризмнинг Туркистон ўлкасида энг муҳим масала — аграр масала, сув хўжалигини бошқариш ҳақидаги масалани ҳал қилишга қаратилган тadbир-чоралари Россиядаги ҳукмрон помещчик-буржуазия синфи манфаатларига мослашган ва синфий жиҳатдан чегараланган эди.

Шубҳасиз, XIX асрнинг сўнгги чорагида Туркистон ўлкасида кўрилган иқтисодий ва сиёсий тadbирлар, ишлаб чиқаришда феодал усулининг емирилишига замин тайёрлаган ва капитализмнинг ривожланишига йўл очиб берган бўлса-да, бироқ чор самодержавияси унинг экономикаси тараққиётида капитализмгача бўлган кўп чигал муносабатларни ҳимоя қилиб, уларни сунъий равишда сақлаб қолишдан манфаатдор эди. Шу сабабли Туркистон экономикасининг муҳим факторлари — ерни суғормай туриб деҳқончилик қилиш мумкин бўлмаган районлар ўлка экономикасининг асоси бўлган серунум қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун бош база экани, ишлаб чиқариш кучлари ва айниқса, деҳқончиликни ривожлантиришда ирригация гоят муҳим ўрин тутиши назарга олинмади. Бу ҳолат маҳаллий аҳолининг ички ҳаётига, биринчи навбатда, ирригация хўжалигига бефарқ қарайдиган аралашмаслик сиёсатини келтириб чиқарди. Рус маъмуриятининг Туркистон ўлкасини идора қилишда дастлабки йиллари йўл қўйган катта хатоси мана шу эди.

Россия янги эгалланган Туркистонда суғориш ишларини ривожлантиришдан албатта манфаатдор эканлиги шубҳасиз. Лекин сунъий суғориш — ирригация ишлари Россия шароити учун илгари ёт нарса эди. Мазкур ҳолат XIX аср мобайнида Россияда босилиб чиққан турли илмий асарлар ва мақолаларда ҳам эътироф қилинади, бу масала билан Кавказ ва Ўрта Осиё қўшиб олинганидан сўнггина шуғулланишга тўғри келигани таъкидланади<sup>20</sup>. К. Маркс айтганидек, Европада ҳосил суғоришга эмас, об-ҳавонинг яхши ёмон бўлишига боғлиқ эди<sup>21</sup>. Ириқ иқлимшунос — географ олим проф. А. Воейков таъкидлашича, илгари ирригация ишлари Россияга қўшни бўлган Европа мамлакатларида ҳам яхши ривожланмаган эди. «...Афтидан бу ишни назарий жиҳатдан ўрганиш учун Россияда имкон бўлмаса керак»<sup>22</sup>.

Россия ҳукумати биринчи марта 1840 йилдан сўнг Кавказда энг зарур каналларни кўпайтириш ҳақида кўрсатма берган эди. Лекин зарур қўлланма ва мутахассис бўлмагани сабабли бошланган иш охирига етказилмади.

60-йиллари ирригация масаласи яна кўтарилади. Ҳатто Закавказье ерларининг суғориш проектини тузиш учун инглиз инженер-

<sup>20</sup> Россияда «ирригация» термини биринчи марта 1842 йилдан ишлатилган. Қаранг: И. Шопен. Об ирригации и о пользе распространения искусственного орошения полей в большом размере в России, Спб., 1845, стр. 43.

<sup>21</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган асарлар, I том, Тошкент, 1959, 344-бет.

<sup>22</sup> А. Воейков. Искусственное орошение и его применение на Кавказе и в Средней Азии, М., 1884, стр. 21.

ларидан Белле ва Габб таклиф қилинади. Аммо проект амалга оширилиб, ишга киришилганда тажрибали рус мутахассис раҳбарлиги йўқлиги учун у қаноатланарли бўлмади, 70-йилларнинг бошида Аракс дарёсидан канал чиқариш, 10000 десятина ерни суғориш учун қилинган меҳнат зое кетади.

Туркистонда ҳам 60—70-йиллари суғориш масаласида Кавказдаги каби баъзи уринишлар бўлди. Лекин улар муваффақиятсиз чиқди. Масалан, 1869 йиллик рус маҳаллий маъмурияти Мирзачўлни суғориш масаласини қўйган эди. Шу мақсадда зарур қидирув ишлари олиб борилган ва 40 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган бўлгуси канал лойиҳаси тузилиб, ишга киришилган эди. Аммо канал 14 верст қазилганидан сўнг иш аввалига вақтинча, сўнгра эса бутунлай тўхтатиб қўйилди<sup>23</sup>. 70-йиллари Мирзачўл ерларини механизм ёрдамида сув чиқариб ёки артезиан қудуғи кавлаб суғориш ҳақида тузилган сув қанал лойиҳалар ҳам кўп хатоликларга йўл қўйган, маблағ ва мутахассис йўқлиги сабабли амалга ошмай қолиб кетган эди.

Кавказдаги ва Туркистондаги ирригация соҳасида рўй берган дастлабки муваффақиятсизликларнинг барчасига сабаб ишда тажрибасизлик, бу соҳада малакали мутахассисларнинг бўлмаслиги, қолаверса, чоризмнинг бу ишларга етарли маблағ ажратмаганлиги эди. Бундан ташқари, XIX асрнинг 80-йилларигача ҳам Урта Осиёнинг сув ресурслари ва суғориш мумкин бўлган ерларни илмий ўрганишга эндигина киришилаётган эди. Россияда ўтган асрнинг 90-йилларигача ҳам инженер-гидротехник, инженер-ирригатор кадрлари тайёрлаб чиқарадиган ўқув юрти йўқ эди. XIX асрнинг II ярмидан бошлаб асосий эътибор кўпроқ темир йўл инженерлари тайёрлашга жалб қилинган эди.

Шунингдек, Россияда ирригация пропагандасига доир адабиёт ҳам деярли йўқ даражада эди. Дастлаб 1845 йили Санкт-Петербургда инженер-агроном И. Шопеннинг китоби босилиб, муаллиф турли мамлакатларнинг ирригацияси ҳақида мисоллар келтиради ва Россияда ҳам уни ривожлантиришга чақиради: «Бизнинг ватанимизда ҳам... асрий муваффақиятлари билан исбот қилинган бу ибратли ишларга эришишга киришилса бўлмасмикин?»<sup>24</sup>

1870 йили агроном Н. Яновнинг Россияда ирригация ишларини жонлантириш ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари босилиб чиқади<sup>25</sup>. Икки йилдан сўнг М. В. Эрсининг худди шу мазмундаги китоби нашр қилинади. Иккала автор ҳам суғориш ишларига ҳукумат томонидан «етарли аҳамият» берилишига даъват қилади ва «Урта Осиёнинг кам ҳосил ерини серҳосил қилмоқ учун кўпгина капитал

<sup>23</sup> А. М. Аминов. К истории дореволюционного орошения Голодной степи, «Ученые записки Ташкентского госпединститута им. Низами», вып. VI, Ташкент, 1957, стр. 210.

<sup>24</sup> И. Шопен. Об ирригации и о пользе распространения искусственного орошения полей в большом размере в России, СПб., 1845, стр. 45.

<sup>25</sup> П. Янов. Записка о необходимости введения в России ирригации. СПб., 1870.

ва меҳнат сарфлаб ирригация системаси қуриш керак» деган фикр-ни қўллаб қувватлайди<sup>26</sup>.

Умуман, 70-йиллари ирригация масаласи ҳали мўътабар дон-раларда қўзғатилмаганлиги рус матбуотида ҳам таъкидланаётган эди. В. И. Ленин ҳам кўрсатиб ўтганидек, «мустамлакаларни аввало сиёсий жиҳатдан забт қилинади, босиб олгач, орадан анча вақт ўтгандан кейин уни иқтисодий жиҳатдан «босиб ола бошлайди»<sup>27</sup>. XIX асрнинг 70—80-йиллари Россия учун Туркистонни сиёсий забт қилиш даври эди.

Лекин Россияда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши Туркистон ўлкасини ўз гирдобига тортиб, уни чуқурроқ ўрганити, табиий шароитларини текшириш ва улардан максимал даражада фойдаланишни тақозо қилаётган эди. Рус маъмурияти давр талабини асосида, илмий жамиятлар, алоҳида олимларга мурожаат қилишга мажбур эди. Худди мана шу даврдан Туркистонга илғор рус фани ва техника билими кйриб келди.

Ҳақда кейинги йилларда сунъий суғоришни ривожлантириш ва мавжуд ирригация иншоотларини илмий асосда қайта қуриш учун кураш ва уни пропаганда қилишда рус интеллигенциясининг илғор вакиллари, инженер-техник арбоблари муҳим роль ўйнади. Чунки уларнинг қарашлари, тилак ва ниятлари чоризмнинг тор, худбин мақсадларидан ташқари ва узоқда турар эди.

1878 йил бошида Россиянинг жағубий губерналарида қурғоқчиликка қарши кураш чораларини кўриш ва кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини текшириш учун чор ҳукумати томонидан махсус комиссия тузилади. Комиссияга интеллигент ва инженер-агрономлар ҳам киритилганди. Комиссия ҳисоботида Россиянинг жанубий губерналарида, шунингдек, янги ўлка—Туркистонда деҳқончиликни ривожлантириш учун ирригация ишларига эътибор бериш зарурлиги айтилади. «Биринчи навбатда суғориш ва кўкаламзорлаштириш масаласини ҳал қилмоқ керак, агар шу вазифа ҳал қилинса, фаровонлик ниҳоятда яхши таъминланган бўлади»<sup>28</sup>. Суғоришда ёрдам берувчи хайрихоҳ жамиятлар — Е. Н. Лангнер бошлиқ Самара, Саратов губерналарида ирригацияни жонлантириш жамияти ва Барон Герздорф бошлиқ Россиянинг жанубий ўлкаларида ирригацияга ёрдам бериш жамияти тузилади<sup>29</sup>. Иккинчи жамият, умуман, ирригацияга доир материаллар тўплаш ва уни ташвиқ қилиш билан шуғулланишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди. Шунинг учун Фарбий Европа, Америка, Хиндистон, Кавказ мамлакатларининг ирригацияси ҳақида кўпгина материал тўплайди.

<sup>26</sup> М. Эрнс. Записки о введении в России искусственного орошения полей и лугов, М., 1872, стр. 43.

<sup>27</sup> Қаранг: В. И. Ленин. Асарлар, 3-том, 643-бет.

<sup>28</sup> Доклад высочайше утвержденной комиссии для исследования сельского хозяйства и сельскохозяйственной производительности России. Приложение VI, Цит. по кн.: В. Виноградов, Что нужно для нашего сельского хозяйства, Ирригационный вопрос в России. Спб., 1880.

<sup>29</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 227, л. 1.



Жамият бошлиғи барон Герздорф Туркистон генерал-губернатори Кауфманга махсус хат билан мурожаат қилиб, деҳқончиликни идора қилувчи «жанобларни қишлоқ хўжалигида сунъий суғоришнинг афзалликлари билан таништирмоқ учун» Туркистон ирригацияси ҳақида маълумот юборишни илтимос қилади ва 15 та саволдан иборат программа юборди<sup>30</sup>. Саволлар Ўлканинг тулпроқ таркиби, канал, ариқ чиқаришнинг маҳаллий усуллари, ирригацияда ишлатиладиган қуроллар, суғориш муддатлари ва сув миқдори кабиларни ўз ичига олган эди. Кауфман топшириғи билан Тошкент шаҳар ва Қурама уездининг вақтинча ирригатори Н. Ульянов бу саволларга жавоб тўплайди ва 1878 йил май ойида тегишли жойга юборилади<sup>31</sup>.

Бироқ жамиятнинг устав проекти тасдиқланмаганлиги ҳамда тажрибали мутахассис, ҳали бу борада текшириш ишларининг йўқлиги жамият фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилади. Ирригацияга хайрихоҳ жамиятнинг аъзоси инженер-агроном В. Виноградов 1880 йили Петербургда нашр қилинган ва юқорида эслатилган китобчасида ушбу жамиятларнинг ташаббуси ҳукумат томонидан қувватланмаганини танқид қилади. «Ирригация масаласи — бу давлат масаласидир, — деб ёзади муаллиф. — ва унинг давлат аҳамияти қонун яратишда эмас, балки ирригациянинг ўзини тажрибага тадбиқ қилишдадир»<sup>32</sup>.

Рус ҳокимияти «ўз фикр доирасини кўнгилли равишда торайтирди, ўзибўларчиллик, биқик, бюрократик ишга берилиб кетди ва табиатни эксплуатация қилиш каби ўзининг асл йулидан қайтди... Бундай шароитда янглишмаслак, янглиш йўллар пайдо бўлиши учун мустаҳкам замин яратилиши шубҳасиздир»<sup>33</sup>. Юқорида ёзилган сатрлар 80-йиллардаги илғор рус интеллигенциясининг фикрларини айнан ифода қилар эди.

Туркистон қишлоқ хўжалиғи ва ирригацияси масаласида рус маъмурияти адресига танқидий мулоҳазалар баъзи табиатшунослар томонидан ҳам айтилаётган эди. Ана шундай прогрессив олимлардан бири йирик иқлимшунос-географ проф. А. И. Воейков эди. У XIX асрнинг 80-йиллари Туркистонга келади ва тез орада «сунъий суғоришнинг жушқин ташвиқотчиси бўлиб қолади»<sup>34</sup>. А. Воейков фикрича, Туркистонда ирригация ишларини маҳаллий халқ ихтиёрига доимий равишда топшириб қўймай, кунт билан унинг моҳиятини ўрганиш лозим. «Суғориш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ҳақида ўйлашимиз керак, — хитоб қилади у, — яқин келажакда улар Европа Россиясига ҳам керак бўлиб қолади... Урта Осиё учун эса ҳозирдаёқ зарур»<sup>35</sup>. Туркистоннинг табиий ша-

<sup>30</sup> Уша ерда, л. 2—3.

<sup>31</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 227, л. 11—33.

<sup>32</sup> В. Виноградов. Кўрсатилган асар, 55—56-бетлар.

<sup>33</sup> Уша ерда, 70-бет.

<sup>34</sup> В. В. Покишишевский. Воейков и его работы о человеке и природе. В кн. «Воздействие человека на природу», М., 1962, стр. 11.

<sup>35</sup> А. И. Воейков. Искусственное орошение и его применение на Кавказе и в Средней Азии, стр. 21.

ронти, сув ресурслари илмий жиҳатдан текширилиб ва зарур маблағ сарфлаб суғориш ишлари ташкил қилинса, бутун Россия сабоатини лахта билан таъминлаш мумкин. Кейинчалик у Фарғона ҳақида тўхтаб, «Фарғона каби иқлимда сув биринчи бойлик, ўлканинг тақдирини ундан фойдалана билишга боғлиқдир»<sup>36</sup>,— деган эди.

Олим Россиянинг Туркистондаги мавқеъ — аҳволини Англиянинг Ҳиндистондаги аҳволига таққослайди. Иккала мамлакатнинг ҳам метрополисида сувнинг қиммати йўқ, бироқ мустамлакаларида унинг аҳамияти ниҳоятда зўрдир. Шунга қарамай Англия,— деб ёзади Воейков,— Ҳиндистонда ирригацияга оид эрзийдиган иш қилмади, узоқ вақтгача темир йўл ўтказиш билан овора бўлди. «Англия ўзининг замонавий техникаси ва арзон капитални воситаси билан кўпроқ иш қилиши мумкин ва лозим эди»<sup>37</sup>. Буни XIX аср 60-йиллари К. Маркс ҳам кўрсатиб ўтган эди<sup>38</sup>. «Шунинг учун,— деб ёзади у,— Россия Туркистондаги ўз фаолиятида Англиядан ўрнак олмаслиги керак. Унинг табиий бойликларидан, сув ресурсларидан илмий равишда билиб фойдаланиши керак, ўшандагина Туркистон метрополияга катта фойда келтиради»<sup>39</sup>. «Суғоришни тараққий эттиришдаги, шу билан бирга ўлка қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришдаги мақсадга эришмоқ учун биргина капитал, энергия ва билимнинг ўзи кифоя қилмайди, бу ишга маҳаллий ҳоқимлар... доимий равишда ва маърифат билан ёрдам кўрсатиб туришлари лозим»<sup>40</sup>.

Умуман, А. Воейковнинг Туркистон ерларини суғориш ва ирригация истиқболлари ҳақида айтган илғор фикрлари ва маслаҳатлари бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу табиатшунос олимнинг Туркистон қишлоқ хўжалигига доир асарлари алоҳида ўрганишни тақозо қилади. Воейковнинг «XX аср сунъий суғоришнинг янгича, мисли кўрилмаган даражада гуллаб яшнашига, шубҳасиз, гувоҳ бўлади»<sup>41</sup>, деган орзуси фақат Совет ҳақимияти даврида амалга ошди.

Туркистон ўлкасининг қишлоқ хўжалиги ва ирригациясини илмий асосда ривожлантиришни зўр эҳтирос билан ташвиқот қилган илғор рус фани вакилларида бири академик Александр Фёдорович Миддендорф эди. Генерал-губернатор Кауфман янгигина ташкил топган Фарғона областининг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий шароитларини «асосли равишда ўрганиш» учун мутахассис юборишни илтимос қилиб, 1876 йили Русия географик жамиятининг вице-раиси П. П. Семенов-Тяньшаньскийга мурожаат қилади. Жамият бу ишга талантли табиатшунос, тажрибали агроном академик А. Ф. Миддендорфни тавсия этади<sup>42</sup>. 1878 йил баҳорида А. Ф. Мид-

<sup>36</sup> А. Воейков. Воздействие человека на природу, стр. 104.

<sup>37</sup> А. Воейков. Искусственное орошение, «Русский вестник», 1884, т. 173, стр. 574.

<sup>38</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, I том, 1959, 343-бет.

<sup>39</sup> А. Воейков. Искусственное орошение, стр. 375.

<sup>40</sup> Уша асар, ўша бет.

<sup>41</sup> А. Воейков. Воздействие человека на природу, стр. 124.

<sup>42</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 15, д. 251, л. 2.

дендорф бошлиқ махсус илмий экспедиция Фарғонага келади. Экспедиция беш кишидан иборат бўлиб, унда ботаник, инженер-гидролог ҳамда зоолог бор эди.

Экспедиция олдига қўйилган вазифа турли мутахассисларнинг шахсий кузатиши йўли билан Фарғона мисолида ўлканинг қишлоқ хўжалиги ва халқининг мавжуд иқтисодий аҳволига доир барча табиий шароитлар йиғиндисини ўрганиш, шу асосда ўлканинг иқтисодий келажагини аниқлаб беришга ёрдам қилишдан иборат эди. А. Миддендорф экспедицияси ўсиб келаётган рус буржуазиясига ўлкани келажакда иқтисодий ўзлаштиришга ёрдам бермоғи, чоризмнинг мустамлакачилик сўёсати манфаатига хизмат қилиши лозим эди.

Бироқ экспедиция натижалари чоризмнинг синфий манфаатларидан ташқари рус табиатшунослик фанига ҳам кўп фойда келтирди. Фарғона водийси ҳақида жуда кўп қимматли материаллар тўпланди. Масалага шу томондан қараганда, Фарғонани илк бор мукаммал илмий ўрганишда, унинг қишлоқ хўжалиги ва ирригациясини текширишда А. Миддендорф хизмати ғоят катта. У ўз олдига қўйилган вазифанинг моҳиятига тўла тушунганлигидан, таққослаш учун зарур материаллар тўплаш мақсадида 1877 йили Фарбий Европанинг жанубий томонларига ҳам бориб келган эди<sup>43</sup>.

А. Ф. Миддендорф 1878 йилнинг баҳорида 3 ой давомида Фарғона водийсини айланиб чиқади. Экспедиция хулосалари ва водийнинг табиий шароити, экономикаси ва қишлоқ хўжалигига оид текшириш натижалари 4 йилдан сўнг алоҳида асар ҳолида нашр қилинади<sup>44</sup>. Фарғона область ҳарбий губернатори генерал Абрамов Миддендорфдан, тажрибада қўлланма сифатида ҳозир жуда зарур бўлган область ирригацияси ҳамда тупроғи ҳақида батафсилроқ маълумот тўплаб беришни илтимос қилиб, унга 10 та саволдан иборат программа юборади<sup>45</sup>. Шунга биноан, инженер В. Перру ёрдамида Фарғона ирригациясига доир талайгина материаллар тўпланади<sup>46</sup>. Умуман, А. Ф. Миддендорф Фарғона водийсининг табиати, иқлим шароитини ғоят кўтаринки руҳ билан ёзади (2—11). Шунингдек, фарғоналикларнинг қадимий деҳқончилик тажрибасига ҳам юксак баҳо беради. У ёзадики, қишлоқ хўжалик фанининг яқинда кашф қилган нарсалари фарғоналиклар тажрибасида аллақачон маълум эди. Фарғонада қишлоқ хўжалигининг барча муваффақияти сунъий суғориш масаласига, ирригация хўжалигининг аҳволига боғлиқ эканини уз асарида А. Миддендорф ҳам жуда тўғри талқин этади. Бу ерда «инсоният гўдаклик давриданоқ сувни

<sup>43</sup> Ўша ерда, л. 10.

<sup>44</sup> А. Ф. Миддендорф. Очерки Ферганской долины.

<sup>45</sup> ЦГА УзССР, ф. И-284, оп. 1, д. 20, л. 5—7.

<sup>46</sup> Қаранг: А. Ф. Миддендорф. Кўрсатилган асар. Прибавление IV А. Некоторые подробности о ферганских водопроводах. XVI—XXII бетлар. Афсуски, Андижон уезди ирригациясига доир материаллар қўлёзма ҳолида тасодифий баҳсисзлик натижасида куйиб кетган (Бундан кейин асарнинг фақат бети кўрсатилади).

ўзига бўйсундириди, иложи борича, уни битта катта оқим пайдо қилишига йўл қўймади, балки бир меъёра тақсимлашга ҳаракат қилди». Муаллиф европали бўлгани сабабли Фарғонанинг интенсив қишлоқ хўжалиги, ирригация системаларидан завқланиб кетиши натижасида, зўриқ фактларни бўрттириб ҳам юборган.

Лекин қишлоқ хўжалигига, айниқса, сўғориш масалаларига қайта-қайта тўхталар экан, бундан олимнинг асосий кутган мақ-



Академик Александр Федорович  
Миддендорф.

сади—ушбу масалага рус маъмуриятининг диққатини жалб қилиш эди. Бу хусусда А. Миддендорфнинг рус маъмуриятининг ирригация соҳасидаги янги вазифалари ва сиёсий йўлига доир фикрлари диққатга сазовордир. Маҳаллий ҳокимият ўлка сув хўжалигининг ички ишларига аралашмасдан, буни мавжуд одат қоидалари бўйича аҳолининг ўзига қўйиб берганини автор маъқуллайди. Аммо миробона солиғини бекор қилиб, сув мутахассисларига маош бериш тартибини қаттиқ қоралайди (170—171). А. Миддендорф ёздики, ўлка ҳаёти учун муҳим бўлган ирригация ишларининг ички ташкилий томонлари ҳали чор ҳукуматига

маълум эмас, уни, аввало,

яхшилаб ўрганиш лозим; иккинчидан, Фарғона Россияга қўшилган йиллари янги ҳокимиятнинг ирригациядан бошқа, айниқса, сиёсий жиҳатдан муҳим бўлган ишлари ниҳоятда кўп эди, қолаверса, ирригация хўжалигининг структураси ҳозирча нормал ишлайвериши мумкин, ирригация билан шуғулланишга вақт ҳам, керакли одам ҳам ҳозирча йўқ (176). Аммо, автор фикрича, бу «аралашмаслик сиёсати» узоққа чўзилмаслиги керак. Шунинг учун А. Миддендорф тезроқ ирригацияга раҳбарликни қўлга олишни маслаҳат беради (177). Сўнгра А. Миддендорф маслаҳатига кўра, ирригацияни тиклаш ва ривожлантириш соҳасида рус маъмурияти қўйидаги вазифаларни бажариши лозим:

1. Энг аввало, солиқ хонлик даврида бошланиб чала қолган ишларни давом эттириш ва тугаллаш. Бу соҳада ҳозир янгидан программа тузиб иш бошлаш—тайёр тажрибадан фойдаланмаслик бўлур эди. Русларда «сўғориш ишига одат пайдо қилгунча» ҳад-хисобсиз кўп меҳнат ва вақт талаб қилинади. Шунинг учун «биз биринчи галда минг йиллик синалган тажриба ютуқларига бой ки-

шилларнинг шоғирди бўлмоғимиз даркор» (186). А. Миддендорф ҳам А. Воейков каби, инглизларнинг Хиндистондаги фаолиятини танқид қилади. Шунчалик капиталга бой, ишчан Англия бу ерда қадимий традиция — ирригация ишларини давом эттириб ривожлантириш ўрнига, темир йўл қурилиши ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб «қаттиқ янглишиди». Агар Россия Урта Осиёда Англиянинг Хиндистондаги аҳволига тушиб қолишни истамаса, ишни бу ерда илгари асоси қурилган ирригацияни такомиллаштиришдан бошлаши керак,— авторнинг асосий хулосаси ана шундай. Биринчи навбатда, у Улугнор каналини ўрганиш ва уни мўлжалдаги районгача давом эттириш, кенгайтиришни тавсия қилади.

2. Хонлик давридан чала қолган ишларни тугатиб, сўнгра каналлар, ирригация иншоотларининг янчисини қуришга киришиш. Олим бу ерда Фарғонадаги бўш ерларни суғориш учун Норин ва Қорадарёдан янги каналлар чиқариш имконияти борлигига диққатни жалб қилади (192).

3. Фарғона водийсининг табиий сув миқдорини аниқлаш, дарёларнинг режимини илмий жиҳатдан ўрганишни бошлаш, мунтазам равишда кузатувлар ўтказиш керак. Бунинг натижасида, бутун Фарғона водийсининг табиий сув миқдори билан янгидан суғориладиган ерларнинг ўзаро нисбати аниқланади, сўнг ирригация картасини тузиш лозим. А. Миддендорф саёҳат вақтида ўзи карта тузмаганини «катта хато» деб ҳисоблаб, афсусланади (195).

4. Бутун водийда асосли равишда нивелировка ишлари ўтказиш. Мавжуд каналларнинг нивелировкаси турлича, тахминан қилинган; улар йиллар ўтиши билан ўзининг салбий оқибатини ҳам намоён қилаётир. Натижада кўп каналларнинг суздан рационал фойдаланилмаётир. Бутун водийни ўз ичига оладиган асосий нивелировка ўтказилса, водийни ўзлаштиришга доир катта лойиҳаларга, сувни тақсимлаш лойиҳаларига асос солинади, ирригацияни илмий асосда қайта қуриш ишини ҳал қилиш енгиллашади — барча дарёларнинг ирригация тармоқларини ягона ирригация линиясига бирлаштириш имконияти туғилади. Шубҳасиз, «ўз вақтида лойиҳа билан ва планли равишда суғориш ширкатлари тузилади» (195). Илмий нивелировка натижалари ана шуларда жуда муҳим аҳамият касб этади.

5. Келажакда сув омборлари қуриш учун текшириш ишлари ҳам назардан четда қолмаслиги лозим. Бунинг учун водийда табиий қулай жойлар кўп.

6. Барча катта-кичик ариқларга сув тақсимлаш учун инженер иншоотлари қуриш. Бу иш маҳаллий ирригацияни қайта қуришда муҳим ўринни эгаллайди.

А. Миддендорф таклифлари ва маслаҳатлари қисқа сатрлар билан ифодаланганда асосан ана шулардан иборат. Олимнинг фикрича, бу вазифаларни ҳал қилишга киришмоқ учун рус маъмурияти революцион тарзда янги сув хўжалиги маҳкамалари тузиши шарт эмас. Ҳамма гап барча мавжуд воситалардан оқилона фойдаланиб иш бошлашда қолган. «Уртаосиёликнинг биздан ўзиб кет-

гани бизни кўрқитмаслиги керак, у қанчалик кўп олға кетган бўлса (ирригацияда — С. Ж.), биз янги замон билимлари билан қуролланган ҳолда, тайёрлиги бор оммани олий юксакликлар йўлида шунча узоққа олиб кета оламиз» (187).

«Мен — маблағ етишмайди — деган баҳонани қабул қилолмайман, — деб хулоса қилади автор, — ҳар ҳолда иш барча маблағни бир ерга тўплашга боғлиқ, аммо бошқарма масаланинг мана шу энг муҳим томонини назарда тутмади» (216—217).

А. Миддендорф водий ирригацияси масаласидаги ўз фикрларини қўйидаги хулоса билан тугаллайди: «Модомики, бизнинг давлатимиз чиқарган қарорига биноан бутун Туркистон сувини ўз мулки деб эълон қилган экан; модомики, бу сувлардан озуқа воситалари ишлаб чиқариш учун фойдаланиш зарур экан; ирригация иншоотларини ширкат ва уюшмалар қўлига топшириб қўйиш мумкин эмас экан ва у билан деҳқончиликка боп соз тупроқни суғориш жуда ҳам фойдали экан, — у ҳолда тезликда ва ғайрат билан ишга киришиш кечиктириб бўлмайдиган бурч бўлиб қолади» (480).

Юқорида айтганимиздек, А. Миддендорф ўз даврининг фарзанди ва чоризмнинг мустамлака сиёсатиға хизмат қилган, халқ манфаатидан узоқ турувчи киши эди. У асарида ҳам Фарғона ҳаётиға доир баъзи нарсаларда хатоликларға йўл қўйди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аниқлашда хато қилади<sup>47</sup>. Бироқ Фарғона ирригацияси масаласида унинг текширишлари, фикр ва мулоҳазаларига ўша вақтларда ҳам, кейинги йиллари ҳам ҳеч ким деярли ўзгартиш киритолмади. Ҳатто XX асрнинг 30-йиллари Фарғонанинг суғориш проблемаси устида ишлаган совет инженерлари ҳам А. Миддендорф фикрлари асосли ва тўғрилигини таъкидлайдилар. Катта Фарғона канали лойиҳасининг автори, таниқли инженер-ирригатор И. Д. Лебедев шундай деб ёзади: «А. Миддендорф кўрсатмалари ўзининг ҳаққонийлиги ва мазмундорлиги жиҳатидан Фарғона билан таниш бўлган ҳозирги замон ўқувчисини ҳам ҳайратда қолдиради»<sup>48</sup>. Аммо академик А. Миддендорф водийнинг узоқ келажаги ҳақида мутлақо пессимистик фикрда эди. У Кауфманға ёзган бир хатида шундай деган эди: «Шубҳасиз аъло даражали Фарғона области қишлоқ хўжалиги соҳасида рус ҳукмронлигидан кутилаётган барча мукамалликларға қарамай, афсуски, келажакка эга эмасдир. Сув ва гўнг етишмаслиги орқасида прогресснинг тўхтаб қолиши муқаррардир»<sup>49</sup>. Бундай хато хулоса, албатта, Урта Осиёни секин-аста қуриб бориши ҳақида ўтган асрда тарқалган нотўғри назария таъсирида келиб чиққан эди. Совет ҳокимияти йиллари Фарғона водийсининг қишлоқ хўжалиги мисли кўрилмаган дара-

<sup>47</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 15, д. 1757, л. 51.

<sup>48</sup> Урта Осиё ирригация ва мелiorация қурилиши бўйича давлат қидирув-лойиҳалаш ва илмий текшириш инс-ти, «Средазгипроводхлопок» архив, инв. № 18915, 41-бет (Бундан буён «Средазгипроводхлопок институти» деб юри-тамиз).

<sup>49</sup> Н. П. Соколов. О характере естественно-исторических исследований Средней Азии до Октябрьской революции, ч. I. М., 1934, стр. 41.

жада юксалди. Марказий Фарғонада юз минг гектарлаб бўз ерларга янгидан сув берилди, бироқ дарёлардаги сув камайиб қолгани йўқ, Фарғонанинг келажаги янада порлоқдир. А. Миддендорф хатоси, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, табиат ва жамиятга «чиновникларча берилган баҳодаги хатолик»<sup>50</sup> эди.

Шундай қилиб, чор самодержавнеси, гарчи дастлабки йиллари ўлка ирригациясига етарли аҳамият беролмаган ва бу масалага иккинчи даражали иш деб нотўғри қарашларга йўл қўйган бўлса-да, аммо илғор рус интеллигенцияси вакиллари ўлка иқтисодий ҳаётида суғориш ишларининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини тушунтирдилар, улар Туркистон экономикасининг бундан кейинги тараққиётини тасаввур қилганлари ҳолда ирригациянинг келажак ривожига доир Россия ҳукумати ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисидаги илғор фикрларни ўртага ташладилар.

## 2. Фарғона водийси ирригациясининг умумий аҳволи ва рус маъмуриятининг чоралари

Чоризмнинг Туркистондаги маъмурияти олдида ўлка қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган ирригация масаласи, уни ташкил қилишда, юқорида айтилганидек, ҳали қўл урилмаган, аммо марказий ҳокимият томонидан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни биргина Фарғона области мисолида яққол кўриш мумкин.

Умуман, сиёсий осойишталик ўрнатилгандан сўнг халқларнинг тинч, кундалик иқтисодий тирикчилигини таъминлаш учун жуда кўп ишлар қилиниши, кўп тадбир-чоралар кўрилиши лозим эди. Булар орасида суғориш ишларини йўлга қўйиш деҳқончилик ривожланган Фарғона водийси шароитида фоят муҳим ўрин эгаллар эди.

Масала шундаки (ва буни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур), собиқ хонлик давридан рус маъмуриятига ирригацияга доир жуда кўп мураккаб ишлар ҳал этилмаган ва чала ҳолда мерос қолганди. Бундан ташқари, 1873—75 йиллардаги ички феодал урушлари ҳам водийнинг суғорув системаларига катта путур етказди. Айниқса, Андижондаги Абдурахмон Офтобачи қўзғолони вақтида шаҳарни ҳимоя қилиш учун, қўзғолончилар йирик канал — Улуғнорнинг бош тўғони, кўприклари, канал устидан ўтказилган новларни бузиб юборган эдилар<sup>51</sup>. Натижада бу каналга қарашли район ва этак қисмларда сув танқис бўлиб, ундан фойдаланишда тартибсизлик вужудга келди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Фарғона водийсида XIX аср бошидан янги ерларни ўзлаштириш учун бўлган ҳаракат натижаси-

<sup>50</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 13-том, 272-бет.

<sup>51</sup> М. А. Терентьев. История завоевания Средней Азии, т. II, СПб, 1906, стр. 371.

да бир неча йирик суғорув иншоотлари барпо қилиниб, Қўқон хонлигининг иқтисодий ва сиёсий мавқеининг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнаган бўлса ҳам, сўнги хонлар даврида канал чиқариб янги ерларни суғоришга шахсий бойлик орттириш учун қулай восита деб қараладиган бўлди. Масалан, Мусулмонқул каналида ҳам сув тақсмоти масалалари тула-тўқис ҳал қилинмаган эди. Мингбоши Мусулмонқулнинг сиёсий фаолияти тугатилгандан сўнг унинг авлодлари ихтиёридаги ер ва суғорув тармоқлари тортиб олинди. Лекин бу ишлар бирон қонун кучига эга бўлган расмий хон ёрлиғи ва фармонлари билан мустаҳкамланмасдан мажбурий «олди-сотти» йўли билан амалга оширилган эди. Бу ҳолат, табиий, Мусулмонқул ариғи сувидан фойдаланишда жуда кўп келишмовчиликлар, қишлоқлар ўртасида жанжалларга сабаб бўлаётган эди.

Бундан ташқари, каналнинг Қорадарёга қурилган бош қисми 50-йиллар шароитида жуда шошма-шошарлик билан, дарёнинг унга бурилиш жойида тез ювиладиган қум ва шўрхок ерга қурилган эди. Ил сайин канал боши ювилиб, унга тобора кўп сув кира бошлади. Натижада канал кенгайди ва чуқурлашди, сунъий суғориш системаси қобилятини йўқотиб борди. 1876 йили рус қўшинлари ундан махсус кўприксиз ўтолмаганди<sup>52</sup>. Каналнинг бош қисмини доимий назорат остига олиш, зарур бўлганда фавқулодда чоралар кўриш учун қурилиш материаллари эҳтиётда сақланиши лозим эди.

Аmmo, область ҳарбий губернатори ҳам афсуслик билан эътироф қилганидек, дастлабки йиллари тўғон қаттиқ назорат остига олинмади<sup>53</sup>, натижада бу районда тез-тез сув тошқинлари рўй бера бошлади. Мусулмонқул каналида биринчи бахтсизлик 1877 йили содир бўлди. Шу йили кўп сув кириб каналда тошқин рўй берди. Сув дастлаб Ҳаққулбод ариғига йўналиб, жуда катта экин майдони сув остида қолди. «Топилди» қишлоғи тамоман вайрон бўлди<sup>54</sup>.

Иккинчи сув тошқини 1879 йили ёзда бўлди. Энди Балиқчи қишлоғи ариғи ювилиб кетиб, барча экинларни сув босди. Балиқчиликлар оғир иқтисодий аҳволда қолиб, ҳарбий губернаторга солиқлардан озод қилиш ва Норин билан Қорадарё қўшиладиган мавзедаги 300 танобли шоли экиладиган давлат ердан фойдаланишни сўраб<sup>55</sup> ариза берадилар.

1882 йилда Мусулмонқул канали ўзани тобора чуқурлашиб ва кенгайиб, дарёнинг ярмидан кўп суви унга бурилади. Ундан бошланадиган Чинобод, Хўжаобод ва Мазгилсойларда катта сув тошқини бўлиб бутун Балиқчи волости қишлоқлари вайрон бўлади. Бу ҳодисани кўрган кишилар ўшанда Балиқчи ва атроф қишлоқлар сув остида қолиб деярли битта кўлга айланиб қолганини айтган<sup>56</sup>. Кейинчалик деярли барча оқим Хўжаободсойга бурилиб, Мусул-

<sup>52</sup> Уша асар, 377-бет.

<sup>53</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 578, л. 147.

<sup>54</sup> Уша ерда, л. 180.

<sup>55</sup> Уша ерда, л. 335, л. 3.

<sup>56</sup> Уша ерда, л. 182.



монқулнинг давоми ҳисобланган Мазгилсой баланда қолади. Ундан суғориладиган Бўстон, Султонмуродбек, Сулаймонбек қишлоқларига сув етмай, экинлар қурийди. Бу фалокат ҳақида Андижон уезд начальнигига берилган ахборотда айтилишича, Балиқчи волости аҳолисининг кўрган зарари ҳадсиз-ҳисобсиздир<sup>57</sup>. Деярли бутун волостнинг экин ерларини лойқа босиб деҳқончилик издан чиқади. Йирик суғориш системаларидан бўлган Мукулмонқул канални тартибга солиш ҳам рус маъмурияти учун ҳали нотаниш вазифалар ҳисобига қирар эди.

Рус маъмурияти ишга тушиши биланоқ уездлар ўртасида сув тақсимоли юзасидаги жанжаллар бошланган эди. Сув ҳужалигидаги эски тартиб ўз аҳамиятини йўқотиб, янгиси эса ҳали ўрнатилмаганди. Хонлик даврида Шаҳрихонсой ва Улуғнор энг узун ва муҳим системалар ҳисоблангани учун алоҳида ариқ оқсоқоллари тайинланиб, улар Шаҳрихонсой суви Асақадан пастдаги ҳамда Шаҳрихон атрофидаги қишлоқларгача, Улуғнор эса Шаҳрихоннинг ғарбида пайдо бўлган янги қишлоқларгача етиб бориши устидан қаттиқ назорат ўрнатар эдилар. Андижоннинг Улуғнор канали бўйлаб ўнг қирғоғида жойлашган қишлоқлари унинг сувидан фойдаланишга ҳаққи йўқ эди<sup>58</sup>. Бу қишлоқлар Шаҳрихонсой ва Андижонсойлардан таъминланиб, ариқлар Улуғнордан махсус новлар орқали ўтар эди<sup>59</sup>.

Масалан, Андижон уездининг Олтинқул волостига қарашли Ҳасан-Ҳусан ва Қорақалпоқ ерларига сув илгари «Йўлчи» ариқдан нов орқали ўтар, шол эса мутлақо экилмас эди. Кейинча Абдурахмон Офтобачи тўполони вақтида унинг қандайдир шартини бажариш учун Ҳасан-Ҳусан ва Қорақалпоқ қишлоғи аҳолиси ариқлар бошини Улуғнорга кўчирганлар ва иккала ариққа тобей ерлардан 1100 таноб ерга янгидан шол эка бошлаган<sup>60</sup>. Тожик аригининг боши ҳам, новини бузиб Улуғнорга кўчирилган ва унга қарашли ернинг 1000 танобдан ортиғи шоликорликка айлантирилган<sup>61</sup>.

Янгидан 13 та ариқ Улуғнордан сув оладиган бўлиб, 4610 таноб экин ери шоликорликка айлантирилган, хон каналидан секундига 200 куб футдан ортиқроқ суви ҳеч қандай ҳисобсиз ўзларига бўйиб олишган<sup>62</sup>. Натижада Шаҳрихоннинг пастдаги қишлоқларга сув етмай қолади ва 1877 йилдан бошлаб қишлоқлардан жуда кўп шикоятлар туша бошлайди. Сув жанжалларини ҳал қилиш ҳам маҳаллий рус маъмурияти олдидagi зарур вазифалардан бири эди.

Фарғона водийси учун, хусусан унинг шарқий районлари учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим суғорув системалари — Шаҳрихонсой, Андижонсой ва уларнинг тўғон боши Кампирравода ҳам анчагина қиллинадиган ишлар бор эди. Ушбу йирик канал-

<sup>57</sup> Уша ерда.

<sup>58</sup> Уша ерда, ф. Н-19, оп. 1, д. 320, л. 43.

<sup>59</sup> Уша ерда, л. 45.

<sup>60</sup> Уша ерда, д. 653, л. 23.

<sup>61</sup> Уша ерда, л. 25.

<sup>62</sup> Уша ерда, л. 23—26.

лар ишга тушгандан буён Кампирравот дарасининг хўжалик аҳамияти ошди. Бу ерда Қорадарё тоғ оралиғидан чиқиб, 2 км ча кенг адоқ ичида ёнилиб оқади. Шаҳрихонсой билан Андижонсойга сув олиш учун тўғон худди шу ерга қурилган эди. Минглаб сепоядан қиллинган тўғон-дамба ҳар йили янгилашиб, жойи дарё оқимининг йўналишига қараб ўзгариб турар эди. Кампирравотда энг муҳим ва қийин иш дарёдан каналларга зарур миқдордаги сувни ажратиш олиш эди. Қорадарёдан чиққан барча каналлар ичида энг кўп сувни Шаҳрихонсой оларди, хонликнинг сунгги йиллари унинг оқадиган сув миқдори секундага 2500 куб футга етган эди<sup>63</sup> (ёки 762 метр<sup>3</sup>/сек). Дарёда эса сув кўп бўлганда 30—40 миля куб фут/сек оқар эди<sup>64</sup> (ёки ўртача 9500 м<sup>3</sup>). Шаҳрихонсойнинг сув олгич қисми анча нишоб бўлиб, дарёникидан деярли фарқ қилмас эди: унинг бош қисми канал ишга тушганидан кейин шунчалик ювилиб, кенгайиб кетган эдики, озгина бепарволик бўлса, бутун Қорадарё Шаҳрихонсойга оқиб, Шарқий Фарғона районларининг деҳқончилигида фалокатли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин эди. Бунинг устига Қорадарё ўзанининг туби қум ва шағаллардан иборат бўлиб, жуда тез ва осон ювилиб турарди; дарёнинг 2 км ча кенгликдаги ўзанида донмо сув бир неча бўлақларга бўлиниб оқар, тошқин вақтида жуда кўп миқдорда турли жинслар оқизиш келтириб ўзанига ётқизарди. Натижада Қорадарё тўхтовсиз оқим тезлигини ҳам, ўзанини ҳам ўзгартириб турарди. Баъзан у Шаҳрихонсой тўғони ёнидан — чап қирғоқдан оқса, баъзи вақтда бутунлай ўнг томонга бурилиб кетиб, каналнинг тўғон боши қуруқ ерда қоларди. Оқибатда ирригация системасида донмий равишда ё сув босиб кетиш, ёки сувсиз қолиш хавфи туғиларди. Баъзан шундай ҳам бўлардики, дарё жуда тез ва тўлқинланиб оқиши натижасида, унинг бир ирмоғи, гарчи тўғоннинг олдидан оқиб ўтаётган бўлса ҳам бир неча кун ичида ўз ўзанини чуқурлаштириб, канал оғзи дарё сувининг сатҳидан юқорида қоларди. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб Кампирравотда Шаҳрихонсойга сув боғлаш, тўғон қуриш ишини жуда ҳам қийинлаштиради.

Андижондаги қўзғолон йиллари Кампирравот тўғони ҳам қаровсиз қолиб, Шаҳрихонсойга етарли миқдорда сув кирмай унинг этак районларида сув жанжалларига сабаб бўлаётган эди.

Янги рус ҳокимияти Фарғона водийсидаги энг муҳим суғорув тармоқларининг бу аҳволдан, Кампирравот тўғонининг аҳамияти ва туб моҳиятидан ҳали хабари йўқ эди. У қадимдан йирик суғориш иншоотлари ва уларнинг тўғон бошисини қуриш ҳамда тартибда сақлаш ишлари марказий ҳукуматнинг вазифаси эканлигини тушунмаган эди.

Водийнинг жанубий томондаги дарёларда, масалан, Исфайрам, Шоҳимардон, шимолда Косон, Подшо ота каби азалдан кам сувли ирригация системаларида илгаридан ўрнатилган одат қондаларига

<sup>63</sup> Уша ерда. ф. И-1, оп. 1, д. 757, л. 20.

<sup>64</sup> Уша ерда, л. 21.

қаттиқ роя қилинган ҳолда сувдан фойдаланиш тартиби деярли бузилмаган, асосий муҳим вазифа йирик иншоотлар райони бўлган шарқий томонда эди.

Суғориш иншоотларининг умумий камчиликларидан ташқари чор маъмурияти Фарғонада мавжуд системалардан унумли фойдаланишга ҳалақит берадиган хатоларга ҳам йўл қўйди. Дастлабки хато, хонлик битирилиб, янги Фарғона областини уездларга тақсимлашда юз берди. Бу ишда рус маъмурияти суғориш масалаларини ҳисобга олмади. Янги маъмурий бўлинишда Шаҳрихонсойнинг 70% сувидан фойдаланадиган<sup>65</sup> энг йирик районлар — Асака ва Шаҳрихон атроф қишлоқлари билан Марғилон уездига тобё бўлиб қолди. Каналнинг юқори ва тўғон қисми эса Уш, Андижон уездлари территориясига кирди. Бунинг устига бутун система бўйича сув тақсимловчи жавобгар шахс тайинланмади.

Улуғнорнинг ҳам суғорадиган асосий ерлари Марғилон уездига қараб канал боши ва ўртаси Андижонда қолди. Бошқа системалардан сув оладиган ва Улуғнор устидан нов орқали ўтиб унинг ўнг томонидаги қишлоқларга кетадиган ҳамма ариқлар ўзбошимчалик билан Улуғнордан сув ола бошлади. Суғориладиган этак ерларга эса сув етмай қолди.

Шаҳрихонсойдан фойдаланувчи икки катта район — Шаҳрихон ва Асака хонлик даврида атроф қишлоқлари билан битта бекликни ташкил қилар эди<sup>66</sup>. Кампирравот тўғонининг муҳофазаси ва назорати ҳам шу икки район аҳолисининг қўлида эди.

Янги маъмурий бўлиниш ҳамда рус маъмуриятининг бошқа ташкилий ишлар билан банд бўлиб, ирригация ишларига зарур эътибор бермаётгани натижасида Шаҳрихон ва Андижонсойларни сув билан таъминлашда кўп вақт хўжасизлик ҳукм сурди. Қондага кўра Шаҳрихонсойдан Андижон уездига қарашли ерларнинг жуда оз қисми суғорилар эди. Энди «эпчил кишилар» қўшни уезд сувига эгалик қилиб олдилар. Андижонга қарашли Қуйи Қорасув, Маъмиробод, Бўйдоқ, Хасанқовоқ; Уш уездининг Юқори Қорасув, Сўфи қишлоқ, Капа, Жалақудуқ, Маъзум, Хўжаобод қишлоқларида илгариги мавот ерлар ҳам суғорилиб, шолиқорлик кенгаяди. Натижада Шаҳрихон ва Асака атрофлари сувсиз қолади<sup>67</sup>.

Бу ҳақда 1880 йил августида Шаҳрихон ва Асака оқсоқоллари биргаликда ҳарбий губернатор номига қуйидаги мазмунда ариза юборадилар: «...Худоёрхон замонида Шаҳрихон катта сойи бошдан-оёқ бир ҳокимнинг қўли остида эди... Илло Урусия маҳкумига ўтгандан буён сув бошида Султонобод, Қорасув ва Маъмиробод тобёълиги билан Андижон ҳокимига қараб кетти ва яна Сўфи қишлоқ, Хўжаобод ва Жалақудуқ деган қишлоқлар тобёълиги билан Уш вилоятининг ҳокимига қараб кетти. Мазкур қишлоқлар сув боши бўлиб, ҳамма ерларига шоли экиб сойдаги тамом сувлар-

<sup>65</sup> Уша ерда, ф. И-19, оп. 1, д. 12, л. 6.

<sup>66</sup> Уша ерда, л. 1.

<sup>67</sup> Уша ерда, ф. И-25, оп. 1, д. 1, л. 29; А. Миддендорф. Қўрсатилган асар, 178-бет.

ни мазкур қишлоқларнинг фуқаролари шолитарига қўйиб, ҳаттоки бизларга баъзи мавруда ичкали ҳам сув йўқ бўладур ва баъзи вақт уч-тўрт кун бир мунча сув келадур. Мазкур қишлоқларнинг ҳокими бошқа бўлгани учун анинг фуқароларига ҳеч нима деёлмасмиз ва ул қишлоқларнинг фуқаролари ҳам ўз ихтиёрларича бизларга сувни бермаслар. Агар яна уч-тўрт йил мазкур қишлоқлар ерларига шол икби бизларга сув етказмасалар, қарийб бизларнинг ерларимиз зироатдан қолиб хонавайрон бўлиб кетамиз. Ушбу билан жанобларига арз қилурмизки, мазкур қишлоқларнинг фуқаролари ҳам қадим таъомил бўйича сувларини олса, зиёда сув ичмасалар, токи сойнинг охиридаги биз фуқаролар сувсизликда қуриб қолмасак деб арз қилдук»<sup>68</sup>.

Шундай қилиб, Фарғона водийси Россия тобелигига ўтгандан кейинги дастлабки йиллари унинг ирригацияси, сув хўжалиги анчагина аянч аҳволда эди. Ирригация — аграр масаладаги асосий вазифалардан бири бўлиб, унинг муттасил ишлаши ва такомилланиши давлат раҳбарлиги, рус маъмуриятининг диққат марказида туришини тақозо қиларди.

Юқорида эслатилганидек, ўлка ирригацияси ҳақида 1878 йили қабул қилинган вақтинча инструкцияга биноан, Фарғона областида ирригация мудирлиги лавозими ташкил қилиниб, унга ёш инженер Н. Жилин тайинланади. У анча кенг маълумотли, маҳаллий шароитни яхши билган ҳарбий мутахассис эди. У билан Фарғонада танишган А. Миддендорф унга ўз вазифасига «сидқидиллик билан» қарайдиган инженер деб баҳо беради<sup>69</sup>.

Фарғона маъмурияти томонидан ирригация ва суғориш ишларини тартибга солиш ҳақида берилган инструкцияда иккита муҳим вазифа кўрсатилган эди<sup>70</sup>. Бири уездлар ўртасида ва ҳар бир уезддаги сув тақсимотини тартибга солиш, иккинчиси, хонликнинг кейинги даврида чиқарилган Мусулмонқул ва Улуғнор каналларида А. Миддендорф маслаҳатига биноан сувдан фойдаланишни яхшилаш ҳамда уларни яна давом эттириш масаласини кўриш эди. Ҳарбий губернатор генерал Абрамов томонидан Н. Жилинга 1878 йил баҳорида Улуғнор канали ҳамда Шаҳрихон-Балиқчи, Қоратепа ва Девонаработ қишлоқлари ўртасидаги районларни текшириш топширилади<sup>71</sup>. Бу районлар Қоратепа қишлоғидан ғарбдаги жойлардан ташқари, асосан, Улуғнор, Мусулмонқул каналларидан суғориладиган ерлар, Қоратепадан ғарбга — Девонаработгача бўлган территория эса, Улуғнор каналини давом эттириш билан ўзлаштириладиган бўз ерлар эди. Жилин бу канални ҳар томонлама ўрганиши ва уни ғарбга томон давом эттириш мумкинлиги ҳақида ўз фикрини ёзиб бериши лозим эди.

<sup>68</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 560, л. 18.

<sup>69</sup> А. Миддендорф. Кўрсатилган асар, 218-бет. А. Миддендорф ўз асарининг водий ирригациясига доир қўшимча қисмининг ёзишда асосан Н. Жилин тўплаган материаллардан фойдаланган (Қаранг: Очерки... Прибавления, IV а., стр. XVI. Афсуски, архивларда унинг шахсий материаллари кам сақланган).

<sup>70</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 216, л. 54—55.

<sup>71</sup> Ушб ерда, ф. И-23, оп. 1, д. 45, л. 39.

Н. Жилин маҳаллий мутахассисларнинг ҳамкорлигида каналнинг тарихи ҳақида маълумот тўплайди, унинг техникавий камчиликларини ўрганади, сўнгра канални реконструкция қилиш тўғрисида ўз мулоҳаза ва плаиларини ҳарбий губернаторга топширади. Мазкур планга кўра, Улуғнор орқали Шаҳрихондан пастдаги қишлоқларни сув билан таъминлаш учун Андижон уездида боши «тўполон йиллари» бу каналга кўчирилган ариқларни кўмиб юбориш шарт эмас. Бунинг учун каналнинг Олтинқул, Офтобачи, Тўнқўйма қишлоқларидан ўтган қисмини лойқадан тозалаш, ремонт қилиш керак<sup>72</sup>. Сўнгра Улуғнорни мустақил сув билан таъминлаш учун кўйидаги ишлар қилиниши лозим:

1) унинг Тешиктошдаги бош тўғонини қайта қуриш;

2) Миробод қишлоғи ёнидаги иккинчи — Тўнғизтўсар тўғонини ремонт қилиш;

3) дарёда сув оз бўлган йиллари ҳам канални етарли таъминлаш учун Андижоннинг шимолидаги этаги дарёга ташланган Бобоғози ариғини Улуғнорга қўшиб юбориш<sup>73</sup>. Шунинг билан бирга шолёки экиш устидан ҳам қаттиқ назорат ўрнатиш лозим эди.

Ана шу ишлар бажарилса, каналда унинг Марғилон уездига қарашли бўлган этак районларини ҳам таъминлайдиган даражада сув бўлиши мумкин.

Пландаги бу ишлар, гарчи кўп материал ва маблағ талаб қилмаса-да, дастлабки йиллари ташкил қилиш қийинлигидан 2 йилча чўзилади. Улуғнорнинг Офтобачи чеки билан Тўнқўйма қишлоғи ўртаси тозаланади ва канал қирғоқлари дамба билан 2 аршингача кўтарилиб, сув тошиб кетиш хавфи тугатилади.

Найман қишлоғи ёнида Бобоғози ариғининг дарёга тушадиган бурилишига тўғон қурилиб, янги қавланган ўзан билан унинг суви каналга бурилади. Шунингдек, Тўнғизтўсар ва Тешиктош тўғонлари ҳам қайта қурилиб Улуғнорда бироз тартиб ўрнатилади. Бу ишларга ҳаммаси бўлиб 1100 сўм берилди<sup>74</sup>. Қолган сарф-ҳаражат ва қурилиш материаллари натурал мажбурият тарзида аҳолидан ундирилди.

Жилин область сув хўжалиги соҳасида қилинадиган ишларни конкретлаштириб, маълум план асосида уюштиришга ҳаракат қилади. У Улуғнордаги ишларни биринчи ўринга қўяди. Шаҳрихондан ғарбда — Девонаработгача бўлган ерларни, яъни хон канали чиқаришда кўзда тутилган территорияни суғориш плани устида иш олиб боради. Ҳужжатларда унга «Бош Улуғнор проблемаси» деб ном берилади. Қоратепа қишлоғининг ғарбидан ўтган ва Улуғнорнинг ташламаси қуйиладиган Езёвонсойдан Девонаработгача бўлган ерлар нивелировка қилинади.

Н. Жилин фикрича, Шаҳрихондан пастда — Девонаработгача бўлган райондаги ерларни суғориш учун лозим бўлган сувни Улуғ-

<sup>72</sup> Уша ерда, ф. И-19, оп. 1, д. 653, л. 59.

<sup>73</sup> Уша ерда, ф. И-23, оп. 1, д. 130, д. 15.

<sup>74</sup> Уша ерда, д. 1467, л. 67.

норга Шаҳрихонсойдан бериш мақсадга мувофиқдир. Тешиктош ва Тўнғизтўсар тўғонларидан олинадиган сув эса, каналнинг Шаҳрихонгача бўлган қисмида сарфланади. У ҳолда Қампирравотдан Шаҳрихонсойга қўшимча равишда секундига 700 куб фут сув бериш лозим бўлади. Кулла билан Асака атрофлари ва унинг пастида Шаҳрихонсой ўзанини чуқурлатиш ва қирғоқларини кўтариш керак<sup>75</sup>.

Бироқ рус маъмурияти ички хўжалик ишларига дастлаб деярли маблағ ажратмаётгани сабабли Туркистон генерал-губернатори Жилиннинг ушбу проектини маъқулламайди. Буянинг ўрнига Улуғнорни натурал мажбурият ҳисобига ремонт қилиш йўли билан фақат аввал суғорилган собиқ ерларнигина суғориб туриш учун «вақтинча чоралар»<sup>76</sup> плани талаб қилади. «Бош Улуғнор проблемаси» эса ҳал қилинмай, план ҳолида қолиб кетади.

Шунингдек, деярли ишдан чиққан Мусулмонқул системасини тартибга солиш учун ҳам жуда шошилиш чоралар кўриш лозим эди. Юқорида айтганимиздек, бу каналга 1880 йилдан бошлаб Қорадарё бурилиб кетаётган, 420 км<sup>2</sup>дан ортиқ территориядаги ернинг<sup>77</sup> сув билан таъминлаш хавф остида қолган эди. «Областдаги энг йирик каналларнинг бош тўғонлари вақтида назорат остига олинмагани натижасида Мусулмонқул системасининг вайрон бўлиши жуда кўнгилсиз воқеадир»,— деб ёзади ҳарбий губернатор<sup>78</sup>. Балиқчи волостининг меҳнаткашлари ниҳоятда оғир аҳволда қолгани сабабли, бир-икки йил ер солиғидан озод қилиш ҳақида губернаторга ариза берган эдилар (Мусулмонқул системасига қарашли ерлардан олинадиган йиллик солиқ миқдори 35000 сўмни ташкил қилар эди<sup>79</sup>). «Уларнинг илтимослари асосли,— деб ёзади Абрамов шу муносабат билан,— тирикчилик қилиш ҳамда ирригация системаси тўғри ишлаётган вақтда тайинланган солиқ суммасини тўлаш аҳолига оғирлик қилади»<sup>80</sup>. Шунинг билан бирга, генерал-губернаторга бу ерда фавқулодда чоралар кўриш зарурлигини тушунтириб ёзадики: «Халқ бу ишга ўз натура кучини сарфлайди, биз эса унга оқилона раҳбарлигимиз ва қисман маблағимиз билан ёрдамлашмоғимиз лозим»<sup>81</sup>. Ҳарбий губернаторнинг ушбу хатидаги «қисман маблағимиз» сўзи ҳам ҳукумат бюджетида ирригация ҳаражатлари ҳисобга олинмаётганини кўрсатарди. Рус чиновниклари, албатта, меҳнаткаш халқ турмушини ва иқтисодий аҳволини яхшилаш учун эмас, балки уларни эксплуатация қилиш эвазига давлат хазинасини солиқ даромади билан доимий равишда таъминлаш учун ҳаракат қилади. Аммо, шу билан бирга, улар давр талаби ва илғор фикрлар билан ҳисоблашиш, маҳаллий шаронт

<sup>75</sup> А. Миндендорф. Кўрсатилган асар, XXIII бет.

<sup>76</sup> Уша жойда, XXIV бет.

<sup>77</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 578, л. 178.

<sup>78</sup> Уша ерда, л. 147.

<sup>79</sup> Уша ерда, ф. И-1008, оп. 1, д. 95, л. 6.

<sup>80</sup> Уша ерда, ф. И-1, оп. 14, д. 578, л. 150.

<sup>81</sup> Уша ерда, л. 148—149.

эҳтиёжларига эътибор қилиб, суғориш ва ирригация масалалари билан яқинроқ танишишга, қисман бўлса ҳам, маблағ ажратишга мажбур эдилар.

Шу жиҳатдан ҳам рус буржуазиясининг Туркистондаги фаолияти Англия буржуазиясининг Ҳиндистон фаолиятидан фарқ қилар эди. К. Маркс ёзганидек, британиялилар ирригация ишларининг ҳукумат томонидан марказлаштирилишига мутлақо эътибор бермадилар. «Улар Ҳиндистонда ўзларидан бурун ўтган ҳукуматлардан қолмиш молия маҳкамаси билан ҳарбий маҳкама ишларини давом эттирдилар-у, аммо жамоа ишлари маҳкамасига ҳеч бир эътибор бермадилар. Деҳқончиликнинг таназзулга юз тутганлигининг сабаби ана шу»<sup>82</sup>. Рус маъмурияти Туркистонда деҳқончиликни барча чоралар билан ривожлантиришга ҳаракат қилди.

Бироқ маъмуриятнинг юқори идоралари билан қўйи идоралари ўртасидаги келишмовчиликлар, қарама-қаршиликлар сув хўжалиги ишларини ривожланишига тўсқинлик қилди, қолаверса, мутахассис, тажриба ва малаканинг йўқлиги ҳам ҳар қадамда билиниб турди.

1882 йилнинг қишидаёқ Мусулмонқул системаси районини топографик планга олиш ва нивелировка ишлари бошланади. Бу ишга Андижон уезд начальнигининг ёрдамчиси Ванградский бошлиқ қилиб тайинланади. Биринчи навбатда қилинадиган иш сув чиқмай қолган Ҳаққулободсойдан суғориладиган Сиза, Доғистон, Халфа, Топилди, Ҳаққулобод, Аълам қишлоқларини сув билан таъминлашдан иборат эди. Шу ниятда Қорадарёнинг сув чиқмай қолган ўзани — «қолган дарё»да (халқ шундай деб атарди) оқаётган ташлама сувдан фойдаланишга қарор қилинди. Дарёнинг ўнг бетидан юқорироқда жойлашган Майгир ва Норин волости қишлоқларининг партов сувлари Сиза қишлоғининг рўпарасида дарёга ташланарди. Қорадарё чапга, Мусулмонқулга бурилиб кетганидан сўнг, «қолган дарё»да фақат ана у ташлама сув оқаётган эди. 1884 йил кузида Сиза қишлоғи олдида «қолган дарё»дан фарбга — Ҳаққулободсойга тўғрилиб ариқ қазилди. Дарё ўзани бўйлаб 167 саржин узунликда тўғон қурилиб ўша бекор оқаётган ташлама сув янги ариқ орқали Ҳаққулободсойга ўтказилди. Шу тарзда бу системадан суғориладиган 6 та қишлоқ ва қўшни Еттиқашқа ерининг бир қисми сув билан таъминланди.

Эндиги навбатда дарё остида қолган Хўжаободсойни бундан буёнги ҳалокатдан қутқариб қолиш масаласи турарди. «Сой» номи билан аталган бу канал Мусулмонқулдан ўнг томонга оқиб, Еттиқашқанинг бир қисми, Хўжаобод, Доғистоннинг бир қисми, Сирмак, Насриддинобод қишлоқларига сув берар эди. Унинг илгариги ҳолатида эни 6—7 аршин, чуқурлиги 2—3 аршин эди, холос.

Кейинги йилларда Мусулмонқул каналига тобора кўп сув кирган сари Хўжаободсой ҳам кенгайиб, чуқурлашиб кетди. 1882 йил-

<sup>82</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган асарлар, 1 том, Тошкент, 1958, 344-бет.

ги сув тошқини натижасида Мусулмонқул каналидан оқа бошлаган Қорадарё Хўжаободсойга бурилиб, ушбу сой орқали эски изнига тушадиган бўлиб қолди. Унинг бош қисми 80 аршингача — расман дарёчалик кенгайиб ва чуқурлашиб кетди<sup>83</sup>. Натижада бутун дарё суви Хўжаободсойга оқиб, Чинобод ва Мазгилсойларга сув чиқмай қолаётган эди. Область раҳбарлари нонлож маҳаллий сув мутахассислари билан маслаҳатлашдилар. Оқсоқоллар таклифига биноан тўғон учун жуда кўп материал — ёғоч, шох, тош тайёрланди. Хўжаободсой бошида сув қайтаргич тўғон қурилади ва канал эни ярмига қисқартирилади. Бу иш ниҳоятда тезкорлик билан — 1885 йил 10—17 апрель ўртасида бажарилиб, кунига 700 гача одам ишга жалб қилинади<sup>84</sup>. Натижада Мазгил ва Чинободсойларга ҳам сув бемалол оқадиган даражага келтирилади (2-расм).

Шундай қилиб, Мусулмонқул каналининг ҳалокати натижасида издан чиққан ирригация системаси кўп қийинчиликлар билан вақтинча тикланган эди. Ванградский Туркистон генерал-губернаторига берган рапортида ёзганидек, «бу ишлар барибир Балиқчи волости ирригациясини қатъий ва тугал ҳолда ҳал қилиб бера олмайди»<sup>85</sup>. Генерал-губернатор Вревский, ўз навбатида, подшога ёзган ҳисоботида, гарчи рус маъмуриятининг ўлка ирригация соҳасидаги фаолиятини бўрттириб кўрсатса ҳам, Мусулмонқул системасида қилинган ишларга ишонч камлиги учун бу ерда «суғоришни қайта тиклаш борасида бор имкониятга қараб иш қилинди»<sup>86</sup>, — деб ёзишга мажбур бўлган эди. Чор маъмурияти ирригация соҳасида ҳали илмий-инженер усулида жиддий чоралар кўриш, ирригация иншоотларини тартибга солиш, ремонт ишларини уюштиришда энг оддий қўлланмага, бирон планга ҳам эга бўлмай, тамоман ерли аҳолининг маслаҳати билан иш кўришга мажбур эди.

1880 йили область бошқармасида сув тақсимоли масаласини кўриб чиқиш учун тузилган махсус комиссия қуйидаги вазифаларни бажариши лозим эди:

- 1) Улуғвор ва Шаҳрихонсой этакларида сув етишмаслигининг сабабини аниқлаш;
- 2) сув етишмаслигига барҳам бериш учун кўриладиган тadbир-чораларни белгилаш;
- 3) Бунинг учун қилинадиган ишларнинг ҳажми ва нархини аниқлаш;
- 4) Улуғвор ва Шаҳрихонсой сувидан Андижон ва Марғилон уезди ерларининг фойдаланиш тартибини белгилаш;
- 5) бош каналларни тозалаш ва ремонт ишларида уч уезд (Уш, Андижон, Марғилон) аҳолисининг сарфлайдиган ҳаражат нормаларини белгилаш;

<sup>83</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 578, л. 182.

<sup>84</sup> Уша ерда, л. 189.

<sup>85</sup> Уша ерда, л. 190.

<sup>86</sup> Всеподданнейший отчет по Туркестанскому генерал-губернаторству, стр. 30.





6) ҳар уезднинг ўз нормасидаги сувини олишни таъминлайдиган назорат тартиби яшлаб чиқиш<sup>87</sup>. Бундан ташқари, ҳарбий губернатор Улуғнор ва Шаҳрихонсойларнинг юқорисида шоликорликни кескин қисқарттириш ва шахсан губернатордан рухсат бўлмагунча янги ариқ чиқармаслик ҳақида ҳам буйруқ берди<sup>88</sup>. Шунинг билан бирга ирригация мудирини Жилинга келаси йил баҳоридан Шаҳрихонсой ва Андижонсойларнинг бош қисми билан танишиш ва уни яхшилаш ҳақида ўз фикрини билдиришни топширди<sup>89</sup>.

Уч йиллик хўжасизлик натижасида Кампирравот бош сув узели ҳам анча шикастланган, шунинг учун Шаҳрихонсой ва Андижонсойга белгиланган миқдордаги сув муттасил равишда чиқмаётган эди. Юқори қишлоқларда сувдан фойдаланишда яна ўзбошимчиликлар юз бераётган эди<sup>90</sup>. Сув таъқислиги ҳақида Шаҳрихон, Асакадан тушган кўплаб шикоятлар сабабли Андижон ва Марғилон уезди начальниклари ва улар билан ҳарбий губернатор ўртасида Шаҳрихонсой сувининг тақсимоли юзасидан ёзишмалар бошланади<sup>91</sup>. Уш билан Андижонда Шаҳрихонсойдан рухсатсиз фойдаланувчи ҳўжаликлар сони 1450 тага етади, улар канал сувининг  $\frac{2}{5}$  қисмига эгаллик қилиб оладилар. Марғилон уездига қарашли ҳўжаликларга эса, сувнинг  $\frac{3}{5}$  қисми қолар эди. Шунинг учун Шаҳрихонсой сувини ҳўжаликлар сонига қараб, Уш ва Андижонга унинг  $\frac{1}{5}$  қисми, Асака ва Шаҳрихонга эса  $\frac{4}{5}$  қисми берилишини талаб қиладилар<sup>92</sup>. Область бошқармаси қошида тузилган комиссия маҳаллий мироблар билан маслаҳатлашиб, Шаҳрихонсой сувини уч уезд ўртасида қуйидагича тақсимлашга қарор қилади:

1. Андижон ва Уш уездига Шаҳрихонсой сувининг  $\frac{1}{3}$  қисми.
2. Марғилон уездига  $\frac{2}{3}$  қисми берилади<sup>93</sup>.

Тўғон учун бўладиган сарф-ҳаражатлар ҳам шунга биноан тақсимланади. Сув тақсимолига назоратчи қилиб тайинланган Жилин ҳарбий губернатор махсус ажратган 20 отлиқ йиғит билан юриб, Асака ва Кампирравот ўртасидаги Андижон ва Уш уезди қишлоқларининг Шаҳрихонсойдан бош оладиган ариқларини беркитдиради, бор сувни қуйи районларга ўтказдирди. 14 та отлиқ йиғит ёз бўйи Шаҳрихонсойнинг мана шу қисмини қўриқлашга қолдирилди.

Аммо шунча тадбирлардан кейин ҳам Асакагача ҳаммаси бўлиб 408 фут/секунд (ёки 81 тегирмондан мўлроқ) сув боради, холос<sup>94</sup>. Бу — заруратдан деярли икки ярим баробар оз эди. Шу сабабли, тегишли чора кўрилгунча 1880 йил 8 июндан бошлаб навбат тартиби ўрнатилади:

<sup>87</sup> ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 320, л. 43.

<sup>88</sup> Уша ерда, ф. И-25, оп. 1, д. 1, л. 177.

<sup>89</sup> Уша ерда, ф. И-23, оп. 1, д. 45, л. 47.

<sup>90</sup> Уша ерда, ф. И-19, оп. 1, д. 560, л. 11, и др.

<sup>91</sup> Уша ерда, д. 320, л. 30—31.

<sup>92</sup> Уша ерда, ф. И-25, оп. 1, д. 1, л. 29.

<sup>93</sup> Уша ерда, ф. И-10, оп. 1, д. 320, л. 19.

<sup>94</sup> Уша ерда, д. 560, л. 12.

1. Қу й и н а в б а т.— Кулладан Шаҳрихонгача бўлган ариқлар 8 кун сув олади. Бу ўз навбатида яна 2 га бўлиниб, аввал 4 кун Шаҳрихон, сўнг 4 кун Асака сув оладиган бўлди<sup>95</sup>.

2. Ю қ о р и н а в б а т — Кулладан Қорасувгача бўлган ариқлар 7 кун Шаҳрихонсой сувининг ярмидан фойдаланади.

Кампирравот тўғонида дастлаб кўзга кўринарли иш 1885—86 йиллари — Мусулмонқул системасида тартиб ўрнатилгандан сўнггина қилинади.

Қорадарёга кўп сув кирган 1884 йили Андижон ва Шаҳрихонсойларда ҳам сув тошқини юз берди. 35 верстгача бўлган экин ерлар ва қишлоқлар зарарланди. Шаҳрихонсой суви Бўйдоқ қишлоқдан ўнгга — «Қолган сой» ўзанига бурилиб Андижонсойга қўшилди.

Область маъмуриятининг шу вақтгача кўрган чоралари иккала сойни зарур миқдордаги сув билан таъминлашга қаратилган эди. Энди эса иккала канални Қорадарёдаги сув тошқинидан сақлашга қаратилиб, иш анча мураккаблашди.

Ҳарбий губернатор буйруғи билан 1885 йил эрта баҳорда Кампирравотда қурилиш материаллари тайёрлашга киришилди. Область ирригациясининг янги мудир капитан Сикклер тамоман Кампирравот ишига боғланди<sup>96</sup>. Бутун Шаҳрихон ва Асака қишлоқлари ўртасида оладиган сув миқдорига қараб Кампирравот тўғони учун қурилиш материаллари тақсимланади. Ирригация мудирининг ёрдамчиси Кампирравотнинг ўзида мардикорлар ёллаб 5000 пудга яқин харсанг тош тўплайди<sup>97</sup>. Бунга сарфланган чиқим маҳаллий солиқ ҳисобидан тўланади. Ҳар волостдан ажратилган махсус кишилар март ойининг бошлариданоқ Кампирравотга яқин Қорасув, Султонобод, Маъмиробод ва ундан юқоридаги қишлоқларда шох, похол сотиб олиб тўғон бошига тўплайдилар. сепоя ёғочларни эса ўзлари олиб келади. 1885 йил март-апрель ойлари давомида Кампирравотда қизғин қурилиш ишлари олиб борилади (3-расм).

Қорадарёнинг чап қирғоғида — Шаҳрихонсой бошланган жойда канал ўзини дарёдан ажратиш учун 201 саржин узунликда янги дамба қурилади. Дамба икки-уч, баъзан тўрт қатор қўйилиб атрофи ҳам тошлар билан мустаҳкамланган сепоялардан иборат эди. Дамбада Шаҳрихонсойга сув ўтказиш учун эни 7 саржинли иккита асосий ва 9 саржинли битта вақтинча (сув озайганда очиш учун) туйнук қўйилади. Туйнуқларнинг ўртаси ва атрофлари тош билан тўлғазилган ва сув остидаги қозикларга боғланган бир неча қатор жуда вазмин «ўликлар» билан мустаҳкамланади. Бундан ташқари дарё ўртасида — Шаҳрихонсой оғзидаги туйнуқлар рўпарасида сув тошқини вақтида асосий оқимни ўнг томонга буриб

<sup>95</sup> Уша ерда, д. 633, л. 19.

<sup>96</sup> Жилин «Бош Улуғнор проблемаси» ва Кампирравотдаги ишлар масаласида ҳарбий губернатор билан келишолмай, 1882 йил сентябрь ойида ўз вазифасидан бўшатилади (Қаранг: ЦГА УзССР, ф. И-19, оп. 1, д. 633, л. 57).

<sup>97</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 578, л. 6.

юбориш учун 90 саржин узунликда сув қайтаргич (отводной) тўғон қурилади. Шаҳрихонсойнинг қирғоқлари 35 саржин узунликда сепоялар билан мустаҳкамланади. Сойнинг ўнг қирғоғидан, сув кўпайган вақтга мўлжаллаб, ташлама канал ҳам қавланади. Шаҳрихонсойнинг бош томонида 200 метрдан ортиқ қисми чуқурлаштирилиб тозаланади.

Кўриниб турибдики, бу қилинган ишларнинг барчаси бир томонлама мақсадга—Шаҳрихонсой ва Андижонсойларни Қорадарё суви тошқинидан муҳофаза қилишга қаратилган эди<sup>98</sup>. Шунинг учун ишни қабул қилиб олган комиссия ҳам ўз актида кўрсатганидек, «гарчи бу ишлар сифатли материаллар билан мустаҳкам қилиб бажарилган бўлса ҳам, лекин дарё суви горизонти доимо ўзгариб туриши ва сувнинг тўғон олдидаги максимал паст-баландлик даражаси номаълум бўлгани сабабли... бу иншоотни тўла тугалланган деб ҳисоблаб бўлмайди» ва уни бундан буён яна такомиллаштириб бориш ҳамда туйнукларни дарёдаги сув миқдорига қараб очиб-ёпиб туриш каби шошилиш вазифаларни амалга ошириш учун «доимий назорат талаб қилади»<sup>99</sup>.

Лекин 1885 йил баҳорида Қорадарёга хутилганидек кўп сув кирмай, шунча маблағ ва машаққат билан қурилган дамба деярли қуруқликда қолиб кетди, аксинча, дарё оқимини чап қирғоққа буриш учун яна бирмунча қўшимча ишлар қилинди. Аммо 1886 йили дарёга шундай кўп сув кирдики, қилинган ишларга қўшимча равишда «алоҳида чоралар кўрмай туриб, уни тартибга солиш мумкин бўлмай» қолди<sup>100</sup>. Кампирравот иши билан ҳарбий губернатор Ивановнинг шахсан ўзи шуғулланади. Шаҳрихон, Асака, Андижондаги таниқли сув мутахассисларини тўплаб, 1886 йил 20 апрелда бу ерга келади. Ҳарбий губернатор бошчилигида асосий каналларни Қорадарё сувидан муҳофаза қилиш учун бир қанча қўшимча ишлар бажарилади. Жумладан 211 саржин узунликдаги асосий дамба яна 130 саржинга узайтирилади. Андижон шаҳри учун ажратилган бутун маблағ Кампирравотга сарфланади<sup>101</sup>. Бундан ташқари, натура мажбурияти тарзида Марғилон ва Андижон уездларидан ҳаммаси бўлиб 2000 сўмга яқин қўшимча пул тўланади<sup>102</sup>.

Апрелнинг иккинчи ва май ойининг биринчи ярмида Кампирравотда 600 га яқин одам тинмай ишлайди. Лекин кўрилган барча тадбир чораларга қарамай, Шаҳрихонсойга 400 тегирмон сув кириб қурилган дамбалардан деярли ярмини сув ювиб кетган эди.

Ҳарбий губернатор Кампирравотни кўриб қайтгандан сўнг Туркистон генерал-губернаторига хат ёзиб, унинг диққатини Кампирравот масаласига жалб қилади. Шаҳрихонсой системасини қўриқлаш муҳим ва катта маблағ талаб қилишини таъкидлаб,


<sup>98</sup> Ўша ерда, л. 171—173 и 190.

<sup>99</sup> Ўша ерда, л. 174.

<sup>100</sup> Ўша ерда, ф. И-19, оп. 1, д. 1962, л. 49.

<sup>101</sup> Ўша ерда, л. 1.

<sup>102</sup> Ўша ерда, л. 25.



3-расм. Шахрихотсойнинг Кампиравотдаги сув олғич схемаси (1886 йилдаги кўриниши). 1) сепотдан қилинган сув қўйғарғичи тўронталар; 2) сув киритувчи тўдлик; 3) кўрик; 4) шалал жойлар; 5) тўғон орқалини кўтарилган қисми; 6) қумлоқ жойлар; 7) қир.

қатъий чоралар планини тузиш учун генерал-губернатор ҳузуридаги қурилиш ишлари чиновниги инженер Н. Петровни юборишни сўрайди<sup>103</sup>. Чунки генерал-губернатор рухсати билан ирригация ҳаражатларига фақат қурилиш ишлари чиновниги тавсиясига биноан маблағ берилар эди. Кампирравотда аҳвол эса «шунчалик жиддийки ва шунчалик кўп маблағ сарфлашни талаб қиладики»<sup>104</sup>, фақатгина маҳаллий сарф ва натура мажбурияти билан иш битмас эди. Бироқ ҳарбий губернаторнинг илтимоси қондирилмайди. Марказдан ёрдам бўлмагач, Иванов Кампирравотда бундан буён «сувга қарши курашиш» тадбирларини ишлаб чиқиш учун 1886 йил 1 майда уч кишидан иборат комиссия тайинлайди. Комиссия фикрич, Кампирравотда тўғон ва дамба қуриш ишлари учун қўшимча 20 минг сўм сарфлаш талаб қилинар эди<sup>105</sup>.

Ҳарбий губернатор тайинлаган комиссия ўз актида Шаҳрихонсой ва унинг Кампирравот бош тўғони Фарғона водийси шарқий районларини суғоришда фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатиб, вақтинчалик характеридаги чоралар ўрнига бир йўла кўпроқ маблағ сарфлаб Қорадарёни қатъий равишда жиловлаб олиш лозимлиги ҳақида таклиф киритади<sup>106</sup>. Бу жуда тўғри ва прогрессив фикр эди. Хонлик вақтида қилинмаган, лекин водий ирригация хўжалигида ниҳоятда муҳим бўлган вазифа — Кампирравотда капитал иншоот қуриш ва дарёни бутунлай жиловлаб олиш вазифасига рус инженерлари биринчи марта диққатни жалб қиладилар.

Ҳарбий губернатор Иванов комиссиянинг ушбу мулоҳазалари ҳақида Туркистон генерал-губернаторига иккинчи марта хат ёзиб, Кампирравотдаги аҳвол билан танишиш ва бу ерда бўлажак иншоот ҳақида маслаҳатлашиш учун марказдан тажрибали инженер юбориш ва зарур давлат маблағи ажратишни яна бир бор илтимос қилади<sup>107</sup>. Ниҳоят, 15 майда инженер Н. Петров Фарғонага келиб, унинг иштирокида Кампирравот масаласини кўриб чиқиш учун қайтадан 5 кишидан иборат комиссия тузилади<sup>108</sup>. Н. Петров бир неча кун Кампирравотда бўлиб Қорадарё оқимини тартибга солиш ва иккала сойни муттасил зарур миқдордаги сув билан таъминлаш масаласи область учун энг муҳим ва зарур масала эканлигига ишонч ҳосил қилади. Комиссиянинг Туркистон генерал-губернаторига юбориш учун бу ҳақда тузилган актида Кампирравотда ҳақиқатан ҳам капитал қурилиш зарур эканлиги кўрсатилади<sup>109</sup>. Қорадарёнинг чап қирғоғида бир неча қатор сепоялар билан мустақамлаб сувий қирғоқлар қилиш, Шаҳрихонсой ва Андижон-

<sup>103</sup> Уша ерда, л. 71.

<sup>104</sup> Уша ерда, л. 70.

<sup>106</sup> Уша ерда, л. 70.

<sup>106</sup> Уша ерда, л. 84 и 102.

<sup>107</sup> Уша ерда.

<sup>108</sup> Уша ерда, л. 125.

<sup>109</sup> Уша ерда, л. 125.

сойларнинг бош қисмларини дарёдан бутунлай ажратиб олиш таклиф қилинади.

Ҳарбий губернатор инженер Синклерга лойиҳа тузишга «тезда киришиш ва мумкин қадар жуда қисқа вақт ичида тугаллашни» топиради<sup>110</sup>.

1886 йил бутун ёз бўйи ҳаракат қилиб Кампирравотда Қорадарё оқимини тенг иккига бўлиб юборишга муваффақ бўладилар. Дарё сувининг ярми ўнг соҳил бўйлаб оқади, зеро, чап қирғоқни ювиб кетиш ва Шаҳрихонсойни сув босиш хавфи тугатилади.

Инженер Синклер 1886 йили кузгача Кампирравотда нивелировка ва съёмка ишларини тугатиб, капитал қурилиш ишлари учун лойиҳа тайёрлайди. Тузилган лойиҳага биноан: биринчидан, Қорадарёнинг эски Хонобод ўзани билан оқаётган ўнг тармоғининг чап қирғоқларини дамба қуриб мустаҳкамлаш, дарёнинг икки тармоғи сув кўп келганда қайта қўшилиб кетмаслигининг олдини олиш; иккинчидан, Қорадарёнинг чап соҳили бўйлаб Шаҳрихонсой ўзанининг бош қисмини дарёдан ажратиб олиш ва канални сув ювиб кетмаслиги учун 200 саржин узунликдаги мавжуд дамбани янада узайтириб, унинг асосий сув тўлқинларига тўғри турган қисмларини 3—4 қатор сепоя қўйиб қалинлаштириш; учинчидан, Шаҳрихонсойнинг бош қисмини сув ювиб кетишига қарши мустаҳкамлаб, унга маълум размер бериш керак; тўртинчидан, Қорадарё чап тармоғидан Шаҳрихонсой ажралган жойига ҳамда Шаҳрихонсойнинг бош қисмига бутун эни бўйлаб йирик тошлардан махсус остоналар (порог) қуриш лозим.

Бу лойиҳа 100 минг сўмдан кўпроқ маблағ талаб қилар, бутун иш 2 йилга мўлжалланиб, 1889 йил баҳорда битказилиши лозим эди. 1887 йил бошида Синклер лойиҳасини генерал-губернатор ҳам тасдиқлайди<sup>111</sup>. Сўнгра лойиҳа генерал-губернаторлик қошидаги қурилиш комитетида ҳам бир неча марта муҳокама қилинади<sup>112</sup>. Кампирравот узели маҳаллий характерини йўқотиб, ўлка маъмурияти ҳал қиладиган масалага айланиб қолади.

Бироқ рус маъмурияти ишидаги ортиқча бюрократизм, қолаверса, маблағ масаласи лойиҳадаги ишларни тўла амалга оширишга имкон бермайди. 1888 йил баҳорда Қорадарёда яна сув тошади, иншоот қурилиши кўзда тутилган жойда 2 саржин қалинликда дарёнинг чўкинди ётқизиклари пайдо бўлади<sup>113</sup>. Шу йили октябрь ойдан бошлаб область бўйича 400 одам дарё ётқизикларини тозалаш учун сафарбар қилинади. Иш шароити ниҳоятда оғир, одамлар сув кечиб ишлайдилар. Устига устак қаттиқ қор бўрони ва совуқ бошланиб, иш яна оғирлашади. Кўпчилик ишни ташлаб кетиб қолади<sup>114</sup>. Область маъмурияти бу ишни тамомлаш учун қайтадан одам тўплай олмайди. Мавжуд вазиятни текшириш учун

<sup>110</sup> Уша ерда, л. 123.

<sup>111</sup> Уша ерда, ф. И-1, оп. 14, д. 685, л. 37.

<sup>112</sup> Уша ерда, л. 368.

<sup>113</sup> Уша ерда, л. 228.

<sup>114</sup> Уша ерда, л. 189—190.

қайта тузилган комиссия ўз қарорида, шунингдек, ўлка қурилиш ишлари чиновниги Н. Петров рапортида ҳам бу қутилмаган ишларга сметадан ташқари, қўшимча маблағ ажратиш ҳақидаги ҳарбий губернатор илтимосини асоссиз деб топадилар<sup>115</sup>. Лойиҳадаги бош тўғон дарё чўкмалари устига қурилади. Область ҳарбий губернатори генерал-губернаторга: «земский солиқдан ирригация ишларига шунчалик оз маблағ ажратилмадики, бунга Шаҳрихонсой каби йирик каналларни сув билан таъминлаш учун капитал ишоот қурилишини ҳаёлга келтириб бўлмас эди»<sup>116</sup> деб ёзганди.

Ҳарбий губернаторнинг бу гаплари маҳаллий рус маъмурияти турмуш тақозосидан келиб чиқса-да, Туркистон генерал-губернатори ва унинг канцелярияси ўлка ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини, муҳим ирригация ишоотларининг муттасил ишлаши учун юқори давлат ҳокимиятининг ғамхўрлиги, марказнинг маблағи албатта зарур эканлигига эътибор бермасдилар ва бунга ортиқча бепарволик билан қарардилар. Қилинган ишни қабул қилиб олиш комиссияси 1889 йил 25 июлдаги актида Кампирравотда қурилган бош тўғон яна икки-уч йил мобайнида назоратда сақланмоғи ва ҳар йили беш-ўн минг сўм сарф қилиб такомиллаштирилмоғи лозим деб кўрсатган эди<sup>117</sup>. Дарҳақиқат, кейинги йиллари ҳам Кампирравот проблемаси кун тартибидан тушмади.

Фарғона областининг бошқа районларидаги вазифалар эса капитал қурилиш талаб қиладиган, йирик маблағ лозим бўлган мушқул вазифалар эмас эди. Чунончи, Исфайрамсой, Шоҳимардонсой, Сўх каби суғориш системалари азалдан бир хилда кам сувли бўлгани сабабли дарёлардаги мавжуд сувдан тежаб-тергабрационал фойдаланиш, традицион навбат системаси устидан назорат қилиб туриш, сув устидан чиқадиган жанжалларни ўз вақтида ҳал қилиш лозим эди, холос. Бу ишлар тўғрисида маҳаллий мироббошилар, мироблар ва волост ҳокимлари қўлига топширилганди, улар азалдан мавжуд бўлган одат қондасига асосан ҳар қандай чигалликни ўз жойида ҳал қиლაётган эдилар.

Водийнинг шимолий районларида тоғ дарёларида ҳар йили баҳорда бўладиган сув тошқинига қарши курашиш ва Янгиариқ системасини муттасил сув билан таъминлаш, Норин дарёси билан Янгиариқ канали ўртасидаги ерларни дарё ювиб кетишидан сақлаш проблемаси ҳал қилиниши лозим эди. 1882 йилдан буён Норин тамоман ўнгга бурилиб дарё билан Янгиариқ ўртасидаги ер майдонининг ярми ювилиб кетган<sup>118</sup>, тезлик билан Норин қирғоқлари қозиклар билан мустаҳкамланиб, дарёнинг вайрон қилувчилик ҳаракати тўхталиши, дарёни ўнг соҳилдан бутунлай узоқлаштириш учун дарё ичида ҳаммаси бўлиб 50 верстлн сунғий ўзанлар қавланиб, оқим йўналишини тўғрилаш лозим эди. Ҳарбий губернатор

<sup>115</sup> Уша ерда, л. 225, н. 228.

<sup>116</sup> Уша ерда, ф. И-1, оп. 14, д. 685, л. 363.

<sup>117</sup> Уша ерда, л. 369.

<sup>118</sup> Уша ерда, ф. И-1, оп. 14, д. 757, л. 76.



ҳисобица, бу ишлар 120 минг сўм маблағ талаб қилиб, 10 йил ичида бажарилиши мумкин эди.

Шундай қилиб, Фарғона водийсининг ирригация суғориш масалаларида рус маъмуриятининг дастлабки 15 йиллик фаолияти 3 та муҳим вазифага қаратилган эди: биринчидан, собиқ хон канали — Улуғнор системасини такомиллаштириш; иккинчидан, аварияга учраган Мусулмонқул каналини тиклаш; учинчидан, Кампирравотда — водийда энг йирик система бўлган Шаҳрихонсой ва Андижонсойни муттасил сув билан таъмиклаш йўлларини қидириб топиш.

Бироқ ўлка билан ҳозирча чуқур таниш бўлмаслик, маблағ етишмаслиги, маҳаллий ирригация ҳақида етарли илмий тасаввурнинг йўқлиги, ниҳоят инженер-техник кадрларнинг жуда озлиги ва бошқа қатор сабаблар водийда ирригация проблемаларини ҳал қилишга салбий таъсир кўрсатди. Шунинг учун бу соҳада аниқ истиқболга қаратилган, планли иш қилинмади.

Аммо ижобий нарсa шу бўлдики, дастлабки 15 йил ичида рус маъмурияти маҳаллий ирригация шароитларини, сув ресурсларини ўрганишда анча тажриба орттирди.

Шунинг учун ҳам Фарғона ҳарбий губернатори Мусулмонқул каналида, Кампирравот ва Улуғнордаги қилинган ишлар ҳақида генерал-губернаторга ёзган хатида ҳам, ушбу йиллар «ирригация ишини тўғри йўлга қўйиш учун тажриба йили бўлди»<sup>119</sup> деб айтган эди.

Бундан буёнги ёзишмаларда, рапорт ва ҳисоботларда Фарғона водийсида ирригациянинг келажагига доир мулоҳазалар, суғориш мумкин бўлган ерлар, айрим дарёларнинг сув режимлари ҳақида турли фикрлар юритилганлигини кўрамиз. Энди маҳаллий ирригациянинг умумий камчиликларига назар ташланаяган бўлади.

---

<sup>119</sup> Уша ерда, д. 578, л. 169.

ХІХ АСР ОХИРИ ВА ХХ АСР БОШЛАРИДА  
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРҚИЙ РАЙОНЛАРИНИ  
СУҒОРИШ МАСАЛАСИ

1. Ўлкани илмий жиҳатдан ўрганишга ўтиш  
ва ирригацияга бўлган муносабатнинг ўзгариши

ХІХ аср охири ва ХХ аср бошларида Россия империализм босқичига ўтиб, саноатнинг барча тармоқлари тез ривожланаётган эди.

Бу ҳол Россия империяси халқ хўжалигининг узвий бир қисми— Туркистон ўлкаси экономикасига ҳам таъсир этмай қолмади. В. И. Ленин реформадан кейинги даврларда чекка ўлкалардаги тараққиёт ҳақида: «...Рус капитализми Кавказни бутун дунё товар обороти доирасига тортди, унинг маҳаллий хусусиятларини... йўқота борди ва ўз фабрикалари учун ўзига бозор вужудга келтирди». «Ўрта Осиёда ҳам, Сибирда ҳам ва бошқа жойларда ҳам шундай ҳол юз берганлиги ва юз бераётганлиги тўғрисида гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ»<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

ХІХ аср охирида Ўрта Осиё экономикаси тобора жаҳон бозорига тортилиб, биқик натурал хўжалик ўз аҳамиятини йўқотиб борди. Айниқса, темир йўл қурилишининг ўсиши ўлканинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнай бошлади. В. И. Ленин Ўрта Осиёда биринчи қурилган Красноводск — Самарқанд темир йўлининг аҳамиятига тухтаб шундай деган эди: «Закаспий темир йўли капитал учун Ўрта Осиёни оча бошлади»<sup>2</sup>. Худди шунингдек, кейинроқ Фарғона темир йўли ҳам Фарғона водийсини капитализм тараққиёти гирдобига тортди.

Россиядаги саноат тараққиёти Туркистон пахтасига бўлган талабни кучайтирди: 1884 йили 10000 пуд, 1885 й.— 30000, 1886 й.— 60000, 1887 й.— 212000, 1888 й.— 250000 пуд пахта Туркистондан Россия саноатига олиб кетилди<sup>3</sup>.

90-йиллардан Туркистонда пахтачиликнинг ривожланиши суғориладиган ерларда дон экинларини ва умуман, озиқ-овқат маҳсулотлари экиннинг қисқаришига, деҳқон оммасининг моддий аҳволи янада оғирлашувига олиб келди. Бундан буёнги пахтачиликни кенгайтириш ва ривожлантириш ишлари, аввало, ирригация-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 3-том, 644—645-бетлар.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 5-том, 87-бет.

<sup>3</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, ол. 14, д. 757, л. 52.

ни ривожлантиришни талаб қиларди. Энди янги ерларни ўзлаштириш мавжуд ирригация системаларининг қувватидан тўла фойдаланиш, илмий-тажрибавий ва ташкилий вазифаларни ҳал қилиш масаласи кун тартибига қўйилган эди.

«Қишлоқ хўжалигига ҳар томонлама ёрдам бериш учун янада кенг тадбирларни кўриш каби қатъий зарурат туфайли»<sup>4</sup> 1894 йили Давлат мулклари министрлиги Ер ишлари ва Давлат мулклари министрлигига айлантирилди. Суғориш ва мелиорация ишлари олиб бориш учун министрликда «Ерларни обод қилиш бўлими» (Отдел земельных улучшений, қисқача ОЗУ) ташкил қилинди. Туркистонда шу министрлик бошқармаси ва ирригация ишларига раҳбарлик қилиш, юқоридан бўладиган топшириқларни бажариш учун бу ишлар бўйича иккита чиновник лавозими ҳамда алоҳида гидротехник бўлим жорий этилди.

Шу даврдан бошлаб янги ерларни ўзлаштириш, янги каналлар чиқариш мақсадида кенг текшириш ишлари олиб бориш, илм-фаннынг кириб келиш йўллари очилди.

1894 йили янги Ер ишлари министри Туркистонга келиб ирригация ишлари билан танишди ва уни давлат ўз зиммасига олиши зарурлигига ишонч ҳосил қилди<sup>5</sup>. Суғориш учун қидирув ишлари олиб боришга қарор қилиниб, 1895 йили Петербургдан Туркистонга тўртта махсус ирригация-қидирув партияси юборилади<sup>6</sup>. Улар Чу, Или воҳаларида, Мирзачўл ҳамда Фарғона водийсида қидирув ишлари бошлайди. Суғориладиган ер фондиди кенгайтириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш муносабати билан ирригация ишларини ривожлантириш учун ўлканинг табиий-иқтисодий шароитлари, тупроқ хусусиятлари, гидрографиясини батафсил ўрганиш бошланади.

XIX аср охирида Урта Осиё дарёларининг сув ресурсларини ўрганиш учун асосий дарёларда бир неча гидрометрик постлар ўрнатилди<sup>7</sup>.

XX аср бошларида «Туркистоннинг сув ресурсларини ўрганиш ва ҳисобга олиш зарурат жиҳатидан бош масалага айланади»<sup>8</sup>. Бу соҳада алоҳида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадида 1909 йили Ер ишлари ва Давлат мулклари министрлигида махсус гидрометрик бўлим очилди. Бутун Туркистон дарёлари ва йirik каналларида ҳаммаси бўлиб 114 та гидрометрик пост ташкил қилинди. Фарғона водийсининг барча тоғ дарёлари, канал-сойларида ҳам ўшандай постлар қурилди. Маълум табиий-тарихий ва иқтисодий районлар бўйича бир неча тажриба—суғориш станциялари очилди. Фарғона водийсининг «тупроқ географияси районларини белгилаш» мақсадида алоҳида тупроқшунослик экспедициялари

<sup>4</sup> «Ежегодник Отдела земельных улучшений, год первый, Спб., 1910, стр. 61.

<sup>5</sup> «Петербургские ведомости», 1897, № 71.

<sup>6</sup> К. К. Пален. Орошение в Туркестане, Спб., 1910, стр. 168.

<sup>7</sup> Труды съезда гидротехников Туркестанского края в 1907 г., Ташкент, 1910, стр. 55.

<sup>8</sup> Отчет гидрометрической части, Спб., 1911, стр. 11.

ҳам ташкил қилинади<sup>9</sup>. Шу тарзда водий, умуман, ўлканинг суғорув системаларини, унинг табиий шароити ва иқтисодий хўжалигини ҳар томонлама илмий ўрганишга жиддий киришилади.

Водий ерларини табиий-иқтисодий жиҳатдан ўрганишда, айниқса, тупроқшунос-ботаниклардан С. С. Неуструев ва О. Р. Кнорингларнинг экспедициялари алоҳида ўрин эгаллайди<sup>10</sup>.

Бу текширишлар ҳамда турли қидирув партияларининг 1909—1914 йиллардаги актив фаолияти натижасида бутун Туркистон, айниқса, Фарғона водийсининг табиий ресурслари, сув бойликлари, тупроғи, ўзлаштириладиган ер массивлари, маҳаллий ирригация тармоқларининг хусусиятлари, турли қишлоқ хўжалик экинларининг сувга талаби (гидромодуль), шунингдек, аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжи ва сув тақсимотига доир масалаларни ўрганишда кўлгина ташкилий, амалий ва илмий ишлар қилинади, жуда кўп қимматли материаллар тўпланади. «Ирригация ва қишлоқ хўжалигига кадрлар тайёрлаш» мақсадида 1902 йили Тошкентда биринчи гидротехника мактаби очилади, кейинроқ у гидротехника билим юртига айлантирилади<sup>11</sup>.

Шундай қилиб, XIX аср охири XX аср бошларида Россиядаги иқтисодий тараққиётнинг янги этапи талабларига биноан Туркистон ўлкасининг «ҳали тугалланмаган ички ташкилий даврида»<sup>12</sup> ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй беради, ирригация-суғориш масалаларига бўлган қарашларда умумий, мавҳум мулоҳазалар ўрнини энди конкретлилик, илмий асосланган планли ёндашишлар олади.

Пахтачиликка бўлган талаб ортиб бориши муносабатин билан Туркистон генерал-губернатори 1890 йилиёқ суғоришни кенгайтириш йўли билан экин ерларини кўлайтириш ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилган эди<sup>13</sup>. Майдони ҳаммаси бўлиб 60826000 десятинадан иборат бўлган Туркистон ўлкасида йиллик ҳисоботларга қараганда фақат 2200000 десятина ерда деҳқончилик қилинар эди, холос. Генерал-губернатор Россия тўқимачилик саноатининг тараққиёти Туркистонда пахтачиликни кенгайтиришни тақозо қилаётгани сабабли мавжуд экин майдонлари бундан буён эҳтиёжни қоплай олмаслигига область маъмуриятларининг диққатини жалб қилди. Унингча, пахтачиликни муваффақият билан Фарғона ва Самарқанд областида кўпайтириш мумкин<sup>14</sup>. Лекин,— таъкидлайди у ўз хатида,— бу областларда ҳам бундан буён пахтачиликнинг ривожлани-

<sup>9</sup> Предварительный отчет об организации и исполнении работ по исследованию почв Азиатской России в 1913 г., СПб., 1914.

<sup>10</sup> А. Азатьян. Географические исследования Средней Азии во второй половине XIX века, «Научные записки Ташкентского института народного хозяйства», Вып. 20, 1963, стр. 21.

<sup>11</sup> Труды съезда гидротехников, стр. 40.

<sup>12</sup> А. В. Кривошеин. Записки Главного управляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. СПб., 1912.

<sup>13</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, л. 757. Записки генерал-губернатора о необходимости расширения площади культуры путём искусственного орошения. л. 51—57.

<sup>14</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 757, л. 51.

ши фақат суғориладиган ерларни кўпайтиришга боғлиқдир. Бу эса энг муҳим масала — янги суғориш каналлари барпо қилиш масаласига бориб тақалади. Чунки «мавжуд каналларда ортиқча сув йўқ, охириги томчисигача фойдаланилади»<sup>15</sup>.

Россия тўқимачилик саноатининг пахтага бўлган эҳтиёжини тамоман Туркистон пахтаси билан қоплаш учун янгидан қанча ер суғорилиши лозим? Ҳисоботларга қараганда, 80-йилларнинг сўнги уч йили ичида четдан келтирилган пахта миқдори: 1887 й. — 11,5 млн пуд, 1888 й. — 8,5, 1889 й. — 10,5 млн пуд.

Уртача олганда йилига 9 млн пуддан ортиқроққа тўғри келади (9 млн 115 пуд).

Агарда, — тахмин қилади генерал-губернатор ўша хатида, — янги суғориладиган ерларда ҳар десятинадан ўртача 15 пуддан пахта толаси олинса, сотиб олинаётган ушбу 9 млн пуд пахта учун 600000десятина янги ер суғорилиши лозим. Бунга яна дон, чорва ва иш ҳайвонларига ем-хашак тайёрлаш учун яна 200000 десятина қўшилади. Туркистоннинг сув запаслари ҳақида ўша давр тадқиқотларига қараганда, шундай ҳисоб бор эди: Сирдарёнинг Оролга қуйилаётган ортиқча суви бутунлай суғоришга олинса, 1350000 десятина, Амударёдан эса, бордию, унинг ярми Афғонистонга берилганда ҳам, қолган ярми 1450000 десятина ерни суғоришга етади, жами Туркистоннинг мавжуд ортиқча суви 2850000 десятина янги ерни суғоришга кифоя қилади<sup>16</sup>. Россия саноати учун эса юқорида келтирилганидек, қўшимча 800 минг десятина ер керак. Шунинг учун, — хулоса чиқаради генерал-губернатор, — янгидан суғориш учун мумкин қадар арзонга тушадиган ва ҳосилдор ҳамда қулай ерлар танлаб олиниши лозим. Пахтачиликка бўлган ушбу талаб нуқтан назаридан ҳам, ернинг сифати, иқлим шароити жиҳатидан ҳам жуда мос келадиган район Фарғона водийси, айниқса, унинг шарқий ва жанубий районлари ҳисобланар эди. Аммо бу областнинг деярли барча ери мавжуд ирригация тармоқлари билан таъминланган, янги ер ўзлаштириш учун, генерал-губернатор фикрича, суғорув каналларининг ишлаш ҳолатини яхшилаш, уларни такомиллаштириш лозим. Қорақалпоқ чўли (Марказий Фарғона)ни ўзлаштириш учун эса Сирдарёдан янги магистрал каналлар чиқариш керак.

Шунинг учун генерал-губернатор Фарғона область ҳарбий губернаторига алоҳида хат ёзиб, ирригация ишларини ривожлантириш масаласида область маъмуриятининг фикрини баён қилишни сўрайди. Ҳарбий губернатор, ирригация мудирини ва уезд начальникларини билан биргаликда Фарғона водийсида сув ҳўжалигининг аҳволи, унинг камчиликлари ва ривожлантириш чоралари тўғрисида конкрет таклифлар ишлаб чиқадилар. Шу муносабат билан чор ҳокимиятининг Фарғона водийсидаги 15 йиллик ҳукмронлик даврида ўлка ирригациясига донр тўплаган тажриба ва тасаввурлари

<sup>15</sup> Ўша ерда, л. 52.

<sup>16</sup> Ўша ерда, л. 52—53.

янги тараққиёт талаби билан биринчи марта ёзма равишда ифода қилинади.

Рус маҳаллий маъмурияти Фарғона области ирригациясининг аҳолини қандай ҳолда тасаввур қилар эди? Алоҳида майда системаларни ташкил қилган тоғ дарёчалари ва сойларини ҳисобга олмаганда, область деҳқончилигининг тақдири ва асосий бойлиги Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улуғнор, Мусулмонқул, Янгиариқ каби йирик ва энг муҳим суғорув системаларига боғли экани аллақачон эътироф қилинган эди. Аммо буларнинг кўпчилигида миллион сўмлаб зарар кўришга сабаб бўладиган муҳим камчиликлар борки, улар шу вақтгача узил-кесил ҳал қилинган йўқ. Ирригация иншоотларининг бу камчиликлари суғориш ишларида баъзан жуда мураккаб қийинчиликлар туғдиради. Бундай қийинчиликларнинг энг муҳимларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, баҳор ёғингарчилиги вақтидаги сув тошқинлари деҳқончилик районларига миллион сўмлаб зарар етказди. Суғориладиган ерлар, аҳоли пунктларини табиий офатдан ҳимоя қилиш учун кўп маблағ сарфлаб, конкрет чоралар кўриш лозим эди.

Иккинчидан, суғориш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган Қорадарё ўз оқим йўналишини гоҳ-гоҳ ўзгартириши натижасида ҳам деҳқончиликка катта зарар етарди. 1882 йили Мусулмонқул каналининг ҳалокати шундай рўй берди. Барча мавжуд ариқ, каналлар бошидаги сепоя, тош, похол, шохдан қилинган ва ҳар йили янгилашиб туриладиган маҳаллий тўғонлар қуриш билан, айниқса, йирик каналлар Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улуғнорга сув боғлаб олиш шунчалик мушкул ишки, баъзан бу генерал-губернатор ҳузурида муҳокама қилинадиган бош масалага айланар эди.

1889 йили битказилиб ишга туширилган Кампирравот иншооти гарчи маҳаллий усул билан бўлса ҳам жиддий техникавий раҳбарлик билан кўпроқ маблағ сарфланса, бу ерда дуруст натижага эришиш мумкин эканини кўрсатди. Лекин Шаҳрихонсой ва Андижонсойнинг Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида тутган ўрни Кампирравотда катта маблағ сарфлаб бир йўла мустаҳкам ирригация иншооти қуришни тақозо қилар эди.

Учинчидан, Фарғона водийсида, айниқса, Марказий Фарғонадаги қумликлар ҳам областда ирригация ишини анча қийинлаштиради. Фон Кауфман ташкил қилган алоҳида комиссиянинг текширишига қараганда, Фарғонанинг қуми 1500<sup>2</sup> верст майдонни эгалла<sup>17</sup>, уни ғарбдан келадиган шамол водийнинг шарқий қисмига — энг муҳим деҳқончилик районларига учириб келтирар ва кўп зарар етказар эди. Бунга қарши курашда, область ҳарбий губернаторининг фикрича, фақат Марказий Фарғона ерларида секин-аста «ирригация ишларини кенгайтириш, яъни экин майдонларини кўпайтириш билан»<sup>18</sup> фойдали натижага эришиш мумкин, аммо бунинг учун Марказий ҳукумат томонидан катта маблағ ажратилиши ва инженер мутахассислар юборилиши талаб қилинарди.

<sup>17</sup> Уша ерда, ф. И-1, оп. 14, д. 757, л. 24.

<sup>18</sup> Уша ерда, л. 27.

Булардан ташқари, область ирригация системаларида хонлик давридан мерос қолган анчагина жузый камчиликлар ҳам мавжуд эди, чунончи:

1. Улугнордан ташқари деярли барча суғориш тармоқларида сувнинг нишоби заруриятдан ортиқчадир. Бу, албатта, Фарғона водийсининг атрофи баланд ва маркази текислик бўлган табиий рельефи билан боғлиқ. Аммо суғориш тармоқларининг бу ҳолати оқаятган мавжуд сув миқдоридан кўпроқ ер суғориш мумкин бўлгани ҳолда, ундан тўла фойдаланишга имкон бермас, натижада унинг анчагина қисми бекор оқиб кетишига сабаб бўлар эди. Текширишлар шуни кўрсатдики, суғориш тармоқларида оқаятган сувнинг 34% дан 74% гача қисми фойдаланилар эди, холос<sup>19</sup>.

2. Ариқлар бошида сув тақсимловчи иншоотнинг йўқлиги ҳам ҳар ариққа кўпинча ўлчамасдан керагида ортиқча сув кетишига, этак районларга эса лозим бўлган сувнинг етиб келмаслигига сабаб бўлар эди.

3. Сувнинг ортиқчасини оқизиб юбориш учун кўпчилик ариқларда «ташлама» йўқ эди, суғоришдан ортган партов сувлар пастлик ерларга ёки умуман экин экилмайдиган майдонларга оқизилар, натижада кўп ер ботқоқланиб ётар эди.

4. Фарғонада иккинчи даражалик ариқларнинг сони кўп бўлиб, ҳатто бир-бирига параллель оқадиган ариқлар бор эди. Бундай ҳолат ҳам мавжуд сувдан унумли фойдаланилмасдан ортиқча буғланиш ва кўп фильтрацияга сабаб бўлар эди. Буларнинг барчаси Фарғона ирригациясининг эксплуатация қилиниши процессида секин-аста тузатилиб борилаётган узвий камчиликлар эди.

Водийда янги суғориладиган ерлар миқдори масаласида баъзи умумий ҳисоблар ишлаб чиқилди. Чунончи, Фарғона областининг умумий территорияси 9 млн десятина бўлиб, ундан фақат 600000 десятина (аниқроғи 591503 десятина<sup>20</sup>) ёки 7% дан ортиқроқ қисми суғорилар эди, холос. Фарғона водийсида бошқа районларга нисбатан суғориш учун максимал даражада қулай ерлар мавжуд эди. Водийда суғорилмаётган партов ерлар миқдори деярлик 220000 десятина, деҳқончилик учун нобоб ҳисобланган ерлар эса, 314377 десятина эди<sup>21</sup>. Сув йўқлиги сабабли суғорилмай ташлаб қўйилган партов ерлардан 9240 десятинадан ортиқроғи Норин ва Сирдарёнинг ўнг бетида, кўп қисми — 126500 десятинадан ортиқроғи Қорадарёнинг ўнг ва чап бети ҳамда Учқўрғон чўлида эди. Сирдарёнинг ўнг бетидаги дашт ерларни ҳисобга олганда ҳам, Норин ва Қорадарёнинг чап қирғоғида ирригация ишлари йўлга қўйилса, партов ерлар ҳисобига 120 минг десятинадан ортиқ ер суғорилиши мумкин эди. Бу ерларнинг барчаси аҳоли ихтиёрида бўлиб, улардан солиқ ундириларди.

<sup>19</sup> Б. Х. Шлегель. Материалы эксплуатации ирригационных систем, Ташкент, 1925, стр. 20.

<sup>20</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 757, л. 31.

<sup>21</sup> Уша ерда.

Водийда давлат ихтиёрида бўлган ва фойдаланилмаётган ер ҳам анча эди. Сирдарёнинг чап қирғоғида Мингбулоқ қишлоғидан Маҳрамгача бўлган 150 верстлик чўлда бемалол 100000 десятина ерда деҳқончилик қилиш мумкин эди. Тахминий рекогносцировкага қараганда ё Мингбулоқдан пастроқда Сирдарёдан канал тортиб, ёки Мазгилсой орқали Қорадарё суви билан бу ерларни суғориш мумкин эди. Қўқон хони Мадалихон 1830 йиллари дарёдан канал чиқариб уни суғоришга беҳуда уриниб кўргани ҳақида халқ орасида нақл юрарди.

Қадимги «Икки сув орасида» — Учқўрғон билан Лўғумбек қишлоқлари ўртасидаги 35 верст масофали, қачонлардир деҳқончилик қилинган чўлда суғориш мумкин бўлган 22000 десятина ер бор эди. Нориндан жанубга, Қорадарёга томон канал чиқарилса, бу ерларга ҳам сув борарди. Худоёрхон даврида бу ерни ўзлаштириш учун қазилиб, чала қолиб кетган ариқ ўрни ҳамон сақланиб қолган эди.

Шаҳрихонсой жанубида эса шу сойнинг юқори қисмидан ариқ чиқариб суғориш мумкин бўлган 20 минг десятина давлат ери мавжуд эди (Совой чўли).

Нориндан дарё ёқаси бўйлаб янги канал чиқариб Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги 70000 десятина ердан ярмини бемалол суғориш мумкин эди. Бундай канал шу қирғоқ районларидаги 40 минг десятинадан ортиқ партов ерларни ҳам ўзлаштиришга имкон берарди.

Ҳаммаси бўлиб Фарғона водийсида 400000 десятинача ерни янгидан суғориш ва ўзлаштириш мумкин эди. Ундан 127400 десятинаси водийнинг шимол томонида — Сирдарё ва Нориннинг ўнг бетида — суғориш юқулай ва мураккаброқ бўлган ерлар, қолган 273600 десятиначага яқини Норин ва Қорадарёнинг чап қирғоғида, яъни Фарғона водийсининг шарқий районларида бўлиб, табиий жиҳатдан сув чиқариш осон бўлган районлар ҳисобланарди.

Туркистон генерал-губернатори қошидаги ирригация ишлари бош инженери Н. Петров Фарғона областига бориб, бу бўш ётган ерларни батафсил текширади ва область бош ирригатори ва ҳарбий губернаторининг ҳисобларига баъзи ўзгартишлар киритади. Чунончи, Н. Петров мулоҳазасига кўра, 219000 десятина партов ерлар областдаги барча ирригация системаларининг ичида жойлашган бўлиб, ундан кам сувлик тоғ дарёлари системаларига тобе партовларни суғориб бўлмайди, чунки бундай системаларда сув жуда оз. Шунинг учун фақат йирик каналлар — Шаҳрихонсой, Андижонсой ва Улуғнор системаларини такомиллаштириш ва кенгайтириш билан шуларга тобе бўлган партов ерларнигина суғориш мумкин. Бу системалар орасидаги ер Петров ҳисобича, 100000 десятина. Шунингдек, бу партов ерларни суғориш учун улар жойлашган мавжуд ирригация системаларини планли равишда батафсил ўрганиб чиқиш керак. Сўнгра Мингбулоқ билан Маҳрам ўртасидаги давлат ерларининг 40% ти шўр, қум, тепаликлар ва чуқурликлар билан қопланган яроқсиз ерлардир, унинг фақат 60000 десятинаси ҳисобга олинishi лозим. Шундай қилиб, инженер Петров



ҳисобида Фарғона областда суғоришга ва ўзлаштиришга яроқли ҳаммаси бўлиб 237000 десятина ер бор<sup>22</sup>.

Лекин бу ерларни ўзлаштириш учун давлат ўз хазинасидан маблағ ажратиши зарур. Область ҳарбий губернаторининг бу тўғридаги хатида шундай дейилади: Агарда чет элдан пахта сотиб олиш учун сарфланаётган пулдан маълум процентни «жанубий вилоятларимиз ичида ери ва суви жиҳатидан биринчи ўринда турадиган»<sup>23</sup> Фарғона водийсига сарфланса, мамлакат учун зарур бўлган пахтанинг анчагина қисмини биргина шу область бериши мумкин. Агарда биринчи галда 100000 десятина ер ўзлаштирилганда ҳам, ҳарбий губернатор ҳисобига қараганда, бунинг учун 300000 сўм сарфланиб, уч йилдан сўнг пахта экилса, ҳар десятина ердан ўртача 12 пуд пахта олинганда ҳам уни 84 сўмга яратиш мумкин (бир луди ўртача 7 сўмдан). Бу сумманинг 1/3 қисми ер ҳайдаш, уруғ, экин чопиш ва теришга сарфланади,— деб фараз қилсак, ўшанда ҳам 56 сўм фойда қолади. Бу — суғорилган 100000 десятинадан 560000 сўм фойда демакдир<sup>24</sup>. Бинобарин,— хулоса қилади ҳарбий губернатор,— Фарғона ерларини суғориш учун ҳар қанча маблағ сарфланганда ҳам пахта экилган биринчи йилдаёқ фойда олиш мумкин.

Н. Петров ҳам янги ерларни суғориш ҳақидаги генерал-губернаторга берган ўз рапортида Фарғона областининг шарқий районларида, хусусан Қорадарёнинг чап қирғоғида яқин келажакда 100 минг десятина ерни ўзлаштиришни таклиф қилади.

Шундай қилиб, XIX аср охирида кун тартибига Туркистонда пахта етиштиришни кўпайтириш масаласи қўйилиб, бу борада дастлабки суғориш ишларини Фарғона водийсидан бошлаш мақсадга мувофиқ деб топилади.

## 2. Улуғнор ва Шаҳрихонсой системаларини қайта қуриш масаласи

Фарғона водийсида биринчи галда суғориш учун иккита муҳим объект белгиланади. Биринчиси, Улуғнор каналини реконструкция қилиш, ундан суғориладиган ерларни кенгайтириш. Иккинчиси, «Икки сув ораси»даги Учқўрғон чўли деб аталган 20000 десятина ерни суғориш учун Норин дарёсининг чап соҳилидан жанубга томон янги ариқ чиқариш, шунингдек, энг йирик Шаҳрихонсой системасида суғориш ишларини яхшилаш.

Улуғнорни магистрал каналга айлантириш ва уни Девонаработгача олиб бориш ҳақида область ҳарбий губернатори, Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг билимдони ҳисобланган Н. И. Королков генерал-губернаторга алоҳида хат ҳам ёзган эди. Королков фикрича, Улуғнор канали кенгайтирилиб ва узайтирилса, ўртача

<sup>22</sup> Уша ерда, ф. И-1, оп. 11, д. 879, л. 2—4.

<sup>23</sup> Уша ерда, оп. 14, д. 757, л. 28.

<sup>24</sup> Уша ерда, л. 30.

150 минг десятина ерни суғориши мумкин. Бу майдоннинг шарқи, асосан, соз тупроқ ва оз миқдорда шўр тупроқдан иборат, ғарби эса шўр аралаш ерлардир. Муттасил суғорилганда шўр ва қумлоқ ерларда ҳам деҳқончилик қилиш мумкин. А. Миддендорф ҳам Фарғона қумларини унумли ер деб таъкидлаб, Улуғнорни тезроқ тиклаш ва бу районни сув билан таъминлашни тавсия қилган эди<sup>25</sup>. Маҳаллий халқ эса қумлик ер суғорилса ҳеч қандай ўғитсиз экин униши мумкин, айниқса «ажойиб қовун-тарвуз етишади»,— деб ахборот берган эди<sup>26</sup>. Ундан ташқари, бу ерда ўсимликлар ўсиши натижасида қум кўчиши ҳам тўхтайдди. Улуғнорнинг яна бир муҳим, диққатга сазовор жойи шу ердаки, қурилаётган Самарқанд— Андижон темир йўли канал водийсига яқин ўтади, бу ҳам, шубҳасиз, унинг қимматини оширади<sup>27</sup>.

Шунинг учун,— деб хулоса қилади Н. Королков ўз хатида,— «Улуғнорни кенгайтириш 150 минг десятина чўлни Урта Осиёнинг энг бой ва гўзал ерларидан бирига айлантириш имконини беради»<sup>28</sup>.

Ирригация мутахассисларидан Дингельштедт 1894 йили Туркистонда Давлат мулклари бошқармаси тузилиши муносабати билан ирригацияга раҳбарлик ҳақида баён қилган ёзма фикрида ҳам янги суғориш ишларини Фарғонадан, Улуғнорни такомиллаштиришдан бошлашни маъқул деб ҳисоблаган эди. Унингча, Туркистонда янги суғориладиган ерлар ташкил қилиб, Россиянинг чет элдан қимматга сотиб олаётган пахтасини секин-аста шу ерда етиштириш масаласи ҳал қилинаётган ҳозирги вақтда Фарғона водийси биринчи планда туриши лозим. Агарда чала қолган хон каналини кенгайтириб ва узайтириб эксплуатация қилинса, бу ерда пахта экиш учун 100 минг десятиналаб ер қўлга киритиш мумкин<sup>29</sup>. Умуман, Дингельштедтнинг суғориш перспективалари ҳақидаги мулоҳазаларида анчагина объективлик бор. Лекин барча гап янги ерларни ўзлаштириш учун давлат хазинасидан системали равишда маблағ ажратиб турилишига бориб тақаларди.

1895 йили Туркистонга юборилган қидирув партияларидан бири Дингельштедт маслаҳати ҳамда Фарғона область ҳарбий губернатори ва бош ирригаторининг илтимоси билан Улуғнор районида қидирув ишлари олиб бориш учун Фарғонага келади. Улуғнорга бўлажак харажатлар учун, шу йилги хўжалик оператив сарфларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда энг кўп маблағ — 50 минг сўм ажратилди. Қорақалпоқ чўлининг бутун шарқий районларида қидирув партиясининг гидротехник, тупроқшунос, геоботаник группалари иш

<sup>25</sup> А. Миддендорф. Кўрсатилган асар, 60-бет.

<sup>26</sup> ЦИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 141, л. 321—322.

<sup>27</sup> Уша ерда.

<sup>28</sup> Уша ерда.

<sup>29</sup> Очерк положения земледелия в Туркестанском крае. Объяснительная записка к Проекту Положения об управлении Государственными имуществами в Туркестанском крае, Спб., 1894, Приложения II; Дингельштедт. Орошение..., стр. 1—37.

олиб боради. Қидирув партиясида Фарғонага ишга юборилган биринчи олим-агроном, қишлоқ хўжалик фанлари магистри С. М. Мелик-Саркисян фаол иштирок этди<sup>30</sup>.

Қидирув партияси Фарғона водийсида икки йил ишлаб Улуғнорни кенгайтириш ва узайтириш ҳисобига 156 минг десятина янги ер суғориш лойиҳаси тайёрлади. Бу янги лойиҳага кўра, магистрал каналнинг узунлиги 82 ярим верста узайтирилиб, унинг суви яна секундига 557 куб футга кўпайтирилади. Асосий тўғон боши — Қорадарёда сепоядан 110 саржин узунликда янги тўғон ва канал бошида асоси тошдан қурилган темир қулфли (затворли) шлюз (дарвоза) қурилади. Булардан ташқари, Олтин кўлдаги Сувкескан жарлигидан канални ўтказиш, Миробод қишлоғидаги Тўнғизтўсар жарлигида канал қирғоқларини мустаҳкамлаш каби жуда кўп ер ишларини бажариш планлаштирилди. Ҳаммаси бўлиб Улуғнорни кенгайтиришга 970 минг ишчи кучи сарфлаш кўзда тутилди<sup>31</sup>.

Улуғнор лойиҳаси Туркистон генерал-губернаторининг тасдиғи билан Ер ишлари министрлиги қошидаги махсус ҳукумат комиссиясига юборилди. Комиссия уни ўша йили умумий равишда кўриб чиққанида, пахтачиликни ривожлантириш мақсадида янги ерлар суғориш учун тузилаётган лойиҳалар ичида Улуғнорникини биринчи ўринда туриши керак, деган қарорга келиб, уни батафсил ўрганиш учун қабул қилади.

Ўша вақтда чиқадиган «Петербургские ведомости» газетаси Туркистонда суғориш масаласига доир мақоласида комиссиянинг ушбу қароридан сўнг қуйидагиларни ёзган эди: «Пахта ва бошқа қимматли экинлар учун жуда мос келадиган шароити ва рус аҳолининг айни Туркистон жанубида оз миқдорда бўлиши бу жойни (гал Улуғнор райони устида кетаётир — С. Ж.) афзал кўрилаётганлиги сабабини етарли даражада исботлаб беради»<sup>32</sup>.

Бироқ, Туркистоннинг бошқа областларида ҳам қидирув партиялари ишлаб, бошқа лойиҳалар ҳам тайёр бўлганда ҳаммасини бирданга муҳокама қилишга қарор қилиниб комиссия вақтинча ўз ишини тўхтатди. Бу орада Мирзачўлнинг жануб томонида ҳам 45 минг десятина ерни суғориш учун янги лойиҳа тузилди. Бу ишнинг ташаббускори подшо хонадонидан бўлган князь Н. К. Романовда ва унинг қўлида ишлаётган техникларда ҳам, Улуғнор лойиҳаси тасдиқланган чоғда Сирдарёнинг суви озайиб князнинг бўлажак Мирзачўл каналларига манфий таъсир кўрсатиши мумкин деган ўринсиз ташвиш туғилган эди. Лойиҳаларни кўриб чиқиш комиссияси икки йилдан сўнг яна иш бошлаганда, юқоридаги сабаб асосида иккала лойиҳа ўртасида рақобат пайдо бўлади. Комиссиянинг баъзи ҳал қилувчи аъзолари мулозаматлик кайфиятига берилиб, князь Н. К. Романов манфаатдор бўлган Мирзачўл лойиҳасини

<sup>30</sup> ЦГА СССР, ф. 246, оп. 1, д. 190, л. 83 (У кейинча область бошқармаси қ/х бўлимига бошчилик қилади).

<sup>31</sup> ЦИАЛ СССР, ф. 424, оп. 1, д. 141, л. 305.

<sup>32</sup> «Петербургские ведомости», 1897, № 271.

қувватлайди. Комиссия 1899 йил 30 мартда иккала лойиҳани муҳокама қилишга киришганда молия министри вакили С. Вебер «маълум фойда олишга тўла ишонч бўлган тақдирда молия министрлиги Туркистонда сугориш ишларига йирик маблағ ажратишга тайёр»<sup>33-34</sup>, — эканини изҳор қилади, шу билан бирга, бўш ётган давлат ерларини (яъни Мирзачўлни — С. Ж.) сугориш фойдалироқ бўлса керак, — деб Романов канали лойиҳасига ўзининг мойиллигини билдиради. Шунингдек, ОЗУ бошлиғи И. М. Жилин ҳам шу фикрга қўшилади.

Туркистон генерал-губернаторлигининг комиссия мажлисида иштирок этаётган вакили М. И. Бродовский С. Вебер фикрининг хато эканига ишора қилиб, сугориш масаласида коммерцион фойдага қараганда кўпроқ пахта етиштиришни ўйлаш кераклигини таъкидлайди ва Улуғнор райони пахтачилик учун ҳар томонлама маъқул жой эканини ўқдиради<sup>35</sup>.

Комиссиянинг 1899 йил 15 апрелдаги мажлисида Улуғнор лойиҳаси бошқа нуқтаи назардан — у амалга оширилганда унинг сувдан фойдаланиш ҳақидаги эски тартиб бузилмасмикин — деган масала муҳокама қилинади ва у анча мунозарага сабаб бўлади.

Ер ишлари ва давлат мулклари Туркистон бошқармасининг вакили инженер Н. Петров ўз сўзида айтидики<sup>36</sup>, бу ерда қилинадиган янги ишлар, ирригация системасининг нормал ишлашига халақит бермайди. Фақат Улуғнорга келадиган қўшимча сувдан фойдаланиш учун қоида ўрнатилади. Шундан сўнг Вебер: «аввало, Улуғнор сувидан фойдаланишни тартибга солиш лозим», — деган таклиф киритади. Мунозаранинг асосий мазмунида қандай қилиб бўлмасин, Мирзачўл лойиҳасини тасдиқлашга интилиш ётар эди. Шу тарзда бир ойлик муҳокамадан сўнг, 28 апрелдаги мажлисда кўпчилик овоз билан Мирзачўлда 45 минг десятина ерни сугориш лойиҳаси тасдиқланади ва сувдан фойдаланишни тартибга солиш ҳақида қонун чиқмагунча, Улуғнор лойиҳасини қабул қилмасликка келишилади.

Улуғнор каналини кенгайтириш ва узайтириш йўли билан Шарқий Фарғона ерларини сугоришга мўлжалланган бу лойиҳа рус ҳокимиятининг Туркистондаги ҳукмронлиги даврида шу вақтгача тузилган лойиҳаларнинг энг йириги бўлиб, бунда Туркистон ерларини сугориш вазифаси — Россиянинг бу ердаги иктисодий сиёсатининг муҳим элементи биринчи марта ўз ифодасини топган эди. Россия тўқимачилик саноатининг Туркистон пахтасига бўлган талаби, Фарғона ерларининг пахтачилик учун ҳар жиҳатдан қулайлиги, табиий оқин сув миқдори — янги ерлар ўзлаштириш учун зарур бўлган бундай омилларнинг барчаси лойиҳа тузишда эътиборга олинган эди. Аммо бу ерда бир йўла ўзлаштириладиган ер ҳажмининг кўплиги ҳукмрон доираларни чўчитаётган эди. Янги сугориш иншоотлари яратишда Закавказье ҳамда Туркистондаги

<sup>33-34</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, ов. 1, д. 193, л. 104.

<sup>35</sup> Уша ерда, л. 110.

<sup>36</sup> Уша ерда, л. 88.

шу вақтгача тажрибада юз берган муваффақиятсизликлар таъсири ҳали кучли эди. Иккинчи томондан ва муҳими,— масаланинг молиявий томони ҳам бундай лойиҳаларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиларди. Рус буржуазиясида эса бундай ишларга хусусий капитал сарфлаш ташаббуси ҳали уйғонмаганди. Мирзачўл лойиҳасининг битта афзал томони — у Улуғнордан 3 баробар оз ерни суғоришга мўлжалланган бўлиб, илгариги муваффақиятсизликлардан чўчиб қолган чор ҳукмрон доиралари учун бундай лойиҳаларни амалга оширишда аввал кичикроқ ишдан бошлаш қўл келарди. Қолаверса, Романов хонадонидан лаганбардорлик руҳи ҳам йўқ эмасди.

Лекин Мирзачўл лойиҳасидан келадиган иқтисодий фойда ҳақида ҳали аниқ ҳисоб қилинмаган, уни амалга оширишда техник штатларнинг камлиги ва Мирзачўлда иш шароитининг ниҳоятда оғирлиги ҳам ҳисобга олинмаганди. Фақат князь Н. К. Романов манфаати учун, асосан, молия министрлиги вакилининг қўллаб-қувватлаши билангина ушбу хом лойиҳа тасдиқланган эди. Суғориладиган 45 минг десятина ерни иқтисодий анализ қилиш Ер ишлари министрлиги бошқармасига топширилади<sup>37</sup>.

Жуда катта қийинчиликлар билан Мирзачўлда 1907 йилгача фақат 25,5 км канал қазилиб, кейин иш тўхтатилди. 1909 йили эса қайтадан лойиҳа тузилди.

Улуғнор водийсида 156 минг десятина ерни суғориш плани Петербургда тасдиқланмай қайтганидан сўнг, мавжуд канални эксплуатация қилиш ва унинг ҳозирги ишлаётган қисмида суғориш ишларини яхшилаш масаласи ҳал этилиши қолганди, холос. Туркистон генерал-губернатори қошида бу иш ҳал қилинди. Шунга биноан, Улуғнорнинг асосий суғориш районини Шаҳрихонсой сувини кўпайтириш билан шу системага ўтказишга, хоп каналдаги сувни эса дарё остида қолган Мукулмонқул ариғига қарашли Балиқчи волости ерларини ва унинг жанубидаги Бўз районини суғориш учун олишга қарор қилинди. Бунинг учун ҳозир дарё оқаётган эски Мукулмонқулнинг жанубидан ғарбга томон янги канал қазिश мўлжалланди.

Шу тарзда Улуғнорнинг янги давоми — Балиқчи канали ғояси пайдо бўлди. Мукулмонқул системасидаги авариядан сўнг 1884—1885 йиллари Балиқчи волости ерларини суғоришни тўхтатмаслик учун кўрилган чоралар вақтинчалик характерда эди. Хўжаободсой ва Чинободсойлар йилдан-йилга ювилиб, тобора нишоблашиб кетаётганди. Ирригация ишлари чиновниги инженер Н. Петров генерал-губернатор топшириғи билан 1888—1890 йиллари Балиқчида айрим шошинлич чоралар уюштирди. Қорадарёнинг Мукулмонқулга бурилиш нуқтасидан унг томонга янги Сиза ариғи чиқарилиб, Хўжаобод ва Ҳаққулобод қишлоқларининг ерлари қўшимча сув билан таъминланди. Мукулмонқулнинг чап томонидаги учта қишлоқ жамоасининг ерларини суғориш учун эса Сегаза, Шаҳрихон,

<sup>37</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 193, л. 103.

Олтинқўл волостларининг Улуғнорга ташланадиган партов сувларини Улуғнор остидан бир неча қувур орқали олиб ўтилди. Хон канални ҳам узунасига бутунлай қайтадан тозаланди<sup>38</sup>.

Умуман, 1890 йилга келиб Мазгил ва Чинободсойларининг ирригация ҳолатини сақлаб қолиш масаласи жуда муҳим бўлиб қолди. Мусулмонқул суви деярли 7,56 м чуқурликда оқарди. 1894 йили Сувкескан жарлигининг Улуғнор билан кесишган жойидан пастроқда 9 верстли янги канал қазилиб, унда жануб томондаги барча ариқларнинг ташлама сувлари тўпланди. Сув чиқиши қийинлашиб қолган Чинободсойдан суғориладиган ерлардан 6000 десятинасини шу янги канал таъминлайдиган бўлди<sup>39</sup>.

1899 йили баҳорда Туркистон генерал-губернаторининг вакили иштирокида тузилган махус комиссия ушбу 9 верстли янги канални Куйганёрдан 12 км қуйидаги Тўнқўйма қишлоғигача давом эттиришга қарор қилади<sup>40</sup>.

Уша йилиёқ Тўнқўймадан Сувкескан жарлигигача 6 верст узунликда, ҳажми Улуғнорникидан қолишмайдиган канал қазилади. Сувкесканнинг қуйи томонда илгари қазилган ва партов сувлар ҳисобига ишлаётган канал ҳам икки марта кенгайтирилиб, чуқурлаштирилиб, Сувкескан жарлигида қурилган махус осма тартов (акведук) орқали юқоридаги янги канал билан бирлаштирилади. Ана шу тарзда, халқ оғзида «Ўрис ариқ» деб аталган 15 верстли янги Балиқчи канали вужудга келади. Улуғнорнинг бош қисмида инженер усулида темир-бетондан қилинган сув тақсимловчи иншоот қурилади<sup>41</sup>. Улуғнорнинг асосий суви ушбу янги каналга берилади. Шу тариқа собиқ Мусулмонқул системасига тобе ерларни сув билан таъминлаш муаммоси ҳал этилди.

Балиқчи канали сувидан Мусулмонқулнинг чап соҳилида жойлашган Бўз участкасидаги суғорилмаётган 16 минг десятинали давлат ерларини ҳам суғориш имконияти туғилади. Бўз атрофидаги Шераличек, Гадейтопмас, Балиқчи, Уртақўрғон, Бўстон каби 9 та қишлоқ аҳолиси шу янги каналдан сув чиқариб, давлат ерларидан ўзлаштириш учун рухсат сўраб область ҳарбий губернаторига ариза ёзадилар. Ер ишлари ва Давлат мулклари Бошқармаси ҳамда Туркистон генерал-губернатори рухсати билан вақтинча «ҳукумат томонидан йирик суғориш ишлари лойиҳаланганда қайтиб олиш шарти билан»<sup>42</sup> Бўз ерларидан 7125 десятинаси 9 та қишлоқ учун ижарага берилди.

Шундай қилиб, 2 йил ичида Балиқчи каналидан суғориладиган ер миқдори ортиб, Улуғнор сувининг деярли 3/4 қисмини шу канал оладиган бўлди<sup>43</sup>.

<sup>38</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 685, л. 283.

<sup>39</sup> Уша ерда, оп. 5, д. 645, л. 15.

<sup>40</sup> Уша ерда, д. 1079. Доклад чиновника по ирригации Управления Земл. и Гос. нмуш. инж-ра Н. Петрова, л. 11.

<sup>41</sup> Уша ерда, л. 10.

<sup>42</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 6, д. 65, л. 1.

<sup>43</sup> «Средазгипроводхлопок» институти архиви, 4-бўлим, инв. № 5090, 107-бет.

Эндиги галда хон каналининг этак қисми — Шаҳрихон билан Қоратепа қишлоғигача бўлган асосий районни сув билан таъминлаш муаммоси турарди.

Улуғнорнинг Шаҳрихонсой билан кесишган жойи ва этак томони нихоятда лойқаланиб сув Шаҳрихонсойга ҳам етмасдан димланиб қолаётган эди. Кейинги текширишлардан Тунқўйма билан Шаҳрихон ўртасида Улуғнор нишоби тескари эканлиги аниқланди<sup>44</sup>. Петербургдан эндигина ишга келган ёш инженер К. Н. Снявский таклифи ва лойиҳаси билан Шаҳрихондан чапга томон 3 верст узунликда Шаҳрихонсойга янги тармоқ чиқади ва этаги Улуғнорга бирлаштирилади. Янги Шаҳрихонсой Шаҳрихондан пастда 2 км гача деярли Улуғнор ўзани билан оқиб, Мулладўст қишлоғидан тўғри ғарбга йўналди, Улуғнор эса жануби-ғарбда қолди. Ундан сув оладиган барча ариқларнинг бош қисми янги Шаҳрихонсой тармоғига кўчирилди. Хон каналининг бу томони фойдаланилмай ташландиқ бўлиб қолди. Насриддинбек қишлоғидан 4 км жанубда ҳозир Катта Фарғона каналидан суғорилаётган экинзор ва мевазорлар ўртасида Улуғнорнинг ана шу ташландиқ қисмининг 1 км часи ҳамон сақланиб қолган. Унинг ҳозирги чуқурлиги 2 м, эни 5 м га етади.

Шаҳрихонсойдан 7 км пастда Улуғнордан бош оладиган ариқлардан энг сўнггиси бошланиб, сўнгра Шаҳрихонсойнинг ўнг қирғоғи билан ботқоқликқа қўшилади, 1,5—2 км дан сўнг қамишзорлар орасида йўқолиб кетади<sup>45</sup>. Балиқчи каналининг боши, Улуғнорнинг Тунқўйма қишлоғидан Шаҳрихонгача бўлган қисми партов сувларни тўпловчи зовур бўлиб қолади. Бу атрофларда ундан суғориладиган ерларнинг асосий қисми ҳам Шаҳрихонсой системасидан сув оладиган бўлади.

Шу тарзда, Шарқий Фарғонада Шаҳрихонсойнинг аҳамияти тобора ортиб, унинг суғорадиган майдони деярли 60 минг десятинагача етади<sup>46</sup>. Шу сабабли сув расходи ҳам ортаётган эди. Энди Шаҳрихонсойни доимий равишда бир хил миқдорда сув билан таъминлаб туриш учун Кампирравотда бирмунча жиддий ишлар қилиниши лозим бўлиб қолди. 1887—1890 йиллари қурилган ва юқорида зикр қилиб ўтган дамба-тўғонлар ҳар йили баҳор тошқинлари вақтида иккита сойни фақат зарур миқдорда сув билан таъминлаб туришга мўлжалланган эди, холос, лекин камчилигидан қатъий назар, рус маъмурияти даврида барча тажриба ва мавжуд инженер кадрлар ишга солингани ҳолда қурилган йирик ишоот эди.

Қорадарё Кампирравот дарасидан чиққанидан сўнг кенг ўзандла ёйилиб оқиши натижасида, каналга сувни бўғиб олиш ёки дарё сувидан уни муҳофаза қилиш область ирригацияси ҳаётида энг асосий ва ташвишли масала эканини чор маъмурияти ҳам энди тушунган эди.

<sup>44</sup> Уша архив, инв. № 5090, 107-бет.

<sup>45</sup> Уша ерда, № 10664, 109-бет.

<sup>46</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 14, д. 685, л. 461.

Фарғона область ирригациясининг янги мудирининг инженер Сакович Кампирравот проблемаси устида анча бош қотирди. Дарёга сув кўп келган ойларда, яъни ёзнинг биринчи ярмида, Шаҳрихонсой ва Андижонсой системасини ортиқча сувдан сақлаш ва ёзнинг иккинчи ярмида — сув пасайганда, дарёдан керакли миқдорда сувни олиш — Кампирравот ишоотидаги мана шу иккита қийин ва муҳим вазифани бажаришда намоён бўлаётган камчиликлар ишоотни фақат йилдан-йилга такомиллаштириб, яхшилаб бориш билан тугатилиши лозимлигини Сакович ҳарбий губернаторга ёзган хатида таъкидлаб ўтади<sup>47</sup>.

Кейинги йиллари Кампирравот тўғрисида сув тошқинидан муҳофаза қилиш учун у қайта ремонт қилиниб, конструкция жиҳатидан анча такомиллаштирилди. Шунингдек, дарёнинг чап ва ўнг қирғоғидаги сепоя дамбаларининг асосий қисми янгиланиб, яна ҳам мустаҳкамланади. Бу ерда ҳарбий губернатор томонидан алоҳида штатли назоратчи тайинланади. Кампирравотнинг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилиб, махсус тайинланган кишилар ва ажратилган маблағ ҳисобига бир йил илгари қурилиш материаллари тайёрлаб қўйиладиган бўлди; бу ҳар қандай фавқулодда ишнинг олдини олиш, икки йирик суғориш тармоқларини баҳорги сув тошқинларидан сақлаш ва ҳар доим зарур сув миқдори билан таъминлаб туриш имконини берди. Бу — рус ҳокимияти маҳаллий ирригация ишоотларини эксплуатация қилишда анчагина тажрибага эга бўлиб қолганининг натижаси эди.

Шаҳрихонсой Улуғнор каналининг этак районларини ҳам уз суғорув доирасига олиши билан Шарқий Фарғонада унинг хўжалик аҳамияти янада ортди. XX аср бошига келиб ундан суғориладиган ерларнинг ҳажми 70 минг десятинага етди.

Фарғона ирригациясининг икки аср ўртасидаги аҳволига характеристика берар эканмиз, Шарқий Фарғонадаги йирик суғорув системалардан бироз бўлса ҳам унумлироқ фойдаланиш учун асосий ҳаракатлар энди бошланаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бадиқчи каналининг ишга туширилиши Мусулмонқул системасининг ўпирилиб кетиши натижасида юз берган ҳалокатли оқибатларга барҳам берди. Давлат томонидан Шарқий Фарғонада биринчи марта қидирув ишлари олиб бориш бошланди.

### 3. Москва суғориш компанияси ва Шарқий Фарғона ерларини суғориш масаласи

XX аср бошида Россия тўқимачилик саноати анча ривожланди. Янги фабрикалар қурилиб, ишлаб чиқариш техникаси ва тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати ортди. Натижада Россиянинг хом ашёга бўлган талаби ортиб борди. Агар 1886 йили Россия саноати учун 455 минг пуд пахта керак бўлган бўлса, 1900 йили 16130 минг пуд, 1908 йилга келиб эса, 25 млн пуд

<sup>47</sup> Уша ерда, л. 465.



пахта зарур бўлди<sup>48</sup>. Шунга кўра, Туркистондан Россияга чиқарилаётган пахта миқдори ҳам тобора ортиб борди. Буни қуйидаги жадвалдан яққол кўриш мумкин:

<i>Йиллар</i>	<i>Минг пуд</i>
1900	4960
1905	5458
1910	9020
1911	11409
1912	12418
1913	13863 <sup>49</sup>

Демак, Туркистонда етказилаётган пахта миқдори 1900—1913 йиллар ўртасида 3 баробар ортиб, йилдан-йилга рус саноатида салмоқли ўрн эгаллай бошлайди. Туркистон қишлоқ хўжалигида пахтачиликнинг бунчалик ўсишига асосан иккита туртки сабаб бўлган эди.

Биринчиси, Тошкент темир йўлининг қурилиши эди. 1888—1900 йиллари Красноводск—Самарқанд—Андижон ва ундан Тошкентгача, сўнгра 1906 йили Тошкент билан Оренбург ўртасида темир йўл қурилиши Туркистоннинг пахтачилик районларини Россия саноат марказлари билан яқинлаштирди.

Иккинчидан, Россияга келтирилаётган чет эл пахтасидан олинган божнинг сунъий равишда оширилиши эди. Россия асосий пахтани АҚШ дан сотиб оларди. Кейинги йиллари ўз мустамлакаси — Туркистон ва Закавказьеда пахта етиштиришни тезлатиш ва рағбатлантириш учун чет эл пахтасидан ундирилаётган бож 90-йиллардан бошлаб бирдан кўпайтирилади. 1 пуд тозаланган пахтадан доим олинган 1 сўм 60 тийин бож энди 3 сўм 15 тийинга, 1900 йили эса 4 сўм 15 тийинга ортади<sup>50</sup>.

Пахтага бўлган талаб ва уни Ўрта Осиёда тезроқ ривожлантириш учун ҳукумат томонидан кўрилган айрим чоралар Туркистонда пахтачиликни тобора тез ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигининг энг фойдали тармоқларига айлана бошлашига сабаб бўлди.

Лекин Россия саноатининг салмоғи тобора ортиб бораётгани, натижада пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжнинг ҳам ўсиши натижасида Туркистон пахтаси талабни қондиrolмаётган эди. Рус капиталистик буржуазияси чор ҳукумати олдига ўсиб бораётган саноат талабларини қондириш, пахта жиҳатидан чет элга бўлган қарамликдан қутулиш талабни қўя бошлаган эди. Матбуотларда, расмий йиғилишларда, «стуроғи ва иқлими жиҳатидан рус давлати қарамлигидаги ҳар қандай жойга нисбатан конкуренциядан ташқари турган Туркистонга эга бўлганимиз ҳолда, Америка пахтасига бундай қарам бўлиб туриш уят, ўзимизни бу уятли қарамликдан озод

<sup>48</sup> К. А. Пажитнов. Очерки истории текстильной промышленности до-революционной России. М., Изд-во АН СССР, 1958, стр. 145.

<sup>49</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>50</sup> А. И. Книзе. Хлоководство и правительственные мероприятия по его улучшению и развитию в Среднеазиатских владениях России. СПб., 1910, стр. 2

қилиш вақти келди»<sup>51</sup>, — деган талаб ва хоҳишлар энди жиддий ва кўпроқ изҳор қилинаётган эди. Чор ҳукуматининг XX аср бошида Туркистонга қилган барча йирик чиновниклари, ҳукумат аъзолари ўз ҳисоботларида пахтачиликни ривожлантириш учун ирригация ишларини авж олдириш лозимлигини таъкидлайдилар.

Юқорида зикр қилинган сабабларга кўра, худди мана шу даврдан ҳукумат донраларида Фарғона ерларини суғориш масаласи иккинчи марта кўтарилди. Агар илгари, ўтган асрнинг 90-йилларида, Қўқон хонлигидан чала қолган Улунор каналини қайта қуриш ҳамда Учқўрғон ариғи қавлаш билан янги ерларни суғориш учун план ва лойиҳалар тузилган бўлса, энди Фарғона водийсининг шарқидан ғарбига қўзилиб ётган Марказий Фарғона ерларини ва қадимий деҳқончилик райони — Учқўрғон чўли деб аталган Майлисой воҳасини комплекс равишда суғориш гоёси пайдо бўлади.

Туркистоннинг бошқа областларига нисбатан Фарғона энг кўп пахта берар эди. Бунга водий иқлим шароитининг комплекс омиллари ва бошқа табиий афзалликлари қулай шаронт яратарди. Шунинг учун ҳам кейинги йиллари Фарғонада пахтачилик анча кенгайиб, бутун Россияда етказилаётган пахтанинг 2/3 қисмини, бутун Туркистон пахтасининг эса 85% тини бераётган эди<sup>52</sup>. Натижада водийда пахта майдони ҳам кенгайиб борди. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:<sup>53</sup>

<i>Йиллар</i>	<i>Пахта экилган ер (десятина)</i>	<i>Умуман суғорилган ер (десятина)</i>	<i>Пахта майдонининг % миқдори</i>
1887	49 224	544 263	9
1890	52 141	544 263	9,5
1895	109 701	553 361	19,8
1900	174 026	589 408	29,5
1905	166 723	591 140	29,8
1910	235 891	720 782	34,2
1915	336 525	690 052	48,7

Фарғона пахтаси сифати жиҳатидан ҳам Америкадан сотиб олинаётганидан қолишмас эди. Россиянинг йирик ип-газлама тўқимачилик фабрикаларида, ҳатто энг узоқ шаҳарларда ҳам Фарғона пахтасининг салмоғи ортиб борарди. Масалан, Лодзи шаҳридаги фабрикаларда ишлатилаётган пахта толасининг 50% тини Фарғонавики ташкил қиларди<sup>54</sup>. Аммо водийда пахта майдони шу вақтгача дон экинлари майдонининг қисқариши ҳисобига кўпаярди, холос. Пахтачиликни ривожлантириш учун бирдан-бир йўл йирик каналлар чиқариш билан янги ерларни ўзлаштиришдан иборат эди.

<sup>51</sup> Н. П. Верховский. Настоятельные нужды в Туркестане, журн. «Туркестанское сельское хозяйство», 1909, № 11, стр. 804.

<sup>52</sup> А. И. Кнйзе. Курсатилган асар, 11-бет.

<sup>53</sup> Жадвал Фарғона области йиллик обзорларига асосан тузилди.

<sup>54</sup> Русский хлопок на русских бумагопрядильнях, «Туркестанские ведомости», 1909, № 180.

1909 йили Туркистонни ревизия қилган К. К. Пален ҳам пахта майдонини кенгайтириш учун ирригация масаласида муҳим тадбирлар кўриш лозимлигини кўрсатиб ўтган эди<sup>55</sup>. Ер ишлари ва Давлат мулклари министрлигининг вакили А. В. Кривошеин 1912 йили шундай деб ёзган эди: «Пахтага бўлган талабнинг келажакда ҳам муқаррар равишда ортиб боришини назарга олганда, янги ерларни суғормай туриб зарур бўлган пахта миқдорининг ҳаммасини ололмаймиз деган хулосага келмай бўлмайди. Масалани бевосита ва батамом ҳал қиладиган асосий кучни тадбиқ қилмасдан турли хил сохталаштирилган чет йўллар билан ҳал қилиш учун уринишларни беҳуда уринишлар,— деб ҳисобламоқ керак»<sup>56</sup>.

Аммо янги ерларни суғориш масаласида чор ҳокимияти билан тобора ривожланаётган капиталистик саноат вакиллари бўлган рус буржуазияси ўртасида маълум муҳолифлар бор эди.

Чоризм билан рус саноатчилари ўртасидаги бу муҳолиф илгаридан мавжуд бўлса ҳам, лекин рус саноат капиталининг фаолияти ҳали жуда кенг масштабда бўлмагани, мустамлака Туркистоннинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига актив аралашмаётгани сабабли XX асргача улар унчалик ўткир характерда эмасди. Янги аср бошида Россияда сиёсий мувозанат бузилган эди. 1905—1907 йил революцияси йиллари Россиянинг ичкари районларида активлашиб кетган деҳқон ғалаёнларига зарба бериш учун ерсиз деҳқонларни чекка ўлкаларга кўчириб чиқариш чор самодержавиясининг асосий вазифаларидан бўлиб қолди. Бунда Туркистон биринчи планда турар эди.

Шунинг учун чор ҳукумати янги суғориладиган ерларга Россия губерналаридан кўчириб келтирилган рус деҳқонларини жойлаштириш ва ўлкада ерлар ўзлаштириш ишини ўз қўлига олиш ниятида эди. Бу жиҳатдан қараганда, янги ерларни суғориш, А. В. Кривошеин ёзганидек, Америкадаги каби фақатгина иқтисодий аҳамиятдан ташқари сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир<sup>57</sup>. Иккинчи томондан, бундай муҳим ва фойдали ишга энди рус капиталистик буржуазияси ҳам қизиқа бошлаган эди. Агарда рус капитали шу вақтгача эксплуатациянинг эски усулларини қўллаб, ишлаб чиқарувчи хусусий хўжаликлардан максимал даражада фойдаланиб келган бўлса, энди саноат тараққиёти рўй бериши натижасида пахтачиликни капиталистик изга қўйишга ҳаракат қилади. Уша даврда ёзилган қатор мақола ва китобларда, пахтачиликка доир мажлис ва кенгашларда рус буржуазиясининг мана шу интилиши ўз аксини топди. Бу ҳолда бирдан-бир мақбул йўл йирик капиталистик плантация хўжаликлари тузишдан иборат эди. Бунинг учун янги ерлар суғориш ва ўзлаштириш зарур. Шу туфайли рус саноат буржуазияси Туркистонда ўз ҳисобидан, хусусий капитал сарфлаш билан янги ерларни суғоришдан манфаатдор эди.

<sup>55</sup> К. Пален. Отчет по развитию Туркестанского края.

<sup>56</sup> А. В. Кривошеин. Записка главному управляющему землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. СПб., 1912, стр. 18.

<sup>57</sup> Уша ерда, 38-бет.

Чор самодержавияси билан рус моллия капитали ўртасидаги мана шу келишмовчилик Октябрь революциясигача ҳам ижобий бартараф қилинмади. Натнжада янги ерларни ўзлаштиришга доир ҳаёт талаби билан тузилган жуда кўп лойиҳалар, изҳор қилинган амалий таклифлар, илгор рус инженерларининг фикрлари тўла амалга ошмай қоғозда қолиб кета берди.

Чор ҳукумати билан рус буржуазияси ўртасидаги янги ерларни суғоришга доир келишмовчиликлар, аслини олганда, ҳукмрон синфлар ўртасидаги ўзаро зиддият эди. Уларнинг мустамлакачилик фаолиятларида, меҳнаткаш халқ оммасини эксплуатация қилишда манфаатлар умумийлиги мавжуд бўлиб, мавжуд зиддиятлар мана шу замида бартараф қилиниши мумкин эди. Масалан, чор ҳукумати ирригация тадбирларини амалга ошириши учун давлат хазинасида дастмоя бўладиган кўп маблағи йўқ эди. XIX асрнинг 90-йилларида планлаштирилган Учқўрғон канали чиқариш ҳамда Улуғнорни кенгайтириш ва узайтириш ҳақидаги лойиҳалар ҳам, қисман, шу сабабли амалга ошмай қолиб кетган эди. Шунинг учун ҳам Ер ишлари ва Давлат мулкларни министрлигининг илмий комитети таъноси, колонизация масаласида мутахассис ҳисобланган А. Л. Кауфман 1902 йили Туркистонга келганида, бу ерда рус хўжаликлари ташкил қилиш, Фарғона областидаги пахтачилик учун қулай ҳисобланган 250 минг десятинадан иборат бўз ерларни суғориш учун давлат хазинасида маблағ йўқлиги сабабли ҳозирча хазина кучи етадиган майда ер массивларини ўзлаштиришни таклиф қилган эди<sup>58</sup>. 1895 йили Петербургдан Туркистонга юборилган тўртта қидирув партияси ҳам шу сабабдан тарқалиб кетди<sup>59</sup>.

Лекин бундан кейинги йиллари тараққиётда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Туркистонни колонизация қилиш манфаатлари, юқорида айтилганидек, чор ҳукуматини рус капиталистик буржуазияси билан яқинлаштирди. Капитал вакиллари ҳам, ўз навбатида, чоризм ҳокимияти ва ундан берухсат бирон иш қилолмасди. Иккинчи томондан, Россия тўқимачилик саноатининг пахтага бўлган талаби ортиб бораётган бир вақтда жаҳонга пахта сотувчи асосий мамлакат — Америка Қўшма Штатларининг ўзида ҳам йигирув — тўқимачилик саноати ривожланиб, бундан буён Россияга пахта сотишни қисқартириб юбориши хавфи ҳам мавжуд эди.

Энди ҳаётнинг мана шу даъватини, яъни хусусий капитал эгаларининг суғориш ишларига бўлган интилишлари, самодержавиянинг эса, уларнинг капиталисиз янги ерларни суғориши деярли мумкин эмаслигини чор ҳукумати англаб қолди. Кўпгина кўзга кўринган мутахассислар, Туркистондаги рус маъмурияти чиновниклари суғориш ишларига капиталистларни, хусусий бирлашмаларни тезроқ жалб қилиш тарафдори эдилар.

<sup>58</sup> А. Кауфман. К вопросу о русской колонизации Туркестанского края. Слб., 1903, стр. 72, 79, 84.

<sup>59</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 631, Об орошении земель в Туркестанском крае, л. 37.

Туркистон генерал-губернатори қошидаги Совет 1907 йил 28 июлдан 2 августгача бу масала юзасидан кенг муҳокама ўтказиб, бўш ётган ерларни суғориб обод қилиш учун хусусий кишилар ташаббуси билан уларнинг маблағларидан фойдаланиш зарур, деган хулосага келади; сўнгра «Туркистондаги бўш ётган давлат ерларини обод қилиш масаласи ўлкамизнинг бундан буёнги тараққиёти учун энг жиддий тадбирлар қаторида турмоғи ва иқтисодий хўжалик аҳамиятидан ташқари сиёсий аҳамиятга ҳам молик бўлмоғи лозим»<sup>60</sup>. Ер ишлари департаментида хусусий шахслар ва бирлашмаларга суғориш учун казенний ерлардан ажратиб бериш шартлари ҳақида биронта қонуний тартибот ишлаб чиқилгунча вақтинча қонда тузилди. Махсус комиссия бу қондани муҳокама қилиб қўйидаги хулосага келади:

1. Хусусий кишиларга, жамиятларга, ҳатто чет эл капиталистларини ҳам мустасно қилмасдан суғориш ишлари учун рухсат бериш;

2. Бунинг учун уларга мумкин қадар имтиёзлар бериш, ҳукумат томонидан ва давлат лавозимидаги шахслар томонидан турли ёрдамлар кўрсатиш;

3. Бундай шартлар амалга оширилмаса, Туркистон ерлари илгариги ҳолича суғорилмай қолиб кетади ва яна ҳар йили 100 млн. сўм сарфлаб пахта сотиб олишга мажбур бўлинади. Комиссиянинг кейинги мажлисида суғоришга рухсат беришда назарда тутилган баъзи бир писандаларни (масалан, ҳозирча озроқ миқдордаги ерларга рухсат бериш, суғоришга ва канал чиқаришга берилган муҳлатни озайтириш каби) олиб ташлаш тавсия қилинади<sup>61</sup>.

Умуман, ўша вақтда Петербург ва Москвада чиқадиган марказий матбуотларда ҳам Туркистонда янги суғориш ишларини ривожлантиришда «умумий гапдан амалий ишга ўтиш», бу муҳим ҳаётний масалада хусусий капитал ташаббусидан фойдаланишга чақирувчи кўпгина мақолалар босилиб турарди<sup>62</sup>.

Масаланинг моҳияти тобора активлашди, ниҳоят, бу соҳада бирон расмий программа ишлаб чиқиш учун Петербургда, Ер ишлари ва Давлат мулклари министрлиги қошида муассасалараро маслаҳат комиссияси тузилиб, унинг 1909 йил 5 июндаги биринчи мажлисида асосан қўйидаги масалаларни ўз ичига олувчи қарор қабул қилинади:

1. Туркистонда суғориш ишларини кенгроқ йўлга қўйиш.

2. Бунинг учун Туркистон дарёларининг сув запасларини ўрғанишни йўлга қўйиш, гидрометрик станциялар қуриш.

<sup>60</sup> Труды съезда гидротехников Туркестанского края в 1907, Ташкент, 1910, стр. 13.

<sup>61</sup> Журнал совещаний комиссии по вопросу об орошении частными предприятиями казенных земель в Туркестанском крае, «Туркестанское сельское хозяйство», 1907, № 7, стр. 556—557.

<sup>62</sup> Қаранг: ЦГИАЛ СССР, ф. 1396, оп. 1, д. 28. Материалы и справки по орошению.

3. Сирдарё бассейнида давлат хазинаси ҳисобига ҳам қидирув шлари олиб бориш ва унинг натижаларидан фойдаланиш учун усусий капитали бор шахсларга руҳсат бериш, қидирув натижаларини матбуотда эълон қилиб бориш.

4. Суғориш учун шахсий кишиларга ер бериш қоидаларини энг арур ва асосий тадбир сифатида тезроқ ишлаб чиқиш ва идорараро мажлисда муҳокама қилинганидан сўнг 1910 йилдан кечик-ирмай уни қонун кучига киритиш<sup>63</sup>.

Янги ерларни ўзлаштиришни, аввало, қайси районлардан бош-аш ҳақидаги конкрет масалада пахтачилик учун қулай географик айон — Фарғона водийси мақсадга мувофиқ эканлиги айтилаётган ди. В. Масальский 1909 йили Туркистонга келганида Фарғона об-астиди Улуғнор канали районини ва умуман, Марказий Фарғона рларининг шарқий қисмларини бориб кўриб пахтачилик учун бу айон «Фарғона водийсининг энг яхши ерларидан биридир»<sup>64</sup> деб ўтироф этади. Тошкентда чақирилган Туркистон пахтакорларин-инг съездида ҳам суғоришни Фарғонадан бошлаш тавсия эти-лади<sup>65</sup>.

Россия ҳукумати доираларида, Туркистон маъмурияти доира-ларида ҳамда кўпгина кенгашлар ва редакция органларида Тур-кистонда янги ерларни суғоришга актив киришиш масаласи жуда изғин муҳокама қилинаётган бир пайтда Москва Биржа комите-тининг энг йирик мануфактурачи ва фабрикантлари орасида Фар-она водийсида пахта экиш учун хусусий капитал ҳисобига янги суғориш ишлари ташкил қилишга актив қизиқиш уйғонади. Водий-инг ирригация ва табиий шароитлари билан танишиш учун Мос-ква Биржаси пахтачилик комиссиясининг раиси барон А. Л. Кноп томонидан комиссия аъзоси инженер А. И. Кузнецов 1909 йил ба-ҳорида Фарғонага махсус командировка қилинади.

Москва мануфактурачиларининг суғориш учун Фарғона ерлари-га қизиқиш бекис эмас эди, албатта. Кейинги йилларда Москва фабрикалари асосий пахта хом ашёсини Фарғонадан олаётган эди.

Москва Биржа комитетининг Туркистон генерал-губернатори номига ёзилган расмий хатида Москва саноатчилари «Ширкатнинг гашаббускори ва қатнашчиларидан бири инженер-технолог А. И. Кузнецовга келажакда бу ерларда қилинадиган ишларнинг барча шароитлари билан танишиш учун ёрдам беришни камол эҳтиром билан илтимос қилади»<sup>66</sup>. А. И. Кузнецов Фарғонада об-ласть ирригация мудирини К. Н. Снявский ва у орқали область ир-ригациясига доир материаллар билан танишади. У К. Н. Сняв-ский ҳамроҳлигида Марказий Фарғона ерларининг шарқий район-ларини ва Учқўрғон чулини бориб кўради, сув манбаларида бў-лади.

<sup>63</sup> В. И. Масальский. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предприимчивость, стр. 90—93.

<sup>64</sup> Уша асар, 40-бет.

<sup>65</sup> Труды съезда хлопководов в Ташкенте в 1912 г., Ташкент, 1913, стр. 25.

<sup>66</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 12, д. 1341, л. 57.

Москвага қайтиб боргандан сўнг, 1909 йил июнь ойида Биржа комитети пахтачилик комиссиясининг мажлисида унинг ҳисоботи эшитилади. Кузнецовнинг Фарғонада пахта экиш учун 200 минг десятинадан ортиқ ерни ўзлаштириш ва суғориш мумкин деган қатъий хулосаси тасдиқланиб, суғориш ишлари учун фабрикант ва савдо фирмалари ўртасида алоҳида компания тузишга қарор қилинади. Бўлажак компанияга қизиқувчилар сонини аниқлаш учун тахминий аъзолар қабул қилиш вазифаси А. И. Кузнецов ва инженер Н. И. Дербеневларга топширилган эди. Улар 1909 йил кузида Тошкентда Туркистон қишлоқ хўжалик виставкасининг очилиш маросимида ҳозир бўлиб, виставкада москваллар қарори ҳақида очиқ хат тарқатадилар. Бундан мақсад — фақат бўлажак компанияга қанча шахс ва фирма иштирок эта олиши мумкинлиги ва қанча маблағ ажрата олишини аниқлаш эди. Бу — келажакда қанча ер суғориш мумкинлигини белгилаб олишга ёрдам берарди. Хатнинг охирида: «Ҳозир суғориш мақсади учун бирон аниқ участка таклиф қилинмаса ҳам, бироқ қуйида қўл қўювчилар шуни изҳор қилишни ўз бурчи деб биладиларки, Россия бўйича пахтачиликнинг муваффақияти учун ҳар томонлама маъқул бўлган ягона жой, бутун пахтанинг 3/4 қисмини берувчи асосий ва синалган Фарғона областига биринчи навбатда эътибор берилди»<sup>67</sup> дейилганди.

Ундан илгари шу хилдаги мурожаат хатлар Москвада ҳам тарқатилиб, дастлабки аъзолик бадали билан бир миллион сўм маблағ тўпланганди. Биринчи галда ўша маблағ ҳисобига Фарғона ерларини суғориш учун Москва Суғориш Компанияси тузилади<sup>68</sup>. Компанияга Москванинг 20 дан ортиқ йирик савдо ва саноат ширкатлари ҳамда яқка шахслар аъзо бўлган эди<sup>69</sup>.

В. И. Масальский Москва саноатчи фабрикантларининг Фарғона ерларини суғоришга қизиқиб қолганлиги «ниҳоятда қувончли воқеа» деб эътироф қилади<sup>70</sup>.

1910 йил 17 сентябрда МОҚ нинг ишончли вакили А. Кузнецов суғориш планлари ва лойиҳалари тузиш учун Фарғона водийси сув манбалари ва ерларини текшириш ишларини бошлаб юборишга рухсат сўраб Туркистон генерал-губернатори номига ариза ёзди<sup>71</sup>. Худди шу мазмундаги ариза Ер ишлари ва Давлат мулкларининг Туркистон бошқармасига ҳам берилганди. Аризада, биринчи навбатда, қуйидаги ерларда текшириш олиб бориш кўзда тутилди: 1) Норин дарёсининг ўнг бетидаги Қизилёр чўлидан 5000 десятина; 2) Нориннинг чап соҳилида Шинг жарлигидан Учқўрғон-

<sup>67</sup> К. Беляков. К вопросу настоящего момента в области ирригации Туркестанского края. Труды I и II съездов деятелей по сельскому хозяйству Туркестана, 1909—1911 гг., стр. 36.

<sup>68</sup> Московская Оросительная Компания (бундан сўнг қисқача «МОК» деб атаймиз).

<sup>69</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4873, л. 23.

<sup>70</sup> В. И. Масальский. Кўрсатилган асар, 84-бет.

<sup>71</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4873, л. 23.

гача бўлган территориянинг жануб томонига чўзилиб кетган Учқўрғон чўлидан 20000 десятина; 3) Улуғнор канали водийсидаги «Бўз» массивида 16000 десятина<sup>72</sup>.

Фарғона ерларини суғориш масаласи ҳукумат доираларида жиддий равишда кун тартибига қўйилганидан сўнг, маҳаллий мутахассислар ҳам бу масалага анча қизиқиб қолган эди. Бу ерда, биринчи навбатда, инженер К. Н. Снявский фаолиятига тўхталмай ўтиб бўлмайди. Клавдий Никонорович Снявский 1897 йили Петербург инженер-технология институтини битиргач, Фарғонага ишга келиб, 1903 йилдан область ирригация мудирини вазифасида ишлаётган эди<sup>73</sup>. У Фарғона водийсида биринчи олий маълумотли инженер сифатида 10 йиллик меҳнат фаолиятида маҳаллий ирригация системаларини такомиллаштириш, водий сув ресурсларини ўрганиш, янги ер массивларини суғориш масалаларида анчагина ижодий иш олиб борган эди.

К. Н. Снявский МОК ҳақидаги хабарни зўр қизиқиш билан қабул қилади: «Умид қиламизки, бу хабар охир натижада албатта амалга оширилади, бир томондан, ушбу ишга қизиқаётган шахсларнинг обрўлиги, иккинчи томондан, юқори интенсивли деҳқончиликка эга бўлган областимизда суғоришнинг нисбатан арзон ва осон бўлиши ишнинг амалга ошишига гаровдир»<sup>74</sup>.

К. Н. Снявский МОК вакили А. Кузнецов билан яқин алоқа боғлаб, ўзининг янги каналлар чиқариш тўғрисидаги ғояларини ушбу ташкилот орқали амалга оширишга интилади. А. Кузнецов ҳам К. Н. Снявскийни ўзининг доимий маслаҳатчиси ҳисоблаб, ҳар қандай ноаниқ масала юзасидан Москвадан тўғри унга мурожаат қилиб туради<sup>75</sup>.

А. Кузнецов илтимоси билан Снявский тузган тахминий планга биноан, Учқўрғон чўлида 20000 десятина ер суғориш учун Учқўрғон қишлоғидан 10—15 верст юқорида Норин дарёсининг чап қирғоғидан магистрал канал қазиш лозим. Учқўрғонгача канал дарё билан параллел равишда келади. Сўнг уни жануб томон давом эттириб, чўлнинг шарқий чегарасидаги тепаликлар ён бағридан ҳамда Лўғумбек, Оқмозор, Туячи қишлоқларининг шарқий томонларидан олиб ўтилади ва этаги Избоскансой (Майлисой)га туширилади. Натижада 8000 десятина партов ер ва Учқўрғон чўлидан 12000 десятина ер суғориш имконияти туғилади<sup>76</sup>. Бироқ К. Снявский ўша йили кундалик ишлар билан бандлиги учун бу план устида жиддий ва батафсил ишлай олмади. Умуман, ҳали Россияда йирик суғориш иншоотларини лойиҳалаш билан шуғулланувчи инженер-ирригаторлар бирлашмалари йўқ эди. Шу сабаб-

<sup>72</sup> Уша ерда, л. 3. (Шинг жарлиги Учқўрғондан 30 верст юқорида — С. Ж.).

<sup>73</sup> Уша ерда, ф. И-19, оп. 1, д. 7972, л. 1.

<sup>74</sup> К. Н. Снявский. К вопросу об искусственном орошении свободных земель в Ферганской области, Скобелев, 1909, стр. 1.

<sup>75</sup> Қаранг: «Средазгипроводхлонок» институту архиви, 4-бўлим, инв. № 10515, 46-бет.

<sup>76</sup> К. Снявский. Кўрсатилган асар, 4-бет.



ли МОК 1910 йили Учқўрғон чулида қидирув ишлари олиб бориш ва лойиҳа тузиш ҳақида ўз вақтида Европага машҳур бўлган, Америкада бир неча йirik иншоотлар қурган «Пирсон и сын» номли англиз фирмаси билан шартнома тузади<sup>77</sup>. Бу фирма вакиллари 1910 йили бутун ёз бўйи «Икки сув ораси»нинг шарқи, Норин, Қорадарё ва Майлисой ўртасида жойлашган учбурчак районда қидирув ишлари олиб боради.

К. Снявский гарчи қидирув ишида расмий қатнашмаса ҳам, аммо Фарғона водийси ерларини суғоришнинг умумий перспективаси масаласида жим туролмади. У Фарғона водийсини суғориш учун илмий равишда комплекс қидирув ишлари олиб бориш керак, — деган ғояни ояга сурди. Клавдий Никонорович фикрича, Учқўрғон чулини суғориш Қорадарё ва Сирдарёларнинг чап соҳилида ётган Қорақалпоқ чули (Марказий Фарғона) районини суғориш масаласи билан бирга ҳал этилиши керак. Гарчи бу район ҳозир планда йўқ бўлса-да, аммо уни суғориш масаласи қачон бўлмасин кун тартибига қўйилса, Қорадарёнинг суви бунча кенг районга кифоя қилмайди. Шунинг учун, Учқўрғон чулига мўлжалланиб Нориндан бош олувчи ҳозир лойиҳалаштирилаётган каналнинг катталигини ва тўғонини шундай қуриш керакки, у фақат 20000 десятина ерни суғоришга кифоя қиладиган, яъни секундига 2 куб саржини сувга мўлжалланмай, келажакда Норин сувини Қорадарё орқали Жанубий районларга олиб кетиш учун ҳам хизмат қиладиган бўлсин.

К. Снявский ўзининг бу фикрини махсус хат орқали Москвага, компания бошлиғига ҳам баён қилади<sup>78</sup>. МОК раҳбарлари бу перспектив таклиф ва нуқтаи назарнинг нақадар муҳимлигини тасдиқлаб, «Пирсон и сын» фирмасига Норин тўғони ва каналини лойиҳалашда албатта уни назарда тутишни тавсия этади.

Шундай қилиб, Марказий Фарғона ерларини суғоришда Норин дарёсининг сувидан фойдаланиш ғояси дастлаб рус инженери К. Н. Снявский томонидан таклиф этилганди. К. Н. Снявский шу асосда деярли Фарғона водийсининг бутун жанубий ва шарқий районларидаги бўз ерларни суғориш ва мавжуд системаларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс лойиҳа тузади. Бу лойиҳага кўра, Норин сувини Учқўрғон чули орқали Қорадарёдан олиб ўтиш учун канал бошини мумкин қадар юқорига қуриш керак, ўшанда сув маълум тезлик билан мўлжалдаги жойга етиб боради. Шунинг учун К. Снявский канал бошини Учқўрғондан 30 верст юқоридаги Шинг жарлиги атрофида қуришни мўлжаллайди (схемага қаранг). Бу ерда дарёга баландлиги 88 фут<sup>79</sup> келадиган тўғон қурилади. Тўғон замонавий инженер типдаги иншоот бўлиши лозим, шубҳасиз, у қимматга қурилади<sup>80</sup>. Бу ердан бошланган канал Нориннинг чап қирғоғидаги тоғ ёнбағридан анча

<sup>77</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4873, л. 3.

<sup>78</sup> «Средазгипроводхлопок» институти архиви, 4-бўлим, инв. № 10515, 124-бет.

<sup>79</sup> Фут — 30,47 см.

<sup>80</sup> «Средазгипроводхлопок» институти архиви, 4-бўлим, инв. № 10896, Рабочая гипотеза развития орошения Ферганы, стр. 201.

чуқурликдан оқиб ўтиб, жанубга томон давом этади. Майлисой дельтасига чиққанда шарққа, Омонжўра, Насриддинбек ва Қўқон қишлоғининг ортидан айланиб яна жанубга бурилади ва Тешиктош қишлоғида Қорадарёга келади. Дарёдан тарнов — акведук орқали ўтиб, сўнгра канал тахминан Бўтақора қишлоғининг атрофи ёки юқорисида адирни қирқиб, Андижонсой террасасига чиқади ва Андижоннинг жанубий чегарасидаги Хокан қишлоғи томон ундан адир қирғоғи бўйлаб Қуванинг Толмозор қишлоғигача боради, сўнгра Марғилон станциясига яқинлашиб, Риштонга ўтади. Бу ердан Қўқон уездининг жанубидаги тоғ олди ёнбағирлар орқали Конибодмининг шимол томонига чиқади, сўнгра тоғнинг шимолий ёнбағри бўйлаб жануби-шарқ томон бурилиб, шу атрофда тугайди. Унинг ҳисобида канал узунлиги 300 верст бўлиб, Андижоннинг жанубидан то охиригача ўзининг ўнг томонидаги Сирдарё бўйларигача чузилиб ётган бутун ерни суғорадиган бўлади. Қорадарёнинг ўнг томонидаги кам сувли Майлисой ва Тентаксой (Қораунгурнинг этаги) системалари, жанубда эса Андижонсой ва Шаҳрихонсой этаклари, Аравон, Исфайрам, Шоҳимардонсой, Сўх, Исфара системаларининг этак қисмларидаги ерларни янги канал бемалол сув билан таъминлай олади. Ҳаммаси бўлиб Учқўрғон чўлида 33000 десятина, Сирдарёнинг чап соҳилида 200000 десятинадан ортиқ янги ерни ўзлаштириш мумкин. Юқори ташкилотларда Сиявский лойиҳасини «Бош Фарғона канали» деб атайдилар<sup>81</sup>. «Бундай канални ўтказишдан келадиган манфаат жуда катта, шу билан бирга, уни қуриш учун сарф ҳам катта»<sup>82</sup>, — деб хулоса қилади муаллиф.

Биринчи галда Учқўрғон чўлини суғоришни лойиҳалаш ишига 1910 йили МОК томонидан К. Сиявский ҳам таклиф қилинади. Йил охирида у Нориннинг чап қирғоқларида съёмка ва қидирув ишларини тугаллаб, ўз лойиҳасини техника комитетига топширади.

Сиявскийнинг Учқўрғон чўлини суғориш лойиҳаси келажакда Норин каналини жанубга давом эттириш назарда тутилиб тузилгани учун анча қимматга тушар эди. Канал Тентаксой ва Майлисой системаларига қарашли ерлардан 20 минг десятинасининг суғориш ҳолатини ҳам яхшиларди. 33 минг десятина ерни суғориш учун 59 верст узунликда канал қазилиб, унинг бош қисмидан 10 верстни тоғ оралиғидан, қаттиқ тоғ жинсларини қирқиб анча чуқур ўзанда ўтиши керак эди. Бунинг устига канал суғориладиган ергача 15 верстдан кўпроқ бекор оқиб келарди.

Учқўрғон каналини Майлисойнинг этак қисми ва Қўқон қишлоқ орқали Тешиктошгача олиб келиш учун қўшимча 30 верст қозиш керак эди. Ҳаммаси бўлиб Норин—Қорадарё ўртасида канал 89 верстини ташкил қилар ва ер ишлари 1 млн кубометрдан ортарди. К. Сиявский ўз лойиҳасига ҳали смета тузмаган эди. Профессор Г. К. Ризенкамф ҳисоби бўйича, тўғон ва канал қурилиши учун чиқим 17.000.000 сўмдан ортиб, бир десятина ерни суғориш

<sup>81</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4867, л. 216.

<sup>82</sup> К. Сиявский. Кўрсатилган асар, 15-бет.

516 сўмга тушарди<sup>83</sup>. Бу сумма ҳозирча 33 минг десятина ерни суғориш учун қимматлик қилишини билиб техника комитети К. Н. Синяевский лойиҳасини қабул қилмайди.

1911 йил июнь ойида «Пирсон и сын» фирмаси ҳам Учқўрғон чўлини суғориш лойиҳасини тайёрлаб Москвага юборади. А. Кузнецов 10 кун ичида лойиҳа текстини инглизчадан русчага таржима қилдириб, танишиб чиқиш учун техника комитети аъзоларига тарқатади<sup>84</sup>. Пирсон лойиҳасига кўра, Норинга тўғон К. Синяевский лойиҳасидаги пунктдан 10 верст пастда, яъни Учқўрғондан 20 верст юқорида қурилиши кўзда тутилганди. Бу эса тўғонни унча баланд қилмай арзонроқ қуришга имкон беради — унинг баландлиги 70 фут бўлиши мумкин.

Умуман Пирсон лойиҳасида Норин тўғонига анча эътибор берилган. Лойиҳанинг тушунтириш хатида таъкидланишича, тўғон қанча пастдан бўлса, магистрал каналнинг узунлиги ҳам қисқаради, бажариладиган ер ишлари ҳажми ҳам камаяди. Норин тўғонининг узунлиги 1000 футага мўлжалланиб, у Нил дарёсига қурилган Асвон тўғони тилида бўлиши керак, яъни тўғон олдида сув омбори қурилади, дарёга сув кўп келган вақтда тўғон олди майдонида тўпланиб қолган оқизинди тоғ жинсларини ювиб туриш учун тўғон остида 13 та қатор туйнук-тоннель очилади<sup>85</sup>. Туйнукларнинг эни 6 фут, бўйи 23 футага мўлжалланиб, улар навбат билан очиб-ёпиб турилади. Учқўрғон чўлига кетадиган каналнинг боши тўғон олдида — сув омборига қурилади. Канал 12 верстдан кўпроқ адир оралигидан оқиб ўтади, шарққа томон баландлашиб борадиган адирларнинг пастки қирғоқлари бўйлаб жанубга 36 верст оққандан сўнг Майлисой дельтасига чиқади ва тахминан Урганжи қишлоғининг юқорисида Қорадарёга қуйилади. Пирсон лойиҳасига кўра, магистрал каналнинг фарбида ётган Учқўрғон чўлидан 30 минг десятина суғориш мумкин. Канал узунлиги 67 верст бўлиб, ер ишлари ҳажми 960 000 кубометр бўлади. Ҳамма қурилиш ишлари учун 12.000.000 сўм сарфланиши керак<sup>86</sup>. Бунда 1 десятина ерни суғориш 400 сўмга тушарди.

Лойиҳа МОКнинг техника комитетида муҳокама қилиниб, тўғон қуриладиган ернинг замини геологик жиҳатдан яхши текширилмаганлиги, тўғоннинг суғориладиган райондан узоқда жойлашганлиги канал сувини ортиқча буғланиб кетишига сабаб бўлиши ва лойиҳа ҳам мўлжалдагидан қимматга тушиши каби камчиликларига кўра мақсадга номувофиқ деб топилади<sup>87</sup>.

<sup>83</sup> «Средазгипроводхлопок» институти архиви, 4-бўлим, инв. 10896, 201-бет.

<sup>84</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 424, д. 801, Таржима копияси: Юқоридаги архив, 4-бўлим, инв. 10515, 97—144-бетлар.

<sup>85</sup> Нилда Асвон тўғони XIX аср охирида қурилган, узунлиги 2000 м, баландлиги 30 м. Сув тошқини вақтида тўғон олдидаги катта сув омборида тўпланадиган лойқани ювиб туриш учун унинг остки қисмига дарвозали 140 та туйнук-тоннель қилинган (Г. К. Ризенкам п. ф. Проблема орошения Туркестана, вып. 1, М., 1922, стр. 22).

<sup>86</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 3212, л. 69.

<sup>87</sup> «Средазгипроводхлопок» институти архиви, 4-бўлим, инв. 10515, 149-бет.

Уқордаги ҳар иккала лойиҳадан кўриниб турибдики, Учқўрғон чўлини суғоришга мўлжалланган Норин тўғони ва канали келажакда Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришни ҳам назарга олиб қуриладиган бўлса, Учқўрғонда ҳозирча мўлжалланган 30 минг десятина ерни суғориш қимматга тушади. Аммо масала комплекс равишда ҳал қилиниши керак эди. Бутун Туркистон жамоатчилиги, ҳатто марказдаги кўпгина матбуот органлари ҳам МОКнинг Фарғона водийсида олиб бораётган қидирув ишлари боришини ижобий муносабатда кузатиб турардилар. Ер ишлари ва ер қурилиши бошқармасининг бошлиғи А. Кривошеин 1911 йил бошида генерал-губернаторга ёзган хатида Россия ил-йигирув саноатининг бундан буён хом ашё билан мустақил таъминланиши кўп жиҳатдан Москва суғориш компаниясининг Фарғонадаги фаолияти масштабга боғлиқ эканига унинг диққатини жалб қилади<sup>88</sup>. Шундай қилиб, ҳозирча лойиҳалаш назарда тутилган Учқўрғон чўлини суғориш иши Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш масаласи билан бирга ҳал қилиниши лозимлиги қидирув партиялари учун конкрет вазифа бўлиб қолади. Бинобарин қурилажак Учқўрғон ишооти ана шу бош масалага мослашиши зарур эди.

Снявский ва Пирсон лойиҳалари асосида шунга монанд қилиб бошқа лойиҳалар тайёрлашга ва Фарғона водийсининг шарқидаги бўз ерларда ҳам қидирув ишлари олиб боришга қарор қилинади. Бунинг учун яна Фарғона ирригацияси бўйича энг тажрибакор бўлган К. Снявский ҳамда инженер Н. Петров таклиф қилинади. Чет элдан эса йирик швейцар инженери Л. Кюрштейнер ва «Ф. Хольцман и К°» номли яна бир швейцар фирмаси билан шартнома тузилади. Л. Кюрштейнерга Учқўрғон лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилади. Фарғона ерларини суғориш учун лойиҳалар рақобати бошланади. Л. Кюрштейнер Пирсон фирмаси ва Снявскийни тузган собиқ лойиҳаларини ўрганиб чиқади ва 1912 йили ёз бўйи Учқўрғонда бўлиб, Норин дарёси билан Избоскан—Пойтуғ қишлоқлари ўртасида нивелировка ва съёмка ишлари олиб боради. Бу районда 1 десятина ерни суғориш 200 сўмдан ошмайдиган 30 минг десятина ерни ўзлаштиришга мўлжалланган асосий лойиҳа тайёрлайди. Бир вақтда Петров ҳамда Хольцман фирмаси вакили Марказий Фарғона қидирув-лойиҳалаш ишлари олиб борардилар.

А. Кюрштейнер фиркича, Пирсон лойиҳаси ҳам, Снявский лойиҳаси ҳам Норин дарёсидан мумкин қадар кўпроқ сув олиш ва баланд ерларни суғориш ниятида бўлажак тўғонни мураккаблаштириб қиммат қилиб юборган. Бўлажак магистрал каналнинг ҳам фойдасиз қисми кўп (Бирини 89, иккинчисида 67 верст). А. Кюрштейнер фикрича, Учқўрғонда суғориш планлаштирилган чўл ердан тахминан 10—15 минг десятинанни ташкил қиладиган баланд

<sup>88</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 17, д. 972, л. 14—15. Письмо Главного управления земледелением и землеустройством А. Кривошеина Туркестанскому генерал-губернатору.

қисмини механик насос ёрдами билан сугорилса, қолган қисми учун тўғонни анча паст қуриш мумкин, бу билан канал анча қисқаради ва арзонга тушади. Шунинг учун у тўғонни Учқўрғондан 11 верст юқорида қуришни таклиф қилади. Тўғон баландлиги деярли ярмига қисқариб, 40 фут мўлжалланади<sup>89</sup>. Баланд ерларга сув чиқариш учун тўғонда кичикроқ электростанция қурилади. Нориндан бошланадиган канал эса, Пирсон каналдан ғарброқда тўғри жанубга томон йўналиб Куйганёр билан Миробод қишлоғи ўртасида Қорадарёдан ўтади. Каналнинг узунлиги яна 22 верстга қисқаради ва 45 верст бўлади. А. Кюрштейнер лойиҳасига кўра, 30 000 десятина ерни сугориш учун ҳаммаси бўлиб 6.821.000 сўм сарфланиб, 1 десятина ерга 227 сўм тўғри келар эди<sup>90</sup>. Бу — мўлжалга анча яқин, илгариги лойиҳалардан икки баробар арзон эди.

Тўғон ва канал лойиҳалари проф. Г. К. Ризенкампф иштирокида тегишли доираларда муҳокама қилиниб, улар аниқ ва диққат билан текшириш натижасида тўпланган материалларга асосланиб тузилгани таъкидланади<sup>91</sup>.

Дарёнинг чап бетида Шаҳрихонсой, Балиқчи ва Қўқон ўртасида ётган кенг бўз ерлар массивини сугориш лойиҳасини тузишда К. Снявскийнинг илгари тузган плани асос бўлади. Снявский планига кўра, бу ерда, биринчидан, Фарғона водийсининг марказида ётган бўз ерларни ўзлаштириш, иккинчидан, водийнинг шарқидан ва жанубидан оқиб тушаётган ва мавжуд деҳқончиликда гоят муҳим бўлган қатор кам сувли системаларнинг сугоришни ҳам яхшилаш лозим эди<sup>92</sup>. Шунинг учун унинг юқорида зикр қилинган лойиҳадаги магистрал канали Тешиктошдан ўтиб ғарбда Андижон, Асака ва Қуванинг юқори томонларидан айланиб, умуман Фарғона водийсини жанубдан ўраб турган тоғ олди адирларининг олд қисмларига ёндашиб ўтар эди. К. Снявский канали билан мавжуд системалар доирасида қуйидагича ерни сугориш мумкин эди:

<i>Сугорув системалари</i>	<i>Сувсиз ётган партов ерлар</i>	<i>Ўзлаштирилдиган ерлар</i>	<i>Жами</i>
Улуғнор системаси	4176	100 000	104 176 <sup>93</sup>
Шаҳрихонсой	—	10 000	10 000
Исфайрам	28 387	19 283	47 670 <sup>94</sup>
Шоҳимардон	7 534	10 281	17 815
Сўх	37 000	—	37 000
Исфара	20 000	—	20 000
Жами	97 097	139 564	236 663

<sup>89</sup> «Средазгипровдхлопок» институти архиви, 4-бўлим, инв. 10515, 44-бет.

<sup>90</sup> Уша жойда, 45-бет.

<sup>91</sup> Уша жойда, 150-бет.

шахсий архивида ҳам шу проблемага тегишли материаллар бор.

<sup>92</sup> К. Снявский. Кўрсатилган асар, 13—16-бетлар. Шунингдек, унинг шахсий архивида ҳам шу проблемага тегишли материаллар бор.

<sup>93</sup> В. С. Масальский. Кўрсатилган асар, 42-бет.

<sup>94</sup> Г. К. Ризенкампф. Проблема орошения Туркестана, вып. I, стр. 61—62.

К. Снявский бош канали лойиҳаси фақат Норин дарёсининг сувига мўлжалланиб, Қорадарё мутлақо ҳисобга олинмагани ва юқорида айтилганидек, анча қимматга тушиши унинг асосий камчилиги эди. Чунки кўпгина мавжуд ирригация тармоқларини инженер типда қурилган тарнов — акведуклар орқали кесиб ўтиши лозим эди. У Норин каналини Қорадарёдан «150 саржин узунликдаги акведук орқали» олиб ўтмоқчи эди<sup>95</sup>. Асака юқорисида Шаҳрихонсойдан ўтиш учун ҳам анча баланд ва узун акведук қуришни таклиф қилади. Муаллиф фикрича, Шаҳрихонсой устида қуриладиган 300 метрли акведук ости ва атрофи кейинча халқ оmmasи ҳордиқ чиқарадиган гўзал сайргоҳга айлантирилиб, «Асака чўнтаги» мавзеининг бир қисмини ташкил қилиши керак.

К. Снявский лойиҳаси, умуман, авторнинг суғориш соҳасида нақадар кўтаринки руҳда ишлаганини кўрсатади. У бундай иншоотлар қимматга тушишини биларди, албатта. Шунинг учун огоҳлантириб айтган эдики, ишнинг катта масштабдалиги, мураккаблиги ва қимматлиги уни «амалга ошмайди» деб ҳисоблаш учун асос бўлолмайди. «Ҳаммаси маблағга, амалга оширишга бел болаган шахсларнинг ташаббуси ва билимига боғлиқ»<sup>96</sup>.

К. Снявский Марказий Фарғонанинг Сирдарё қирғоқларида тахминан 50—60 минг десятина ерни суғориш учун 1911 йили Норин ва Қорадарёларнинг бир-бирига қўшилган жойидан бошқа бир канал чиқаришни ҳам таклиф қилади<sup>97</sup>. Бу канал Мингбулоқ қишлоғидан бошланиб, ғарби-жануб томонга йўналади ва Дамкўлга қуйилади. Ундан Қўқон йўлидаги Оқтепа қишлоғигача давом этиб, тамоман ғарбга бурилиб кетади.

К. Снявскийнинг бу иккита лойиҳаси 1912 йили Андижон билан Қўқон ўртасида актив қидирув ишлари олиб борилишига туртки бўлади. Инженер Н. Петров эса, К. Снявский лойиҳасини ўрганиб чиқиб бошқача таклиф киритади. К. Снявский пахтачилик учун асосий районлар — Улуғнор водийси ва Балиқчиға туташ бўлган «Бўз» давлат мулкани назарда тутмаган, балки умуман Фарғона водийси ирригацияси ҳақида, фикр юритган. Суғоришдан манфаатдор компанияни қизиқтирган асосий масала — пахтачилик нуқтаи назаридан қараганда ушбу районларни К. Снявский каналидан тўла суғорилишига ишонч йўқ<sup>98</sup>. Шунинг учун Н. Петров бош канални бевосита пахта экиладиган районларга яқин жойлардан бошланиш таклиф қилиб, бошқа лойиҳа тузади. Унинг лойиҳасига кўра, бош канал Миробод қишлоғидаги Тўнғизтўсар жарлигидан — собиқ Улуғнорнинг иккинчи тўғон бошисидан олиниши керак. Бунинг учун юқоридаги Норин канали шу ердан ё акведук билан ўтиши, ёки Қорадарёга ташланиши лозим. Бу ерларда Улуғнор ўзани кенгайтирилади. Янги канал 10 километрча Улуғ-

<sup>95</sup> К. Снявский. Кўрсатилган асар, 13-бет.

<sup>96</sup> К. Снявский. Кўрсатилган асар, 15-бет.

<sup>97</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 880, л. 77.

<sup>98</sup> «Средазгипроводхлопок» институти архиви, 4-бўлим, инв. 10895, 212-бет.

нордан оқиб, икки тармоққа ажралади, ўнг тармоқ Балиқчи канали изидан бориб Балиқчи ва Чинобод қишлоқларининг чегарасидан ғарбга томон Қорақалпоқ чўлининг шимолий ярмини оралаб, Урганжи қишлоғида Қўқон—Наманган темир йўлини қирқиб ўтади. Сўнг жанубга бурилади ва Конибодом станцияси атрофида — Исфара системасининг этак зонасида тугалланади.

Бош каналнинг чап тармоғи эса кенгайтирилган Улуғнор ўзани билан жануби-ғарбга томон йўналиб Шаҳрихонсойни қирқиб ўтади. Шаҳрихондан ўтгандан кейин эски Улуғнорни ўнг томонда қолдириб жанубга, сўнгра жануби-ғарбга бурилади. Олтиариқ райони атрофида темир йўлни қирқиб чап томонга ўтади. Фурқат станцияси атрофида темир йўлни қайта ўннга қирқиб ўтиб, ташламаси Қўқонсойга бориб тушади (схемага қаранг).


Бу лойиҳасига биноан бош каналнинг иккала тармоғи Шаҳрихон билан Қўқон ўртасида 300.000 десятина ерни қамбар олиши керак<sup>99</sup>. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришда энг муҳими бу каналнинг жанубий тармоғи эди. Шунинг учун уни Мингбулоқ атрофида Сирдарёдан яна қўшимча сув олиб таъминлаш мўлжалланган эди.

Н. Петров бош каналининг жанубий тармоғи ҳозирги Катта Фарғона канали линиясига деярли тўғри келарди. Аммо Совет инженерларидан С. Калабугин ва И. Лебедевларнинг фикрича, жанубий тармоқ Н. Петров лойиҳасида асосан мавжуд ирригация системаларининг суғориш ҳолатларини яхшилашга мўлжалланган. Ўнг тармоғи эса ўзлаштириш ва пахта экиш назарда тутилган асосий районнинг нисбатан шимол чегарасидан ўтгани сабабли, гарчи сув етарли бўлганда ҳам бу ерларки суғорилишига тўла ишонч йўқ эди (Ўзлаштирилдиган ерларнинг нишоби жанубдан шимол томонга бўлгани учун каналнинг чап соҳилига сув қийинлик билан чиқиши мумкин эди).

«Ф. Хольцман и К<sup>о</sup>» фирмасининг лойиҳасига биноан, бош канал Л. Кюрштейнернинг Норин канали Қорадарёга қўшилган жойдан, яъни Миробод қишлоғидан бошланади. Канал жануби-ғарбга 22 километр давом этгандан сўнг, у ҳам икки тармоққа — жанубий ва марказий тармоққа бўлинади. Марказий тармоқ — 10 километр ғарбга оқиб ўз навбатида яна иккига — чап ва ўнг тармоқларга бўлинади. Ўнг тармоқ «Бўз» районининг Чинобод ва Балиқчи ерларига туташган чегарасидан қирқиб ўтиб ғарбга давом этади ва Қўқон—Наманган темир йўлига етмасдан дарёга қўшилади. Чап тармоғи эса Бўз ва Қорақалпоқ чўлининг ўртасидан ёриб ўтиб, темир йўлдан ўтгандан сўнг Чиганоқ қишлоғида Сирдарёга қуйилади (4-расм).

Бош каналнинг иккинчи асосий — жанубий тармоғи Шаҳрихонсойни қирқиб ўтиб, жануби-ғарб томон йўналади. Бу атрофда Н. Петров канали билан деярли параллель кетади. Аммо Олтиариқ станциясига яқинлашганда темир йўлга етмай туриб шимоли-ғарб-

<sup>99</sup> «Средазгнпроектхлопок» институтининг архиви, 4-бўлим, инв. 10895, 212-бет.



4-расм. XX аср бошларида Фарғона vodiёси шарқий районларини суғориш учун лойиҳа қилинган каналлар схемаси.  
 1) В. А. Петров канали; 2) «С. Пирсоғ и сын» фирмаси канали; 3) Л. Кюштифейнернинг асосий канали; 4) К. Н. Синирский канали; 5) К. Н. Синяевскийнинг кичик канали; 6) «Ф. Хольцман» фирмаси канали.



га бурилади ва Урганжи юқорисида Қўқон—Наманган йўлини қирқиб, Оқжар қишлоғида Сирдарёга тушади.

«Хольцман и К°» лойиҳаси бўйича, бош каналнинг асосий-жанубий тармоғи ҳам янги ерларни суғоришга мўлжалланган. Шунинг учун у мавжуд системаларнинг этак қисмларидан ўтар эди. Петров каналида эса, жанубий тармоқ фақат мавжуд системаларнинг суғориш ҳолатини яхшилашга қаратилганди.

Хольцман планига кўра, жанубий тармоқ ўзининг асосий сувини шимолга томон — Қорақалпоқ ва Бўз ерларини ёриб ўтувчи бир неча бир-бирига параллель ариқлар орқали чўлган бериши керак эди. Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх каби кам сувли системалар янги каналдан озиқлана олмадилар.

«Хольцман и К°» фирмасининг бу лойиҳаси Қорадарё ва Сирдарёнинг чап соҳилида ҳаммаси бўлиб 350.000 десятина ер суғоришни мўлжалларди.

Шундай қилиб, 1910—1912 йиллар мобайнида Фарғона водийсининг шарқи-жанубий районларини суғориш учун МОК таклифи билан 6 та янги лойиҳа тузилади. Ундан учтаси: К. Синяевский, «С. Пирсон и сын» фирмаси ва А. Кюрштейнерники Учқўрғон чўлида 33—35 минг десятина янги ер суғориш учун қолгани: Н. Петров, К. Синяевский ва «Ф. Хольцман и К°» фирмаси лойиҳалари Марказий Фарғонада 300—400 минг десятина ерни суғориш учун тузилган эди. Москвада бу лойиҳалар манфаатдор доираларда кўп маротаба муҳокама қилинади, неча мароталаб унинг авторлари билан ёзишмалар олиб борилиб, қайта чертёжлар тузилади<sup>100</sup>.

МОКнинг раҳбар доиралари ушбу лойиҳалар асосида Учқўрғонда ва Марказий Фарғонада суғориш ишларини бошлашга қарор қилиб, дарҳол молижавий сметалар тузишга киришадилар. 1912 йил август ойида суғориш учун давлат ерларини хусусий шахсларга бериш масаласини кўриб чиқувчи муассасалараро маслаҳат мажлиси бу ишда МОК фаолиятининг актив иш олиб борганини назарга олиб 250 минг десятинагача ерга рухсат бериш мумкин, — деб таклиф киритгандан сўнг<sup>101</sup>, А. Кузнецов аризаси қабул қилинади.

Бироқ Петербургда — Ер ишлари министрлягида илгари МОК вакили А. Кузнецов билан қилинган тахминий шартларга қарама-қарши фикрлар ва масалани ижобий ҳал қилиш учун баъзи тўсқинлик пайдо бўла бошлайди. Масала шундаки, Мирзачўлда император Николай I номли канални кенгайтириш ва узайтириш мақсадида давлат ҳисобидан қидирув ишлари бошланган эди. Шунинг учун министрликда Сирдарё сувини суғориладиган иккала йирик районда баробар тақсимлаш лозимлиги айтилади.

Туркистон ерларини суғоришга хусусий капитални бор шахслар ва жамиятларни жалб қилиш ҳамда уларга бунинг учун ер ажратиб бериш қондалари лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни ўрганиш учун муассасалараро маслаҳат комиссиясига берилади. Қонда лойиҳаси,

<sup>100</sup> «Русское слово», 9 июня 1912 года.

<sup>101</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 27, д. 657, л. стр. 36.

асосан, Кривошеиннинг қуйидаги кўрсатмаси асосида тузилган эди:

1. Хусусий маблағ сарфланиб суғорилган ерларнинг ярми давлатга текинга берилди.

2. Суғориш учун сарфланаётган хусусий маблағлар давлат томонидан ҳеч қандай гарантия қилинмайди.

3. Ҳар бир хусусий ташаббускорнинг суғориш учун қилган ҳаракати умум Туркистон планига бўйсундирилмоғи керак.

4. Суғорилган ернинг хусусий ташаббускор ҳиссасига тушган қисмидан фойдаланиш ҳам алоҳида ишлаб чиқилган бошқа қондага бўйсунishi лозим ва ҳ. к.<sup>102</sup>

Уша юқоридаги кўрсатмалар асосида МОК ка Фарғонада суғориш учун 250 минг десятинагача ерни ижарага бериш ҳақида шартнома ва Туркистонда хусусий маблағ ҳисобига суғориш ишларини уюштириш ҳақида қонун лойиҳаси тузиш учун қайтадан алоҳида давлат муассасалараро комиссияси тузилади. Комиссия таркибига ички ишлар, ҳарбий молия ва адлия министрлиги, Давлат контроли, Савдо ва саноат министрлиги, Йўллар министрлиги ва Ер ишлари бош бошқармасининг вакиллари кирганди. 1912 йил июль ойининг 1 ярмида комиссиянинг бир неча мажлиси ўтказилди. Муҳокама марказида, асосан, А. Кузнецов аризаси ётиб<sup>103</sup>, шартнома ва қонун лойиҳаси ҳам Фарғонага тадбиқ қилинган ҳолда ишлаб чиқилади. Лекин суғориш масаласини ҳал қилишда турли министрликлар ўртасида ягона фикрнинг йўқлиги, чор самодержавияси билан рус капиталистик буржуазияси ўртасидаги зиддият маслаҳат мажлисида яққол намоён бўлади.

Ҳарбий министрлик вакили генерал-майор С. В. Цейль, Адлия министрлигидан маслаҳатчи Р. В. Краузе, шунингдек, Давлат контроли ва Ички ишлар министрлиги вакиллари суғориш ишларига молиявий маблағи бор шахсларни жалб қилишга мутлақо қарши чиқадилар. Уларнинг фикрича, Туркистонни келгусида колонизация қилиш — рус хўжаликларини жойлаштириш учун давлат хазинаси ихтиёрида ҳам суғориладиган бўш ерлар бўлиши керак. Шунинг учун Туркистондаги Давлат ерларини хазина ҳисобидан суғориш керак. Бундан ташқари, Россиядаги мавжуд қонунлар суғоришда хусусий капиталдан фойдаланишга ҳам йўл бермайди.

Молия министрлигининг вакили бундай эътирозга қарши галириб, шу шароитда давлат хазинасида бунчалик йирик ишларни уюштириш учун етарли маблағ йўқ эканини баён қилади. Унинг фикрича, хусусий ташаббускорлар ишидан давлат хазинасига маълум миқдорда фойда келишини таъминлайдиган қонун асосида уларга рухсат берилиши керак<sup>104</sup>.

Савдо ва саноат министрлиги билан Ер ишлари бош бошқармаси ҳам ижобий фикрда эди. Улар масалага қуйидаги аргумент

<sup>102</sup> А. В. Кривошеин. Кўрсатилган асар, 38—39-бетлар.

<sup>103</sup> Труды образованного по распоряжению Главноуправляющего землеустройством и земледелием междуправительственного совещания по организации оросительных работ в Туркестане за счет частных средств, СПб., 1912, стр. 4.

<sup>104</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 27, д. 657, л. 118—119.

нуқтан назаридан қарайдилар: ҳозирги тараққиёт даври Россия олдиға ўз ил-газлама саноатини Америка пахтасига қарамликдан озод қилиш вазифасини қўяётир.

Бу масалани ҳал қилмоқ учун фақат Туркистондагиба суғориш ишларини авж олдириш лозим. Уни кимнинг ҳисобидан амалга ошириш масаласи мазкур бош масалага нисбатан иккинчи даражада туради. Мазкур ишни давлат хазинаси ҳисобидан ташкил қилиш учун ҳам, хусусий ташаббускорлар ҳисобидан ташкил қилиш учун ҳам, Туркистондаги бўш ерлар етарлидир<sup>105</sup>. Бундан ташқари, Савдо министрлиги вакили М. П. Чернишев ҳозир Москва суғориш компанияси суғориш мақсадларига жуда кўп маблағ ажратиб қўйганлигини таъкидлайди. Унга асоссиз баҳона билан ёки махсус қонуни қабул қилингунча рад жавоби бериш, биринчидан тўп-ланган капятални оборотдан қолдиради; бу — капиталистларга зарар бўлади, иккинчидан, рус саноатчиларини янги ерларни суғоришдек муҳим ишдан минбаъд четланиб кетишига сабаб бўлади<sup>106</sup>.

Суғориш масаласида фикрларнинг бундай икки хиллиги давлат идораларида анча тортишувларга сабаб бўлди. Маслаҳат комиссиясининг 1912 йил 4—5 июндаги мажлисида А. Кузнецовнинг ўзи ҳам қатнашиб, МОҚнинг Фарғонада бўлажак йирик суғориш тадбирлари ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланажаги комиссиянинг бошланғич актида ақс этиши лозимлигини илтимос қилади.

Чунончи, у тузиладиган шартномага қўйидаги пунктларни кiritишни сўрайди:

1. Ирригация иншоотлари қуриш ва эксплуатация қилиб ундан фойда олиш анча қийин, мураккаб, узоқ вақтга чўзиладиган ва таваккалликни талаб қиладиган иш бўлгани сабабли, бунга сарфланган маблағни Америка Қўшма Штатларидаги сингари давлат томонидан гарантия қилиш.

2. Норин дарёсидан олинадиган сувни секундига 30 куб саржин миқдорида белгилаш.

3. Суғориш иншоотлари эксплуатацияга топширилгандан сўнг 10 йилгача давлат солиқларидан озод қилиш.

4. МОҚнинг Фарғонадаги суғориш ишларини икки навбатга бўлиб ҳисоблаш; биринчиси, Нориннинг чап қирғондаги Учқўрғон чўлини ва ўнгдаги Қизилёр чўлини суғориш; иккинчиси, Қорадарё ва Сирдарёларнинг чап томонидаги 200000 десятина ерни суғориш.

5. МОҚ каналларидан ерлари суғориладиган хусусий хўжаликлардан сув ижара ҳақи ўзаро келишувга кўра белгиланишига ижозат бериш ва ҳ. к.

Москва саноатчиларининг бу талаблари ҳам комиссияни анча ўйлантириб қўйди. Айниқса, Нориндан олинадиган сув миқдори, МОҚ сарфларини гарантиялаш ва битган иншоотлардан олинади-

<sup>105</sup> Уша ерда, ф. И-7, оп. 1, л. 4916, л. 8.

<sup>106</sup> Труды образованного по распоряжению Главноуправляющего землеустройством и земледелием междоуведомственного совещания по организации оросительных работ в Туркестане, стр. 5.

ган давлат солиғи масаласи мажлисларда яна тортншувларга сабаб бўлади. Баъзибир ҳукумат доираларида Норин дарёсидан шунча сув Фарғонада олинмаган бўлса, ҳозир давлат томонидан қидирув ишлари олиб борилаётган Мирзачўлни суғоришга Сирдарё суви кифоя қилмай қолиши мумкин деган асосиз хавф ҳамон ҳукм суради. Молия министри ва Давлат контроли вакиллари Норин сувидан МОҚ ихтиёрига, фақат вегетация даврида, унинг 1/6 қисмини беришни таклиф қилади. Бироқ мажлиснинг кўпчилик қатнашчилари 1/5 қисмини беришга қарор қиладилар<sup>107</sup>. А. Кузнецов эса ҳеч бўлмаса дарёнинг 1/3 қисм сувини беришни сўрайди, Савдо ва саноат министрлиги вакили ҳам бу талабни қувватлайди<sup>108</sup>.

Шу тарзда узоқ давом этган тортншувлардан сўнг комиссиянинг 16 июль кунги сўнгги мажлисида қатъий қарор—ҳукуматга тақдим қилиш учун МОҚ билан тузиладиган шартнома асослари лойиҳаси қабул қилинади. Лойиҳа турли масалаларни ўз ичига олган 32 пунктдан иборат бўлиб, унинг энг асосий, диққатга сазовор моментлари қуйидаги масалалар эди:

1. Урта районда: а) Қизилёрда, б) Учқўрғон чўлида, в) Қорадарё ва Сирдарёларнинг сўл қирғоғида ҳаммаси бўлиб 250 минг десятина ерни суғоришга ҳуқуқ ва руҳсат берилади, шундан 110 минг десятинаси давлат ери ҳисобланади.

2. Бу ерлар икки навбат билан суғорилади: биринчи навбатда, Қизилёр ва Учқўрғон чўли; иккинчи навбатда, дарёларнинг чап қирғоғидаги ерлар.

3. 1 куб саржин/секунд сувнинг 10 минг десятина ерни суғориш ҳисоби билан фақат вегетация даврида (15 мартдан 15 октябргача) Норин сувининг 1/5 қисми берилади.

4. Суғориладиган ернинг 50% ти давлатга ўтади.

5. МОҚ сарфлаган маблағлар давлат томонидан гарантия қилинмайди.

6. Иншоотлар битиб эксплуатация бошлангандан сўнг 5 йилгача давлат солиқлари олинмайди, иккинчи 5 йилда 50% солиқ тўланади.

7. МОҚ ўз ихтиёрида қолган ерларнинг 1/5 қисмини давлат томонидан кўчириб келтирилган рус хўжаликларига ижарага бериш мажбуриятини олади.

8. Хусусий ерларни суғорганлик учун МОҚ фойдасига ундириладиган сув ижараси ҳосилнинг 1/2 қисмидан ошмаслиги керак ва бу ҳар 9 йилда 5% дан камайиб боради.

9. Шартнома 99 йилга тузилади, шу муддатдан сўнг барча иншоот ҳеч қандай тўловсиз давлат ихтиёрига ўтади. Шу билан бирга иншоот ишга тушиб, 36 йилдан сўнг давлат МОҚ сарфининг маълум процентини тўлаб уни сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

<sup>107</sup> Уша ерда, 15-бет.

<sup>108</sup> Уша ерда, 15—16-бетлар.

10. МОКнинг қурилишдан тортиб, битган иншоотдан фойдаланишгача бўлган фаолияти махсус давлат инспекцияси томонидан назорат қилинади ва ҳ. к.<sup>109</sup>

Шартнома пунктларидан шу нарса кўзга яққол ташланадигани, унга чоризмнинг кўчириб келтириш сиёсати — Туркистонда чор самодержавияси учун янги синфий таянч пайдо қилишни кўзда тутган ва айниқса, 1905—1907 йил революциясидан сўнг активлашиб кетган сиёсати асос қилиб олинган эди. Шунинг учун рус капиталистик буржуазиясининг намояндалари бўлган москвалик ташаббускорларни шартноманинг, айниқса, учта пункти: яъни сарфланадиган маблағнинг давлат томонидан гарантия қилинмаслиги, бўш ерлар суғориладиган сўнг, унинг ярмини тўловсиз давлатга берилиши ва Нориндан олинadиган сув миқдори кўпроқ оғиритираётган эди. Ер ишлари министрлигининг пахтачилик комитети ҳам МОК маблағини гарантиялашни ва суғориладиган ердан давлат ихтиёрига ярмини эмас, 1/3 қисмини беришни таклиф қилган эди.

Комитет фикрича, рус саноатчилари чет мамлакатларникига нисбатан унча кўп миллион маблағли ва қудратли эмас; янги ерлар суғориш каби ҳали нотаниш бўлган ишга биринчи кўл урган вақтда улар ташаббусни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ёрдам бериш лозим<sup>110</sup>. Пахтачилик комитетининг бу фикри умуман тўғри эди. Рус капитали чиндан ҳам унча кучли эмас, шу вақтгача у тезроқ фойда чиқадиган ишлардагина фойдаланилар эди<sup>111</sup>.

Нориндан берилadиган сув миқдорини чегаралаб қўйиш ҳам Фарғона ерларини суғориш ишига тўсқин бўлар эди. Бундай чегаралаб қўйиш аслида Мирзачўлда давлат хазинаси ҳисобига катта ер массивларини суғориш ҳақидаги далилсиз ғоя ва «Сирдарё сувни етмай қолиши мумкин» деган ноўрин ваҳима натижаси эди. Шу муносабат билан Петербургда чиқадиган «Русское слово» газетаси, давлат томонидан Мирзачўлни суғориш учун қилинаётган ҳаракат, илгари бўлгани каби яна муваффақиятли чиқмайди, шунинг учун «Фарғонага зарур сувни беравериш керак»<sup>112</sup>, деб ёзганди.

Учқўрғон гидрометрик постининг 1910—1911 йилдаги ҳисобига қараганда, Норинда вегетация даврида секундига ўртача 59 куб саржин сув оқади<sup>113</sup>, унинг 1/3 ёки 1/4 қисми Фарғона ерлари учун бемалол етарди. Маслаҳат мажлисида эса 1/5 қисм ажратилиб, бу билан фақат 110 минг десятина давлат ерини суғоришга кифоя қиладиган сув миқдори кўзда тутилганди, холос. Маҳаллий

<sup>109</sup> Ўша ерда, 54—65-бетлар.

<sup>110</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 767, л. 21—22.

<sup>111</sup> А. Амминов. Курсатилган асар, 276-бет.

<sup>112</sup> «Русское слово», 9 июня 1912 г.

<sup>113</sup> И. Г. Александров. Регулирование стока р. Сырдарьи, М., 1923, стр. 27, 1910—11 йилги ойлик кузатиш натижаси қуйидагича (саржин<sup>3</sup>/секунд ҳисобида): апр. — 49,6; май — 121,9; июнь — 75,2; июль — 60,4; авг. — 46,4; сент. — 32,3; окт. — 27,6.

халқ ихтиёридаги бўш ерларни суғориш эса ҳукумат доиралари назаридан четда қолди. Масалан бундай бир томонлама қараш фақат давлат ерларини суғориб, унга рус хўжаликларини кўчириб келтиришигина кўзда тутган мустамлақанилик сибсатидан келиб чиққанди.

Муассасалараро маслаҳат мажлисининг материаллари қараб чиқиш ва тасдиқлаш учун Туркистон генерал-губернаторига юборилди. Тошкентда ҳали бу материаллар муҳокама қилишга киришилмай туриб, маҳаллий инженер, Фарғона темир йўлининг қурувчиси А. Н. Ковалевскийдан МОҚга берилган ерларни баъзи имтиёзли шартлар билан унга беришни сўраб генерал-губернатор номига ариза тушади<sup>114</sup>.

А. Н. Ковалевский тез орада Учқўрғон орқали Наманган—Андижон темир йўли қурилганидан сўнг (бу лойиҳанинг автори—ўзи эди) суғориладиган ерларнинг аҳамияти ва нархи ортади, шунинг учун бу ерлар ўзлаштирилса, тезлик билан фойда олишга имконият туғилади, деб ёзганди. Унинг фикрича, яқиндагина муҳокамадан ўтказиб қабул қилинган шартнома лойиҳаси «Фарғона область манфаатларига тўла жавоб бермайди»<sup>115</sup>. Шунга биноан, у ишни тезлаштирувчи қуйидаги шартлар билан 275 минг десятина ерни ижарага сўрайди:

1. Бир ярим йил ичида қидирув ишлари ўтказиб, барча техника лойиҳалари ва сметалар тайёрлайди;
2. Лойиҳадаги иншоотларни 4—5 йилда, бутун суғориш ишини эса 5—6 йил ичида тугаллайди, ишни якки навбат эмас, бир навбат билан амалга оширади.
3. Хусусий хўжаликлар учун суғоришга бериладиган сув ҳақини ҳосилнинг 1/2 қисми миқдорида белгилаб, ундан 10% тини хазинага беради ва ҳ. к.

Шундай қилиб, хусусий капиталистлар ўртасида янги ер ўзлаштириш учун рақобат вужудга келади. Бу ҳолат рус маҳаллий маъмуриятида, умуман ўлка ерларини суғоришни капитал қўлига топшириб қўйишга шубҳа туғдиради. Бу кайфият шартнома лойиҳаси генерал-губернатор советида муҳокама қилинган вақтда очиқ намоян бўлди<sup>116</sup>.

Генерал-губернатор Г. Самсонов фикрича, давлат ихтиёрида кўпроқ ер фонди қолдириш лозим. Бунинг учун суғориш ишларини фақат давлат хазинаси ҳисобидан уюштириш керак<sup>117</sup>. Аке ҳолда, келажакда пахта экиладиган унумли ерлар хусусий шахслар қўлига ўтиб кетиши мумкин.

Муҳокама хулосалари, албатта, Россиядаги мавжуд шароит ва давр тақозосига мос тушмас эди. Ер ишлари бошқармаси бошлиғи Кривошеин барча муҳокама материалларини хулосалаб Россия

<sup>114</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 27, д. 1724, л. 1—6.

<sup>115</sup> Уша ерда, л. 3.

<sup>116</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 27, д. 657. Журнал совещания под председательством генерал-губернатора от 6—11 сентября 1912 г., л. 83—116.

<sup>117</sup> Уша ерда.

ҳукуматиға хат ёзиб юборад: «Мен ўз томонидан бу принципиал масала давлат ҳокимияти ёрдами билан хусусий ташаббускорликни жалб қилиш томонига ҳал бўлди деб ҳисоблайман. Шунинг билан бирга, менимча, хусусий ташаббускорликда худди мана шу серҳосил ва синалган пахта райони — Фарғона области ерларини суғоришга қизиқиш пайдо бўлишини кутиш табиий эди; ўйлайманки, модомики, шу вақтгача гап ва хоҳишлардан нарига силжимаётган бу эски масалада амалий ишга ўтишга интиладиган бўлсак, бу ишбилармонларнинг (яъни МОК ташаббускорларининг — С. Ж.) Фарғонага доир аризасини сўзсиз қувватлашимиз керак»<sup>118</sup>.

Муҳокама материаллари ва лойиҳалар, ушбу хат билан бирга кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим қилинди. 1912 йил декабрь ва 1913 йилининг биринчи уч ойи ичида бу шартнома лойиҳаси, унинг асосий текстлари бир неча марта муҳокама қилинади. Олий ҳукумат доирасида ҳам «Туркистонда суғориладиган ер майдонларини кўпайтириш ўлка экономикасини ривожлантириш шarti сифатида фақатгина маҳаллий аҳамиятга эга бўлмай, балки биринчи даражали давлат аҳамияти ҳам касб этади»<sup>119</sup>, — деб эътироф қилинадию, лекин Норин сувининг 1/5 қисмидан ортинга ҳукумат розилик бермайди. Шу билан бирга, бу ишлар давлат ерларини суғориш учун хусусий шахсларга концессияга бериш ҳақида алоҳида қонун тасдиқланиши билан албатта ва сўзсиз амалга оширилади деган қарорга келинади. МОК билан тузиладиган шартнома лойиҳаси 1913 йил апрелда тасдиқланади. Қонун лойиҳаси эса муҳокама натижалари билан бирга қўшиб давлат Думасига берилди.

Архив материаллари Туркистондаги рус маъмурияти доирасида ҳам ўлкада суғориш ишларини йирик сармоя эгалари — капиталистлар қўлига топшириб қўйишга норозилик бор эди деб, хулоса чиқаришга асос беради. Улар назарида бу гўё «давлат бойлигини ўғирлаш» билан баробар эди. Маҳаллий мутахассислар билан генерал-губернатор ўртасида эса ўлкада суғоришни қайси райондан бошлаш масаласида ҳам келишмовчилик мавжуд эди. 1912 йили Тошкентда бўлган пахтакорлар съездида мутахассислар ўртасида ҳам бу масала анча тортишувга сабаб бўлди. Сирдарё область ирригация мудирини инженер Ю. Ф. Бонч-Осмоловский суғоришни дастлаб Казалинскдан бошлашни талаб қилади. Тошкент атрофида ишлаган давлат қидирув партияси мудирини В. Чиков ва Мирзачўлда Николай I каналини кенгайтириш учун қидирув ишлари олиб бораётган инженер Чаевлар хазина ҳисобига Мирзачўлни суғоришни тугаллашни биринчи ўринга қўядилар<sup>120</sup>. Узоқ тортишувлардан сўнг съезд резолюциясига, умуман, Туркистонда Мирзачўл ва Фарғона ерлари биринчи навбатда суғорилиши маъқул деб ёзилади<sup>121</sup>.

<sup>118</sup> ЦГА УзССР, ф. И-1, оп. 657, л. 119—120.

<sup>119</sup> Ўша ерда. Выписка из особого журнала Совета Министров о разрешении частным предприятиям оросительных работ в Туркестанском крае, стр. 135.

<sup>120</sup> Труды съезда хлопководов в г. Ташкенте в декабре 1912 г. Ташкент, 1913, стр. 27—29, 89—93.

<sup>121</sup> Ўша ерда, 94-бет.

Марказда — Петербург ва Москвада эса рус капиталистик буржуазияси манфаатларини ҳимоя қилувчи кундалик матбуот органлари давлат хазинаси томонидан Мирзачўлда олиб борилаётган ирригация қурилиш ишларини танқид остига олиб, Москва суғориш компаниясига имтиёзлар беришни талаб қилаётган эди<sup>122</sup>.

Генерал-губернатор Г. Самсонов Мирзачўлда давлат хазинаси ҳисобига олиб борилаётган ишларни жўрттага намойиш қилиш учун махсус комиссия ташкил қилиб, Петербургдан Ер ишлари бошқармасининг бош начальнигини таклиф қилади. Туркистонлик кекса юрист-инженер, Фарғона ерларини суғоришининг оташини тарафдори Дингельштеттни Мирзачўлдаги ҳақиқий аҳволни министрлик вакилларига айтиб қўйишидан ҳайқиб, бир иш баҳонаси билан атайин Амударё бўлимига командировка қилади<sup>123</sup>. Инженер Чаев ўз чертёжларини қайта қараб чиқади. Мирзачўлдаги ишни бўрттириб кўрсатиш ва намойиш қилиш учун махсус кинематографист билан министрлик вакили — Кривошеин келиб, қурилишларни айланиб кўриб чиқиш маросимлари кино лентасига олинади. Булардан мақсад — Мирзачўлдаги қурилишнинг барча камчилик ва қийинчилик томонларини яшириб уни идеаллаштириб кўрсатиш эди. Шу муносабат билан «Русское слово» газетаси қуйидагиларни ёзган эди.

«Бироқ бу хил чиновник найранглари ишнинг моҳиятига ҳеч қандай ўзгариш ясамасди: Туркистонга шунча тилак ва умидлар боғлаган эдик, аммо давлат хазинаси унинг қоқ юрагида шунчалик аччиқ бир ош пиширдики, энди уни ўзи айланиб ҳам, ўргулиб ҳам еб-ичишга мажбур»<sup>124</sup>.

Суғориш масаласида рус жамоатчилиги орасидаги бундай ноаниқлик, икки хиллик, албатта, Дума фаолиятига ҳам таъсир қилмай қолмади. 1913 йил май ойидаги Дума мажлисига тайёрланган суғориш концессияси материаллари 1914 йил февраль мажлисига қолдирилди. Сўнгра Туркистондаги табиий сувлардан фойдаланиш ҳақида алоҳида қонун қабул қилинмагунча компаниялар билан шартнома тузилмайди, — деб эълон қилинди ва Дума ҳозирча «Туркистонда магистрал каналларни фақат давлат ҳисобидан чиқариш ҳақида» қарор қабул қилиш билан чегараланади<sup>125</sup>. Сув ҳақидаги қонун, гарчи асосий лойиҳаси тузилиб ўрганиш-текшириш учун тегишли комиссияга берилган бўлса ҳам, аммо у ҳали ҳукумат доираларида муҳокама босқинчида эди.

МОК арizasининг ҳал бўлиши энди узоққа чўзиларди. Шунинг учун А. Кузнецов 1913 йил охирида Учқўрғонда 10.000 десятина суғориладиган ерни бутунлай сотиб олиб иш бошлаш учун янги

<sup>122</sup> Қаранг: «Биржевые ведомости», 6 ноябрь 1912; «Голос Москвы», 2 марта 1912 г. «День» 25 октябры 1912 г. «Новое время», 9 ноябрь 1912 г., «Туркестанский курьер», 1913, 8/1 и т. д.

<sup>123</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 426, оп. 1, д. 767, л. 14.

<sup>124</sup> «Русское слово» (Петербург), 6 ноябрь 1912 г.

<sup>125</sup> «Средазягприводхлопок» институту архиви, 4-бўлим, инв. 10515, 45-бет.



ариза беради<sup>126</sup>. Унинг бу аризасини 1914 йил июнь ойида министрлар Совети ҳам тасдиқлайди. Кузнецов закази билан 10.000 десятина ерни суғориш учун К. Сиявский ва Г. К. Ризенкампфлар томонидан лойиҳа тузилади<sup>127</sup>. Лойиҳага кўра, бу ерда Нориндан 1 куб саржин сувга мўлжалланган 8—9 километр узунликда канал қавланиши керак эди. Аниқ техник лойиҳа ва смета тайёрланиб, 1915 йилдан қурилиш ишларига киришиш планлаштирилади. Бироқ жаҳон уруши бу ишларни бошлашга халақит берди.

Шундай қилиб, чоризм билан рус капиталистлари ўртасидаги янги ерларни ўзлаштириш ишини ташкил қилишга доир келишмовчиликлар, чор ҳукуматининг хусусий ташаббускорлар ҳаракатига бефарқ қарагани ва шунингдек, чор таъмурий идораларидаги сансалорчилик ва бюрократизм кайфиятлари Фарғона водийсида йирик ирригация иншоотлари қуриш ва катта майдонлардаги бўз ерларни ўзлаштириш планларининг амалга ошишига йўл бермади.

#### 4. Фарғона қидирув-лойиҳалаш партиясининг тузилиши

Туркистон ерларини суғориш ишига саноат капиталини жалб қилиш учун бўлган ҳаракат ҳукумат доиралари ва давлат Думасида чегаралаб қўйилиши давлатни ўз ҳисобидан қидирув ишлари олиб боришга мажбур қилди.

Москва суғориш компанияси қидирув ишига тайёрлик кўриб чет эл лойиҳалаш фирмалари билан хат ёзишиб юрган вақтдаёқ Чу водийсида текшириш ишлари олиб бораётган Умумтуркистон Давлат қидирув партиясининг бошлиғи инженер В. Семенов 1910 йил сентябрь ойининг охирида Мирзачўлда ва Фарғона областида ҳам хазина ҳисобидан қидирув-лойиҳалаш ишлари бошлаш ҳақида Петербургга хат ёзиб мурожаат қилган эди<sup>128</sup>. В. Семенов ўз фикрини қуйидагича асослайди: «Ўлкада рус мустамлакачилигини кенгайтириш ҳамда рус саноатини арзон пахта билан таъминлашга база яратиш мақсадларида Туркистон ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун, энди қатъий равишда эътироф қилинганидек, энг асосий шарт — суғориш ишларини кенгроқ йўлга қўйиш бўлиб қолди.

Пахтачиликдан манфаатдор бўлган капиталистик саноат доиралари бу соҳада энг истиқболли район — Фарғонада иш бошлаган ҳозирги вақтда, давлат томонидан ҳам йирик ер массивларида қидирув-лойиҳалаш ишлари олиб бормаслик — Туркистонни Рус империясига яқинлаштириш учун бу ерда рус фуқароларини жойлаштириш ва уларни ер билан таъминлаш каби мустамлакачилик сиёсати манфаатига мос тушмаган бўлур эди». «Фарғона водийси пахтачиликда энг қулай район бўлгани учун, — деб давом этади ўз

<sup>126</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 5001, л. 2—5.

<sup>127</sup> «Средазгипроводхлопок» институти архиви, 4-бўлим, инв. 10515, 31—49 ва 158—183-бетлар.

<sup>128</sup> ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 4867, л. 214—217.

хатида В. Семенов,— хусусий ташаббускорлар билан баробар хазина маблаги билан ҳам лойиҳалаш ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун Туркистон ер ишлари бошқармаси қошида Фарғона учун алоҳида қидирув-лойиҳалаш партияси ташкил қилиш керак»<sup>129</sup>.

В. Семенов фикрича, бўлажак партия 5 йил муддат ичида бутун водийнинг мавжуд ирригация тармоқларини ўрганиб лойиҳалаш ишларини тугаллаши мумкин. Янги партиянинг диққат марказида К. Синявскийнинг 300 верстли «Бош Фарғона канали» лойиҳаси туриши лозим. В. Семенов Фарғона партиясини 1912 йилдан қолдирмай тузишни таклиф қилади.

Фарғона водийсида давлат хазинаси ҳисобига қидирув ишлари олиб бориш идеяси генерал-губернаторга ҳам маъқул тушади. Келаси йили А. В. Кривошеинга ёзган хатида у шундай деган эди: «Бу ерда қидирув ишларининг олиб борилиши менга тобе ўлканинг иқтисодий тараққиёти ва фаровонлиги учун катта аҳамиятга эга бўлади»<sup>130</sup>.

Фарғонада қидирув ишлари бошлашдан олдин илгари ўтказилган текшириш материалларини бир ерга тўплаб, комплекс равишда ўрганиб чиқиш ва шу асосда бўладиган қидирув партиясининг бевосита амалий ишига йўналиш нуқтаси бериш керак эди. Бу текшириш материаллари шу вақтгача бир тартибга келтирилмасдан, марказий ва маҳаллий муассаса архивларида ётарди.

1911 йилдан Умумтуркистон қидирув партияси бошлиғи В. Семенов ва инженер Зевальд, область ирригация мудирини К. Синявский ёрдами билан 1895 йилдан бошлаб Фарғонада ўтказилган қидирув-текшириш материаллари, чертёж-схемалар тўплашга киришадилар.

Тўпланган материаллар асосида Фарғона ирригациясининг истиқболи ҳақида умумий бўлса ҳам схематик план тузилади. Бу планга кўра Фарғонанинг жануби-шарқидаги 300 минг десятинадан ортиқ ер массивини суғориш учун Қорадарёнинг суви кифоя қилмайди. Шунинг учун Нориндан фойдаланиш керак. Бироқ келажакда Мирзачўлда ҳам йирик масштабда суғориш ишлари мўлжалланганини назарга олиб, Фарғонада бундан буёнги қидирув-лойиҳалаш ишлари икки йўлдан бориши мумкин эди:

1. Водий жанубидан оқиб тушадиган тоғ дарёлари асосига қурилган барча мустақил суғорув системаларини ва Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улугнор каби энг йирик маҳаллий ирригация системаларини такомиллаштириш йўли билан мавжуд сув миқдоридан иқтисод қилиб, тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига ҳам янги ер массивларини суғориш.

2. Қорадарёнинг юқорисида — бирон қулай жойда сув омбори қуриб запас сув тўплаш ва унинг ҳисобига янги ерлар ўзлаштириш<sup>131</sup>.

<sup>129</sup> Уша ерда, л. 216.

<sup>130</sup> Уша ерда, л. 4882, л. 125.

<sup>131</sup> Уша ерда, л. 4916, л. 24.

Ниҳоят, 1913 йил март ойида Фарғона область ирригация қидирув-лойиҳалаш партияси ташкил қилиниб, унга петербургли ёш инженер Н. Н. Епанчин бошлиқ қилиб тайинланади\*. Бир вақтда бутун Сирдарё бассейнида давлат ҳисобига комплекс-қидирув ишлари олиб бориш учун ягона партия ҳам тузилиб унга бошлиқ қилиб, кейинча мамлакатимизда энг атоқли гидротехник ва гидроэнергетик бўлиб етишган петербургли профессор-инженер Иван Гаврилович Александров таклиф қилинади. Туркистондаги суғориш ишларига марказдан йирик мутахассисларни жалб қилиш, албатта, бежиз эмас эди. Магистрал каналлар ўтказиш ва янги ерларни суғориш учун хусусий капиталистларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланмаганидан сўнг ҳукуматнинг ўзи бу ишга қўл урар экан, бундай қатта гадбирни энди галаба билан амалга оширишни ҳам таъминлаши зарур эди. Москва суғориш компаниясининг закази билан бу ерда қидирув ишлари олиб борган чет эл фирмаларининг кўз ўнгида ҳам ишнинг бошланишидаёқ маълумотли ва тажрибали мутахассисларнинг жалб қилиниши бу планларни муваффақият билан амалга оширишга ғаров бўлиши мумкин эди. Умуман, ўша йили Туркистонга Петербург ва Москвадан Ер ишлари министрлиги томонидан анчагина инженер кадрлар юборилган эди. Жумладан, Фарғона партиясида ишлаш учун С. А. Коген, Ф. Д. Агапов, Д. А. Волжин, Д. А. Губанов, М. И. Красногладов каби инженер-экономистлар ҳам юборилган.

Машҳур совет гидротехниги, Ўрта Осиё (ҳозирги Тошкент) Давлат университетининг биринчи профессорларидан, кейинча академик И. Г. Александров Фарғона водийси суғориш проблемасини ҳал қилишда ўзининг иккита муҳим лойиҳаси билан иштирок этди (Александров лойиҳалари устида биз кейинроқ тўхталамиз).

Петербург технология институтини битирган, Фарғона водийсининг ирригация проблемасини ҳал қилишда ўзининг тўрт йиллик текшириш ишлари ва мазмуни планлари билан иштирок этган талантили инженер Н. Епанчиннинг номи унутилиб юборилганлигига таассуф билдирмай илож йўқ. Унинг Ленинградда топилган шахсий материаллари<sup>132</sup> Н. Епанчин меҳнат фаолиятининг Фарғона ирригацияси билан нақадар яқиндан боғлиқ эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Н. Епанчин бошлиқ қидирув партияси геологик, иқтисодий-статистик, геодезия, агрономия, тупроқшунослик ва гидрометрия отрядларидан иборат эди. У чет эл ирригация қурилиши билан танишиш ва улاردан Туркистон шароитларида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун Миер ва Ҳиндистонга махсус командировкага юборилди<sup>133</sup>. Илгари К. Сняевский таклиф қилган «Бош Фарғона канали» лойиҳаси устида тупроқшунослик ва геодезия отрядлари Учқўрғон ва Қорақалпоқ чўлларида жуда актив текши-

\* ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 456, л. 4.

<sup>132</sup> Уша ерда, ф. 937, личный архив Епанчина (Бу шахсий архив 1959 йили топилган).

<sup>133</sup> Уша ерда, оп. 1, д. 75, л. 9.

риш ишлари олиб борди, унга бир қанча аниқликлар киритди.

Н. Епанчин фикрича, Синявский канали Учқўрғон чўлининг шарқий томонини айланиб Тешиктошда Қорадарёдан ўтгунча анчагина сувини сарфлаб қўйиши мумкин. Агар Учқўрғон чўлининг баланд қисмларини машина билан суғориш планлаштирилса, бош каналнинг Учқўрғон қисми икки баробар қисқаради. У ҳолда Норин каналининг бош тўғони бевосита Учқўрғондан сал юқорироқ пунктда қурилади-да, жануби-ғарбга, сўнг тўғри жануб томонга йўналиб, Туячи қишлоғидан ва Пойтуғни шарқ томондан айланиб, Майғир билан Куйганёр ўртасида Қорадарёдан акведук орқали



Николай Николаевич Епанчин.

ўтади. Дарёнинг чап томонида канал Петров канали билан параллель равишда Шаҳрихонгача келиб, Марғилоннинг шимолидан айланиб ўтади, Вановская станцияси атрофида темир йўлнинг жануб томонидан бироз давом этиб, сўнг яна йўлни шимол томонга қирқиб ўтади, Қўқоннинг шимолидан айланиб, Хужанд томон давом этади ва ташламаси Сирдарёга қўйилади. Канал 24 куб саржин сувга мўлжалланиб<sup>134</sup>, 230 минг десятинадан ортиқ давлат ери ва 100 минг десятинадан ортиқроқ хусусий бўз ерларни суғориш имконини беради. Н. Епанчин фикрича, бу — «Ўрта Осиёда энг буюк ва энг мураккаб канал бўлади.

Ушбу канал бемалол Панжобадаги инглиз ирригация техникасининг фахри ҳисобланган энг йирик ҳинд каналлари қаторида туриши»<sup>135</sup>. Н. Епанчиннинг шахсан ўзи Қорадарёда қуриладиган акведук схемасини тайёрлашга киришади.

Лекин Норин сувидан Фарғонага олинка, Сирдарё суви Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун кифоя қилмай қолармикан деган машғум ваҳима ҳукумат доираларида Фарғона проблемасига ҳамон соя ташлаб турар эди. Шунинг учун Ёр ишлари бошқармаси олдида Сирдарёнинг сув резервларини кўпайтириш йўлларини топиш ва сўнгра янги лойиҳалар тузиш вазифаси турарди. Сирдарё бассейнидаги қидирув партияга Норин ва Қорадарёнинг юқори қисмида сув омборлари қуриш учун текшириш ишлари олиб бориш

<sup>134</sup> Уша ерда, л. 11.

<sup>135</sup> Уша ерда.

топширилган эди<sup>136</sup>. Шу муносабат билан Фарғонада қидирув партиясининг асосий вазифалари қуйидагича белгиланади:

1. Фарғонада ҳозир суғорилаётган ва суғориш мумкин бўлган ерлар ҳақида аниқ маълумотлар тўплаш ва уни ўрганиш.

2. Водийдаги асосий дарёларнинг режимини ўрганиш.

3. Суғориладиган районларнинг тупроқ таркибини ўрганиш.

4. Мавжуд ирригация системаларини планли равишда қайта қуриш учун лойиҳалар тузиш.

5. Маҳаллий ирригация тармоқларидан унумли фойдаланиш ҳисобига янги ерларни ўзлаштиришнинг асосий схемасини тузиш<sup>137</sup>.

1914 йилдан бошлаб Н. Епанчин партияси асосий диққат-эътиборни маҳаллий ирригация системаларини ўрганиш масаласига қаратади. Деярли барча дарёларни текшириш учун (асосан жануб ва шарқ томондаги дарёлар) кичик гуруҳлардан иборат махсус отрядлар тузилади. Н. Епанчин партияси фаолиятининг бу иши, айниқса, диққатга сазовордир.

Давлат ҳисобидан Фарғона ерларини суғориш ва мавжуд суғориш системалари ишини тубдан яхшилаш масаласини жиждий равишда хал қилишга киришилиши муносабати билан суғориш иқтисодий натижаларининг рентабеллигини аниқлаш иши ҳам аҳамиятга эга эди. Бундан ташқари, партия бошлиғи Н. Епанчиннинг фикрича, Фарғонадаги янги суғориладиган ерлар Мирзачўлдаги каби бир бутун яхлит бўлмай, атрофдан эскидан суғорилаётган районлар билан ўраб олинганлиги назарга олинса, қидирув партиясининг вазифаси маҳаллий системаларнинг суғориш ҳолатларини яхшилаш, сувдан фойдаланишнинг мавжуд традицион қондаларини асосли равишда ўрганишдан иборат деган хулосага келиш мумкин<sup>138</sup>. Шу мақсадда инженер-экономист С. А. Коген бошлиқ махсус гуруҳ 1915 йилдан бошлаб ҳар бир райондаги суғориш системаларини иқтисодий анализ қилиш, сувдан фойдаланиш қондаларини ўрганиш билан шуғулланади.

Бу—илмий ва амалий моҳияти жиҳатдан жуда муҳим иш эди. С. А. Коген: «...халқ хўжалигининг бу соҳаси илмий жиҳатдан ёритилишини тақозо қилар эди; суғориш лойиҳаларининг муваффақиятли амалга ошиши ҳам оқибатда назарий ва амалий ходимларнинг бу ишга қанчалик жалб қилинганлигига боғлиқ бўлади...»<sup>139</sup>— деб ҳисобларди.

Бу иш қуйидаги масалалар комплексини ўз ичига олади:

- Деҳқончилик, ер ва сувдан фойдаланиш;
- Деҳқончилик экишлари ва деҳқончилик техникаси;
- Сув тақсими ва сувдан фойдаланиш;
- Суғориш техникаси ва суғориш экономикаси;

<sup>136</sup> Уша ерда, л. 9.

<sup>137</sup> Уша ерда, д. 420, л. 434.

<sup>138</sup> Н. Епанчин. Изыскания по орошению Ферганской области. «Ежегодник Отдела земельных улучшений за 1915 г.». Спб., 1917, стр. 203

<sup>139</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 464, л. 4.

Сувдан фойдаланиш бўлими бўйича маҳаллий идоралар билан келишилган ҳолда текшириш учун қуйидаги программа асос қилиб олинади:

а) ҳар бир асосий ариқ ҳақида техникавий справка;

б) сув тақсимоти;

в) бўлоқ сувлар ҳақида;

г) ирригация иншоотларини сақлаш тартиблари;

д) сув тақсимотидаги жанжаллар ҳақида;

е) суғориш муддатлари тўғрисида;

ж) канал ва ариқларнинг таштамалари;

з) ариқларга қурилган кустар сакоат корхоналари ҳақида;

и) ариқнинг техникавий камчилликлари<sup>140</sup> (Бу пунктларнинг ҳар бири яна бир неча саволлардан иборат эди).

Шу программа асосида 1914—1916 йиллари бутун Фарғона областининг катта-кичик суғориш тармоқлари бўйича жуда кўп қимматбаҳо материаллар тўпланди. Бу — чоризм ҳокимияти даврида маҳаллий ирригация ишларини биринчи марта комплекс равишда батафсил ўрганишга қаратилган илмий экспедиция даражасидаги иш эди. Маҳаллий ирригацияга доир материаллар рус ҳокимиятининг шу кундаги мақсади (масалан сувдан фойдаланиш қонуни) учун зарур бўладиган даражадан ҳам кўп ва кенг масштабда тўпланган эди. Саволларга жавоб олишда ҳар бир қишлоқда суғорув системаси бўйича ариқ оқсоқоллари, мироблар ва маҳаллий қариялар тақлиф қилинади.

Тўпланган материаллар 1916 йилдан системалаштирилиб, кейинги йилларда бир неча китоб қилиб нашр этиш мўлжалланган эди<sup>141</sup>. Аммо материалларнинг энг кўпи группа бошлиғи С. А. Коген оқ гвардиячилар томоғидан 1918 йили ўлдирилгандан сўнг йўқолган. Фақат бир қисмигина — янги ташкил топаётган Туркистон сув ишлари бошқармасига бериш учун мўлжалланган қисми — Ленинграддаги СССР давлат архивида сақланиб қолган. Бу материаллар маҳаллий сув хўжалигини ўрганишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматли дастаклардир.

Бундан ташқари, Фарғона қидирув партияси маҳаллий ирригация иншоотларини қайта қуриш юзасидан ҳам анчагина текшириш ишлари олиб борди. Н. Еланчин шахсий архивида Фарғона ирригациясининг перспективасига доир доклад тексти сақланган<sup>142</sup>. Автор неча асрлардан буён авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолган ва ҳар доим тақомиллашиб турган тажриба асосига қурилган маҳаллий ирригация системасини инженер типда қайта қуриш учун жуда кўп тайёргарлик кўриш зарур деб ҳисоблайди. У ёзадики: «Сувдан фойдаланишнинг асрлар давомида пайдо бўлган, аҳолини сув ва деҳқончилик ҳосили билан таъминлаб турган қадимий тартибни бузиб ташлаш маърифатли ҳокимият ниятларига мос

<sup>140</sup> Н. Еланчин. Кўрсатилган асар, 210-бет.

<sup>141</sup> ЦГА УэССР, ф. И-7, оп. 1, д. 5015, л. 4.

<sup>142</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 937, оп. 1, д. 75, л. 3—11.

тушмайди, аббатта»<sup>143</sup>. Бу ишни аста-аста бажариш лозим. Аввал сувга камчил системаларда, масалан, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх, Мойлисой системаларида амалга ошириш, бу системаларда сув тақсимоти масаласига жиддий эътибор бериш керак. Епанчин планига кўра, барча маҳаллий ирригация тармоқларини қайта қуриш иши 30 йилга мўлжалланади. Сув омборлари қуриш мумкин деб топилган жойларда 1915 йилдан асосий қидирув ишлари бошлаб, уни 1917 йилга тамомлаш зарур, сўнг биринчи сув омборини 1919 йили ишга тушириш мумкин<sup>144</sup>. 30-йилларгача энг зарур, кам сувли системаларда қайта қуриш ишларини тугалласа бўлади.

Н. Епанчин Кампирравот тўғонини қайта қуришни таклиф қилиб, унинг биринчи схемасини ўзи ишлайди<sup>145</sup>. У бошлиқ қидирув партияси биринчи жаҳон уруши бошланганда ҳам ишни тўхтатмади. 1915—1916 йиллари Фарғона водийсининг шарқий районларидаги Мойлисой, Моссисой, Қораунгур, Чанкент, Кугарт каби майда тоғ дарёларининг юқори қисмларида кичик ҳажмдаги сув омборлари қуриш мақсадида кенг геологик текшириш ишлари олиб борилади.

Умуман, бутун Фарғона водийсида майда сув омбори қуриш мумкин бўлган 30 та қулай жой аниқланиб, кўпчилиги ўрганилади<sup>146</sup>.

Бироқ, жаҳон уруши йиллари қидирув партиялари учун ажратиладиган маблағ кескин камайиб кетиши натижасида Фарғона ирригация-қидирув партияси тузишдан қутулган мақсад тўла амалга ошмай қолади.

Фарғона ерларини суғориш масаласини ҳал қилишда иштирок этган йирик мутахассислардан бири, Сирдарё бассейнида қидирув ишлари олиб борувчи партиянинг бошлиғи профессор И. Г. Александров эди.

Фарғона водийсидан бошлаб то Қазалинскгача бўлган ерларда Сирдарё суви билан жуда катта ер массивларини суғориш муаммосини ҳал қилиш, асосий саноат хом ашёси — пахта етиштиришни кўлайтириш ва ўлкани колонизация қилиш учун янги ер фондлари ташкил қилиш каби проблема чор Россиянинг Туркистонда амалга ошириляётган бош сиёсатида энг муҳим ўрин эгаллар эди. Сирдарё қидирув партиясига петербургли профессорни бошлиқ қилиб тайинлашнинг боиси ҳам шунда эди. И. Г. Александров 1901 йили Москвадаги Олий техника билим юрти (ҳозирги Бауман номли Олий Техника Билим юрти)ни битириб, 1912 йилгача Оренбург—Тошкент темир йўл қурилиши, Москвадаги йирик кўприклар лойиҳалаш муассасаси, Петербург металлургия заводи ва бошқа жойларда инженер, бош инженер вазифаларида ишлай-

<sup>143</sup> Уша ерда, л. 6.

<sup>144</sup> У кичик ҳажмли сув омборлари қуришни кўзда тутати, масалан, Кампирравот юқорисидан бир неча сув омборлари қуриш мумкин. Уша ерда.

<sup>145</sup> ЦГА УзССР, ф. 7, оп. 1, д. 4947, л. 33.

<sup>146</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 457, л. 32.

ди<sup>147</sup>. Сўнг Петербург хотин-қизлар политехника мактабига профессор қилиб тайинланади. 1912 йили эса Ер ишлари министрлиги томонидан Туркистонга ишга таклиф қилиниб, И. Г. Александровнинг ирригатор-гидротехниклик фаолияти бошланади. 1913 йил бошида Сирдарё қидирув партиясига бошлиқ қилиб тайинланиб, биринчи марта Фарғонага келади.

Фарғона водийсидаги буз ерларни суғориш учун шу вақтгача тузилган лойиҳаларда водийнинг жануби-шарқий томонига Қорадарёдан махсус акведук орқали ўтадиган Норин суви кўзда тутилган эди.

И. Г. Александров барча лойиҳалардан бутунлай фарқ қиладиган, 200 минг десятинадан ортиқ ерни фақат Қорадарё суви билан суғориш лойиҳасини ишлайди. Норин эса, Мирзачўл ерларини суғоришга қолдирилади. Табиийки, Қорадарё суви Фарғона ерларини суғоришга кифоя қилмасди. Шунинг учун Туркистон ирригацияси тарихида биринчи марта Кампирравот дарасида сув омбори қуришни таклиф қилади.

• 1913 йилнинг май ойидан бошлаб машҳур рус геологи Д. И. Мүшкетов Қорадарё бассейнини геологик текшириш учун таклиф қилинади<sup>148</sup>. Олимнинг текшириш натижаларидан Кампирравот сув омбори қуриш ҳақидаги лойиҳада ҳам фойдаланилди.

И. Г. Александров ва унинг партиясини томонидан олиб борилган қидирув ишлари асосан ёз ойларида муттасил 5 йил давом этди. Ҳар йили октябрда Петербургга қайтиб, тўпланган материаллар синчиклаб ўрганилди.

1917 йили қидирув ишларини тугаллаб И. Г. Александров Фарғона водийсининг жануби-шарқий қисминини суғориш лойиҳасини тайёрлайди. Лойиҳага биноан, фақат Қорадарё сувини тартибга солиш ва жанубдан — Олой тизмасидан бош оладиган Оқбўра, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх дарёларига янги магистрал каналдан кўшимча сув бериш билан ярим миллион десятина ерни суғориш мумкин. Бунинг учун навбат билан иккита энг муҳим ирригация иншооти қуриш лозим: бири, Қорадарё юқорисида сув омбори қуриш, иккинчиси, водийнинг жануби-шарқидан ғарбга томон магистрал канал чиқариш.

Қорадарёга Қуршоб тармоғи қўшилгандан сўнг дарёнинг кенг водийга чиқиш олдидаги тоғ дарасини И. Г. Александров «нисбатан қулайлик билан тўғон қуришга ва жуда кўп сув резервуари тўплашга имкон берадиган»<sup>149</sup> жой деб ҳисоблайди. И. Г. Александров лойиҳасига кўра, жануби-шарқий Фарғонада янги магистрал канали орқали фақат сув омбори ҳисобига 347800 десятина ер суғориш мўлжалланади. Автор ҳисобича, бу ерни суғориш учун фильтрация ва буғланишни ҳисобга олганда ҳам бир йилда

<sup>147</sup> И. Б. Файнбоим. Иван Гаврилович Александров, М., 1955, стр. 17—19.

<sup>148</sup> ЦГИАЛ СССР, ф. 432, оп. 1, д. 189, л. 40.

<sup>149</sup> И. Г. Александров. Проект орошения Юго-Восточной Ферганы, М., 1924, стр. 225 (Бундан кейин қавс ичида асарнинг бети кўрсатилади).



380 миллион куб саржин сув зарур. Қорадарёнинг йиллик сув миқдори эса 402 миллион 900 минг куб саржинга тенгдир.


Шунинг учун Кампирравот сув омборини Олой тизмасидан бошланадиган сувга камчил системаларга қарашли ерлардан ҳам 20—30 минг десятинасини суғорадиган қилиб қурвишни таклиф қилади.

Қорадарёнинг Шаҳрихонсой тўғонидан юқорироқ қисмида тоғ оралиғида трапеция шаклида тўғон қурилади. Тўғон баландлиги дарё тубидан ҳисобланганда 41 саржин бўлади (226). Ер ости қисми эса тахминан 8 саржинга мўлжалланади. Тўғон энг остки қисмида 125 саржин, энг юқори қисмида 1,5 саржинга баробар бўлади.

Сўнгра Кампирравот сув омборидан Шаҳрихонсойнинг чап соҳили бўйлаб адир этаклари орқали ғарб томон, барча жанубий дарёларни қирқиб ўтувчи катта магистрал канал бошланади. Магистрал канал, лойиҳага кўра, 5 верстча Шаҳрихонсойнинг мавжуд ўзани орқали оқади, сўнг секин-аста ундан узоқлашиб, жануби-ғарб томонга йўналади (6-расм). 27-верстдан сўнг Оқбўра системаси ариқларини қирқиб ўтади. 37-верстда эса махсус қурилган акведук билан Оқбўрадан ўтади. Шу ердан канал жануб томон бурилиб Мана қишлоғига келади. Сўнгра Чилмаҳрам тоғининг ён бағирларидан ўтиб, бу ерларда ҳар верстга биттадан 3 та шаршара қурилади. 62-верстда Аравон водийсига тушади. Акведук орқали Аравонсойдан ўтиб, сўнг яна жануби-ғарбга йўналишда давом этади. 76-верстда катта шаршара билан сув 13—38 саржин пастга тушади. Шу нуқтадан деярли тўғри бурчак ясаб канал ғарбга бурилади ва Қува воҳасига киради. 35-верстгача темир йўл билан параллель давом этиб, Марғилон шаҳрининг жанубидан ўтади. Файзободга яқинлашганда канал трассаси темир йўлдан узоқлашиб жанубга бурилади. Исфайрам ва Шоҳимардон системаларига қарашли бир неча ариқларни қирқиб, 175-верстдан сўнг Риштонга киради, ва шимоли-ғарбга бурилади. Риштондан пастроқда канал 12 саржин баландликдан махсус шаршарадан тушиб Сўх системаси районига киради. 199-верстда Андижон—Қўқон темир йўлини қирқиб ўтиб, шимол томонга бурилади ва Қўқон атрофида—205-верстда канал шимоли-шарқ томонга сўнгги тармоқ ажратиб, сўнг зовурга айланади. Этаги Шўр қишлоқ олдида Сирдарёга тушади. Каналнинг Кампирравотдан Сирдарёгача узунлиги 230 верст бўлади (ёки 244 километрга яқин).

Магистрал канал Кампирравот сув омборидан Қўқонга қадар ўзидан жанубга томон 7 та катта-кичик суғорув тармоғи ажратади:

1. Кампирравотдан 4 верст пастроқда Оқмачит тармоғи. У дарёнинг ўнг қирроғи бўйлаб оқиб, Қум қишлоқ, Мундус каби Кампирравот пастида дарёнинг ўнг томонидаги ариқларга тобе 12250 десятина ерни сув билан таъминлаб, сўнг пастроқда акведук билан дарёнинг чап томонидаги Оқмачит жамоаси ерларига ўтади.



6-расм. Фаргона водийенинг жануби-шарқий районларини суғорини схемаси. 1) тўғон; 2) К. Н. Синявский канали; 3) И. Г. Александров канали; 4) Кампирраот сув омбори; 5) электростанция.

Тармоқ ҳаммаси бўлиб 13680 десятина ерни суғоришга мўлжалланади (183).

2. Кампирравот сув омборидан 15 верст пастда Андижонсойга қўшимча сув берувчи тармоқ. У, биринчидан, Ойим қишлоқнинг пастдаги Тешиктош узелидан бошланган Душан, Хампал, Қорақалпоқ каби ариқларни сув билан таъминлаши, иккинчидан, дарёнинг унги бетигаги Тентаксой ва Мойлисой каби кам сувли системаларга қўшимча сув бериб, уларнинг суғориш қобилиятини ошириши лозим. Магистрал каналдан Андижонсойга берилган сув Қорасув қишлоғининг пастроғида Полвон ариғи орқали адир бўйлаб Қорадарё бўйига чиқади, юқорида санаб ўтилган ариқларга ўртача 7800 десятина ерни суғоришга етадиган миқдорда сув бериб, қолгани шу жойда акведук орқали дарёнинг унги қирғоғига ўтади. Унги томонда Насриддинбек ариғи билан оқиб, унинг этаги фарбда — Мойлисой системаси районидаги Лўғимбек қишлоғида туғалланади.

Магистрал каналнинг бу тармоғи Мойлисой ва Қўқон қишлоқ атрофларида 37400 десятина ерни сув билан таъминлаши мўлжалланади.

3. 36-верстда Хўжаобод ва Жалақудуқ ерларини суғориш учун магистрал каналдан яна бир тармоқ ажралади. Бу тармоқ билан 20320 десятина суғорилади.

4. 65-верстда — Аравонсой рудхонасида Шаҳрихонсойга сув берувчи тармоқ бўлиши лозим. Лойиҳада, умуман, Шаҳрихонсойнинг Кулла қишлоғидан юқори қисмидан фойдаланмаслик мумкин эмаслигини деган мулоҳаза ҳам мавжуд. Бу тақдирда Кулланинг юқорисинда Шаҳрихонсойдан суғориладиган ер массивлари учун магистралдан майда ариқлар лойиҳалаштирилади. Унда канал сметаси анча ортади. Лекин авторнинг анча асосли равишда қилган иқтисодий мулоҳазаларига кўра, Шаҳрихонсой 65 верстга қисқарса, биринчидан, ҳар йили унинг ременти учун бўладиган моддий харажат тежаллади, иккинчидан, Шаҳрихонсой суви ҳам магистрал каналга йўналиши натижасида ушбу участкада гидроэлектростанциялар қуриш учун сувнинг потенциал қуввати ортади (184).

Шаҳрихонсой боши Аравонсой поймасига кўчирилганда Асакада ундан бошланадиган Исо Авлиё ариғини каналга айлантириб, Ёзёвонгача олиб бориш назарда тутилади. Бу ариқдан суғориладиган Ёзёвон ерлари ҳисобга олинмаса, Шаҳрихонсой 42610 десятина майдонни суғориши керак.

5. Исфайрамсойнинг Марғилондаги сўнги ариғи ўрнида каналдан Ёзёвон тармоғи қурилади, ундан 43400 десятина ер суғорилади. Шарқ томондан Исо Авлиё канали ва жанубдан Ёзёвон тармоғи билан Марказий Фарғона ерларининг Шаҳрихон—Марғилон ва Ёзёвоннинг фарбий этаклари ўртасидаги қисмини суғориш планлаштирилади. Бу районнинг шимол қисмлари, яъни Балиқчи, Мингбулоқ атрофидаги бўз массивлар эса Улуғнор ва Балиқчи каналларига Андижонсойдан сув ўтказиш билан ўзлаштирилади.

Бунинг учун Андижонсойнинг шимолидаги Йўлчи ариғи кенгайтирилади ва махсус канал билан Улуғнорга қўшилади. Натижада Андижонсойнинг суғориш қобилияти ортиб, 88390 десятинага етади.

6. Магистрал каналнинг 185-верстида, Риштон қишлоғининг пастидан шимоли-шарққа томон 55100 десятина ерни ўзлаштиришга мўлжалланган Зодион тармоғи тортилади.

7. Қўқондан 2 верст пастда шарқ томонга Янгиқўрғон ва Найман тармоқлари тортилади. Биринчиси 8850 десятина, иккинчиси 38043 десятина ер суғоришга мўлжалланади. Сўнги тармоқлар билан Марказий Фарғонанинг Қўқонга туташ бўлган гарбий районларини суғориш, шунингдек, Қўқоннинг шарқий даҳасидаги кам сувли Сўх системасига қарашли ерларни ҳам сув билан етарли таъминлаш кўзда тутилади.

Шундай қилиб, И. Г. Александров лойиҳасига биноан, магистрал канал билан планлаштирилган 475 минг десятина (аниғи 474567 десятина) ердан 347793 десятиначи янги магистрал каналнинг Қорадарё суви ҳисобидан, қолгани каналга келиб қўшилган бошқа майда дарёлар ҳисобидан суғорилади (193). Пандадаги 475 минг десятинадан 220 минги бутунлай янгидан ўзлаштирилади. Ушбу ерлар табиий сув манбалари районида қуйидагича тақсимланади (Десятина):

<i>Сув ҳавзалари</i>	<i>Суғорилаётган ерлар</i>	<i>Янгидан суғорилабизган ерлар</i>	<i>Жами</i>
Қорадарё ҳавзасида	145 000	65 000	210 0070
Олой тоғи дарёлари ҳавзасида	60 000	50 000	110 000
Сўх системаси районларида	50 000	20 000	70 000
Қорақояпоқ чўлида	—	85 000	85 000
Ҳаммаси	255 000	220 000	475 000

Дарёлардаги мавжуд сув миқдори масаласида қидирув партиясининг гидрометрик отряди 1913—14 йиллари ўтказган ҳисобга қараганда, магистрал канал қирқиб ўтган дарёларда, канал юқорисидаги ерларни суғоришдан ортган сув миқдори қуйидагича (ўртача йиллик оқими) (182):

<i>Дарёлар</i>	<i>Миллион куб. саржим</i>
Оқбўра	23,8
Аравон	14,3
Исфайрам	34,0
Шоҳимардон	юқорида тугайди
Сўх	113,9
Тентаксой (Қораунгур)	11,65
Мойилсой	9,01
Ҳаммаси	206,66
Қорадарё	402,9
Жами	609,560

Бу сув билан йилига фақат пахта суғоришдаги гидромодул ҳисоби олинса, ўртача 520 миң десятина ер суғориш мумкин. Демак, И. Г. Александров хулосасига қараганда, дарёларнинг ўртача йиллик минимал сув миқдори планлаштирилган ерларни суғоришга бемалол етади.

Кампирравот сув омбори ва магистрал канал қуриш лойиҳа бўйича уч навбат билан амалга оширилади. Биринчи навбатда, магистрал канал Аравонсой поймасигача қазилади (65 верст), Андижонсой, Шаҳрихонсой тўғонлари инженер типда қайта қурилади. Шунингдек, дарёнинг ўнг томонидаги Хонобод ариғи, чап томонда каналнинг Оқмачит тармоғида сув тақсимловчи шлюз-тўғонлар қурилади. Андижонсой орқали Улуғнорга сув бериш учун Йўлчи ариқ кенгайтирилади. Қорадарёнинг ўнг соҳилидаги Тентаксой ва Мойлисоёларга тобе ерларни суғориш учун Насриддинбек ариғи кенгайтирилиб узайтирилади. Магистрал канал сувидан дарёнинг ўнг томониغا олиб ўтиш учун Тешиктошда инженер типда акведук нов қурилади. Барча ишлар 5 йилга мўлжалланиб, 210 миң десятина ерни суғоришга имкон беради.

Биринчи навбатдаги қурилиш ишлари бошлангандан икки-уч йил кейин сув омбори қуришга киришилади ва беш йил ичида тугалланади (205—206).

Иккинчи навбатда, магистрал канал Шоҳимардонсой билан кесишган қисмигача, яъни 150 верст масофада қазилади. Шунингдек, Аравон, Исфайрам, Шоҳимардонсойларнинг канал билан кесишган қисмларида дарёлардаги қолдиқ сувларни каналга қўшиб олиш учун бир қанча майда иншоотлар қуриш назарда тутилади, иккинчи навбатдаги ишлар уч йилда тугалланади ва 110 миң десятина ер суғорилади.

Учинчи — сўнги навбат 4 йилга мўлжалланиб, магистрал канал Сирдарёгача давом эттирилади, бунда Сўх системаси қайта қурилиб, Қорақалпоқ чўлининг ғарбий районларини суғорувчи Зодион, Янги-қўрғон, Найман тармоқлари қуриб битказилади. Натижада яна 150000 десятина ер оборотга тушди.

Демак, мазкур лойиҳага асосан, Фарғона водийсининг жануби-шарқий районларидаги асосий ер массивларини суғориш каби XX аср бошидан кун тартибига қўйилган муаммо Кампирравотда сув омбори қурилиб Қорадарё режимини тартибга солиш йўли билан ҳал қилинар эди. Бу лойиҳанинг кўзга ташланиб турадиган оригинал томони — Фарғона водийсининг асосий суғорма деҳқончилик райони бўлган шарқи-жанубдаги барча суғорув системалари битта марказий манбадан таъминланишга қаратилганди. Революциядан илгари Фарғона ирригацияси устида ишлаган мутахассислар ичида И. Г. Александров мавжуд сув ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш билан бирга, суғориш каналларини комплекс равишда ҳал қилишга қаратилган инженер-олимлик идеяси билан алоҳида ажралиб туради. Муаллифнинг ўзи таъкидлашича, у таклиф қилган лойиҳа илгари тузилган лойиҳаларга қараганда бирмунча ижобий афзалликларга эга:

1. Фаргона водийсидаги кўзда тутилган ва суғориш мумкин бўлган асосий буз ерлар фақат Қорадарё суви билан суғорилади. Норин дарёсининг суви эса Мирзачўл ва Далварзин чўлларини ўзлаштириш учун қолади. Бу ҳолда барча суғориш системаларини бошқариш марказлашиб, мавжуд сувдан максимал фойдаланишга эришилади.

2. Магистрал каналларнинг узунлиги қисқаради, натижада сувнинг бефойда фильтрация ва буғланиш билан озайишининг олди олинади.

3. Норин сувини олиб ўтиш учун Қорадарёда қуриладиган ақведук зарурияти йўқолади.

4. Магистрал канал трассаси илгари тузилган лойиҳалардаги каналларга қараганда водийнинг юқорисидан — жануб томондан ўтади, натижада каналнинг суғориш зонаси анча кенгайди, сувдан фойдаланишни тартибга солиш осонлашади.

5. Оқбўра, Аравон, Исфайрам, Шоҳимардон каби кам сувли системаларнинг пастки участкалари янги канал таъминотига ўтади. Бу маҳаллий суғориш системаларининг суғориш ҳолатини яхшилашда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўриндир<sup>150</sup>.

И. Г. Александров лойиҳасининг афзаллиги ва аҳамияти булар билан тугамайди. Унинг яна бир муҳим томони — магистрал каналда бир неча майда гидроэлектростанциялар қуриш мўлжалланади. И. Г. Александров канал трассаси бўйлаб қурилган бир неча шаршараларнинг (ҳаммаси бўлиб 6 та) гидравлик энергиясидан фойдаланишни планлаштирган эди. Инженер-энергетикларнинг эътироф қилишича, бу идея умуман, Ўрта Осиё ирригация иншоотлари қурилишида жуда муҳим новаторлик эди<sup>151</sup>. Атоқли инженер тажрибада биринчи марта ирригация проблемаларини дарёларнинг сув энергиясидан фойдаланиш билан бирга қўшиб ҳал қилганди. Унгача Ўрта Осиё тоғ дарёларининг энергетик ресурслари ҳақида ҳеч ким жиддий ўйламаган эди. Қурилажак электростанциялар кучидан фойдаланиш мақсадида 1914—1915 йиллардаги қидирув вақтида Фаргона областидаги саноат корхоналари ҳақида ҳам анкета тафсилотлари тўплаб борилди<sup>152</sup>.

Канал шаршараларида И. Г. Александров 50 мингдан 75 минггача от кучи қувватига эга бўлган олтига гидроэлектр установка қуришни лойиҳалаштиради. Уларнинг ҳаммаси 1 миллиард киловатт-соатдан ортиқроқ энергия бериши мумкин эди. Автор ўз лойиҳасида шундай деб ёзади: «Бу установкалардан олинadиган энергия анча арзон тушади, чунки кўпинча установкаалар нархининг асосий қисмини ташкил қиладиган гидротехник иншоотлар бу ерда асосан суғорув системалари ҳисобидан қурилади»<sup>153</sup>.

<sup>150</sup> «Средаэгипроводхлопок» институти архиви, инв. 1096, 245-бет.

<sup>151</sup> И. Б. Файнбоим. Иван Гаврилович Александров, М., 1955, стр. 24.

<sup>152</sup> И. Г. Александров. Изыскания водохранилища в верховьях Сыр-дарьи. «Ежегодник ОЗУ за 1914», ч. 2, 1915, стр. 183.

<sup>153</sup> И. Г. Александров. Кўрсатилган асар, стр. 206.

Автор фикрича, электроэнергиядан маҳаллий саноатда, ёзда — суғориш даврида эса, бир қисмидан сувни механик равишда кўтариш учун фойдаланиш мумкин.

Сирдарё бассейнида қидирув ишлари олиб бориш учун тузилган ҳукумат партияси ўз фаолиятини, асосан, 1917 йили тўхтатди. Унинг тугалланган энг муҳим ва аҳамиятли натижаси проф. И. Г. Александровнинг ушбу лойиҳаси эди.

И. Г. Александров лойиҳаси революциядан илгари тузилган барча лойиҳалардан шу билан фарқ қиладики, унинг асосида бутун Фарғона водийсининг суғорув тармоқларини комплекс равишда қайта қуриш идеяси ётар эди. Совет ҳокимияти йиллари Фарғона ирригацияси проблемаси худди ўша тарзда ҳал қилинди. Шунинг учун ҳам Октябрь революциясидан кейинги дастлабки йиллардаёқ, гарчи И. Г. Александров Москвада бошқа проблема устида ишлаётган бўлса ҳам, Фарғона лойиҳаси ва у билан боғлиқ бўлган қидирув материаллари нашр қилинади ва мутахассислар томонидан ўрганилади. Инженерлик нуқтаи назаридан қараганда, Катта Фарғона канали проблемасини ҳал қилишда, совет мутахассислари таъкидлашганидек, И. Г. Александров лойиҳаси, албатта, камчиликдан ҳоли эмас эди. Унда ер ости сувлари мутлақо ҳисобга олинмаган, магистрал канал трассаси суғориладиган ерлардан ҳаддан ташқари узоқ, барча навбатдаги ишлар битмагунча кўпроқ ерни ўзлаштириш имконияти йўқлиги, қурилиш муддати ва бошқалар ушбу оригинал лойиҳанинг камчиликлари эди<sup>154</sup>.

\* \* \*

Шундай қилиб, XX аср бошларидан Туркистонда пахта етиштиришни кўпайтириш билан гуркираб ривожланаётган Россия тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёси учун четга бўлган қарамликдан озод қилишга қаратилган ҳаракатлар ўлкада, айниқса, пахтачилик учун жуда муҳим район — Фарғонада янги ерлар суғориш ишларини анчагина жиддий масала қилиб қўйган эди. Натижада Фарғона водийсидаги яхлит бўз ерларга сув чиқариш учун турли хил қидирув ишлари, ҳар томонлама текширишлар анча жонланди, маҳаллий ва марказдан келган инженер-ирригаторлар, турли хил мутахассисларнинг активлиги ошди. Қидирув ишлари натижасида ўлканинг табиий ресурслари, тупроғи, иқлим шароити, дарёлари, қишлоқ хўжалиги, ирригация системалари, сув тақсимоти ва сувдан фойдаланиш масалалари, ишлаб чиқаришнинг барча табиий воситалари — умуман суғориш проблемаларини ҳал қилиш учун зарур ва шарт бўлган жуда кўп ва турли хил илмий маълумотлар тўпландики, улар бизнинг давримизда ҳам бебаҳо аҳамиятга эга бўлди. Бу тузилган лойиҳалар натижасида Фарғона водийси ҳар томонлама илмий равишда ўрганилди.

<sup>154</sup> «Средаэгипроводхлопок» институти архиви, инв. 10896, 210-бет.

Аmmo чоризмнинг мустамлака спёсати, рус буржуазияси билан чор ҳокимияти ўртасидаги маълум зиддият, янги ерларни ўзлаштириш проблемасига ўлка ва унинг халқини фақат эксплуатация қилиш мақсадида қараш, қолаверса, ншдаги тўмтоқлик, чор маъмуриятига хос бўлган масъулиятсизлик, расмиятчилик, сансалорлик ва бошқа омиллар илгор рус олим ва инженерларининг фидо-корона меҳнатлари самарасидан фойдаланишга имкон бермади.

И. Г. Александров ёзган эдики, фақат революциядан кейинги янги Россиягина қолоқ ва камбағал чор Туркистонини поёнсиз халқ бойликлари ўлкасига айлантириши мумкин<sup>165</sup>.

Улуғ рус олимнинг бу айтганлари Совет ҳокимияти йиллари рўёбга чиқди.

---

<sup>165</sup> И. Б. Файнбоим. Иван Гаврилович Александров, М., 1955, стр. 29.



## ХУЛОСА

Археология фанининг шу давргача олиб борган текширишлари, турли манба ва адабиётларда берилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Фарғона водийсида ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа қишлоқ хўжалик воқалари каби энг қадим замонлардаёқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик вужудга келган. У тарихнинг турли босқичларида мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий шароитларига, ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражасига мосланган ҳолда ривожланиб келди ва ирригация техникаси ҳам тақомиллашиб борди.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларидан Фарғонада асрлар давомида тўпланган тажриба натижасида суғорма деҳқончилиги анча ривожланди, йирик каналлар чиқарилди. Шу даврга келиб Фарғона водийсининг ягона ҳокимиятга бирлашиши бунга қулай шароит яратди. Натижада XIX асрдан бошлаб Фарғона хўжалик тараққиётида суғорма деҳқончилик сезиларли даражада ўсди. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ва қишлоқ хўжалигининг кенгайиб боришига Россия билан тобора ўсиб бораётган савдо муносабатлари ҳам кўп жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатди.

Ниҳоят, кўчманчи халқлар ҳаётида ўтроқлашиш процессининг тезлашиши натижасида ер-сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ҳам суғорма деҳқончилигининг кенгроқ ёйилишини таъминлади. Эндиликда майда тоғ дарёлари ва сойларидан ариқ қавлаб ташкил қилинган кичик-кичик деҳқончилик районлари талабни қондирмай қолди, йирик дарёлар — Норин ва Қорадарёдан бевосита магистрал каналлар чиқариш бошланди.

Андижонсой ва Шаҳрихонсой каби йирик суғорув системаларининг пайдо бўлиши билан Ўзбекистонда энг йирик ирригация иншоотларидан бўлган Кампирравот тўғонининг яратилишига асос солинди. Фарғона водийси ёппасига суғориб деҳқончилик қилинадиган районга айланди, унинг марказий қисми суғориладиган экин майдонлари, ишлаб турган ирригация тармоқлари билан ўраб олинди.

Аммо Андижонсой ва Шаҳрихонсойлардан сугорилиб ўзлаштирилган ерлар кўчманчиларнинг ўтроқлашиши ва феодал ер мулкчилигининг кенг қўлоқ ёйиши оқибатида ер-сўвга тобора ортиб бораётган талабни бари бир қондиролмади. Уруғ феодаллари ўрта-таста сўв манбалари, деҳқончилик ерлари учун қаттиқ кураш бошланди. Хонликда феодал эксплуатацияси, меҳнаткаш халқ устидан иқтисодий ҳамда сиёсий зулм ниҳоятда кучайди. Йирик сўв-сугорув системаларидан «Мусулмонқул», Улуғнор каналлари ана шундай шароитда яратилган эди.

Кўплаб майда сўвориш тармоқлари ишга тушиши билан Андижон атрофларида, Шаҳрихоннинг ғарби-шимолий районларида, Қорадарёнинг ўнг соҳилларида янги-янги сўворма деҳқончилик районлари, феодал ер-мулклари пайдо бўлди. Биргина Шаҳрихонсой водийсида 40 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилди, XIX аср 60-йилларига келиб бу рақам 60 минг гектарга етди.

Феодал ер-сўв мулкчи учун бўлган бу курашлар, уруғлар ўрта-сидаги ур-йиқитлар ва сиёсий тўполонлар Фарғона водийсининг, айниқса, сўворма деҳқончилик учун янгидан ўзлаштирилган районларида ер-сўв муносабатларини жуда ҳам чалкаштириб юборди. Фарғона водийси Россияга қўшиб олинган даврда улар шунчалик чигал ва мураккаблашиб кетган эдики, рус маъмурияти бу билан боғлиқ бўлган ирригация-сўвориш масалаларини тартибга солмоқ учун деярли 15 йил вақт сарфлади.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши халқлар ҳаётида катта бурилиш ясади. Унинг территорияси, хўжалиги ва экономикаси капитализм йўлидан бораётган Россияникига яқинлашиши прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиё халқлари тақдири XX асрдан жаҳон ишчилар синфининг илғор отрядига айланиб қолган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясида етакчи роль ўйнаган рус пролетариати тақдири билан абадий бирлашди. Бу тарихий акт «бўлажак жаҳон социалистик хўжалиги учун моддий замин тайёрлади»<sup>1</sup>.

Ирригация-сўвориш ишларини ташкил қилиш марказий ҳокимиятнинг бевосита вазифаси эканига ҳам дастлаб эътибор берилмади. Бу қолга сунъий сўвориш ишларининг ички ташкилий томонлари янги маъмуриятга нотаниш экани ҳам қисман сабаб бўлди. Туркистонда рус инженер-ирригаторининг ҳар бир қадами тажрибада ҳал қилмоқ учун янги-янги вазифаларни қўяётган эди.

Иккинчи томондан, чоризм Туркистон қишлоқ хўжалигининг ривожланишидан шубҳасиз манфаатдор эди. Зотан, Россиянинг тобора ривожланаётган капиталистик саноатини қимматли хом ашё — пахта билан таъминлаш вазифаси ўлка ирригациясини бевосита бошқаришни қўлга олиш, хонликдан бу соҳада мерос қолган кўпгина чала ишларни битказиш, ва, умуман, ирригациянинг бундан буёнги равангага ёрдам беришни тақозо қилар эди. Ўлка

<sup>1</sup> РКП(б)нинг XII съезди резолюцияси, КПСС съездлар, конференциялар ва пленумларининг резолюция ва қарорларида, I қисм. Тошкент, 1954, 799-бет.

қишлоқ хўжалигида Фарғонанинг эгаллаган салмоқли ўрни рус маъмурлари томонидан ҳам алоҳида қайд қилинаётган эди.

Рус маъмуриятининг Фарғона ирригацияси соҳасидаги дастлабки йирик тадбирларидан бири шу бўлдики, водийда энг муҳим сув узели бўлган Кампирравот тўғонида биринчи марта дарёни жиловлаб олиш ва магистрал каналларни муҳофаза қилиш учун йирик чоралар кўрилди. Бу — хонлик даврида қилинмаган ишлардан эди. Аммо мутахассис инженер кадрларнинг етишмаслиги, тажрибанинг йўқлиги Туркистон ҳокимиятининг ирригация соҳасидаги ҳар бир қадамида билиниб турди. Бу парса қилинган ишларга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатиб турди.

XX аср бошидан рус тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёсига бўлган талаби ортиб бориши билан Шарқий Фарғона бўз ерларини суғориб пахта экиш учун Москва капиталистик саноатчиларининг махсус суғориш жамияти (Московская Оросительная Компания) кенг кўламда илмий-қидирув ишлари олиб бориб, турли лойиҳалар тайёрлади. 1913 йилдан бошлаб эса, чор ҳукумати ўз давлат хазинаси ҳисобидан суғориш ишларини бошлаш учун махсус Фарғона область ирригация-қидирув партияси ташкил қилди.

Натижада, Фарғона ерларини суғориш ва мавжуд ирригация системаларини такомиллаштиришга доир илмий лойиҳалар тузилди. Булар ичида, айниқса, К. Н. Сияевский ва И. Г. Александров лойиҳалари диққатга сазовор эди. Норин сувини Қорадарёга ташлаб, ундан Марказий Фарғона ерларини суғоришда фойдаланиш ҳақидаги план биринчи марта К. Н. Сияевский томонидан тақлиф қилинган эди. Унинг лойиҳаси рус маъмуриятининг юқори идораларида «Бош Фарғона канали лойиҳаси» деб аталди. Проф. И. Г. Александров лойиҳаси эса, бўз ерларни суғоришдан ташқари, бутун водий ирригациясини қайта қуриш каби комплекс масалани ҳал қилишга қаратилган эди.

Шуни айтиш керакки, XX аср бошларидан 1917 йилгача олиб борилган қидирув ишлари натижасида тузилган кўп лойиҳалар чоризмнинг мустамлака шаронтида амалга ошмай қолиб кетди. Жуда кўп майдондаги янги ерларни суғориб ўзлаштириш ва эски суғорув системаларини комплекс равишда қайта қуриш иши, албатта, чор ҳукуматининг қўлидан келмас эди, бу катта вазифани, ҳатто, буржуа-демократик революция ҳам ҳал қилолмасди. В. И. Ленин: «Туркистонда ҳам, Россиянинг бошқа кўп жойларида ҳам ана шу кўп миллион десятинадан иборат ерлар фақат суғоришни ва ҳар хил мелiorация ишларинингина «кутиб ётгани» йўқ, бу ерлар рус деҳқон аҳолисининг крепостной ҳуқуқ сарқитларидан, дворянларнинг латифундиялари зулмидан, давлатдаги қоразуруҳчилар диктатурасидан озод бўлишни ҳам «кутиб ётипти»<sup>2</sup>, деб ёзган эди. Халқларнинг иқтисодий ҳаётидаги бу муҳим масала фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг, Совет ҳокимияти йилларида ҳал қилинди.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 13-том, 274-бет.

Лекин революциядан илгари Туркистонда суний суғориш ишларини ривожлантиришда ва мавжуд ирригация ишхоотларини илмий асосда қайта қуриш учун бўлган ҳаракатда илғор рус фанининг вакиллари, инженер-техник арбоблари, ирригаторлар гоёт муҳим роль ўйнади. Гарчи улар давр талабига биноан ҳукмрон синф ва чоризм ҳукуматининг топшириқларини бажарган бўлсалар ҳам, аммо бу илғор рус мутахассислари ўзларининг прогрессив гоёлари, чуқур ватанпарварлик ҳиссиётлари, маҳаллий халқларга нисбатан рус халқи дўстона муносабатининг тимсоли сифатидаги муҳаббати билан чор самодержавияси талабларидан анча узоққа кетдилар. Атоқли гидротехник И. Г. Александров, ажойиб инженерлар К. Н. Спнявский, Н. Н. Епанчин, К. Жилин, Н. Петров, инженер-экономист С. А. Коген бошлиқ бир группа рус мутахассислари ва бошқаларнинг Фарғона водийси ирригациясининг келажак истиқболи ҳақидаги фикрлари, лойиҳалари ва планлари чоризм мустамлака сиёсати доирасидан ташқарида турган вазибаларни ҳам ҳал қилишга қаратилган эди.

XX аср бошларидан Фарғонада янги ерларни ўзлаштириш учун бошланган қидирув-текшириш ишларининг активлашиши натижасида водийни илмий асосда ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва суғориш лойиҳаларни тузишда, проф Б. Х. Шлегель одилона ёзганидек, том маъноси билан «буюк ишлар қилинди»<sup>3</sup>. Шу муносабат билан ўлкага илғор рус инженерлик тажрибаси кириб келди. Деҳқончилик учун асрлар давомида энг қулай район ҳисобланган Фарғона водийси статистик-иқтисодий аҳволи, ер-сувдан фойдаланиш масалаларни, сув тақсими, гидрометрия, тупроқ-ботаник хусусиятлари, геология, гидрогеология, гидротехника, топография масалаларни жиҳатидан тарихда биринчи марта комплекс равишда илмий текширилди.

Рус инженерларининг тузган план ва лойиҳалари, гарчи амалга ошмай қолиб кетган бўлса ҳам, лекин бунинг учун улар айбдор эмас эдилар. Бунга чоризм мустамлака сиёсати, В. И. Ленин айтганидек, крепостной ҳуқуқ сарқитлари, «дворянларнинг латифундия зулмлари» айбдор эди. Революциядан илгари суғориш проблемаси устида кўп ишлаган йирик рус мутахассисларидан проф. Г. К. Ризенкамлф (Губенко) ёзган эди:

«Туркистонни суғоришнинг халқ хўжалик аҳамиятини давлат олий раҳбарлари тушунмагани сабабли, бизга суғориш проблемасини кенг масштабда ҳал қилиш нақадар зарурлигини тушунтириш учун жуда кўп куч сарфлашга тўғри келди... Вақтли ҳукумат ишни бутунлай тўхтатиб қўйди. Фақат Октябрь революциясидаи сўнггина Туркистонни суғоришга жонли қизиқиш пайдо бўлганини кўрдик»<sup>4</sup>.

Соф виждонли, холис ниятли ватанпарвар рус олимлари ва турли хил мутахассислар фаолияти натижасида Фарғона водийси-

<sup>3</sup> Б. Х. Шлегель. Материалы для курсы эксплуатации ирригационных систем. Ташкент, 1925, стр. 4.

<sup>4</sup> Г. К. Ризенкамлф. Проблема орошения Туркестана, М., 1921, стр. 6.

нинг иқлими, табиати, дарёлари, суғориладиган ерлари, геологияси, ўсимлик дунёси ва ҳ. к. лар ҳақида «шунчалик қимматли материаллар тўпландики, Европа Россиясининг биронта губеряси бундай материалга эга эмасдир»<sup>5</sup>.

Октябрь революциясида илгари ишлаган рус инженерлари Фарғона водийси ирригациясига жуда кўп янгиликлар жорий қилдилар. Сув ҳўжалиги тажрибасига шу давргача маълум бўлмаган техникавий нивелировка, сув ўлчаш асбоблари ва постлари, турли схема ва карталар тузиш, маҳаллий ишшоотларни илмий ўрганиш, суғориш учун техникавий лойиҳалар тузиш, сув тақсимловчи инженер усулдаги тўғонлар, турли хил инженерлик ишлари, масалаги илмий ёндашиш каби янги иш-одатлар кириб келди. Буларнинг барчаси маҳаллий халққа унғача маълум бўлмаган янгиликларнинг куртаги, келажак истиқболга эга бўлган прогрессив бошланш эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида бутун Россия ва унинг мустанлака халқлари асрий қолақликдан ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиётига тўсқинлик қилиб келаётган реакцион социал ва иқтисодий системадан озод қилинди. Собақ Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида ер-сувлар чор маъмурлари, маҳаллий феодал бойлар ва бошқа эксплуататорлардан тортиб олинди ва умумхалқ мулкига айлангиряди. Коммунистик партиянинг йўл кўрсатувчи ва ташкилий раҳбарлик фаолияти, совет давлатининг доимий ёрдами меҳнаткаш деҳқонни қашшоқликдан қутқазди ва унга асрлар давомида ўзи ортирган амалий тажрибалардан самарали ва унумли фойдаланиш имконини берди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ Туркистон ўлкасида ирригация қурилиши ишларини ривожлантиришга киришилди.

1918 йил май ойида В. И. Ленин имзоси билан ёш совет ҳокимияти «Туркистонда суғориш ишлари ва уларни ташкил қилишга 50 миллион сўм ажратиш тўғрисида» декрет чиқарди. Ушбу декретда, жумладан, Фарғона водийсида дастлабки 10 минг десятина ер суғориш ва 20 минг десятина ернинг суғориш ҳолатини яхшилаш кўзда тутилган эди<sup>6</sup>. Декретга биноан, июнь ойида умуман Туркистон бўйича ирригация ишларининг Махсус Бошқармаси ташкил этилди. Ирригация қурилишини турли материаллар, инвентарь, машиналар, озиқ-овқат, кийим-кечак, ем-хашак ва бошқа зарур бўлган асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва жиҳозлаш кўзда тутилади. Техника ва экономиканинг турли соҳасида ишловчи эксперт ва мутахассислар кенг жалб қилинади.

Суғоришни ривожлантириш каби энг муҳим масала тўғрисида В. И. Ленин кўрсатмалари бутун Туркистон ҳамда Фарғона водийсининг кенг оммаси орасида ғоят қизгинлик билан кутнб олинди. Янги тарихий шаронгда бу шонли вазифаларни амалга

<sup>5</sup> Б. Х. Шлегель. Кўрсатилган асар, 5-бет.

<sup>6</sup> В. И. Ленин. Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳақида, Тошкент, 1960, 434-бет.

ошириш учун фавқуллода тадбир-чоралар қўрилди. Фарғона об-ластада ташкил қилинган сув хўжалиги бўлими ва ирригация советининг қарорига биноан, 1918 йилги қишлоқ хўжалиги сметасига ажратилган маблағдан 50 минг сўм йирик иншоотлар — Шаҳрихонсой, Андижонсой системаларини тартибга солишга сарф-лаш учун ажратилди<sup>7</sup>. 1918 йил 21 дан 28 июлгача барча иррига-ция системаларини тозалаш ва ремонт қилиш ҳафталиги эълон қи-линди<sup>8</sup>. Учқўрғон чўлида 10000 десятина янги ер ўзлаштириш учун тузилган солиқ лойиҳалар асосида текшириш ишлари ўтқа-зиш планлаштирилди. Ишлаб турган системаларнинг суғорув ҳо-латларини яхшилаш учун ҳам қатор тадбирлар белгиланди. Фар-ғона шаҳрида ирригатор кадрлар тайёрлайдиган 3 ойлик қисқа курс ташкил қилинди<sup>9</sup>. Область революцион комитетининг илтимо-си билан Туркистон Реввоенсовети энг муҳим иншоот — Кампир-равот сув узелини босмачилар ҳужумидан қўриқлаш ва уни тар-тибга сақлаш учун 200 та қизил аскар сафарбар қилди<sup>10</sup>. Бун-дан ташқари, барча ирригация тармоқлари ва экин ерларини назорат қилиш мақсадида махсус халқ қўшинлари ҳам ташкил қилинди<sup>11</sup>.

Тарихий В. И. Ленин декретидан сўнг Халқ Комиссарлар Сове-тининг 1920 йил 2 ноябрдаги янги, жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган махсус қарори чиқарилади. Бунда пахтачилик ва иррига-цияни ривожлантириш соҳасида белгиланган тадбирлар ҳақида алоҳида ўқдирилган эди.

Шундай қилиб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ ўлка ирригация ишлари давлат ғамхўрлиги билан ўралади. В. И. Ленин бошлиқ ёш Совет давлатининг қарорлари ва декрет-лари хонлик ва чоризм вақтида ўтказиб келинган маҳаллий, умумий мақсадга боғлиқ бўлмаган тадбирларга қарама-қарши ўла-роқ, ирригация ишларини халқ оmmasининг ташаббуси билан, кенг кўламда ва планли равишда ривожлантиришга қаратилган эди. Ирригациян қурилишларда ишлаётган ишчиларга ғамхўрлик, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш масалалари ҳам муҳим ўрин эгаллади. Бу — хонлик ва чоризм даврида сурбетларча эксплуата-ция қилинган маҳаллий деҳқонлар учун тамомил янгилик эди. Шунинг учун совет ҳокимиятининг В. И. Ленин ва Коммунистик партиянинг ўлка ирригациясига бўлган бундай муносабати халқ оmmasида зўр ташаббускорлик иштиёқларини уйғотиб юборди.

Ўзбекистонда ирригация хўжалигини тиклаш ва ривожланти-риш бўйича махсус беш йиллик планга кўра, 1923—1927 йиллари Фарғона водийсининг барча суғорув тармоқлари тикланди ва сув тақсимоти масалалари тартибга солинди.

<sup>7</sup> Андижон область Давлат архиви, ф. 8, оп. 1, д. 18, л. 6.

<sup>8</sup> Ўша жойда, ф. 76, оп. 1, д. 19, л. 162.

<sup>9</sup> ЦГА УзССР, ф. И-215, оп. 1, д. 57, л. 67—69.

<sup>10</sup> Ўша ерда, л. 4, л. 213.

<sup>11</sup> Ўша жойда, оп. 2, д. 718, л. 27.

30-йиллардан бошлаб эса водийнинг ирригация хўжалигини комплекс равишда қайта қуриш масаласини ҳал қилишга киришилди. Мустамлака даврида ишлаган илғор рус инженерларининг Фарғона маҳаллий ирригациясини инженерлик усулида қайта қуриш, янги ер массивларини ўзлаштириш ҳақидаги олийжаноб идеялари, план-лойиҳалари асосан мана шу йиллар амалга оширилди. Бу комплекс проблема бирин-кетин ҳал қилиниши лозим бўлган иккита муҳим масалани ўз ичига олар эди.

Биринчи навбатда инженер Н. Н. Епанчин ва проф. И. Г. Александровларнинг қидирув-лойиҳалаш фаолиятларида асосий ўринларда турган масала, яъни Фарғона водийсининг жануби-шарқий районларидаги кам сувли системаларнинг суғориш ҳолатини яхшилаш масаласи ҳал қилинди. Бунинг учун Лоған ва Жанубий Фарғона каналлари қазқиб, Исфайрам—Шоҳимардонсой ирригация системалари қайта қурилди ва буларга тобе районларни етарли сув билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Иккинчи масала — Норин ва Қорадарёдан магистрал каналлар чиқариб янги ер массивларини ўзлаштириш эди. Революциядан илгариги рус мутахассисларидан, биринчи навбатда, К. Н. Сиявский, И. Г. Александров, шунингдек, Н. Петров ва Н. Епанчинларнинг бу соҳада жуда кўп шуғулланганликларини ва уларнинг инженерлик лойиҳаларини биз юқорида кўриб ўтган эдик. Катта Фарғона канали проблемаси ўша инженерларнинг қидирув-текшириш материаллари назарга олингани ҳолда, кўп вақт сарфланмасдан муваффақиятли бажарилди. Илгари, йиллар талаб қилинадиган лойиҳалаш ишларини бир неча ой ичида тугаллашга мувофиқ бўлинди<sup>12</sup>. Бу ерда, айниқса, К. Н. Сиявскийнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Магистрал канал ўтказиб Учқўрғон чўли ва Марказий Фарғона ерларини суғориш идеясини инженер К. Н. Сиявский 1909 йилдаёқ таклиф қилган эди. Барча қидирув-лойиҳалаш ишлари ўша идея нуқтаи назаридан олийб борилган эди. Бироқ чоризм мустамлакаси даврида бу ажойиб план амалга ошмай қолиб кетди. «Ирригация ветерани»<sup>13</sup>



Клавдий Николаевич Сиявский.

<sup>12</sup> Д. Гернер. Большой Ферганский канал, Ташкент, 1940, стр. 40.

<sup>13</sup> И. Терентьев. Подвиг народа, М., 1940, стр. 71.

К. Н. Сивяевский қартайиб қолғанига қарамай, Катта Фарғона канал қурилишидаги умумхалқ ҳаракатида жуда фаол иштирок қилди, у қурилиш участкасининг бошлиғи бўлиб ишлади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты қилиб сайланган К. Н. Сивяевский канал қурилишида актив иштирок қилгани учун Ленин ордени билан мукофотланди. Мухбирлар билан суҳбатда «Бутун умрим бўйи Катта Фарғона канали қурилишини орзу қилган эдим»,— деган эди у. К. Н. Сивяевскийнинг хизмати ўша вақтда чет эл матбуотларида ҳам тилга олинган эди<sup>14</sup>.

Катта Фарғона канали қурилиши шу давргача ирригация тарихида ҳали мисли кўрилмаган тезкорлик билан қурилган халқ қурилиши эди. Узунлиги жиҳатидан Англиянинг энг катта дарёси — Севернга тўғри келадиган, фақатгина ер ишларининг ҳажми 18 миллион кубометрга тенг бўлган шундай буюк каналнинг 45 кунда битказилиши озод меҳнат зафар тантанасининг яққол тимсоли эди. Фарғона деҳқонининг асрлар бўйи қилган орзуси социализм мамлакатида илгор фан ютуқларига асосланиб қилинган планли ишлар натижасидагина тўла амалга оширилди. Урта Осиё хўжалигининг дурдонаси бўлган Фарғона водийсидан сўнг, асрлардан буён сув кўрмаган Мирзачўл, Қарши чўлига ҳужум бошланди. Бу ерларнинг бағрини оби ҳаёт элтувчи магистрал каналлар, ариқлар ёриб ўтди, неча юз минг гектарлаб бўз ерлар ўзлаштирилиб, экинзорларга айлантирилди. Улуғ В. И. Лениннинг олдиндан башорат қилиб айтган сўзлари амалга ошди, Ўзбекистон, Фарғона водийси гуллаб-яшнади.

Партиямизнинг тарихий XXV съезди мамлакат қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун янги программани белгилаб берди.

«Унингчи беш йиллик қишлоқ хўжалигини юксалтириш программасини юзага чиқариш соҳасида қатъият билан куч-ғайрат сарфланадиган беш йиллик бўлади»<sup>15</sup>. Съезд қарорларини амалга ошириш учун республикамиз миқёсида янги-янги ирригация — сув ишоотлари барпо қилиниши кўзда тутилади. Бепоеён даштларга ҳужум давом этиб, 462 минг гектар янги ер ўзлаштириш, 500 минг гектар ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш каби бошқа қатор тadbирлар планлаштирилиб, буларнинг барчасига 5 миллиард 700 миллион сўм сарфлаш мўлжалланади<sup>16</sup>.

---

<sup>14</sup> С. Джалилов. Крупный инженер-ирригатор Ферганской долины, «Общ. науки в Узбекистане», 1962, № 9, стр. 59 (материаллар унинг шахсий архивидан олинган).

<sup>15</sup> А. Н. Косыгин. 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини риволантиришнинг асосий йўналишлари, КПССнинг XXV съездида қилинган доклад, Тошкент, 1976, 17-бет.

<sup>16</sup> Ш. Р. Рашидов. Ўзбекистон Компартияси XIX съездида ҳисобот доклади, «Совет Ўзбекистони», 1976 йил 6 февраль.



## АДАБИЁТ

### Марксизм-ленинизм классиклари

- Маркс К. Гота программасини танқид, К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, Тошкент, Ўздавнашр, 1959, 5—44-бетлар.
- Маркс К. Капитал, I том, Тошкент, Ўздавнашр, 1955, XIV боб. Абсолют ва нисбий қиммат, 560—571-бетлар.
- Маркс К. Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги, К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, I том, Тошкент, 1959, 341—348-бетлар.
- Маркс К. Ҳиндистондаги Британия ҳукмронлигининг келажакдаги натижалари, К. Маркс, Ф. Энгельс, Танланган асарлар, I том, Тошкент, 1959, 349—356-бетлар.
- Маркс К. Формы, предшествующие капиталистическому способу производства, М., Госполитиздат, 1940.
- Маркс К., Энгельс Ф. Коммунистическая партия манифести, Тошкент, Ўздавнашр, 1956.
- Маркс К., Энгельс Ф. Избранные письма, М., Госполитиздат, 1948.
- Энгельс Ф. Анти-Дюринг, М., Госполитиздат, 1948, стр. 148—172.
- Маркс К., Энгельс Ф. Сочинения, т. XI, ч. I, 1933, стр. 363—367.
- Ленин В. И. Империализм капитализмининг юқори босқичи, Асарлар, 22-том, 205—336-бетлар.
- Ленин В. И. Давлат тўғрисида, Асарлар, 29-том, 396—418-бетлар.
- Ленин В. И. Ишчилар синфи ва миллий масала, Асарлар, 19-том, 77—79-бетлар.
- Ленин В. И. Бошқа ерга кўчириш масаласи, Асарлар, 18-том, 85—97-бетлар.
- Ленин В. И. Кўчириш ишнинг маъноси, Асарлар, 19-том, 49—55-бетлар.
- Ленин В. И. Миллатларнинг уз-ўзини белгилаш ҳуқуқи тўғрисида, Асарлар, 20-том, 421—489-бетлар.
- Ленин В. И. Россияда капитализм тараққиёти, Асарлар, 3-том.
- Ленин В. И. Осийнинг уйғониши, Асарлар, 19-том, 70—71-бетлар.
- Ленин В. И. 1905—1907-йиллардаги биринчи рус революциясида социал-демократиянинг аграр программаси, Асарлар, 13-том, 233—473-бетлар.
- Ленин В. И. Урта Осий ва Қозоғистон тўғрисида, Тошкент, Ўздавнашр, 1960.

### КПСС съездлари материаллари ҳамда таниқли давлат ва жамоат арбобларининг нутқлари

- КПСС XXII съездининг материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1962.
- КПСС XXIII съездининг материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1966.
- КПСС XXIV съездининг материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1971.
- ЎзКП XIX съезди материаллари, «Совет Ўзбекистони», 1976 йил, 6 февраль.
- Брежнев Л. И. Қишлоқ ҳужалигини янада ривожлантиришнинг энг зарур чоралари тўғрисида. КПСС март (1965) Пленумида қилинган доклад. «Правда», 1965 йил 27 март.

- Брежнев Л. И. Ленин йўлидан. Нутқ ва мақолалар. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1970.
- Брежнев Л. И. КПСС аграр сўёсати масалалари ва Қозоғистон қўрғқ ерларини ўзлаштириш. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974.
- Брежнев Л. И. КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сўёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларни (1976 йил 24 февралда КПСС XXV съездида қилган доклады), Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976.

### Архив материаллари

СССР Марказий Давлат Тарих архиви, Ленинград (ЦГИАЛ СССР)

- ф. 391 — Переселенческое управление.
- ф. 426 — Отдел земельных улучшений.
- ф. 428 — Управление гидромодульной части.
- ф. 432 — Изыскательные партии по составлению проектов орошения в Туркестане.
- ф. 937 — Личный архив инженера Н. Н. Епанчина.

Ўзбекистон Марказий Давлат архиви (ЦГА ЎзССР, I отдел истории)

- ф. 1 — Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора.
- ф. 7 — Управление земледелия и государственных имуществ в Туркестанском крае.
- ф. 19 — Ферганское областное управление.
- ф. 25 — Управление начальника Андижанского уезда.
- ф. 276 — Канцелярия военного губернатора Ферганской области.
- ф. 284 — Управление Ферганского областного организационного присутствия.

### Андижон область Давлат архиви

- ф. 19 — Ревком по охране Кампырватского водного узла.
- ф. 76 — Андижанский уездно-городской ревком.

Ўрта Осиё ирригация ва мелиорация қўрғқлиши бўйича  
Давлат қидирув-лойиҳалаш ва илмий текшириш  
«Средазгипроводхлопок» институтининг архиви

- 4-бўлим, инв. № 226 — Схема орошения по ЮФК.
- № 10515 — Материалы к схематическому орошению Учкурганской степи.
- № 10517 — Проект орошения Учкурганской степи.
- № 10538 — Записки по существующему водопользованию в Учкурганской степи.
- № 10646 — Проект восстановления Балыкчинского канала.
- № 10896 — Рабочая гипотеза развития орошения в Фергане. Пояснительные записки.
- № 10915 — Естественно исторические условия Ферганы и ее ресурсы.
- № 10916 — Существующие хозяйства и ирригация Ферганы.

### Тарихий манбалар

- Абрамов И. Ф. Положение об управлении Туркестанского края (Свод законов), т. 1, Ташкент, 1916.
- Бобир З. М. Бобирнома, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1958.
- Бюджеты 45 хозяйств Ферганской области по обследованию 1915 г. С приложением очерка «Хозяйство сартов Туркестанского уезда Сырдарьинской области», М., 1924.
- Всеподданнейший отчет по Туркестанскому генерал-губернаторству 1889—1895 гг., Спб., 1895.

- Геппенер С. А. Андижанский уезд. Материалы для статистического описания, Нов. Маргилан, 1897.
- Геппенер С. А. Материалы для статистического описания Ферганской области, вып. 1, 2, 3, 4, 5, Нов. Маргилан, 1899.
- Дингельштедт Н. Орошение, в кн.: «Россия. Законы, постановления и т. п.», Спб., 1894.
- Каплун Б. Н. Положение об управлении Туркестанского края. С указаниями, опубликованными по октябрь 1903 г., Ташкент, 1903.
- Кауфман А. А. К вопросу о русской колонизации Туркестанского края. Отчет члена Ученого комитета Министерства земледелия и Государственных имуществ по командировке летом 1903 г., Спб., 1903.
- Кауфман К. П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К. П. фон Кауфмана I по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства 7 ноября 1867—25 марта 1881 гг., Спб., 1885.
- Книзе А. И. Хлопководство и правительственные мероприятия по его улучшению и развитию в Среднеазиатских владениях России, Спб., 1911.
- Кокандский биржевой комитет. Юбилейный отчет за 1906—1916 гг., в кн.: «Коканд», 1917.
- Кокандский биржевой комитет за 1908—1915 гг., в кн.: «Коканд», 1916.
- Кушелевский В. И. Материалы для медцинской географии и санитарного описания Ферганской области, I—III, Нов. Маргилан, 1890—1891.
- Материалы по киргизскому землепользованию южной части Ферганской области (Ошский, Скобелевский и Кокандский уезды), Ташкент, 1913.
- Материалы по киргизскому землепользованию Ферганской области, Андижанский уезд, Ташкент, 1913.
- Мир-Иззатулла. Путешествие в Кокандское ханство в 1812 г. (пер. Ю. А. Соколова), Труды САГУ, 1956, Нов. сер., вып. LXXVIII, ист. науки, кн. II.
- Обзоры Ферганской области за 1884—1913 гг. Нов. Маргилан, 1889—1916 гг.
- Пален К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором-гофмейстером графом К. К. Паленом, вып. 8, Орошение в Туркестане, Спб., 1910.
- Положение об управлении Туркестанским краем 12 июня 1886 г., в кн.: «Полное собрание законов Российской империи», т. VI, Спб., 1888, стр. 318—344.
- Потанин Н. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина в 1830 г., Вестник РГО, кн. 6, ч. 18, Спб., 1856, стр. 255—259.
- Труды образованного по распоряжению Главноуправляющего землеустройством и земледелием междудементального совещания по организации оросительных работ в Туркестане за счет частных средств, Спб., 1912.
- Федченко А. П. Извлечение из сведений о путешествии по Кокандскому ханству в 1871 г., Спб., 1912, стр. 7—16.
- Мулла Мирза Олим Мушриф. Ансобус-салотин ва товарихул-хавоқин, УзССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 1314.
- Мулла Ннёз Муҳаммад. Торихи Шаҳруҳий, УзССР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 1787.
- Фазлий, Мажмуаи шоирон, Уша фонд, инв. № 5735.
- Исхақхон Жунайдулло ўғли, Тарихи Фарғона, Уша фонд, инв. № 11080.
- Мулла Олим Бухарий, Тарихи Туркистон, Уша фонд, инв. № 5751.

#### Илмий адабиётлар

- Азимджанова С. А. Черты социально-экономической жизни Ферганы на рубеже XV—XVI вв., Труды Института востоковедения АН УзССР, вып. III, Ташкент, 1954.
- Азимджанова С. А. К истории Ферганы второй половины XV в., Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957.

- Акулов В. В. Каракалпакская степь (Центральная Фергана, Географическая характеристика), «Известия Узбекского филиала географического общества СССР», т. 1, Ташкент, 1955.
- Александров И. Г. Регулирование стока реки Сырдарья и перспективы орошения в ее бассейне, М., 1923.
- Александров И. Г. Режим рек бассейна Сырдарьи за 1900—1916 гг., М., 1924.
- Александров И. Г. Проект орошения юго-восточной Ферганы (общ. схема), М., 1924.
- Аминов А. М. Экономическое развитие Средней Азии (колоннальный период), Ташкент, 1959.
- Андрианов Б. В. К вопросу о причинах запустения земель древнего орошения на Кулядарье и Жандарье, «Известия Всесоюзного географического общества», вып. 5, Л., 1954.
- Ахунбабаев Ю. Борьба за воду, «Советский хлопок», 1940, № 8, стр. 14—17.
- Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, ч. II, Спб., 1902.
- Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана, Л., 1922.
- Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана, Спб., 1914.
- Бартольд В. В. Хлопководство в Средней Азии с исторических времен до прихода русских, «Хлопковое дело», 1924, № 11—12, стр. 8—13.
- Батраков В. Е. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства, Труды САГУ им. В. И. Ленина, Нов. сер., вып. XII, гуманитарные науки, кн. 8, Ташкент, 1955, стр. 113—139.
- Баранов В. И. Чигирь, водоподъемная машина и как привод, Ташкент, 1931.
- Бернштам А. Н. К истории Фергано-Тяньшанских культурных отношений (из итогов археологических работ 1945 г.), Изд-во Кирг. фил. АН СССР, Фрунзе, 1947, вып. 4—5.
- Бернштам А. Н. Древняя Фергана, Ташкент, 1951.
- Бряннов А. И. На память о Фергане, Нов. Маргилан, 1901.
- Будревич А. И. Сипайные плотины, Ташкент, 1922.
- Букенич Д. Д. История первобытного орошаемого земледелия в Туркестанской области в связи с вопросами о происхождении земледелия и скотоводства, «Хлопковое дело», 1924, № 3—4.
- Быков А. Ф. К переустройству Кампырватского водного узла, «Хлопковое дело», 1925, № 3—4.
- Василевский К. Кое-что по ирригации (применительно главным образом, к Фергане), «Туркестанское сельское хозяйство», 1909, № 8, стр. 629—634.
- Веняминов-Зернов В. В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммада-Али до Худаяр-хана, ВОРАО, ч. II, 1856, стр. 326—370.
- Веняминов-Зернов В. В. Сведения о Кокандском ханстве, Вестник ИРГО, кн. V, ч. 18, Спб., 1856, стр. 117—162.
- Верещагин П. Д. Об объективно-прогрессивном значении переселения крестьян в Среднюю Азию и Казахстан, «Ученые записки Могилевского Госпединститута», вып. II, Минск, 1956.
- Виноградов Г. Н. Проблема регулирования стока рек Средней Азии, в кн.: «Проблема ирригации республик Средней Азии», Ташкент, 1934, стр. 99—114.
- Виноградов В. П. Что нужно для нашего сельского хозяйства, Ирригационный вопрос в России, Спб., 1880.
- Зойков А. И. Климатические условия в связи с орошением и хлопководством в Туркестане, Спб., 1913.
- Зойков А. И. Искусственное орошение и его применение на Кавказе и Средней Азии, М., 1884.
- Зойков А. И. Туркестан, его воды и орошение, «Вестник Европы», 1915, № 3, стр. 259—277.
- Зоронец Н. Д. Археологические исследования Института истории и археологии и музея истории АН УзССР на территории Ферганы в 1950—1951 гг., Труды Музея истории УзССР, вып. II, 1954.
- Гайдукевич В. Ф. К истории древнего земледелия в Средней Азии, ВДИ, 1948, 3.

- Галузо П. Г. Туркестан — колония, Ташкент, 1930.
- Грип А. М. Изменение динамики стока р. Сырдарьи в связи с развитием орошения в Ферганской долине, «Известия АН СССР», Серия географическая, 3, 1959, стр. 89—93.
- Гулямов Я. Г. Из истории орошения в Каракалпакии, «Бюллетень АН УзССР», 1945, № 9—10.
- Гулямов Я. Г. Отчет о работе третьего отряда археологической экспедиции на строительстве БФК, Труды Института истории и археологии АН УзССР, т. IV, Ташкент, 1951.
- Гулямов Я. Г. К изучению древних водных сооружений в Узбекистане, «Известия АН УзССР», вып. 2, 1955, стр. 61—63.
- Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1957.
- Демидов А. И. Экономический очерк хлопководства, хлопкооторговли и хлопковой промышленности Туркестана, М., 1922.
- Дингельштедт В. Водовлаждение и ирригация, Тифлис, 1880.
- Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края, Сырдарьинская область, ч. 1—2, Спб., 1893.
- Доклад начальника земледелия Туркестанскому генерал-губернатору 6 октября 1904 г., «Туркестанское сельское хозяйство», вып. 8, 1907, стр. 639—641.
- Д-ой, Д. М., Пять недель в Коканде, «Русский вестник», т. 91, М., 1871, стр. 244—318.
- Епанчин Н. Изыскания по орошению Ферганской области, Ежегодник ОЗУ за 1913, Спб., 1915, стр. 189—193.
- Епанчин Н. Изыскания по орошению Ферганской области, Ежегодник ОЗУ за 1915, Спб., 1917, стр. 203—212.
- Жуков В. Д. Отчет о работе второго отряда археологической экспедиции на строительстве БФК, Труды Института истории и археологии АН УзССР, т. IV, Ташкент, 1951.
- Заднепровский Ю. А. Археологические памятники южных районов Ошской области КиргССР, Изд-во АН КиргССР, Фрунзе, 1960.
- Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы, Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1962.
- Залькинд М. И. К истории Туркестанского общества сельского хозяйства, Труды САГУ им. В. И. Ленина, вып. 62, кн. 8, Ташкент, 1955, стр. 83—85.
- Заорская-Александровна В. В. Перспективы развития орошения в Фергане, М., 1922.
- Кривошеин А. В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край 1912 г., Спб., 1912.
- Записки о некоторых народах и землях Средней Азии Филиппа Назарова, отдельного сибирского корпуса переводчика, посланного в Коканд, в 1813 г., Спб., 1821.
- «Известия Андижанской сельскохозяйственной опытной станции», Андижан, 1915.
- Карп Б. Б. Опыт обследования натуральной ирригационной повинности в ТуркАССР, Ташкент, 1925.
- К вопросу об оросительных мероприятиях в Туркестанском крае, «Туркестанское сельское хозяйство», 1906, № 4, стр. 9—14.
- Кашкин К. Н. Очерки Туркестанской ирригации и ее возможная будущность, Ташкент, 1906.
- Кашкин К. Н. Очерки ирригации Туркестана, «Туркестанское сельское хозяйство», 1907, № 1—2.
- Оросительные мероприятия А. Кузнецова, «Туркестанское сельское хозяйство», 1914, № 2, стр. 211—212.
- Кун А. Л. Очерки Кокандского ханства, «Известия РГО», т. XII, вып. 17, 1876, стр. 59—70.
- Кун А. Л. Некоторые сведения о Ферганской долине, «Военный сборник», 1876, № 4, стр. 417—448.
- Латыпин Б. А. К вопросу об истории ирригации, М.—Л., 1935.
- Латыпин Б. А. Информационное сообщение о работах Ферганской экспедиции 1930 г., «Сообщение ГАИМК», 1—2, 1931.

- Латынин Б. А. Работы в районе проектируемой электростанции на р. Нарын в Фергане, «Известия ГАИМК», вып. 110, Археологические работы на новостройках, т. II, 1935.
- Латынин Б. А. Вопросы истории ирригации древней Ферганы, КСИИМК, вып. 64, М., 1956.
- Латынин Б. А. Вопросы истории ирригации древней Ферганы, КСИЭ, вып. XXVI, 1957.
- Латынин Б. А. Некоторые вопросы методики изучения истории ирригации Средней Азии, «Советская археология», 1959, № 3.
- Латынин Б. А. Вопросы хронологии сельскохозяйственных культур древней Ферганы. Исследования по археологии СССР, Сб. ЛГУ в честь проф. М. И. Артамонова, Л., 1951, стр. 111—119.
- Латынин Б. А. Некоторые итоги работ Ферганской экспедиции 1934 г., Гос. Эрмитаж, Археологический сборник, Л., 1961.
- Латынин Б. А. Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы, Л., 1962. АДД.
- Логонов Г. Россия в Средней Азии, «Вопросы колонизации», 1903, № 4.
- Макшеев А. М. Показание сибирских казаков Милюшина и Батарышкина, бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 гг. «Вестник ИРГО», кн. IV, 1856, стр. 21—31.
- Мамедов А. Русские ученые и развитие ирригации в Средней Азии, Ташкент, 1966.
- Марков Е. Россия в Средней Азии. Очерки путешествия по Ферганской области, т. I, Спб., 1901.
- Масальский В. И. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предприимчивость, Спб., 1910.
- Масальский В. И. Туркестанский край. Россия. Под ред. П. П. Семенова-Тянь-Шанского, т. XIX, Спб., 1913.
- Матисев А. Положение и нужды орошения в Туркестане, Ежегодник ОЗУ, Спб., 1910, стр. 274—301.
- Материалы II и III среднеазиатских съездов работников водного хозяйства, Ташкент, 1909.
- Мелик-Саркисян Е. Л. Урочище «Бус» Ферганской области, Спб., 1899.
- Миддендорф А. Очерки Ферганской долины, Спб., 1882.
- Михайлов М. Несколько слов о Коканде, «Неделя», Спб., 1866, № 7.
- Мухаммаджонов А. Р. Куйи Зарафшон водийсининг сугоришли тарихи, УзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1972.
- Наливкин В. П. Краткая история Кокандского ханства, Казань, 1886.
- Непомнин В. Я. К истории ирригации в Узбекистане, Ташкент, 1940.
- Новацци С. Материалы к изысканиям в целях устройства водохранилищ в бассейне р. Сыр-Дарья, Петроград, 1915.
- Новгородский М. П. Устройство запруд и плотин, Петроград, 1915.
- Неустроев С. С. Об естественных условиях южной Ферганы, Ташкент, 1915.
- Неустроев С. С. Почвенный очерк Андижанского уезда, Спб., 1912.
- Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии, ЗРГО, кн. III, Спб., 1849, стр. 176—216.
- Оболдуева Т. Г. Отчет о работе первого отряда археологической экспедиции на строительстве БФК, Труды Института истории и археологии АН УзССР, т. IV, 1951.
- Узбекистон ССР тарихи, I, II томлар, УзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1968.
- Петров Н. Об ирригации в Туркестанском крае, Ташкент, 1894.
- Петровский Е. Ф. Очерки Кокандского ханства, «Вестник Европы», кн. 10, Спб., 1875, стр. 722—757.
- Понятовский С. О частной предприимчивости в деле орошения земель в Средней Азии. «Туркестанское сельское хозяйство», 1908, № 7, стр. 472—476.
- Потанин Г. Показание Сибирского казака Максимова о Кокандском владении, «Вестник ИРГО», 1860, № 3, стр. 65—75.
- Протокол чрезвычайного собрания чинов Туркестанского общества сельского хозяйства от 2/VII—1907 (О привлечении частных предпринимателей

к орошению), «Туркестанское сельское хозяйство», 1907, № 8, стр. 642—643.

- Рейнгардт А. Л. Четвертично-геологические исследования в Восточной Фергане в 1929—1930 гг., Труды Всесоюзного геологоразведочного объединения НКТП СССР, вып. 344, М., 1934.
- Ризенкамф Г. К. Проблема орошения Туркестана, М., 1921.
- Ризенкамф Г. К. Данные о свободных земельных запасах в Туркестане для орошения и культивирования хлопчатника с указанием возможных источников орошения, месторасположения головных сооружений, М., 1920.
- Савицкий А. П. Поземельный вопрос в Туркестане, Ташкент, Изд-во ТашГУ, 1963.
- Серебренников А. К истории кокандского похода, ВС, 1897, № 9, 1899, № 4.
- Синяевский К. Н. К вопросу об искусственном орошении свободных земель в Ферганской области, Новый Маргилан, 1910.
- Скварский П. Насушная необходимость упорядочения водопользования, «Туркестанское сельское хозяйство», 1913, № 5, стр. 400—409.
- Скорняков Е. Е. Искусственное орошение в Азиатской России, в кн.: «Азиатская Россия», т. II, 1914, стр. 219—255.
- Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии, т. II, III, Спб., 1906.
- Толстов С. П. По древним руслу Окса и Яксарта, М., 1962.
- Толстова А. С. Ферганские каракалпаки (историко-этнографический очерк), Институт этнографии им. М. Маклая, Л., 1955.
- Т (олпы) го Н. Экономическая задача России в Среднеазиатских владениях, «Русский Вестник», т. IV, 1889, стр. 185—211, т. VII, стр. 91—123.
- Тромбачев С. П. Орошение и осушение, М., 1932.
- Труды съезда хлопкоробов в г. Ташкенте, с 25/XI — по 1/XII—1912. Доклады, ч. I, II, Ташкент, 1913.
- Труды съезда гидротехников Туркестанского края в 1907 г., Ташкент, 1910.
- Труды I и II съездов деятелей по сельскому хозяйству Туркестанского края, (1909—1911), Ташкент, 1912.
- Федченко А. П. Путешествие в Туркестан, М., 1950.
- Ферганская долина, т. I, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1954.
- Халфин Н. А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.), М., 1974.
- Юферев В. И. Хозяйство сартов Ферганской области, Ташкент, 1911.
- Шавров Н. Водное хозяйство Туркестана и Закаспийской области. В связи с проектом водного закона, Спб., 1911.
- Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае, Спб., 1908.
- Шопен И. Об ирригации и о пользе распространения искусственного орошения полей в большом размере в России, Спб., 1845.
- Шульц В. Л. ва Машрапов Ю. Урта Осие гидрографияси, Тошкент, «Уқитувчи» нашриёти, 1969.
- Эрнс М. В. Записка о введении в России искусственного орошения полей в лугов, М., 1872.
- Янов П. Записка о необходимости введения в России ирригации, Спб., 1870.

## МУНДАРИЖА

Кириш

Биринчи боб. Фарғона водийсининг XIX аср ўрталаригача ўтган даврдаги ирригация тарихига қисқача очерк

1. Фарғона водийсининг географик шароити ва гидрографиясига қисқача характеристика
2. Фарғонанинг қадимги суғорма деҳқончилиги ҳақида тарихий маълумотлар
3. XIX асрдан мустамлака давригача Фарғона водийси шарқий районларида ирригация хўжалигининг ривожланиши
4. Канал-ариқлар қазииш, сув тақсимоти ва миробчилик ишлари

Иккинчи боб. Фарғона қўшиб олингандан сўнг чоризмнинг ўлка ирригацияси соҳасидаги дастлабки уринишлари

1. Чоризмнинг аграр сиёсати ва рус маъмуриятининг ирригация-суғориш масаласига бўлган муносабати
2. Фарғона водийси ирригациясининг умумий аҳволи ва рус маъмуриятининг қоралари

Учинчи боб. XIX аср охири ва XX аср бошларида Фарғона водийси шарқий районларини суғориш масаласи

1. Ўлкани илмий жиҳатдан ўрганишга ўтиш ва ирригацияга бўлган муносабатларнинг ўзгариши
2. Улугнор ва Шаҳрихонсой системаларини қайта қуриш масаласи
3. Москва суғориш компанияси ва Шарқий Фарғона ерларини суғориш масаласи
4. Фарғона қидирув-лойнҳалаш партиясининг тузилиши

Хулоса

Адабиёт



*На узбекском языке*

**С. Жалилов**

**ИЗ ИСТОРИИ ОРОШЕНИЯ  
ЗЕМЕЛЬ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

(XIX — начало XX в.)

*Анджон Давлат педагогика институти илмий совети  
томонидан нашрга тасдиқланган*

Мухаррир *Қ. Парпиева*  
Техмухаррир *В. Тархович*  
Корректор *С. Зокирова*

ИБ № 214

Р06372. Теринга берилди 5/V-77 й. Боскига рухсат этилди 22/VI-77 й. Формати 60×90<sup>1/16</sup>.  
Босмахона қозоғи № 1. Қозоғ л. 5,25. Босма л. 10,5. Ҳисоб-нашриёт л. 10,6. Нашриёт В-77.  
Тиражи 1000. Баҳоси 1 с. 70 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент, Горький проспекти, 79.  
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кучаси, 70. Заказ 153.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
ЯҚИНДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ  
БОСМАДАН ЧИҚАРАДИ:**

**О. Жалилов.** XIX—XX бошларидаги қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар, 10 л.

Ушбу китобда қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ёритиб берувчи Хива ҳужжатлари ва улардан келиб чиққан хулосалар баён этилади.

Китоб тарихчи олимлар, олий ўқув юр்தларининг ўқитувчи ва талабаларига мўлжалланган.

**Ҳ. Иноятов.** Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг галабаси. 3,5 л.

Ушбу рисолада Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларида республика меҳнаткашларининг миллий зулм ва мустамлакачиликка қарши олиб борган қаҳрамонона курашлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

**Telegram address:**

**@turkiston\_kutubxonasi**

**Telegram adress:**

**@turkiston\_kutubxonasi**

Баҳоси 1 с. 70 т.

**Telegram adres:**

**@turkiston\_kutubxonasi**